

**ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИДА МАЪМУРИЙ  
ТАРТИБ-ҶОИДАЛАР БҮЙИЧА**

**ҚЎЛЛАНМА**

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2011

УДК: 334.722(575.1)

ББК 67.404

Т 14

Ушбу нашр бепул тарқатиш учун мўлжалланган.

Ушбу китобга ўз ҳиссасини қўшган муаллифлар:

**Ғайрат Хидоятов**

Адлия вазири ўринбосари – Сўзбоши

**Худоёр Мелиев**

Иқтисодий қонунчилик бошқармаси бошлиги – V қисм

**Шокир Саидов**

Тадбиркорлар хукуқларини химоя  
қилиш бошқармаси бошлиги – IV қисм

**Бахтиёр Каюмов**

Қонунчиликни туркumlаш ва хукукий  
ахборот бошқармаси бошлиги ўринбосари – I қисм

**Бобур Усманов**

Идоравий меъёрий-хукуқий хужжатларни давлат  
рўйхатидан ўтказиш бошқармаси бўлим бошлиги – II, III қисмлар

**Миродил Махмудов**

Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш  
бошқармаси бўлим бошлиги – VI қисм

Т 14

Тадбиркорлик соҳасида маъмурий тартиб-қоидалар  
бўйича қўлланма. Ғ. Хидоятов [ва бошқ.]; ЎЗР Адлия вазирилиги, Япония Халқаро Ҳамкорлик агентлиги (JICA). – Т.: «Sharq», 2011. – 400 бет.

I. Хидоятов, Ғ. И. Мелиев, X.

ISBN 978-9943-00-769-7

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилиги ва  
Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (JICA) билан биргалик-  
даги «Хусусий сектор фаолиятини ривожлантириш учун маъму-  
рий тартиб-қоидаларни такомиллаштириш» лойиҳаси доираси-  
да чоп этилган. Мазкур китоб Ўзбекистон Республикаси Адлия  
вазирилиги ёки JICAning расмий позициясини билдирамайди.

УДК: 334.722(575.1)

ББК 67.404

ISBN 978-9943-00-769-7

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилиги  
© Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (JICA)  
© «Sharq» НМАК Бош таҳририяти, 2011 й.

## МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	17
<b>I ҚИСМ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ.....</b>	25
Кириш.....	25
<b>I-бўлим . ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ.....</b>	27
<b>1-боб. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизими.....</b>	28
1-§. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг мақсадлари.....	28
2-§. Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари.....	29
2.1. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг рухсат берувчи тартиби деб ҳисоблаш мумкин бўлган рухсат берувчи хужжатлар.....	29
2.2. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг хабардор килиш тартиби.....	30
2.3. Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиб-қоидалари.....	31
2.4. Банклар, кредит ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг маҳсус тартиб-қоидалари.....	32
<b>2-боб. Рўйхатдан ўтказувчи органлар.....</b>	37
1-§. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.....	37
2-§. Туман (шахар)лар ҳокимларни хузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари.....	39
3-§. Давлат солиқ хизмати ва бошқа рўйхатдан ўтказувчи органлар.....	42
<b>3-боб. Тадбиркорлик субъектлари.....</b>	45
1-§. Юридик шахслар.....	45
1.1. Юридик шахс тушунчаси.....	46

1.2. Юридик шахсларнинг умумий белгилари.....	46
1.3. Юридик шахсларнинг турлари.....	47
1.4. Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш.....	48
1.5. Юридик шахснинг номи ва жойлашган ери.....	48
1.6. Юридик шахснинг жавобгарлиги.....	48
1.7. Тижорат ташкилоти.....	48
1.7.1. Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар.....	49
1.7.2. Акциядорлик жамиятлари.....	51
1.7.3. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар...	54
1.7.4. Бозорлар.....	55
2-§. Якка тартибдаги тадбиркорлар (жисмоний шахслар).....	56
<b>4-боб. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш.....</b>	<b>64</b>
1-§. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг турлари.....	64
1.1. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби....	65
1.1.1. Кириш.....	65
1.1.2. Статистик кодлар, КТУТ ва солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) кодлари.....	66
1.1.3. Рўйхатдан ўтказувчи органлар учун муҳр ва штамп эскизлари.....	67
1.1.4. Реестрда давлат рўйхатидан ўтказиш.....	67
1.2. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг рухсат бериш тартиби.....	74
1.2.1. Рўйхатга олиш инспекциялари томонидан бир вақтнинг ўзида уларни солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиш.....	75
1.2.2. Давлат рўйхатидан ўтказишнинг рухсат бериш тартиби қўлланиладиган шахслар.....	76
1.2.3. Инспекция томонидан бериладиган рухсат берувчи хужжатлар бўйича тартиб-қоидалар.....	76
1.2.4. Тадбиркорлик субъекти бўлмаган ва обьектлардан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш ниятида бўлмаган шахслар учун шарт-шароитлар.....	77
1.2.5. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиб-қоидаларининг схемаси.....	77
1.2.6. Рухсат бериш хужжатларини расмийлаштириш.....	78

1.3. Тижорат фаолияти учун товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш.....	105
<b>2-§. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилинадиган хужжатлар.....</b>	<b>106</b>
2.1. Тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилинадиган хужжатлар.....	107
2.2. Тадбиркорлик субъектларини якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилинадиган хужжатлар.....	116
<b>3-§. Давлат рўйхатидан ўтказиш муддатлари.....</b>	<b>120</b>
<b>4-§. Давлат божи.....</b>	<b>121</b>
4.1. Давлат божи тушунчаси.....	121
4.2. Давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи.....	122
<b>5-§. Тадбиркорлик субъектига бериладиган хужжатлар.....</b>	<b>123</b>
5.1. Хабардор қилиш тартиби.....	123
5.2. Рухсат бериш тартиби.....	124
<b>6-§. Тадбиркорлик субъектларини тегишли органларда ҳисобга қўйиш.....</b>	<b>129</b>
6.1. Хабардор қилиш тартиби.....	129
6.2. Рухсат бериш тартиби.....	130
<b>7-§. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асослари.....</b>	<b>132</b>
<b>8-§. Тадбиркорлик субъектининг таъсис хужжатларига ўзгариши ва қўшимчалар киритишни давлат рўйхатидан ўтказиш.....</b>	<b>140</b>
8.1. Таъсис хужжатларига киритилган ўзгариши ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиладиган хужжатлар.....	140
8.1.1. Юридик шахснинг таъсис хужжатларига ўзгариши ва қўшимчалар киритиш.....	140
8.1.2. Номни ўзгариши.....	141
8.1.3. Устав жамғармаси миқдорини кўпайтириш ва камайтириш.....	141
8.1.4. Улуш (ҳисса) ёки акция бошқага ўтказиш.....	141
8.1.5. Тадбиркорлик субъектини қайта ташкил этиш.....	142
8.1.6. Муассислар таркибига хорижий шахс кирган тақдирда.....	142
8.1.7. Юридик шахсни қайта ташкил этиш.....	143
8.1.8. Бошқа ўзгаришилар.....	144

8.2. Таъсис хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш муддати.....	145
8.3. Таъсис хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асослари.....	146
8.4. Таъсис хужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказгандлик учун тўлов..	146
8.5. Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома.....	147
<b>5-боб. Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш.....</b>	148
1-§. Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ва уларни давлат рўйхатидан ўтказиш.....	148
2-§. Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва божхона органларида рўйхатдан ўтказиш.....	154
3-§. Якка тартибдаги тадбиркорларга банк ҳисоб ракамини очиш ва операциялар ўтказиш.....	157
4-§. Чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун рухсатнома.....	160
5-§. Импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картаси.....	164
<b>II бўлим . ШИКОЯТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.....</b>	167
<b>1-боб. Умумий қоидалар.....</b>	167
<b>2-боб. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарорлари ва харакатлари устидан юқори турувчи орган, шунингдек бошқа давлат органларига шикоят қилиш.....</b>	169
1-§. Мурожаатларга қўйиладиган талаблар.....	172
2-§. Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари.....	173
3-§. Тадбиркорлик фаолияти субъектининг мурожаатини кўриб чиқкан давлат органининг мажбуриятлари.....	174
4-§. Тадбиркорлик фаолияти субъектининг мурожаатини кўриб чиқиш бўйича кўриладиган чоралар.....	174
<b>3-боб. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарорлари ва харакатлари устидан судга шикоят қилиш.....</b>	175
1-§. Аризанинг шакли ва мазмуни.....	176
2-§. Судда вакиллик.....	180

3-§. Аризани кўриб чиқиши муддатлари.....	181
4-§. Суднинг қарори.....	182
Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш масалаларини тартибга солувчи асосий норматив-хуқукий хужжатлар рўйхати.....	185
<b>II ҚИСМ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ.....</b>	186
<b>I-б ў ли м . ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЮРИТИШНИНГ МУҲИМ ШАРТЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА.....</b>	188
<b>1-боб. Лицензия тўғрисида умумий тушунча.....</b>	188
1-§. Лицензиялаш тушунчаси.....	188
2-§. Лицензиялашнинг мақсади ва моҳияти.....	188
3-§. Лицензиялаш тўғрисидаги қонунчилик.....//.....	189
4-§. Лицензияланадиган фаолият турларини белгилаш.....	190
5-§. Муайян фаолиятни амалга ошириш учун бериладиган лицензиялар.....	191
6-§. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқини берувчи лицензиялар.....	192
7-§. Лицензияловчи органлар.....	192
7.1. Ишчи органлар.....	193
7.2. Идоралараро комиссиялар.....	193
7.3. Лицензияловчи органларнинг ваколатлари.....	193
8-§. Лицензиялар реестри.....	194
<b>2-боб. Лицензиялар.....</b>	195
1-§. Лицензия тушунчаси.....	195
2-§. Хужжатларни тақдим қилиш.....	196
3-§. Лицензия олишнинг тартиботлари.....	197
4-§. Лицензия шартномаси.....//.....	198
5-§. Лицензия беришни рад этиш.....	199
6-§. Шикоят қилиш.....	199
7-§. Лицензия турлари.....	200
7.1. Намунавий (оддий) лицензия.....	200
7.2. Якка тартибдаги лицензиялар.....	200
8-§. Лицензиянинг амал қилиши тўғрисида умумий тушунча.....	200
9-§. Лицензиянинг амал қилиш муддати.....	201
10-§. Лицензиянинг амал қилиш худуди.....	202
11-§. Лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқсанлик учун йигим.....	202
12-§. Давлат божи ва бошқа харажатлар.....	203

<b>3-боб. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш.....</b>	204
1-§. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш шартлари....	204
2-§. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш шартлари.....	206
3-§. Лицензияни бекор қилиш шартлари.....	207
<b>4-боб. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қилиш ва шикоят қилиш тартиби.....</b>	208
1-§. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қилиш.....	208
2-§. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш тартиби....	209
<b>5-боб. Лицензия беришнинг ўзига хос хусусиятлари -- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги адвокатлик фаолияти учун лицензия берувчи орган сифатида.....</b>	210
1-§. Адвокатлик фаолияти ва адвокатлик фаолияти учун лицензия беришнинг ҳуқуқий тартибга солиниши.....	210
2-§. Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги ҳамда «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунлари.....	211
3-§. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартағи 60-сонли «Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш ва адвокатлик тузилмаларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори.....	211
4-§. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш тўғрисида ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш	212
5-§. Шикоят қилиш тартиби.....	212
<b>Фойдаланиладиган норматив-ҳуқуқий хужжатлар рўйхати</b>	212
<b>І бўл им. ҲИСОБОТЛАР</b>	216
<b>III ҚИСМ. ҲИСОБОТЛАР ВА ЛИЦЕНЗИАТЛАР</b>	215
<b>ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ.....</b>	215
<b>1 бўл им. ҲИСОБОТЛАР.....</b>	216
<b>1-боб. Ҳисботлар: турлари, тузиш ва тақдим қилиш тартиби.....</b>	216
1-§. Ҳисботлар шакллари.....	216
1.1. Статистик ҳисботлар.....	216
1.1.1. Давлат статистикаси органлари.....	216
1.1.2. Давлат статистикасининг асосий вазифалари.....	217
1.2. Молиявий ҳисботлар.....	225

1.2.1. Молиявий ҳисобот тушунчаси.....	225
1.2.2. Молиявий ҳисоботни тақдим қилиш тартиби.....	226
1.3. Солиқ ҳисоботи тушунчаси.....	227
1.3.1. Солиқ ҳисоботини тузиш.....	227
1.3.2. Солиқ ҳисоботини тақдим қилиш тартиби.....	228
1.3.3. Солиқ ҳисоботига аниқликларни тақдим қилиш.....	229
1.3.4. Солиқ ҳисоботини саклаш муддати.....	230
<b>Фойдаланиладиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар рўйхати.....</b>	<b>230</b>
<b>IV ҚИСМ. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШ.....</b>	<b>232</b>
<b>I бўлим. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШ ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.....</b>	<b>236</b>
<b>1-боб. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш тўғрисида умумий тасаввур.....</b>	<b>236</b>
1-§. Текшириш тушунчаси.....	236
2-§. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг асосий принциплари.....	237
3-§. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш шакллари ва уларнинг аҳамияти.....	239
3.1. Молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш тушунчаси ва унинг аҳамияти).....	241
3.2. Хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш билан боғлиқ бўлмаган текшириш тушунчаси ва унинг аҳамияти.....	243
3.3. Режали текшириш ва унинг аҳамияти.....	244
3.3.1. Режали текширишларнинг режа-жадвалини ишлаб чиқиш тартиби.....	246
3.4. Режадан ташқари текширишлар ва уларнинг аҳамияти.....	249
3.4.1. Режадан ташқари (шу жумладан қисқа муддатли) текширишларни ўтказиш тартиби.....	250
3.5. Муқобил текшириш тушунчаси ва унинг аҳамияти.....	257
3.6. Назорат тартибида текшириш ўтказиш тартиб-қоидалари.....	259
<b>II бўлим. НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ, НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИНГ ВА ТЕКШИРИЛУВЧИ ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.....</b>	<b>260</b>

<b>1-боб. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ва унинг ишчи органлари: мақсадлари, вазифалари, функциялари, иш тартиби.....</b>	260
1-§. Умумий қоидалар.....	260
2-§. Кенгашнинг мақсади, вазифалари ва ҳудудий комиссияларнинг функциялари.....	261
3-§. Кенгаш раисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	263
4-§. Кенгашнинг иш тартиби.....	264
5-§. Кенгашнинг ишчи органи.....	265
5.1. Кенгашнинг ишчи органлари тушунчаси.....	265
5.2. Кенгаш ишчи органларининг вазифалари.....	266
<b>2-боб. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишда назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ва текширилувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....</b>	266
1-§. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишда назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	266
1.1. Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари.....	266
1.2. Мансабдор шахсларнинг мажбуриятлари.....	267
2-§. Текширилувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	268
2.1. Текширилувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари .....	268
2.2. Текширилувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбуриятлари.....	269
<b>III бўл им. ТЕКШИРИШЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ КИТОБИ.....</b>	270
<b>1-боб. Текширишларни рўйхатга олиш китоби тушунчаси, юритиш ва тўлдириш тартиби.....</b>	270
1-§. Текширишларни рўйхатга олиш китоби тушунчаси.....	270
2-§. Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш ва тўлдириш тартиби.....	270
<b>IV БЎЛИМ. ТЕКШИРИШЛАРНИ ЎТКАЗИШ МУДДАТЛАРИ. ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ.....</b>	275
<b>1-боб. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишлар ўтказиш муддатлари.....</b>	275

<b>2-боб. Маълумотномани расмийлаштириш тартиби ва уни текшириувчи шахсга бериш.....</b>	275
<b>V бўлим . АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИ ЎТКАЗИШ.....</b>	277
<b>VI бўлим . ТЕКШИРИШ НАТИЖАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ҲОЛЛАРИ АНИҚЛАНГАН ТАҚДИРДА КЎРИЛАДИГАН ЧОРАЛАР. ШИКОЯТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.....</b>	278
<b>1-боб. Текшириш натижасида ҳуқуқбузарлик ҳоллари аниқланган тақдирда кўриладиган чоралар.....</b>	278
<b>2-боб. Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан маъмурӣ органларга шикоят қилиш тартиби.....</b>	279
<b>1-§. Судга ёки юқори турувчи орган ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилиш.....</b>	279
<b>2-§. Адлия вазирлигига мурожаат қилиш.....</b>	279
<b>2.1. Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси....</b>	279
<b>2.1.1. Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармасининг асосий функциялари.....</b>	280
<b>Фойдаланиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати</b>	281
<b>V ҚИСМ. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЧЕКЛОВЧИ ЧОРАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ.....</b>	282
<b>I бўлим . УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....</b>	282
<b>1-боб. Тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўллаш тушунчаси.</b>	
<b>Уларни қўллаш мақсадалари.....</b>	284
<b>1-§. Тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўллаш тушунчаси.....</b>	284
<b>2-§. Тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўллашнинг мақсадлари.....</b>	287
<b>2-боб. Тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тартиб-қоидаларининг норматив-ҳуқуқий базаси.....</b>	289
<b>3-боб. Тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ҳуқуқига эга бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар.....</b>	296
<b>1-§. Умумий қоидалар.....</b>	297

<b>2-§. Тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан хуқукий таъсир чоралари қўллаш хуқуқига эга бўлган давлат органларини таснифлаш.....</b>	<b>297</b>
<b>П-б ў ли м . ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН ХУҚУКИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ....</b>	<b>306</b>
<b>1-боб. Тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан хуқукий таъсир чораларини қўллаш асослари.....</b>	<b>306</b>
<b>2-боб. Тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан фақат суд тартибида қўлланиладиган хуқукий таъсир чоралари турлари .....</b>	<b>310</b>
1-§. Умумий қоидалар.....	310
2-§. Фаолиятни тугатиш.....	312
3-§. Фаолиятни тўхтатиб туриш, чеклаш ва тақиқлаш.....	315
4-§. Банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш.....	318
5-§. Молиявий санкцияларни қўллаш.....	321
6-§. Хукуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш	324
7-§. Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензиялари (руҳсатномалари)ни ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш.....	326
<b>3-боб. Тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан маъмурий тартибда қўлланиладиган хуқукий таъсир чоралари турлари.....</b>	<b>328</b>
1-§. Фаолиятни тўхтатиб қўйиш ва чеклаш.....	328
2-§. Банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш.....	329
3-§. Молиявий санкцияларни қўллаш.....	330
4-§. Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензиялари (руҳсатномалари)ни ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш.....	332
<b>4-боб. Тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан хуқукий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги масалани суд ва маъмурий тартибда ҳал қилиш.....</b>	<b>334</b>
1-§. Тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан хуқукий таъсир чоралари қўллаш тўғрисидаги масалани суд тартибида ҳал қилиш .....	335

2-§. Тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан хуқукий таъсир чоралари қўллаш тўғрисидаги масалани маъмурый тартибда ҳал қилиш.....	338
<b>III бўл им . ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН ХУҚУКИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИ ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ХАТТИ-ХАРАКАТЛАРИ (ҚАРОРЛАРИ) УСТИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ.....</b>	341
<b>1-боб. Шикоятларни кўриб чиқишига ваколатли бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар.....</b>	341
1-§. Шикоят қилиш асослари.....	343
2-§. Шикоят қилиш тартиби.....	344
3-§. Шикоят қилишнинг суд тартиби.....	346
<b>2-боб. Тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан хуқукий таъсир чораларининг нотўғри қўлланишида айбор бўлган мансабдор шахсларга нисбатан қўлланиладиган жавобгарлик чоралари.....</b>	349
1-§. Умумий қоидалар.....	349
2-§. Фуқаролик жавобгарлиги.....	350
3-§. Интизомий жавобгарлик.....	351
4-§. Маъмурний жавобгарлик.....	354
5-§. Жиноий жавобгарлик.....	355
<b>3-боб. Тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан хуқукий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижро қилиш тартиби.....</b>	357
Фойдаланиладиган норматив-хуқукий хужжатлар рўйхати	362
<b>VI ҚИСМ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТИНИ ТУГАТИШ.....</b>	367
<b>I бўл им . ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТИНИ ТУГАТИШНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ.....</b>	367
<b>1-боб. Тадбиркорлик фаолияти субъектларини ихтиёрий тугатиш .....</b>	369
1-§. Тугатувчининг ваколатлари ва уларни тўхтатиш.....	369
1.1. Ихтиёрий тугатиш асослари.....	369
2-§. Фаолиятни амалга оширувчи корхоналарни ихтиёрий тугатиш тартиби.....	372

<b>3-§. Давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб</b>	
молия-хўжалик фаолиятини юритмаётган корхоналарни	
ихтиёрий тугатиш тартиби .....	380
3.1. Ихтиёрий тугатиш тўғрисида хабардор қилиш.....	380
3.2. Рўйхатдан ўтказувчи орган ва банкларни хабардор	
қилишнинг ҳуқуқий оқибатлари.....	381
3.3. Ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан	
кейин тугатувчининг ҳаракатлари.....	382
3.4. Ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарорни олгандан кейин	
тугатувчининг ҳаракатлари.....	382
<b>2-боб. Мажбурий тугатиш ва тадбиркорлик субъектлари</b>	
<b>фаолиятини тугатиш.....</b>	385
1-§. Тугатилиши лозим бўлган тадбиркорлик субъектларини	
аниқлаш ва ҳисобини юритиш тартиби.....	385
2-§. Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиби.....	388
3-§. Давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб	
молия-хўжалик фаолиятини юритмаётган корхоналарни	
тугатишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	393
4-§. Таъсисчилари бўлмаган корхоналарни тугатишнинг ўзига	
хос хусусиятлари.....	394
Схемалар ва хужжатлар шакллари.....	396
Фойдаланиладиган норматив-хуқуқий хужжатлар	
рўйхати.....	398

---

## **Қабул қилинган қисқартиришлар:**

**АЖ** – Акциядорлик жамияти

**БХМС** – Бухгалтерлик ҳисоби Миллий стандарти

**ВМҚ** – Вазирлар Маҳкамасининг қарори

**ДСҚ** – Давлат солиқ қўмитаси

**ЁАЖ** – Ёпиқ акциядорлик жамияти

**Жамият** – Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият

**ЖК** – Жиноят кодекси

**ИИВ** – Ички ишлар вазирлиги

**Инспекциялар** – Туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари хузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари

**Кенгаш** – Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши

**КТУК** – Корхоналар ва ташкилотлар умумреспублика классификатори

**КТЯДР** – Корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат реестри

**ҚМЖ** – Қўшимча масъулиятли жамият

**МЖтК** – Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс

**МК** – Мехнат кодекси

**МЧЖ** – Масъулияти чекланган жамият

**ОАВ** – Оммавий ахборот воситалари

**ОАЖ** – Очик акциядорлик жамияти

**ПҚ** – Президент қарори

**ПФ** – Президент фармони

**РДБ** – Раҳамли дастурий бошқарув

**Рўйхат №** – Рўйхат раҳами

**СК** – Солиқ кодекси

**СТИР** – солик тўловчининг идентификация рақами

«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК – Қурилишда муҳандислик қидиувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти

**ЎзР. ДБҚ** – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси

**ФК** – Фуқаролик кодекси

**ХПК** – Хўжалик процессуал кодекси

**ХХТУК** – Халқ хўжалиги тармоқлари умумреспублика классификатори

## СЎЗ БОШИ

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун қулай шартшароитлар яратилган.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ортиқча бурократик ва маъмурий тартиб-қоидаларни соддалаштириш Республикаизда тадбиркорлар сонини оширишга хизмат қилди.

Умуман мазкур чоралар Республиканинг иқтисодий ривожланишида тадбиркорликнинг фаол ривожланиши, хусусий ташаббускорлик ва аҳоли фаровонлиги билан тавсифланадиган янги босқичга айланди.

Бундан ташқари, охирги йилларда тадбиркорлик субъектларининг айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ривожланиши ва ҳар томонлама қўллаб кувватланиши, давлат сиёсатининг асосий стратегик йўналишига айланмоқда. Шу муносабат билан, 2011 йилни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши ислоҳотларнинг узвий давоми ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сон қарори билан тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида тадбиркорларга кўпроқ эркинлик бериш, давлат назорат функциялари ва руҳсат беришга оид нормаларнинг қисқартирилишига, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш, кичик корхоналар ташкил қилиш ҳамда кичик корхоналар ва тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларини янада соддалаштириш, ҳисботлар тизими ҳамда молия, солиқ ва статистика органларига ҳисботлар бериш механизмини такомиллаштириш ва унификациялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда

Юкорида айтилганлар шундан далолат берадики, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказиш ва уни тугатиш масалаларини, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини лицензиялашнинг асосий жиҳатларини ёритиб бе-

рувчи, шунингдек, китобхонга тадбиркорлик фаолиятига доир турли хил ҳисоботлар тушунчаси, турлари, уларни тузиш ва тақдим этиш тартиби билан танишиш имкониятини берувчи ушбу қўлланманинг ишлаб чиқилиши бугунги кунда долзарб ва айни муддаодир.

Шунингдек, қўлланма тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат назоратини амалга ошириш масалаларини ўз ичига олади, хусусан унда тадбиркорлик фаолиятида текширишлар ўтказиш тушунчаси, турлари ва тартиби ёритилган.

Бундан ташқари, қўлланмада тадбиркорлик фаолияти субъектларига хуқуқий таъсир чораларини қўллаш масалалари ҳам назарда тутилган.

Халқаро амалиёт шуни кўрсатадики, рўйхатдан ўтишнинг мураккаблиги ва тадбиркорлик субъектларининг ихтиёрий тугатилиши мамлакатдаги ишбилармонлик муҳитига салбий таъсир кўрсатади.

Давлатнинг тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва уларни тугатиш, уларга рухсатнома хусусиятига эга бўлган хужжатлар бериш функциясининг самарадорлиги асосан рўйхатдан ўтказувчи органнинг тартиблилиги ва сифатли ишлашини талаб этади. Чунки тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги биринчи қадамлар тадбиркор ва рўйхатга олувчи орган ўртасида вужудга келадиган хуқуқий муносабатлардан бошланади. Тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтиш қанчалик қийин бўлса, шунчалик кам одамлар қонуний тадбиркорлик билан шуғулланишга харакат қиласидилар – улар ё тадбиркорлик фаолияти билан умуман шуғулланмайдилар ёки яширин ноқонуний фаолият билан шуғулланиш йўлига ўтадилар.

Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларда рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларини соддалаштиришга, рўйхатдан ўтказиш жараёнда вужудга келадиган маъмурий тўсиқларни ва сансалорликни камайтиришга катта эътибор қаратилди. Натижада республикада бир вақтнинг ўзида бошқа органларда ҳисобга қўйиладиган «бир дарча» тамойилига асосланган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби жорий этилди. Кейинчалик мазкур тартиб-қоида такомиллаштирилиб, 2003 йилда жорий этилган тартибга кўра тадбиркорлик субъектини рўйхатга қўйиш билан бир вақтнинг ўзида зарурий рухсатнома

хусусиятига эга бўлган хужжатлар ҳам расмийлаштириладиган бўлди. 2006 йилда эса рўйхатга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби жорий этилди.

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ–630-сонли Қарори қабул қилиниши билан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ихтиёрий тугатиш ва тўхтатиш тизими тубдан ислоҳ қилинди.

Натижада, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қулай шароитлар билан таъминлайдиган нормалар мустаҳкамланган.

Давлат рўйхатидан ўтказишида, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга қўйишида, шунингдек уларнинг ихтиёрий тугатилишида маъмурий сарф-харажатларни камайтириш ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш чоралари кўрилган.

Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида давлатнинг асосий вазифаларидан бири бу тадбиркорлик фаолияти учун нормал шароит яратиш ҳисобланади. Бироқ, шу билан бирга, фуқароларнинг соғлиғига, ҳукуқ ва қонуний манфаатларига, жамоат хавфсизлигига заарар етказилишининг олдини олиш мақсадида хизматлар ва маҳсулотлар сифатини зарур даражада таъминлаш лозим. Ушбу вазифаларни бажариш тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини лицензиялашда хизмат қиласди. Таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик субъектлари ҳукуқ ва қонуний манфаатлари камситиш ҳолатларини олдини олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунида лицензияланадиган тадбиркорлик фаолияти турлари айнан қонун хужжатлари билан аниқланади, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини лицензиялаш тартиби эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Барчага маълумки, тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган турли хил ҳисоботлар сонининг кўпайиши, кўпинча улар фаолиятининг мураккаблашувига ва самарадорликнинг камайишига олиб келади. Шу сабабли, тадбиркорлик фаолиятига асоссиз аралашишга йўл қўймаслик мақсадида

қонунда назарда тутилмаган қўшимча ҳисобот турларини белгилаш қонун билан ман этилган. Шу ўринда шуни таъкидлаш керакки, қонунда назарда тутилмаган статистика ҳисоботларини ва бошқа хужжатларни талаб қилганлик ёки қонунда назарда тутилган ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузган ҳолда талаб қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Умуман, тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисоботларнинг қисқариши ижобий тенденцияси кузатилмоқда. Масалан, кичик корхоналар ва микрофирмалар ўз ҳисоботларини фақатгина давлат статистика ва солиқ орғанларининг жойлардаги бўлимларига белгиланган формада ва ҳар чоракда беришлари қонунда белгиланган. Улардан ҳар ой ҳисобот беришни талаб этиш тақиқланади.

Мазкур қўлланма тадбиркорлик субъектларининг фаолияти устидан давлат назорати уларнинг фаолиятини текширишни чеклаш тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатларидан бири эканлигини эътиборга олган ҳолда амалга оширилишига доир масалаларини батафсил ёритиб беради. Тадбиркорлик фаолиятини текширишни тартибга солиш, текширишлар сонини камайтириш, турли назорат қилувчи органлар томонидан амалга ошириладиган текширишларнинг параллеллиги ва такрорланишини бартараф этиш, уларнинг корхоналар хўжалик фаолиятига асоссиз аралашувига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 39-моддаси билан режали текширишларни амалга оширишнинг қатъий даврийлиги белгилаб қўйилган. Тадбиркорларнинг маълум бир тоифаларига қонунчиликда уларнинг фаолиятлари устидан давлат назоратини амалга ошириш борасида баъзи имтиёзлар белгиланган.


Тадбиркорлар томонидан қонун талабларининг бузилиши уларга нисбатан муайян ҳуқуқий таъсир чораларининг қўлланишига сабаб бўлади. Тадбиркорлар томонидан қонун бузилиши баҳонасида уларнинг фаолиятига асоссиз аралашишнинг олдини олиш мақсадида қонун хужжатларида мазкур таъсир чораларини қўллаш тартиби ва шартлари аниқ қилиб белгилаб қўйилган.

## ЁЗИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Мазкур кўлланманинг ўзига хос хусусияти давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензиялашда давлат органлари ва шахслар ўртасида вужудга келадиган, ўзгарадиган, тамом бўладиган ҳукукий муносабатларни тизимлаштириш ва тартиб-коидаларини тушунтиришдан иборат.

Келинг, мазкур тартиб-коидаларни ариза беришнинг хабардор килиш тартиби мисолида кўриб чиқамиз. Ушбу кўлланманинг мазмуни тадбиркорларни қуйидаги жиҳатлардан қизиқтиради: рўйхатдан ўтказишни амалга ошириш ва лицензиялаш учун қандай хужжатлар, қайси муддатларда, қайси давлат органларига тақдим этилиши керак, шунингдек рўйхатдан ўтказишни амалга ошириш ва лицензиялашни рад этиш асослари ҳақида қандай билса бўлади ва бундай ҳолларда қандай чоралар кўриш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, тадбиркорлар маъмурий органларга нисбатан қандай процессуал ҳукуқларга эга.

Мазкур кўлланма маъмурий органлар учун эса қуйидаги жиҳатлардан аҳамиятли ҳособланади: қайси ҳолларда аризалар ёки ариза-хабарномалар қабул қилинади, қайси ҳолларда аризани қабул қилиш рад этилади ва қандай муддатда аризачи бу ҳақда хабардор қилиниши лозим. Бундай қарорлар қандай шаклда расмийлаштирилиши лозим. Тегишли қарорлар қабул қилишда



Тадбиркорлар

Давлат  
органлари

рўйхатдан ўтказувчи ёки лицензияловчи орган қандай қоидаларга амал қилиши керак. Бошқача қилиб айтганда, маъмурий органлар тадбиркорларга нисбатан қандай процессуал мажбуриятларга эга.

Юқоридагиларни қуйидаги схема орқали ифодалаш мумкин.

Тадбиркорлар учун мўлжалланган рисолада асосий эътибор юқоридаги схемада қайд этилган тадбиркорларнинг процессуал хукуқларига қаратилади(1). Давлат хизматчилари учун мўлжалланган кўлланмада эса асосий эътибор схемада қайд этилганидек давлат органларининг мансаб ваколатлари ҳамда процессуал мажбуриятларига қаратилади(2).


## МАЗКУР КИТОБНИНГ ТУЗИЛМАСИ

Мазкур китоб давлат хизматчилари учун Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Конуни бўйича маъмурий тартиб-қоидалар юзасидан кўлланма ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда мазкур кўлланма тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, лицензиялаш, давлат томонидан назорат қилиш, тадбиркорлик субъектларига хукуқий таъсир чораларини кўллаш, тадбиркорлик субъектларини тугатиш билан боғлиқ хукуқий муносабатларни тартибга солувчи нормаларни тизимлаштиради.

Агар мисол тарикасида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Конуни бўйича маъмурий тартиб-қоидаларга оид моддаларини тадбиркорлик субъективининг ташкил этишдан бошлаб унинг тугатилишигача бўлган жараённи кўриб чиқадиган бўлсак, қуйида келтирилган 1-схема «Умумий схема» келиб чиқади. 1-схема «Умумий схема»нинг тавсифи қуйидаги кўринишга эга.

Дастлаб тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган тадбиркорлик субъекти маъмурий органда давлат рўйхатидан ўтиши керак (Рўйхатдан ўтказиш (11-модда)). Шунингдек, амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказиш билан бир қаторда маъмурий органдан лицензия олиши лозим (лицензиялаш (13-модда)). Давлат рўйхатидан ўтказилган ва зарур бўлган лицензияни олган тадбиркорлик субъекти тадбиркорлик билан шуғулланиши мумкин. Тадбиркорлик субъекти ўз ишини бошлиши билан, у тегишли маъмурий органларга ҳисоботлар топшириши лозим бўлади (Ҳисобот (17-модда)). Шунингдек, тадбиркорлик субъ-

## Умумий схема



екти маъмурий органлар томонидан амалга ошириладиган маъмурий текширувлардан ўтиши лозим (Маъмурий текширув (39, 40-моддалар)). Конунни бузган тақдирда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсга нисбатан хуқукий таъсир чоралари қўлланилади (Хуқукий таъсир чоралари (39<sup>1</sup>, 40<sup>1</sup>-моддалар)). Корхонани тугатиш истагида бўлган тадбиркорлик субъекти тугатиш тартиб-қоидаларига амал қилиши керак. Бошқача қилиб айтганда, тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини тугатиш йўли билан якунлайди (Тугатиш (48-модда)). Тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш, лицензия бериш, ҳисобот тақдим этиш, маъмурий текширув, хуқукий таъсир чораларини қўллаш ва тадбиркорлик субъектларини тугатишга бағишлиланган боблардан иборат бўлиб, шунингдек ҳар бир бобда заруратга қараб шикоят келтириш тартиби ёритилган.

Мазкур китоб тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш, лицензия бериш, ҳисобот тақдим этиш, маъмурий текширув, хуқукий таъсир чораларини қўллаш ва тадбиркорлик субъектларини тугатишга бағишлиланган боблардан иборат бўлиб, шунингдек ҳар бир бобда заруратга қараб шикоят келтириш тартиби ёритилган.

---

# **І қ и с м . Т А Д Б И Р К О Р Л И К Ф А О Л И Я Т И СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ**

## **К И Р И Ш**

Халқаро амалиёт кўрсатганидек, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг мураккаблиги мамлакатдаги ишчанлик муҳитига салбий таъсир кўрсатади. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш, улар фаолиятини таъминлаш учун рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш бўйича давлат функциясининг самарадорлиги, энг аввало рўйхатдан ўтказувчи органларнинг ўз ишини сифатли бажариши ҳамда уюшқоқликни талаб этади. Зеро, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги дастлабки қадамлар тадбиркор ҳамда рўйхатдан ўтказувчи орган ўртасида вужудга келадиган хуқукий муносабатлар асосида қўйилади. Тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтиш қанчалик қийин бўлса, шунчалик озвилик расмий равишда тадбиркорлик фаолиятини юритишига интилади ёхуд тадбиркорлик фаолиятини юритмайдилар ёки ўзларини «соя»га оладилар.

Шу муносабат билан Ўзбекистонда иктисадиётни янада эркинлаштириш бўйича ислоҳотларни амалга оширишда рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш, давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида маъмурӣ тўсиклар ва сансалорликларни камайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада, 2001 йилнинг ўзидаёқ республикада тадбиркорлик субъектларини «бир йўла» принципи бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш жорий этилди. Кейинчалик ушбу тартиб қоидалар 2003 йилда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш билан бир пайтда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш тизимининг йўлга қўйилиши билан янада такомиллашди. Ислоҳотларнинг изчил давоми сифатида 2006 йилда рўйхатдан ўтказишнинг хабардор қилиш тартиби жорий этилди.

Натижада, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг конунчилигига тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ри-

вожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратувчи нормалар мустаҳкамланган. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги маъмурӣ сарф-харажатларни камайтириш, бюрократик тўсиқлар ва ғовларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўрилган.

Ўзбекистонда ўтказилган ислоҳотлар натижаси ўлароқ тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун қулай хуқуқий шарт-шароитлар яратилган. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиб-қоидаларининг сезиларли даражада соддалаштирилиши тадбиркорлик субъектлари сонининг ошишига олиб келди. Умуман олганда, тадбиркорликни ривожлантириш хусусий ташаббускорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва аҳоли турмуш шароитини ошириш баробарида республика иқтисодиётини ривожлантиришда янги босқич сифатида тан олиниади.

---

# **I бўлим. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ**

**Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни**

**11-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиши**

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиши тегишили давлат органи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтказувчи органлар ариза берувчига тадбиркорлик фаолияти субъекти тариқасида давлат рўйхатидан ўтказишни уни ташкил этиши мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан рад этишга ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча талабларни белгилашга ҳакли эмас.

Ариза берувчини тадбиркорлик фаолияти субъекти тариқасида давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик, шунингдек рўйхатдан ўтказиши муддатларини бузганлик устидан судга шикоят қилиши мумкин. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарори, шунингдек мазкур орган мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) суд томонидан қонунга хилоф деб топилган тақдирда улар ариза берувчига рўйхатдан ўтказишни рад этганлик ёки рўйхатдан ўтказиши муддатини бузганлик туфайли етказилган зарарниң ўрнини қоплайдилар ва маънавий зарар учун товон тўлайдилар.

**Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ЎзР ФК)нинг 44 моддасига мувофиқ Юридик шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим ва давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлиб ташкил этилган ҳисобланади.**

Ушбу модда рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан юридик шахсни ташкил этиши мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмаслигини назарда тутувчи ўта муҳим қоидани ўзида ифода этади, яъни рўйхатдан ўтказувчи орган бундай важ билан рўйхатидан ўтказишни рад

этиш хуқукига эга эмас. Бунда, агар рўйхатдан ўтказувчи орган мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан рўйхатдан ўтказишини рад этса, унинг қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг ҳаракатларини суд томонидан қонунга хилоф деб топилган тақдирда ариза берувчига рўйхатдан ўтказишини рад этганилик ёки рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланади ва маънавий зарар учун товон тўланади.

## **1 - б о б . ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТИЗИМИ**

### **1-§. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишининг мақсадлари**

**Давлат рўйхатидан ўтказиш хўжалик муносабатидаги алохида шахс фаолият кўрсатаётганлигининг қонунийлигини тасдиқлаш учун зарур.**

Дастлаб тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тушунчасини аниқлаб олиш лозим. Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – бу тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолиятдир.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг асосий шартларидан бири субъектларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳисобланади. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига асосан тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир<sup>1</sup>.

Шунингдек, ЎзРФКнинг 44-моддасига мувофиқ юридик шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим ва давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлиб ташкил этилган ҳисобланади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2000 й., 5–6-сон, 140-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996 й., 2-сон, 11–12-сон иловаси.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ижро ҳокимияти органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади. Шу муносабат билан давлат органлари ва тадбиркорлик субъекти ўртасида вужудга келадиган хукуқий муносабатлар ўзининг табиатига кўра маъмурий муносабатлар бўлиб ҳисобланади. Давлат рўйхатидан ўтказишнинг ўзи эса маъмурий иш юритувнинг бир кўриниши бўлиб, ўз навбатида белгиланган маъмурий тартиб-қоидалар асосида амалга оширилиши лозим.

Давлат рўйхатидан ўтказиш хўжалик муносабатидаги алоҳида шахс фаолият кўрсатаётганлигининг қонунийлигини тасдиқлаш учун зарур. Рўйхатдан ўтказишга умуммажбурий хусусият бериш баробарида давлат корхонанинг нафақат ташкил этилиши, қайта ташкил этилиши ва тугатилишининг қонунийлиги устидан назорат ўрнатиш, балки тадбиркорлик фаолияти иштирокчиларининг тўлиқ ҳисобга олиниши, тадбиркорлик субъектлари реестрининг юритилиши, шунингдек уларнинг хукуқий, мулкий ва ташкилий ҳолати тўғрисидаги маълумотларни жамлаш мақсадларини ҳам қўзлайди.

## **2-§. Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиб-қоидаларининг моҳияти ва турлари**

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг асосий иккита тури (йўналиши) – хабардор қилиш ва рухсат бериш тартиблари мавжуд. Банклар, кредит ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг маҳсус тартиб-қоидалари мавжуд.

### **2.1. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг рухсат берувчи тартиби деб ҳисоблаш мумкин бўлган рухсат берувчи ҳужжатлар**

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг рухсат бериш тартиби деб ҳисоблаш учун тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказиш билан бир пайтда рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда, давлат рўйхатидан ўтказилади. Рухсат бериш тартибida тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишда рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш, реестр юритиш, солик ва статистика органларида ҳисобга қўйиш

билин бирга аризачига тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома ҳамда барча руҳсат бериш хужжатлари берилади. Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли қарори билан тасдиқланган «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва руҳсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги» Низом билан ўрнатилган<sup>3</sup>. Мазкур Низомнинг давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишга оид қисми давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан бир вактда туман (шаҳар) ҳокимининг ер участкасига бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш ва объект қурилишига руҳсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш учун янги қурилишга ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарори нусхасини тақдим этган, давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан бир вактда туман (шаҳар) ҳокимининг газ ва электр тармоқларига уланиш учун техник шартлар олиш учун янги қурилишга ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарори нусхасини тақдим этган, давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризада фаолиятнинг асосий тури сифатида фаолиятнинг лицензияланадиган турини кўрсатган тадбиркорлик субъектларига татбиқ этилади.

Хукуматнинг мазкур қарорида назарда тутилган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиб-қоидаларида «бир йўла» принципи ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра аризачи (тадбиркор) бир уринишнинг ўзида давлат органлари билан бўладиган ўзаро ҳаракатларни амалга ошириши мумкин, яъни тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида муҳандислик коммуникацияларига (газ билан таъминлаш, энергия билан таъминлаш, сув билан таъминлаш, канализация, иссиқлик билан таъминлаш, телефон алоқаси тармоқлари) уланиш), турар жойларни нотурар-жой тоифасига ўтказиши, объектларни қуриш ва реконструкция қилишга техник шартларни белгиланган тартибда расмийлаштириши мумкин.

## **2.2. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг хабардор қилиш тартиби**

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурӣ сарф-харажатларни камайтириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996 й., 2-сон, 11–12-сон иловаси.

тўсиклар ва ғовларни бартараф этиш йўли билан янада қулай шарт-шароитларни яратиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида, 2006 йилда Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизими тубдан ислоҳ қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сонли «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби»ни жорий этиш тўғрисида»ги қарори билан 2006 йилнинг 1 сентябридан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишнинг хабардор қилиш тартиби ўрнатилди, ер майдонлари ажратиб бериш, газ ва электр тармоқларига улаш тўғрисида, шунингдек, лицензияланадиган фаолият турлари бўйича қарор талаб этиладиган тадбиркорларни рўйхатга олиш бундан мустасно (ушбу тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш рухсат бериш тартиби асосида амалга оширилади)<sup>4</sup>.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг хабардор қилиш тартибининг жорий этилиши рўйхатдан ўтказиш амалиётини сезиларли даражада яхшилади. Асосий ижобий натижалар сифатида қуидагиларни кўрсатиш мумкин:

тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар рўйхати қисқартирилди;

илгари давлат статистика органлари (статистик кодлар бериш) ва ички ишлар органлари (муҳр ва штамп тайёрлашга рухсат бериш) томонидан амалга оширилган айрим функциялар рўйхатдан ўтказувчи органга ўтказилди. Тадбиркорлар энди ўзлари СТИР олишлари, муҳр ва штамп тайёрлашга рухсат олишлари шарт эмас;

тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишининг асосларининг аниқ рўйхати белгиланди

### **2.3. Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибқоидалари**

Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахслар учун рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг рухсат бериш ва хабардор қилиш тартибидан фарқ

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 15–16-сон, 130-модда

қилувчи алоҳида тартиби назарда тутилган. 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахслар («четдан товар олиб келувчилар»)ни юридик шахс бўлмасдан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш жисмоний шахснинг яшаш жойидаги туманлар (шаҳарлар) Давлат солиқ инспекцияларида (ҳозир бўлиш тартибида) амалга ошириладиган тартиб белгиланди<sup>5</sup>. Юридик шахс бўлмасдан, импорт товарларни олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ўз фаолиятини амалга ошириш учун:

ЎзР Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига ва божхона органларида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчилари сифатида рўйхатдан ўтишлари;

тижорат банкида ҳисоб рақамлари очиши;

экспорт-импорт операцияларини ва чакана савдони амалга ошириш хукуқига рухсатномани белгиланган тартибда расмийлаштириши;

давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги солиқ органларидан импорт операциялар субъектининг ҳисобга олиш картасини олиши шарт.

#### **2.4. Банклар, кредит ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг маҳсус тартиб-қоидалари**

Таъкидлаш лозимки, банклар, кредит уюшмалари ва оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ўзига хослиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига улар учун бошқа тадбиркорлик субъектларидан фарқли ўлароқ давлат рўйхатидан ўтказишнинг бошқа (маҳсус) тартиблари кўзда тутилган.

Кейинги ўринларда фақатгина хабардор қилиш ҳамда рухсат берши тартиби, шунингдек тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлик билан шугулланувчи шахслар учун рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартиби кўриб чиқилиши муносабати билан банклар, кредит уюшмалари ва оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг асосий ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтиш лозим.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Респуб-

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006 й., 20–21-сон, 174-модда

ликаси Қонунининг 1-моддасига мувофиқ<sup>6</sup>, **банк** — тижорат ташкilotи бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган қуидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсdir:

- юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш;
- тўловларни амалга ошириш.

Банклар, қоида тариқасида, мулкчиликнинг ҳар қандай шакли асосида акциядорлик жамияти тарзида ташкил этилади. Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахслар банк муассислари бўлиши мумкин, башарти, қонун хужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва жамоат фондлари бундан мустасно. Банклар Марказий банкда рўйхатга олинган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўладилар. Рўйхатга олиш тартиби ва шартлари Марказий банк томонидан белгиланади. Рўйхатга олиш билан бир вақтда банкларга банк операциярини амалга ошириш хукуқини берувчи лицензия топширилади. Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш ҳақ эвазига амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси худудида банкларни рўйхатдан ўtkазиш ва банк операцияларини амалга ошириш хукуқи учун лицензия бериш тартиби Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низом (рўйхат рақами 2014, 2009 йил 8 октябрь) билан белгиланган<sup>7</sup>.

«Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг<sup>8</sup> 3-моддасида **кредит уюшмаси** кредитлар бериш ҳамда бошқа молиявий хизматлар кўрсатиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий тенг ҳукуқли аъзолик асосида тузиладиган кредит ташкilotидир деб кўрсатилган. Кредит уюшмалари давлат рўйхатидан ўtkазилган пайтдан эътиборан юридик шахс ҳукуқини оладилар. Кредит уюшмасининг фаолияти лицензия асосида амалга оширилади.

Кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўtkазиш ва уларга

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 августдаги 387-сонли «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўtkазишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карори

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 447-модда.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996 й., 5–6-сон, 54-модда.

лицензия бериш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилади.

Кредит уюшмаси давлат рўйхатидан ўтказилиши ва унга лицензия берилиши учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ёки унинг худудий бошқармасига қуидагилар тақдим этилади:

жойлашган ери (пошли манзили) кўрсатилган ҳолдаги рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза;

муассислар умумий йигилишининг кредит уюшмасини тузиш тўғрисидаги баённомаси;

кредит уюшмасининг устави (бундан буён матнда устав деб юритилади);

кредит уюшмаси фаолиятининг бизнес-режаси;

юридик шахслар — муассисларнинг молиявий ахволини тасдиқловчи ҳужжатлар;

кредит уюшмасининг устав фонди (бундан буён матнда устав фонди деб юритилади) шаклланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати;

давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати.

Ҳужжатлар тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз календаръ кун ичida Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказади ва бир вақтнинг ўзида унга лицензия беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори билан тасдиқланган давлат божи ставкаларига мувофиқ, кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида давлат божи ундирилади. Кредит уюшмасига лицензия берганлик учун давлат божи ундирилмайди.

Кредит уюшмаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби Кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги Низом<sup>9</sup> (рўйхат рақами 2084, 01.03.2010 й.) билан белгиланган.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг<sup>10</sup> 4-моддасига кўра оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда бос-

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 447-модда.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 3-сон, 20-модда.

ма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео, кинохроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидағи веб сайтылар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирға бериладиган (бундан бүён матнда чиқарыладиган деб юритилади) шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари **оммавий ахборот воситасидир**.

Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармалари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган ариза билан бирга барча зарур хужжатлар олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда давлат рўйхатидан ўтказиш ёки давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Оммавий ахборот воситаси унинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилгандан кейин давлат рўйхатидан ўтказилган ҳисобланади.

Оммавий ахборот воситалари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун давлат божи қуидаги ставкаларда ундирилади:

<b>Оммавий ахборот воситаси тури</b>	<b>Давлат божи миқдори</b>
Даврий босма нашрлар (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, альманахлар ва бошқалар)	Энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баравари миқдорида
Теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, ахборот агентликлари	Энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баравари миқдорида
Махсулотлари Интернет глобал тармоғи орқали тарқатиладиган оммавий ахборот воситалари (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, альманахлар, теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар ва бошқалар)	Энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдорида
Асосан болалар, ўсмирлар, ногиронлар учун мўлжалланган, шунингдек таълим ва маданий-маърифий йўналишдаги оммавий ахборот воситалари (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, альманахлар, теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар ва бошқалар)	Энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида

Реклама хусусиятига эга бўлган оммавий ахборот воситалари(рекламага ихтисослашган газеталар, журналлар, буклетлар, теле-, радио-, ва видео-, кинохроникал дастурлар ва бошқалар)	Энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида
Оммавий ахборот воситаларининг бошқа турлари (электрон тарзда тарқатиладиган оммавий ахборот воситалари маҳсулотлари ва бошқалар)	Энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баравари миқдорида

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 октябрдаги 214-сонли «Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган.

Бошқа тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки туман (шахар)лар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари томонидан рухсат бериш ёки хабардор қилиш тартибида амалга оширилади. Бунда рухсат бериш тартиби ер участкалари ажратиш тўғрисидаги қарор, газ ва электр тармоқларига уланишга рухсат талаб этадиган, шунингдек лицензияланадиган фаолият турларини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда қўлланилишини эсда тутмоқ зарур. Бундан ташқари, тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахслар Давлат солиқ қўмитаси (бундан бўён матнда ДСҚ) томонидан алоҳида тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади. Рўйхатдан ўтказишнинг мазкур тизимлари китобимизнинг кейинги бобларида янада тўлиқроқ тавсифланади.

### 1-§. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

ЎзР Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказиши амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тадбиркорлик субъектларини бевосита давлат рўйхатидан ўтказиши билан Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиши бошқармаси, Қорақалпогистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида эса – Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиши бўлими шугулланади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгач, ЎзР Президентининг 1992 йил 8 январдаги ПФ-314-сонли Фармони билан Ўзбекистон ССРнинг иттифоқ-республика Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлигига айлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонунчилик ижодкорлиги ва хукуқни кўллаш амалиёти соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, шунингдек инсоннинг конституциявий хукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида 2003 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Вазирликка ЎзР Президенти томонидан лавозимга тасдиқланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Адлия вазири бошчилик қиласиди.

Вазирнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган беш нафар ўринбосарлари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

ЎзР Адлия вазирлиги давлат бошқаруви органи ҳисобланади. ЎзР Адлия вазири ўз мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради.

Шуни таъкидлаш лозимки, адлия органлари ва муассасалари маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдир ва бевосита вазирликка бўйсунади.

ЎзР Адлия вазирлигининг энг муҳим вазифалари ва фаолият йўналишларидан бири бўлиб тадбиркорликни ривожлантириш ва хукуқий таъминлаш самарадорлигини ошириш, хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш ва рўйхатга олиш жараёнини сод-

далаштиришга йўналтирилган комплекс ташкилий-хуқуқий чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек юридик шахсларни рўйхатдан ўтказишида қонунчиликка риоя қилинишини таъминлаш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қуидаги тадбиркорлик субъектлари бир вақтнинг ўзида уларни солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказилади:

- аудиторлик ташкилотлари;
- суғурталовчилар ва суғурта брокерлари;
- биржалар;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукуматининг тегишли қарорлари билан акциядорлик компаниялари (шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялар ва холдинглар) шаклида ташкил этилаётган хўжалик бошқаруви органлари;
- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар;
- Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган бозорлар;
- солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари ва қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар адлия бошқармалари томонидан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, тегишли равишида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этиладиган бозорлар ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари ҳамда қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказиш амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тадбиркорлик субъектларини бевосита давлат рўйхатидан ўтказиш билан Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида эса – Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўлими шуғулланади.

Бошқарма икки бўлимдан – давлат рўйхатидан ўтказиш ва туғатиш бўлимларидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида ахборот-маълумот:

манзил: Тошкент ш., Сайилгоҳ кўч. 5, инд. 100047;  
телефон 233–13–05, факс 233–48–44;  
e-mail – [info@minjust.gov.uz](mailto:info@minjust.gov.uz), расмий сайт – [www.minjust.uz](http://www.minjust.uz).

## **2-§. Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари**

*Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари тегишили туман (шаҳар)лар ҳокимлари олдида ҳисобдордир. Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари барча тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарни рўйхатга олади, қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказиши Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий тузилмаларига, шунингдек бошқа давлат органлари га юклатилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.* Тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда расмийлаштиришнинг босқичма-босқич рўйхатдан ўтказиш принципига ўтиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари ташкил этилди.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари тегишили туман (шаҳар)лар ҳокимлари олдида ҳисобдордир.

Инспекция туман (шаҳар) ҳокимлиги тузилмасига киради ва юридик шахс ҳисобланмайди, ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мulkка эга бўлмайди, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ва бошқа шахслар билан ўз номидан фуқаролик-хуқуқий муносабатларга киришишига ҳақли эмас.

Инспекцияга туман (шаҳар) ҳокими томонидан лавозимга тайинланадиган ва озод этиладиган бошлиқ бошчилик қиласи. Инспекция ходимлари ҳам туман (шаҳар) ҳокими томонидан лавозимга тайинланади ва озод этилади.

Инспекция бошлиғи ва ходимлари давлат хизматчилари ҳисобланади ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича ҳокимликнинг тегишили мустақил бўлимлари ходимларига тенглаштирилади.

Инспекция қўйидагилардан иборат:

1) биттадан учтагача штат бирлиги доирасида давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш бўйича бўлим (мутахассис);

2) иккитадан бештагача штат бирлиги доирасида рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича бўлим (сектор).

Кўйидагилар инспекциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни мўлжаллаётган ариза берувчининг ҳужжатларини қабул қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳужжатларни ҳамда бунинг учун зарур бўлган асосларни экспертизадан ўtkазиш;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида муҳандислик коммуникацияларига (газ билан таъминлаш, энергия билан таъминлаш, сув билан таъминлаш, канализация, иссиқлик билан таъминлаш, телефон алоқаси тармоқлари) уланиш, турар жойларни нотурар жой тоифасига ўtkазиш, обьектларни қуриш ва реконструкция қилишга техник шартларни белгиланган тартибда расмийлаштириш учун, шунингдек муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатнома олиш учун уларнинг ваколатлари доирасида мажбурий тартибда келишиладиган ва рухсат олинадиган тегишли ташкилотларни аниқлаш;

юқорида кўрсатилган рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришни ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўtkазиш, реестрни юритиш, шунингдек, уларни солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйиш;

ариза берувчига барча рухсат берувчи ҳужжатлар билан унинг тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўtkазилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш.

Инспекция юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида кўйидаги функцияларни амалга оширади:

а) давлат рўйхатидан ўtkазиш учун (шу жумладан, таъсис ҳужжатларидаги ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўtkазиш учун, шунингдек тугатилиши муносабати билан давлат реестридан чиқариш учун тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилиш ва экспертизадан ўtkазиш;

б) тадбиркорлик субъектларининг давлат реестрини юритиш;

в) тадбиркорлик субъектларини солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйишни ташкил этиш ҳамда муҳр ва штамп тайёрлаш учун ички ишлар органларининг рухсатномасини олиш;

г) статистика кодлари ва солиқ тўловчининг идентификация рақамини кўрсатган ҳолда давлат рўйхатидан ўtkазилганлик тўғрисидаги гувоҳномани, шунингдек муҳр ва штамп тайёрлаш учун ички ишлар органларининг рухсатномасини тадбиркорлик субъектларига бериш;

д) йилнинг ҳар чорагида рўйхатдан ўтказилган ва ҳисобда турган рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлик субъектлари сонини солиқ ва статистика органлари билан солишириш;

е) ваколатли органларда ва фойдаланиш ташкилотларида лойиҳалашдан олдинги рухсат берувчи (бошлангич рухсатномалар) ҳужжатларни, шунингдек, обьектларни куришга, реконструкциялашга ва йўналишини ўзгартиришга зарур бўлган муҳандислик коммуникацияларига (газ билан таъминлаш, энергия билан таъминлаш, сув билан таъминлаш, канализация, иссиқлик билан таъминлаш, телефон алоқаси тармоқлари) уланиш техник шартлари, геодезик топографик карталар, архитектурарежалаштириш топшириқларини расмийлаштириш;

ж) обьектни йўналишини ўзгартириш ва реконструкциялашга тегишли рухсатномаларни олишни таъминлаш;

з) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун турар жойларни нотурар жой тоифасига ўтказиш учун рухсат берувчи ҳужжатларни оператив расмийлаштириш;

и) якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш) ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштириш ва лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишиш;

к) янгидан ташкил қилинаётган тадбиркорлик субъектларини текширишларни рўйхатга олувчи дафтар билан таъминлаш;

к<sup>1</sup>) франшизинг тўғрисидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш журналини юритиш (муҳим ўзгартиришлар, қўшимчалар ёки бекор қилиш);

л) тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган бошқа функцияларни амалга ошириш. (Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисида намунавий низом рўй.рак. 1279-сон 27.09.2003й.)<sup>11</sup>.

Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари барча тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарни рўйхатга олади, қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказиш Адлия вазирлиги ва унинг худудий тузилмаларига, шунингдек бошқа давлат органларига юклатилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно<sup>12</sup>.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва органлари норматив-хукукий ҳужжатлари бюллетени, 2003 й. 17–18-сон.

<sup>12</sup> 2.1 бўлимга қаранг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

Тадбиркорлик субъекти ёки унинг таъсисчиси (кейинчалик - ариза берувчи) қуидагиларга мурожаат этиши мумкин:

тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш билан бир вақтда рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш;

тадбиркорлик субъектига рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштиришмасдан давлат рўйхатидан ўтказиш.

Рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш учун инспекцияга аввал рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари (рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштирган ва расмийлаштирмаган), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида, вилоятларни адлия бошқармаларида рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари мурожаат этишлари мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш учун аввал инспекцияга мурожаат этганларми йўқми, қатъи назар зарурат юзасидан тегишли рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш учун мурожаат этадилар.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш бўйича қўшимча, инспекциядан фарқ қилувчи тузилмалар ташкил этишга йўл қўйилмайди. Ариза берувчига инспекциянинг мажбуриятларини юклаш қатъиян ман этилишини ҳар доим ёдда тутиш ва унутмаслик лозим.

### **3-§. Давлат солиқ хизмати ва бошқа рўйхатдан ўтказувчи органлар**

**Давлат солиқ инспекцияси тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартиbdаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказади. Марказий банк банклар ва кредит юшмаларини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади.**

«Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига мувофиқ ЎзР ДСҚ, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек туманлар, шаҳарлар ва шаҳардаги туманлар давлат солиқ инспекциялари давлат солиқ хизмати органдари ҳисобланади<sup>13</sup>...

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда.

Давлат солиқ қўмитаси солиқ қонунчилигига риоя этилишини, давлатнинг иқтисодий манфаатлари ва мулкий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасидаги назорат бўйича Республика давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Давлат солиқ қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақил равишда амалга оширадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сон қарори билан тасдиқланган Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 2-бандига мувофиқ, тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш жисмоний шахснинг яшаш жойи бўйича унинг ўзи шахсан келгани ҳолда давлат солиқ инспекциясида амалга оширилади.

Куйидагилар ДСҚнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади:

► давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш ва солиқ қонунчилигига, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланишига, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишига риоя қилиниши юзасидан таъсирчан назоратни таъминлаш;

► хўжалик юритувчи субъектлар, юридик ва жисмоний шахслар фаолиятини рағбатлантириш бўйича қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, уларга зарур имтиёзлар ва преференциялар бериш юзасидан таклифлар киритиш;

► Республика назорат қилувчи органларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича мувофиқлаштирилишини таъминлаш, ушбу ишларни ўтказишида бир-бирини тақрорлашга ва суиистеъмолчиликларга йўл қўймаслиқ;

► юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта ҳамда экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда ўз ваколатлари доирасида қонунчиликка қатъий риоя этилиши юзасидан таъсирчан назоратни амалга ошириш.

Шу билан бирга рўйхатдан ўтказувчи орган сифатида

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ролини ҳам таъкидлаш лозим. Марказий банк банклар ва кредит уюшмаларини рўйхатга олади, шунингдек банк операцияларини амалга ошириш хукуқини берувчи лицензиялар беради, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, гаровхоналар фаолиятини ва қимматли қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришни лицензиялайди.

Марказий банк молия-банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар, қарз олувчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналар фаолиятини тартибга солади ҳамда назорат қиласи, шунингдек улар томонидан ички назорат қоидаларига ҳамда жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиб билан боғлиқ ахборотни маҳсус ваколатли давлат органига тақдим этиш тартибига риоя этилиши устидан мониторинг ҳамда назорат қиласи.

Марказий банк Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини бошқаради.

Банклар ва кредит уюшмаларини рўйхатга олиш, банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналарга лицензиялар бериш хақ эвазига, Марказий банк томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ҳисобдордир. Марказий банк Бошқарувининг раисини Олий Мажлиснинг Сенати Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига кўра тайинлайди ва лавозимидан озод этади.

Марказий банкнинг олий органи унинг Бошқарувиdir. Бошқарув Марказий банк сиёсати ва фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради, банкни бошқаради.

Марказий банкнинг хукукий мақоми, вазифалари, ваколатлари, ташкил этилиши ва фаолияти принциплари «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Конун<sup>14</sup> билан белгиланади.

Яна бир рўйхатга олувчи орган Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда унинг худудий тузилмалари оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот

---

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда.

воситалари, ахборотлар алмашиш, матбуот, ноширлик, матбаачилик фаолияти ҳамда даврий нашрларни тарқатиш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги вазифаларни ҳал этиш учун ваколат берилган давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Агентлик ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

Агентликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бош директор бошчилик қилади.

Бош директор мақомига кўра вазирга tengлаштирилади.

ноширлик ва матбаачилик фаолияти, оммавий ахборот воситалари, даврий нашрларни тарқатиш, шу жумладан кўрсатиб ўтилган фаолият турларини рўйхатдан ўtkазиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситаларининг ягона реестрини юритади.

Яна бир муҳим жиҳати, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг оммавий ахборот воситаларини цензура қилиши, материалларни таҳрир қилиши ва оммавий ахборот воситалари фаолиятига бошқа ҳар қандай шаклда ноқонуний аралашиши қатъиян тақиқланади.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 июндаги 274-сонли қарори<sup>15</sup> билан тасдиқланган Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тўғрисидаги Низом билан тартибга солинади.

### **3 - б о б . ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ**

#### **1-§. Юридик шахслар**

Ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳукукларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, суд-

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2004 й., 24-сон, 272-модда.

да даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади. Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади.

Аввал таъкидлаб ўтилганидек, тадбиркорлик субъектлари – бу белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Шу муносабат билан, мазкур бўлимда тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида юридик шахс тушунчасига алоҳида тўхталишни лозим деб топдик.

Замонавий жамият ҳаётини кишиларнинг муайян гурухларга, турли хил уюшмаларга, у ёки бу мақсадларга эришиш учун ўзларининг саъй-ҳаракатлари ва маблағларини бирлаштирмасдан туриб тасаввур килиб бўлмайди. Кишиларнинг фуқаролик муносабатидаги бу каби жамоавий иштирок этишининг энг асосий ҳукуқий шакли айнан юридик шахс тузилмаси ҳисобланади.

## **1.1. Юридик шахс тушунчаси**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 39-моддасига асосан ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўзномидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳукуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади. Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади. Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

## **1.2. Юридик шахсларнинг умумий белгилари**

Фуқаролик ҳукуқи ҳар бири мухим бўлган, уларни жамлаганди эса ташкилотни юридик шахс деб тан олиш учун етарли бўлган юридик шахснинг умумий белгиларини тан олади<sup>16</sup>.

1. Юридик шахснинг ташкилий бирлиги унинг яккабошчилик асосидаги ёки коллегиал бошқарув органларининг муайян иерархияси, уларнинг ўзаро тобеълиги, шунингдек унинг иштирокчи-

<sup>16</sup> Гражданское право. 1-том. Дарслик. А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой таҳрири остида. – М.:ООО «ТК Велби», 2002. – 776 б. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарх 1-ж. (биринчи кисм)га каранг. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Vektor-Press», 2010. – 91б.

лари ўртасидаги муносабатларнинг тартибга солинишида намоён бўлади. Шу орқали кўплаб иштирокчиларнинг хоҳишларини юридик шахснинг яхлит иродасига айлантириш, шунингдек ушбу хоҳишларни амалга ошириш имконияти пайдо бўлади. Ташкилотга бирлашган шахслар фуқаролик муносабатида битта шахс, хукуқнинг битта субъекти сифатида майдонга чиқади.

2. Агар ташкилий бирлик кўпчилик шахсларни ягона жамоавий тузилмаган ташкилот атрофида бирлаштириш учун зарур бўлса, мулкий мустақиллик бундай ташкилот фаолиятиининг моддий базасини яратади. Ҳар қандай амалий ҳаракатни муайян воситалар: техника, билим ва ниҳоят пул маблағларисиз амалга ошириш мумкин эмас. Мазкур воситаларни ташкилотга тегишли бўлган ягона мулкий комплексга бирлаштириш ва уни бошқа шахсларга тегишли бўлган мулкдан алоҳидалаштириш юридик шахснинг мулкий мустақиллигини белгилайди.

3. Мустақил фуқаролик-хукуқий жавобгарлик принципи Фуқаролик кодексининг 48-моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра, юридик шахс муассиси (иштирокчиси) ёки унинг молмулкининг эгаси юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, юридик шахс эса муассис (иштирокчи) ёки мулкорднинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Ҳар бир юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича мустақил фуқаролик-хукуқий жавобгарликка эга бўлади.

4. Юридик шахснинг ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хукуқларга эга бўлиши, мажбуриятларга эга бўлиши, судда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиши – ўз моҳиятига кўра юридик шахснинг якуний, қайсиdir маънода эса ташкил қилинишидан кўзланган мақсаднинг белгилари ҳисобланади.

Юридик шахснинг мустақил баланс ва сметага эга бўлиш мажбурияти ҳам юридик шахснинг белгиларига киради, чунки бу хужжатларнинг мавжудлиги юридик шахснинг реал мулкий мустақиллигини таъминлайди.

### **1.3. Юридик шахсларнинг турлари**

Фаолиятининг асосий мақсадларидан келиб чиқиб, юридик шахслар тижоратчи ва тижоратчи бўлмаган ташкилотларга бўлинади. Тижоратчи ташкилот фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган бўлса, тижоратчи бўлмаган ташкилот фойда олишдан бошқа ҳар қандай мақсадни ўз олдига қўяди.

Тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс жамоат бирлаш-

маси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин.

#### **1.4. Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш**

Фуқаролик кодексининг 44-моддасига мувофиқ юридик шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар барчанинг танишиб чиқиши учун очиқ бўлган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади.

Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади. Рўйхатга олиш давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланади.

#### **1.5. Юридик шахснинг номи ва жойлашган ери**

Юридик шахс ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини билдирадиган номига эга бўлади. Юридик шахснинг жойлашган ери, агар қонунга мувофиқ юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, у давлат рўйхатидан ўтказилган жой билан белгиланади. Юридик шахс ўзи билан бўладиган алоқа амалга ошириладиган почта манзилига эга бўлиши лозим ҳамда ўзининг почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида ваколатли давлат органларини хабардор этиши шарт.

Юридик шахснинг номи ва жойлашган ери (почта манзили) унинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс ўз фирма номига эга бўлиши лозим. Юридик шахс ўз фирмасининг номидан фойдаланиш мутлақ ҳуқуқига эгадир.

#### **1.6. Юридик шахснинг жавобгарлиги**

Юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради.

#### **1.7. Тижорат ташкилоти**

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда(хусусий корхона, жамоа корхоналари) тузилиши мумкин.

Улушларга (кўшилган ҳиссаларга) ёки муассисларнинг (иштирокчиларнинг) акцияларига бўлинган устав фондига (устав капи-

тали)га эга бўлган тижоратчи ташкилотлар хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ҳисобланади. Муассислар (иштирокчилар) қўшган ҳиссалар ёки улар сотиб олган акциялар ҳисобига вужудга келтирилган, шунингдек хўжалик ширкати ёки жамияти ўз фаолияти жараёнида ишлаб чиқарган ва сотиб олган мол-мулк мулк ҳукуки асосида унга тегишилдири.

Хўжалик ширкатлари – бу шахслар ва улардан ҳар бирининг бевосита ҳаракатлари (то жавобгарликкача) фойда олиш мақсадида бирлашиш бўлса, хўжалик жамиятлари эса фақат уларнинг иштирокчилари капиталларининг бирлашуви бўлиб, улардан ҳар бирининг жамият фаолиятида бевосита иштирокисиз амалга ошади<sup>17</sup>.

Хўжалик жамиятлари иштирокчиларнинг тадбиркорлик таваккалчилигини чеклашга имкон беради, уларнинг жозибадорлиги кўп жиҳатдан айнан шу билан изоҳланади. Шунинг учун юридик шахснинг алоҳида шакли бўлган хўжалик жамиятларини кўриб чиқамиз.

Хўжалик жамиятлари масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият, акциядорлик жамияти шаклида тузилиши мумкин.

### **1.7.1. Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар**

Хозирги кунда масъулияти чекланган жамият (бундан буён матнда МЧЖ) Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган юридик шахсларнинг энг кенг тарқалган ва замонавий ташкилий-ҳукукий шакли бўлиб ҳисобланади.

Фуқаролик кодекси (62-модда) ҳамда «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (3-модда)га мувофиқ, бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис хўжжатлари билан белгиланган микдорларда улушларга бўлинган хўжалик жамияти масъулияти чекланган жамият деб ҳисобланади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ заарлар учун ўzlари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

---

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ 1-ж. (биринчи кисм) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Vektor-Press», 2010. – 1696.

Масъулияти чекланган жамиятнинг ўз ҳиссасини тўла кўшмаган иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисмининг қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Ўз навбатида бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорлардаги улушларга бўлинган хўжалик жамияти қўшимча масъулиятли жамият (КМЖ) деб ҳисобланади. Бундай жамиятнинг иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулклари билан ҳамма учун бир хил бўлган ва қўшган ҳиссалари қийматига нисбатан жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган каррали миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўладилар. Қўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари жавобгарлигининг энг юқори миқдори қўшимча масъулиятли жамиятнинг уставида назарда тутилади.

Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият (Жамият) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошка юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида (устав капиталида) бошқача тарзда иштирок этишга, ваколатхоналар ва филиаллар тузишга ҳақлидир.

Жамият, агар унинг таъсис ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, номуайян муддатга тузилади.

Жамият тўлиқ фирма номи давлат тилида ифодаланган ва жамиятнинг жойлашган манзили кўрсатилган думалоқ муҳрга эга бўлиши керак. Жамиятнинг муҳрида унинг фирма номи жамиятнинг ихтиёрига биноан бошқа тилларда ҳам ифодаланиши мумкин.

Жамият қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турларини амалга ошириши мумкин.

Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

Жамият ўз иштирокчиларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

Жамиятнинг банкротлиги иштирокчи сифатидаги шахснинг айби туфайли вужудга келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин.

Жамият иштирокчиларининг сони **эллик кишидан** ошмаслиги лозим.

Агар жамият иштирокчиларининг сони **эллик кишидан** ошиб кетса, жамият бир йил ичидаги очик акциядорлик жамияти ёки

ишлаб чиқариш кооперативи этиб қайта тузилиши керак. Агар кўрсатилган муддат давомида жамият қайта тузилмаса ва жамият иштирокчиларининг сони белгиланган меъёрга қадар камаймаса, у юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг талабига биноан суд тартибида тугатилиши керак.

Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Масъулияти чекланган жамиятнинг тўлиқ фирма номи жамиятнинг тўлиқ номини ва «масъулияти чекланган жамият» сўзларини ўз ичига олиши, кўшимча масъулиятли жамиятнинг тўлиқ фирма номи эса жамиятнинг тўлиқ номини ва «кўшимча масъулиятли жамият» деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

МЧЖ ва ҚМЖ ўзаро кўп жиҳатдан бир-бирига боғлиқ. Уларнинг асосий фарқи жавобгарликнинг хуқуқий тартибга солинишидан иборат.

Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятларнинг тузилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи маҳсус қонун бўлиб «Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни<sup>18</sup> ҳисобланади.

### 1.7.2. Акциядорлик жамиятлари (АЖ)

Хўжалик жамиятининг яна бир кенг тарқалган шаклларидан бири – бу акциядорлик жамиятиdir.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасига мувофиқ, устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларини тасдиқловчи муайян мидордаги акцияларга тақсимланган хўжалик юритувчи субъект акциядорлик жамияти деб ҳисобланади<sup>19</sup>.

Акциядорлик жамияти қонун хужжатларида тақиқланмаган фаолиятнинг ҳар қандай турларини амалга ошириш чоғида хукуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 10-модда.

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996 й., 5–6-сон, 61-модда.

АЖ давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқларини қўлга киритади. Жамият, агар унинг уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, чекланмаган муддатга тузилади.

АЖ қонун ҳужжатларида ман этилмаган ва таъсис ҳужжатларида кўрсатилмаган исталган фаолият тури билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шуғулланиши мумкин. Жамият муассислари таъсис ҳужжатларида фаолиятнинг асосий турларинигина санаб ўтишга ҳақлидир.

АЖ ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча молмулки билан жавобгар бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлайдилар. Акциялар ҳақининг ҳаммасини тўламаган акциядорлар жамият мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Акциядорлик жамияти очиқ ёки ёпиқ бўлиши мумкин. Очиқ акциядорлик жамиятининг муассислари таркибига кирувчиларнинг энг кам сони чекланмайди, ёпиқ акциядорлик жамиятининг муассислари эса камида **уч шахсдан** иборат қилиб белгиланади. Жамиятнинг ҳар бир муассиси унинг акциядори бўлиши лозим.

Катнашчилари ўзларига тегишли акцияларини ўзга акциядорларнинг розилигисиз бошқа шахсларга бериши мумкин бўлган акциядорлик жамияти очиқ акциядорлик жамияти (ОАЖ) деб хисобланади.

Очиқ акциядорлик жамияти ўзи чиқараётган акцияларга очиқ обуна ўтказишга ва қонун ҳужжатларининг талабларини хисобга олган ҳолда уларни эркин сотишга ҳақлидир.

Очиқ акциядорлик жамияти ўзи чиқараётган акцияларга ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли, жамият уставида ва қонун ҳужжатларида ёпиқ обунани ўтказиш имконияти чеклаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно. Очиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг сони чегараланмайди.

Акциялари фақат ўз муассислари ёки олдиндан белгиланган доирадаги шахслар орасида тақсимланадиган акциядорлик жамияти ёпиқ акциядорлик жамияти (ЁАЖ) деб хисобланади.

ЁАЖ ўзи чиқараётган акцияларга очиқ обуна ўтказишга ёхуд уларни чекланмаган доирадаги шахсларга сотиб олиш учун

бошқача тарзда таклиф этишга ҳақли эмас. Ёпиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг сони **эллик нафардан** зиёд бўлиши мумкин эмас. Белгиланган чегарадан ортиб кетган тақдирда у ёпиқ акциядорлик жамиятлари учун миқдори акциядорларнинг чегараланган лимитидан ортиб кетган шахслар акциядорлар реестрида рўйхатга олинган кундан эътиборан олти ой ичida очик акциядорлик жамиятига айлантирилиши, ушбу муддат тугагач суд тартибида тугатилиши лозим.

Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инвестицияларни, шу жумладан, тижорат банкларининг маблағларини кенг жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сонли «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони 1-бандига асосан 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб янги ташкил этиладиган очик ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари учун устав жамғармасининг энг кам миқдори жамият давлат томонидан рўйхатга олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эквиваленти 400,0 минг АҚШ долларига teng суммани ташкил этиши белгилаб қўйилди<sup>20</sup>.

Фаолият юритаётган очик ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари 2010 йилнинг 1 январигача ўзларининг устав жамғармалари миқдорини улар қайта рўйхатга олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эквиваленти камида 400 минг АҚШ долларига teng суммага етказишлари ёки хусусий мулкчилик шаклига ўтишни таъминлашлари шартлиги лозим эди.

Бунда жамиятнинг устав жамғармасини шакллантиришнинг энг кўп муддати таъсис ҳужжатларига мувофиқ жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмаслиги белгилаб қўйилди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Акциядорлик жамиятларини тузиш, уларнинг фаолияти ва уларни тугатиш, акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш би-

---

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 47-сон, 461-модда.

лан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи маҳсус қонун бўлиб «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни<sup>21</sup> хисобланади.

### **1.7.3. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар**

Юридик шахснинг яна бир кўриниши бўлган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонага алоҳида тўхталиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрдаги ПФ-1652-сонли «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида»ги Фармонининг 1-бандига мувофиқ, 1998 йилнинг 1 апрелидан бошлаб қўйидаги шартларга жавоб берадиган янгидан ташкил этиладиган корхоналар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ва унинг худудий органларида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар жумласига киради:

корхонанинг низом жамғармаси 150 минг АҚШ долларига тенг суммадан кам бўлиши мумкин эмас;

корхона иштирокчиларидан бири албатта хорижий, юридик шахс бўлиши шарт;

хорижий сармоялар улуши корхона низом жамғармасининг камидаги 30 фоизини ташкил этиши зарур.

Иштирокчиларидан бири хорижий инвестор бўлган корхоналар мазкур шартларга жавоб бермаган тақдирда хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар жумласига кирмайди ҳамда белгиланган тартибда **туман (шахар)лар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияла-рида** давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Шуни алоҳида ёдда тутиш лозимки, чет эл давлати фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳам хорижий инвесторлар бўлишлари мумкин ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этишлари мумкин.

---

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996 й., 5–6-сон, 61-модда.

#### 1.7.4. Бозорлар

Бозор институтига қисқача тұхталиб ўтиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги 330-сонли қарори<sup>22</sup> билан тасдиқланған Ўзбекистон Республикасида бозорларда савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари (2-банд, 2-хатбоши)га мувофиқ, бозор — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланған жойларда доимий ёки вақтингчалик асосда фаолият күрсатадиган ҳамда савдо расталари, савдо ўринлари, турғун савдо шохобчалари (шу жумладан савдо павильонлари, киоскалари)дан фойдаланған ҳолда, эркин ракобат шароитларида истеъмол товарлари кенг ассортиментининг чакана ва майда улгуржи олди-сотдиси учун зарур шарт-шароитлар яратышга мүлжалланған мулкий комплексдир.

Бозорлар деҳқон (озик-овқат), буюм ва ихтисослаштирилган бўлади.

Бозорни ташкил этиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бозор ташкил этиш учун ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарорлари асосида амалга оширилади.

Қарорда бозорнинг жойлашган ўрни, унинг ихтисослашуви, иш тартиби, ундаги савдо ўринларининг сони ва уларнинг жойлашиши мажбурий тартибда белгилаб қўйилади.

Бозор фаолиятини ташкил этиш бозор ташкил этиш учун ажратилилган ер участкасини изараға берувчи юридик шахс томонидан таъминланади. Кўрсатиб ўтилган юридик шахс очиқ акциядорлик жамияти шаклида ёки масъулияти чекланған жамият шаклида ташкил этилади, унинг муассисларидан биттаси мажбурий тартибда устав жамғармасидаги улуши камидა 51 фоиз бўлган жойлардаги давлат ҳокимияти органи бўлиши керак.

Ташкил этилаётган бозорлар устав жамғармасининг энг кам миқдори тегишли ташкилий-хукуқий шакллар учун қонун хужжатларида белгиланған миқдорга мувофиқ бўлиши, лекин **энг кам ойлик иш ҳақининг камидা 500 бараваридан кам бўлмаслиги керак.**

Давлат рўйхатидан ўтказиш пайтигача бозорнинг устав жамғармасига таъсис ҳужжатларида кўрсатилган миқдорнинг камида 30 фоизи қўшилади.

---

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 14-сон, 119-модда.

## **2-§. Якка тартибдаги тадбиркорлар (жисмоний шахслар) (ТФЭК ЎРҚ 6-м. ва ПҚ-357 12-б.)**

Якка тартибдаги тадбиркорлик — юридик шахс ташкил этмаган ҳолда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши. Жисмоний шахслар деганда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади. Жисмоний шахслар якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли.

ЎзР ФКнинг 16-моддасида фуқаролар (жисмоний шахслар) деганда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси худудида бошқа давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар истиқомат қиласди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси худудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар.

Фуқаролик кодексининг 24-моддаси Фуқаро якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эканлигини назарда тутади.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 6-моддасига мувофиқ якка тартибдаги тадбиркорлик — юридик шахс ташкил этмаган ҳолда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилишидир<sup>23</sup>.

Якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркор томонидан ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, мулк ҳуқуки асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2000 г., 5-6-сон, 140-модда.

ашёвий ҳуқук туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида мустақил равишда амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркорликни амалга ошириш учун эр хотиндан бири эр-хотиннинг умумий биргалиқдаги мол-мулкидан фойдаланадиган ҳолларда, агар қонунларда, никоҳ шартномасида ёки эр-хотин ўртасидаги ўзга келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, эрнинг (хотиннинг) розилиги талаб қилинади.

ФКнинг 24-моддасида фуқарога тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган ёш назарда тутилмаганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Кодекснинг умумий қоидаларидан келиб чиқсан ҳолда фуқаро муомала лаёқатига етиши билан, яъни ўн саккиз ёшга етгандан сўнг ёки эмансипация вужудга келиши билан тадбиркорлик фаолиятиини бошлаши мумкин.

Эмансипация деганда ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши тушунилади.

Товарларни импорт қилиш ва уларни сотиш билан шуғулланувчи жисмоний шахслар фаолиятини янада тартибга солиш, савдонинг уюшган, маданиятли шаклларини ривожлантириш мақсадида тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахслар («четдан товар олиб келувчилар»)ни юридик шахс бўлмасдан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида давлат рўйхатидан ўтишлари шарт. Эслатиб ўтамиз, тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахслар («четдан товар олиб келувчилар»)ни юридик шахс бўлмасдан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш жисмоний шахснинг яшаш жойидаги туманлар (шаҳарлар) Давлат солиқ инспекцияларида (хозир бўлиш тартибида) амалга оширилади.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 7-моддасига мувофиқ<sup>24</sup> жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги биргалиқдаги тадбиркорлик фаолиятини қуийдаги:

- эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида улар томонидан амалга ошириладиган оиласи тадбиркорлик;

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ахборотномаси, 2000 г., 5–6-сон, 140-модда.

- оддий ширкат;
- юридик шахс ташкил этмаган ҳолда дәхқон хўжалиги шакларида амалга оширишлари мумкин.

Эр-хотинга умумий биргаликдаги мулк хуқуқида тегишли бўлган мол-мулк негизида оилавий тадбиркорлик амалга оширилаётганида, иш муомалаларида эр-хотин номидан эрнинг ёки хотиннинг розилиги билан улардан бири иштирок этади, бу розилик якка тартибдаги тадбиркор рўйхатдан ўтказилаётгандан тасдиқланниши лозим.

Тадбиркорлик фаолияти обьекти сифатида уй-жойдан фойдаланиш билан боғлиқ оилавий тадбиркорлик амалга оширилаётганида, уй-жой мулкдорларидан бирининг иш муомалаларига киришиши оиланинг вояга етган бошқа аъзоларининг нотариал тасдиқланган розилиги бўлган тақдирда амалга оширилади.

Оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома) бўйича шериклар (иштирокчилар) деб аталувчи икки ёки ундан ортиқ шахс фойда олиш ёки қонунга зид бўлмаган бошқа мақсадга эришиш учун ўз ҳиссаларини қўшиш ва юридик шахс тузмасдан биргаликда иш қилиш мажбуриятини оладилар.

Жисмоний шахслар фақат якка тартибдаги тадбиркорлар тариқасида давлат рўйхатидан ўтганларидан кейин улар биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган оддий ширкат шартномаси тарафлари бўлишлари мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, юридик шахс ташкил этмасдан хусусий тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сонли қарори<sup>25</sup> билан Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари Рўйхати тасдиқланди. Ушбу қарорга мувофиқ жисмоний шахслар 2011 йил 1 апрелдан бошлаб ушбу Рўйхатга киритилмаган фаолият турларини амалга ошириши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди. (Рўйхат қўйида келтирилган).

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда дәхқон хўжалиги алоҳида ўрин эгаллайди.

---

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2011 й., 1–2-сон, 8-модда.

«Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конунига<sup>26</sup> мувофиқ дехқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиширади ва реализация қиласи.

Дехқон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ҳамда дехқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин.

ЎзР Ер кодексининг 55-моддасига асосан оилали ва қишлоқ жойларда камида уч йил мобайнида яшаб турган фуқароларга дехқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга томорқа ер участкаси суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва саҳро минтақасида эса суғорилмайдиган яйловлардан 1 гектаргача ўлчамда берилади. Қишлоқ жойларда камида уч йил яшаб турганлик тўғрисидаги талаб янги суғориладиган ер массивлари учун қўлланилмайди. Бунда дехқон хўжалиги юритиш учун бериладиган ер участкасининг ўлчами якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга илгари берилган ёки бериладиган ер участкасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади<sup>27</sup>.

Дехқон хўжалиги ўз фаолиятида ёлланма меҳнатдан доимий асосда фойдаланиши мумкин эмас.

Дехқон хўжалиги аъзолари жумласига биргаликда яшаётган ва дехқон хўжалигини биргаликда юритаётган оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, тарбияга олган болалари, ота-оналари, меҳнатга қобилиятли ёшга етган бошқа қариндошлари киради.

Дехқон хўжалиги ихтиёрийлик асосида тузилади ҳамда фуқарога белгиланган тартибда ер участкаси берилганидан ва дехқон хўжалиги давлат рўйхатига олинганидан кейин ташкил этилган ҳисобланади.

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1998 й., 5–6-сон, 88-модда.

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1998 й., 5–6-сон, 82-модда.

**Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан  
шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари  
РЎЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Фаолият турининг номи</b>
<b>I.</b>	<b>Чакана савдо:</b>
1.	Озиқ-овқат товарлари билан чакана савдо қилиш (ўсимлик мойи ва алкоголли маҳсулотларни сотиш бундан мустасно)
2.	Дехқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чакана сотиш
3.	Ноозик-овқат товарларини чакана сотиш (нефть маҳсулотларининг барча турларини, қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар ёхуд бундай материаллар кўлланилган буюмларни, кино ва видео маҳсулотларини, янги импорт автомобиллар ва фармацевтика товарларини сотиш бундан мустасно)
4.	Озиқ-овқат ва ноозик-овқат товарларини чакана сотиш (турғун шоҳобчаларда аралаш савдо қилиш)
5.	Товарларни импорт қилиш ва чакана сотиш*
<b>II.</b>	<b>Қонун ҳужжатларида белгиланган рўйхат бўйича халқ бадиий хунармандчилиги ва декоратив-амалий санъат буюмларини тайёрлаш.</b>
<b>III.</b>	<b>Маишӣ хизматлар, II бўлимда назарда тутилганларидан ташқари:</b>
6.	Сартарошлиқ хизматлари, маникюр, педикюр, косметолог хизматлари ва шунга ўхшаш бошқа хизматлар
7.	Кир ювиш, куруқ ва кимёвий тозалашни ташкил этиш, шунингдек дазмоллаш хизматлари
8.	Гилам ва гилам буюмларини таъмирлаш ва тозалаш
9.	Тикув, мўйна, чарм ва трикотаж буюмларни, бош кийимларини, тўқимачилик галантериясидан тикилган буюмларни таъмирлаш ва тикиш, трикотаж буюмларни тўкиш
10.	Ҳайвонлар терилари, мўйна, тўқимачилик, чарм буюмлар ва бошқа буюмларни ошлаш ва бўяш
11.	Якка буортмалар бўйича пойабзал тайёрлаш ва тикиш, пойабзални таъмирлаш, бўяш ва тозалаш
12.	Атторлик буюмларини тайёрлаш ва таъмирлаш
13.	Бижутерия ва жевакларни тайёрлаш ва таъмирлаш
14.	Калитлар тайёрлаш

15.	Металл ва тунука буюмлар тайёрлаш ва таъмирлаш
16.	Мотам гулчамбарлари, сунъий ранглар, гирлянд тайёрлаш
17.	Тұсиклар, ҳайкаллар, металлдан ясалған гулчамбарларни тайёрлаш ва таъмирлаш
18.	Әшик, дераза ва ёғочдан бошқа буюмлар тайёрлаш, мебелдан ташқари
19.	Инвентарни (хұжалик, спорт, балиқчилик ва хоказо инвентарь) таъмирлаш ва тайёрлаш
20.	Кесувчи буюмлар ва асбобларни чархлаш
21.	Мебелни йиғишиш ва таъмирлаш
22.	Мусиқа асбобларини таъмирлаш ва созлаш
23.	Яққа буюртма бүйіча қимматбақо металлардан ясалған заргарлық буюмларини тозалаш, шунингдек заргарлық буюмларини таъмирлаш
24.	Оптика, соатларни таъмирлаш ва ўймакорлық ишлари
25.	Радиоэлектрон аппаратлар, машиның машиналар, машиның приборлар, оффис машиналари ва ҳисоблаш техникасини таъмирлаш, ўрнатиш ва уларга техник хизмат күрсатиши
26.	Транспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат күрсатиши, шу жумладан транспорт воситаларига техник хизмат күрсатиши хизматларининг бошқа турлари (акустик тизимлар ва құриқлаш сигналларини таъмирлаш ва ўрнатиш, ювиш, текислаш, кузовга ҳимоя ва безак қолпамалари қоллаш, салонни тозалаш ва шунга ўхшаш бошқа хизматлар)
27.	Санитария-техника хизматлари ва пайвандлаш ишлари
28.	Шиша ва ойналарни қирқиши, шишага бадийи ишлов бериш
29.	Биноларга ойна ўрнатиш хизматлари
30.	Жамоат қожатхоналари хизматлари
31.	Ҳаммол ва сауна хизматлари
32.	Туар жойларни йиғишириш хизматлари
33.	Хөвлілар ва боғларға қараш хизматлари, шунингдек күқаламзорлаштириш ишлари
34.	Боғлар, полизлар ва дов-даражатларни зааркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш
35.	Видеога олиш ва фотосуратга олиш хизматлари

<b>IV.</b>	<b>Фаолиятнинг бошқа турлари:</b>
36.	Миллий ширинликлар, нон-булка ва қандолатчилик буюмлари тайёрлаш ва сотиш, шунингдек уй шароитларида ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан ажратилган маҳсус жойларда ўриндиклар ташкил этмасдан доналаб сотиладиган таомларнинг алоҳида турларини тайёрлаш
37.	Ўлчов воситалари тайёрлаш ва уларни прокатга бериш
38.	Курилиш, таъмирлаш ва безаш бўйича алоҳида ишларни бажариш (капитал курилиш, курилиш-монтаж ишлари бўйича юридик шахсларга хизмат кўрсатишдан ташқари)
39.	Репетиторлик хизматлари
40.	Таржима хизматлари, таҳrir хизматлари
41.	Болаларнинг ўйинчоқ автоматлари билан боғлиқ хизматлар
42.	Ахборотнинг криптографик ҳимояси воситаларини лойиҳалаш, яратиш, ишлаб чиқариш, сотиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш
43.	Дизайн бўйича хизматлар (график, интеръер, мебель ва ҳоказолар), шунингдек чизмачилик-графика ишлари
44.	Компьютер дастурларини ишлаб чиқиш хизматлари, компьютер ўйинларини ташкил этиш, шунингдек компьютер ёрдамида матнларни териш ва босиб чиқариш хизматлари, матндан нусха олиш ва кўпайтириш билан боғлиқ хизматлар
45.	Ташриф коғозлари ва таклифнома билетларини тайёрлаш ва босиши
46.	Муқовалаш ишлари
47.	Рекламани ишлаб чиқиш ва жойлаштириш
48.	Суғурта агентлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар
49.	Тўйлар, юбилейлар ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатиш
50.	Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида гастрол-концерт фаолиятини амалга ошириш
51.	Тантанали маросимларни ташкил этиш хизматлари (тўй, юбилей, туғилган кун ва ҳоказолар)
52.	Кўйлак ва костюмларни, шунингдек уларга аксессуарларни прокатга бериш
53.	Ижтимоий хизматлар (болалар, bemорлар ва кекса кишиларга қараш хизматлари)

54.	Жисмоний тарбия-соғломлаштириш фаолияти (шнейпинг, аэробика, спорт секциялари, саломатлик гурухлари), тренерлик хизматлари
55.	Тўгараклар ташкил этиш ва юритиш
56.	Тулумни шишириш хизматлари (таксидермик ишлар)
57.	Тегирмонларда донни майдалаш (тозалаш) хизматлари
58.	Мол сўйиш хизматлари
59.	Уй ҳайвонларига қараш хизматлари
60.	Ветеринария фаолияти
61.	Юкларни автомобиль транспортида ташиш
62.	Йўловчилар ва юкларни дарё транспортида ташиш
63.	Ўсимлик, ҳайвонлар ва минераллардан тайёрланган доривор хом ашёни етиштириш, йигиштириш, тайёрлаш, қадоқлаш ва улгуржи сотиш
64.	Гуллар ва декоратив дараҳтлар етиштириш ва сотиш
65.	Аквариум балиқлари, декоратив қушлар ва бошқа ҳайвонларни қўпайтириш ва сотиш
66.	Шиша идишлар ва иккиласмчи хом ашёни қабул қилиш хизматлари (металл чиқиндиларидан ташқари)
67.	Риэлторлик фаолияти

(Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги қарорига қаранг)

\* Товарларнинг турлари туманлар (шахарлар) ҳокимларлари хузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан бериладиган чакана савдони амалга ошириш ҳукуқи учун берилган рухсатномада, шунингдек давлат солиқ хизмати органлари томонидан берилган тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган якка тадбиркорнинг рўйхатдан ўтказиш (рухсат бериш) тартиботлари варакасида кўрсатилади.

Изоҳ. Агар якка тадбиркор фаолиятнинг асосий турига нисбатан ёрдамчи ҳисобланган фаолиятни амалга оширса, қатъий белгиланган солиқ фаолиятнинг бир тури учун тўланади.

Ушбу Рўйхатга киритилган фаолият турлари юридик шахс шаклидаги тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

## **4 - б о б . ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РҮЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ**

### **1-§. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг турлари (ПҚ-357, ВМҚ 357, 413-сон)**

*Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш асосан рухсат бериш ва хабардор қилиш тартибида амалга оширилади. Товарларни импорт қилиши ва уларни сотиши билан шугулланувчи жисмоний шахслар учун тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг алоҳида тартиби мавжуд.*

Юқорида таъкидланганидек, тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари – бу белгиланган тартибида давлат рўйхатидан ўтказилган ва тадбиркорлик фаолиятини юритаётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Давлат томонидан қонун даражасида тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурий сарф-харажатларни камайтириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқлар ва ғовларни бартараф этишга қаратилган туб чора-тадбирлар кўрилган. Ҳусусан, тадбиркорлик фаолияти субъектларини расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказиша келишилиши лозим бўлган инстанцияларнинг кескин даражада қисқариши ва барча келишувларнинг фақат битта инстанция доирасида амалга оширилишини назарда тутувчи тартиб ўрнатилди.

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш асосан рухсат бериш ва хабардор қилиш тартибида амалга оширилади.

Юқорида таъкидланганидек, товарларни импорт қилиш ва уларни сотиши билан шугулланувчи жисмоний шахслар учун қонунчиликда тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг алоҳида тартиби кўзда тутилган.

## **1.1. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби (ПҚ-357-сон)**

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг хабардор қилиш тартиби тақдим этилган хужжатлар асосида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг тезлаштирилган таомили ҳисобланади.

### **1.1.1. Кириш**

Барчамизга маълумки, 2006 йилда Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизими ислоҳ қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сонли «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби»ни жорий этиш тўғрисида»ги қарори<sup>28</sup> (1-банд)га мувофиқ 2006 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишнинг хабардор қилиш тартиби ўрнатилди.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг хабардор қилиш тартиби тақдим этилган хужжатлар асосида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сонли қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги Низомда назарда тутилган қисмдагина уларни кўриб чиқишининг тезлаштирилган таомили ҳисобланади.

Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектларини хабардор қилиш тартибида давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш саккиз босқичдан иборат ва схема бўйича амалга оширилади (1-иловага қаранг), якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган дехқон хўжаликларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш эса етти босқичдан иборат бўлиб, схема бўйича (2-иловага қаранг) амалга оширилади. Булар қандай схемалар? Босқичларни тушунтиринг?

---

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006 й., 20–21-сон, 174-модда.

Давлат рўйхатидан ўтказиши учун зарур бўлган статистик кодлар тадбиркорлик субъектига рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан маъмурий-худудий белгилар, фаолият турлари, мулкчилик шакллари ва ташкилий-хукукий шакллар статистик таснифлагичларидан фойдаланилган ҳолда берилишини таъкидлаш лозим.

### **1.1.2. Статистик кодлар, КТУТ ва солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) кодлари**

Рўйхатдан ўтказувчи орган КТУТ кодларининг тегишли квотасидан КТУТ кодларини беради<sup>29</sup>. КТУТ кодлари квотаси Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан рўйхатдан ўтказувчи органга мустақил равища бериш учун ажратилган КТУТ кодларининг миқдоридан иборатдир. КТУТ кодлари квотаси ҳар бир рўйхатдан ўтказувчи органга ҳар ойнинг 5 санасидан кечиктирмай узлуксиз равища тақдим этилади. КТУТ кодлари квотаси ҳар ойда давлат рўйхатидан ўтказилаётган тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларнинг ўртача сонидан келиб чиқиб ажратилади.

КТУТ коди кетма-кетлик тартибида берилади. Рўйхатдан ўтказувчи органларда КТУТ кодининг йўқ бўлишига йўл кўйилмайди.

КТУТ коди берилганидан кейин, рўйхатдан ўтказувчи орган электрон почта алоқаси орқали туман (шахар) давлат солиқ инспекциясига солиқ тўловчининг идентификация рақамини (СТИР) бериш учун мазкур З ва За-иловаларга мувофиқ шакл бўйича сўровнома юборади. Электрон почта алоқаси мавжуд бўлмаган ҳолда солиқ тўловчининг идентификация рақамини (СТИР) бериш учун тегишли сўровнома факсимил алоқа орқали юборилади.

Туман (шахар) давлат солиқ инспекцияси тегишли сўровномани қабул қилиб олгач, аниқ вақт режимида солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамлари (СТИР) марказлаштирилган базаси орқали тадбиркорлик субъектига солиқ тўловчининг идентификация рақамини (СТИР) беради ва айни вақтда солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамлари марказлаштирилган базасига тегишли ёзувни киритади.

Тадбиркорлик субъектига солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) берилиб, солиқ тўловчининг идентификация

---

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006 й., 20-21-сон, 174-модда.

рақами (СТИР) берилганлиги тўғрисидаги маълумотнома расмийлаштирилади ва рўйхатдан ўтказувчи органларга электрон почта орқали юборади. Электрон почта алоқаси бўлмаган тақдирда солик тўловчининг идентификация рақами (СТИР) берилганлиги тўғрисидаги маълумотнома факсимил алоқа орқали юборилади.

Солик тўловчининг идентификация рақамини (СТИР) бериш ва уни рўйхатдан ўтказувчи органга юбориш муддати 8 иш соатидан ортиқ бўлмаган вақтни ташкил қиласди.

### **1.1.3. Рўйхатдан ўтказувчи органлар учун муҳр ва штамп эскизлари**

Муҳр ва штамп эскизлари Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари талабларига мувофиқ келганда, рўйхатдан ўтказувчи орган 4-иловага мувофиқ шакл бўйича муҳр ва штампни тайёрлашга рухсатномани расмийлаштиради.


Муҳр ва штамп эскизлари Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари талабларига мувофиқ келмаганда, рўйхатдан ўтказувчи орган тадбиркорлик субъекти билан келишган ҳолда тақдим этилган барча эскиз нусхаларига зарурий тузатишларни киритиши ва муҳр ва штампни тайёрлашга рухсатномани расмийлаштириши мумкин.

### **1.1.4. Реестрда давлат рўйхатидан ўтказиш**

Рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидалари (статистик кодлар, СТИР берилиши, муҳр ва штампни тайёрлашга рухсатноманинг расмийлаштирилиши) тугагандан кейин юридик шахсни ташкил этган барча тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан 5-иловага мувофиқ юридик шахсларнинг давлат реестрига киритилади. Якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган дехқон хўжаликлари тўғрисидаги маълумотлар 5а ва 5б-иловаларга мувофиқ шакллар бўйича реестрларга киритилади.

# Юридик шахс ташкил этган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиши ва ҳисобга қўйиш


## СХЕМАСИ



(Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор килиши тартибини жорий этиш тўғрисидаги Низомнинг 2иловаси)

**Якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган дехқон хўжаликларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш**

**СХЕМАСИ**



(Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги Низомнинг 2а Иловаси)

**Юридик шахсларга солник түловчиннинг идентификация ракамини (СТИР) бериши учун**

**СҮРОВНОМА**

<b>Босма харфлар билан (кўлда) тўлдирилади</b>	
01. Тўлик номи:	
02. Кискартирилган номи:	
МАНЗИЛИ	03. Почта индекси:
04. Вилоят, Ташкент ш., Коракалпогистон Республикаси:	
05. Туман:	
06. Шахар, кишлек, мавзе:	
07. Кўча:	
08. Уй, корпус, блок	

09. Телефон:																									
10. Телекс:																									
11. Факс:																									
12. Асосий фаолият тури:																									
13. Мулкчилик шакли:																									
14. Ташибкий-хукукий шакл:																									
15. Биш корхонанинг СТИРИ (агар бор бўлса):																									
16. КГУТ хос раками:																									
17. ХХХҮТ хос раками:																									

Юборилган сана ва вакт

Рўйхатдан ўтказувчи орган масвул ходимининг Ф.И.О.

(Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва хисобга кўйининг хабардор килиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги Низомнинг З-иловасига карант.)

Якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бүлмасдан ташкил этилгандекон хўжаликларига солик тўловчининг идентификация ракамини (СТИР) бериш учун

CÝPOBHOA

Босма ҳарфлар билан (күлда) түлдирилади

## 01. Фамилияси:

02. ИСМИ:

03 Отасиининг исми.

04 Түркістан санаси (құн 09 ыйн)

05 Түгелгән жойы:

卷之三

07. Вилоят,  
Тошкент ш.,  
Коракалпог

100

8. 1 yMAH.

09. Шахматы

10. Kyča:

11. И, копируя

### 13. Телефон:

15 Ракам:

16. Ким томонидан берилган:							
17. Берилган вакти (кун, ой, йил):							
19. Муддати (кун, ой, йил):							
20. Фукаролиги: Үзб. Респ. фукароси	Чет эл фукароси::	Фукаролиги йўқ:					
21. Доимий яшаш мамлакати							
22. Фукаронинг шахсий раками (паспорт бўйича):							
23. Фаолият тури:							

(Талдирик субъектларини давлат рүйхатига олиш ва хисобга күйишнинг хабардор килиш тартибини жорий этиши түгүрсисдагы Низомманин ЗА-Иловасига карант.)

## Мухр ва штамп тайёлашга руҳсатнома

К \_\_\_\_\_ й. «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_  
 И \_\_\_\_\_ (рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)  
 Р \_\_\_\_\_ -сонли РУҲСАТНОМА  
 К \_\_\_\_\_  
 И \_\_\_\_\_  
 Ш \_\_\_\_\_ (юридик шахснинг номи, жисмоний,  
 Ч \_\_\_\_\_ шахснинг Ф.И.О, адреси)  
 И \_\_\_\_\_ З \_\_\_\_\_ варакларда илова қилинаётган эскизлар  
 И \_\_\_\_\_ И \_\_\_\_\_ бўйича \_\_\_\_\_ (мухр ва штамп турлари келтирилсин,  
 И \_\_\_\_\_  
 уларнинг сони келтирилсин)  
 Буюртмани олишга маъсул \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)  
 \_\_\_\_\_ й. «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ гача ҳақиқий

М.Ў

Рўйхатдан ўтказувчи орган раҳбари

(Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва хисобга қўйишнинг хабардор килиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги Низомнинг 4-иловасига қаранг.)

### **1.2. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг руҳсат бериш тартиби(ВМҚ 357-сон)**

Давлат рўйхатидан ўтказишнинг руҳсат бериш тартиби:

девлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан бир вақтда туман (шаҳар) ҳокимининг ер участкасига бўлган хуқуқни рўйхатдан ўтказиш ва обьект қурилишига руҳсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш учун янги қурилишга ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарори нусхасини тақдим этган тадбиркорлик субъектларига;

девлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан бир вақтда туман (шаҳар) ҳокимининг газ ва электр тармоқларига ула-

ниш учун техник шартлар олиш учун янги қурилишга ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарори нусхасини тақдим этган тадбиркорлик субъектларига;

давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризада фаолиятнинг асосий тури сифатида фаолиятнинг лицензияланадиган турини кўрсатган тадбиркорлик субъектларига татбиқ этилади.

**Юридик шахс ташкил этишнинг рухсат бериш тартиби юридик шахс ташкил этишга у ёки бу ваколатли орган томонидан рухсат этилишини англатади.** Юридик шахс ташкил этишнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини важ қилиб давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилиши мумкинлиги сабабли СССРда бундай тартибда кўплаб жамоат ва кооператив ташкилотлар ташкил этилган<sup>30</sup>. Амалдаги қонунчилик юридик шахсни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўймайди (ЎзРФК 44-моддаси).

### **1.2.1. Рўйхатга олиш инспекциялари томонидан бир вақтнинг ўзида уларни солиқ ва статистика органларида хисобга қўйган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиш**

Таъкидлаш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, хисобга қўйиш ва рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом (Низом):

тадбиркорлик субъектларини айни пайтда давлат солиқ ва статистика органларида хисобга қўйган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигига, вилоят адлия бошқармаларида, туманлар (шаҳарлар) ҳокимларни хузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларида (Инспекциялар) давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва муддатларини;

объектларни қуриш ва реконструкция қилиш учун зарур бўлган рухсат берувчи хужжатларни, шу жумладан муҳандислик коммуникацияларига (газ билан таъминлаш, энергия билан таъминлаш, сув билан таъминлаш, канализация, иссиқлик билан таъминлаш, телефон алоқаси) уланиш учун техник шартларни ваколатли органларда ва фойдаланиш ташкилотларида расмий-

<sup>30</sup> Гражданское право. 1 Том. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган олинчичи нашр / А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой таҳрири остида. – М.:ООО «ТК Велби», 2002. – 776 б.

лаштириш, тадбиркорлик фаолияти учун турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказишни расмийлаштириш тартиби ва муддатларини белгилайди.

### **1.2.2. Давлат рўйхатидан ўтказишнинг рухсат бериш тартиби қўлланиладиган шахслар**

Давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг рухсат бериш тартиби давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан бир вақтда туман (шаҳар) ҳокимининг ер участкасига бўлган ҳукуқни рўйхатдан ўтказиш ва объект қурилишига рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш учун янги қурилишга ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарори нусхасини тақдим этган тадбиркорлик субъектларига;

давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан бир вақтда туман (шаҳар) ҳокимининг газ ва электр тармоқларига уланиш учун техник шартлар олиш учун янги қурилишга ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарори нусхасини тақдим этган тадбиркорлик субъектларига;

давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризада фаолиятнинг асосий тури сифатида фаолиятнинг лицензияланадиган турини кўрсатган тадбиркорлик субъектларига татбиқ этилади.

### **1.2.3. Инспекция томонидан бериладиган рухсат берувчи хужжатлар бўйича тартиб-қоидалар**

Объектларни қуриш, қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш, турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказиш учун зарур бўлган рухсат берувчи хужжатларни ваколатли органларда ва фойдаланиш ташкилотларида расмийлаштириш тадбиркорлик субъекти ёки унинг муассасасининг аризасига кўра Инспекция томонидан таъминланади.

Ариза берувчи (тадбиркорлик субъекти ёки унинг муассиси) Инспекцияга тадбиркорлик субъектини, айни пайтда рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштирган ҳолда ёки рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштирмасдан давлат рўйхатидан ўтказиш учун мурожаат қилиши мумкин.

### **Илгари рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлик субъектлари**

Рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш учун Инспекцияга илгари рўйхатдан ўтказилган (рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштирган ҳолда ёки расмийлаштирмасдан), хабардор

қилиш тартибидан рўйхатдан ўтказилган, шунингдек ЎзР Адлия вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар адлия бошқармаларида, туманлар (шахарлар) давлат солиқ инспекцияларида рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлик субъектлари ҳам мурожаат қилишлари мумкин. Бунда давлат божи ундирилмайди.

### **Рухсат берувчи хужжатларни берганлик учун ҳақ тўлаш усули**

Инспекция томонидан рухсат берувчи хужжатлар расмийлаштирилганда тегишли рухсат берувчи хужжатлар берилганлиги учун ваколатли органлар хизматларига ҳақ тўлаш фақат Инспекция орқалигина амалга оширилади.

#### **1.2.4. Тадбиркорлик субъекти бўлмаган ва обьектлардан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш ниятида бўлмаган шахслар учун шарт-шароитлар**

Таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик субъекти бўлмаган ва обьектлардан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш ниятида бўлмаган шахслар ҳам рухсат берувчи тартиб-қоидалардан ваколатли органларда ва фойдаланиш ташкилотларида ўтадилар, шу жумладан муҳандислик коммуникацияларига уланиш (газ, энергия, сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти, телефон алоқаси) учун техник шартлар олиш, обьектларни қуриш ва реконструкция қилиш, Низомга мувофиқ, Инспекцияга мурожаат қилиш билан боғлиқ нормалар бундан мустасно.

Тадбиркорлик субъекти бўлмаган ва обьектлардан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш ниятида бўлмаган шахслар томонидан тураг жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказиш Низомга мувофиқ Инспекциялар орқали амалга оширилади.

#### **1.2.5. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиб-қоидаларининг схемаси**

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни ҳисобга қўйиш:

юридик шахсларни —5-иловага мувофиқ схема бўйича;

якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган дехқон хўжаликларини —6-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан юридик шахсни ташкил этган барча тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан

ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар 7-иловага мувофиқ юридик шахсларнинг давлат реестрига киритилади. Якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган дехқон хўжаликлари тўғрисидаги маълумотлар 7а ва 7б-иловаларга мувофиқ шакллар бўйича реестрга киритилади.

### **1.2.6. Рухсат бериш ҳужжатларини расмийлаштириш**

а) Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш

Мазкур бўлимда рўйхатдан ўтказишнинг рухсат бериш тартиби ҳақида гап борар экан, **тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш** масаласига эътибор қаратиш лозим мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундай қилиб, ваколатли органларда ва фойдаланиш ташкилотларида ер участкаси бериш, объектларни куриш ва реконструкция қилиш, турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказиш рухсат берувчи ҳужжатларни, шу жумладан муҳандислик коммуникацияларига уланиш (газ, энергия, сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти, телефон алоқаси) учун техник шартларни расмийлаштириш қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- лойиҳаолди (архитектура-режалаштириш топшириғи, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш учун техник шартлар);

- лойиҳалаштириш;
- куриш.

Лойиҳаолди босқичида рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш 8, 8а, 8б-иловаларга мувофиқ схема бўйича тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш билан бир вақтда амалга оширилади, ариза фақат рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришга берилган ҳоллар бундан мустасно.

Инспекция келиб тушган аризаларга мувофиқ қўйидагилар билан боғлиқ бўлган рухсат берувчи ҳужжатларни (жумладан, бошланғич рухсатнома) расмийлаштиради:

- объект қурилиши;
- объект йўналишини ўзгартириш ва реконструкциялаш;
- турар жойларни нотурар жойларга айлантириш.

Инспекция юқорида кўрсатилган тартиботларнинг барча вазиятларида аризаларни қабул қиласи ва рухсат берувчи

хужжатларни (жумладан, бошланғич рухсатнома) расмийлаштиради.

б) Объектлар курилишига рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш

### **Ариза берувчи томонидан Инспекцияга тақдим қилинадиган хужжатлар**

Мұхандислик-коммуникация тармоқларига уланишга техник шартларни олиш ва архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиши учун ариза берувчи Инспекцияга 10 ёки 10-аиловаларга мувофиқ шакл бүйича ариза беради. Аризага туман (шаҳар) ҳокимининг лойиҳалаштириш учун ер участкасини танлаш бүйича материалларни тасдиқлаш түғрисидаги қарори нусхаси илова қилинади.

### **Ер участкасига эгалик ҳукуқини рўйхатдан ўтказиш**

Рўйхатдан ўтказиш Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларининг рўйхатдан ўтказиш оғислари («Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг худудий хизматлари) томонидан амалга оширилишини таъкидлаймиз<sup>31</sup>.

Ер участкаси ҳукуқини рўйхатдан ўтказганлик учун рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан юридик шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи, жисмоний шахслардан эса энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида тўлов ундирилади.

### **Мұхандислик таъминоти бўйича юклама ҳажмлари хисоб-китоблари билан лойиҳалаштириш юзасидан топширик**

Инспекция бир кун муддатда тегишли туман (шаҳар) газ таъминоти, электр таъминоти, сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти ва телефон алоқаси бўйича фойдаланиш ташкилотларига техник шартларни олиш юзасидан буюртма беради.

Фойдаланиш ташкилотлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган техник шартларни З иш куни мобайнида беради.

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси «Ергеодезкадастр»нинг фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги 483-сонли қарори билан тартибга солинади.

Техник шартлар фойдаланиш ташкилотлари томонидан бепул берилади.

Техник шартларни бериш имкони бўлмаган тақдирда фойдаланиш ташкилотлари З иш куни мобайнида Инспекцияга асосланган рад этиш ва қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари кўрсатилган ҳолда ёзма жавоб юборади.

Техник шартларни беришни рад этишнинг асосланганлиги Инспекция томонидан ўрганиб чиқилади.

Техник шартларни беришни рад этишнинг асосланмаганлиги аниқланган тақдирда Инспекция ҳужжатларни фойдаланиш ташкилотига қайтариш хукуқига эга, фойдаланиш ташкилоти рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш масаласини З иш куни мобайнида ҳал қилиши шарт.

Техник шартларни беришни рад этиш асосланган тақдирда Инспекция рад этилгандан кейинги кундан кечикмасдан ёзма равишда бу ҳақда ариза берувчига хабар қиласди. Бунда ариза берувчи билан келишган ҳолда техник шартлар учун параметрлар ўзгартирилиши мумкин.

Техник шартларни беришнинг рад этилиши юзасидан ариза берувчи томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда шикоят қилиниши мумкин<sup>32</sup>.

### **Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармасига (бўлимига) буюртма бериш ва туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) томонидан техник шартларнинг берилиши**

Бир кун муддатда Инспекция туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармасига (бўлимига) архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш учун туман (шаҳар) ҳокимининг лойиҳалаштириш учун ер участкасини танлаш бўйича материалларни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори нусхасини ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишнинг техник шартларини илова қилган ҳолда тегишли буюртма беради. Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) Инспекция томонидан ушбу Низомнинг 30-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 18 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура

<sup>32</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 31-сон, 327-модда. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 29 июлдаги 222-сон карорига 4-ИЛОВА.

ва курилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва курилиш бош бошқармалари (кейинги ўринларда худудий архитектура ва курилиш бош бошқармаси деб аталади) орқали архитектура-режалаштириш топшириғи (I ва II қисмлар) ва ер участкасининг 1:2000 масштабли (агар у мавжуд бўлмаса 1:10000 масштабли) геодезия-топография харитаси ишлаб чиқилишини таъминлайди.<sup>33</sup>

## **Геодезия-топография картасини ишлаб чиқиш**

Геодезия-топография картасини ишлаб чиқиш бир ҳафта муддатда пулли асосда амалга оширилади. Тўловнинг чекланган суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорини ташкил этади.

## **Архитектура-режалаштириш топшириғи (I ва II қисмлар)**

Туман (шаҳар) архитектура ва курилиш бошқармаси (бўлими) томонидан тақдим этилган ва муҳандислик таъминоти бўйича юклама ҳажмлари ҳисоб-китоблари билан лойиҳалаштириш юзасидан топшириқ, ҳокимнинг ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарори асосида Архитектура ва курилиш бош бошқармаси архитектура-режалаштириш топшириғини (I ва II қисмлар) ишлаб чиқади.

Янги курилиш ёки мавжуд объектни реконструкция қилиш учун муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш ёки юкламаларни ўзгартириш зарурияти бўлмаганда архитектура-режалаштириш топшириғида тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

Архитектура-режалаштириш топшириғида:

мавсумий ишлар ва яилов чорвачилиги учун вақтинчалик иморатлар ва майший бинолар;

ишлаб турган муҳандислик тармоқларини ўзгартиришни талаб қилмайдиган кичик ўлчамли (300 куб метрдан ортиқ бўлмаган) алоҳида қурилаётган объектлар;

технологик ресурсини ишлаб бўлган ва объектни реконструкция қилиш ва қайта ихтисослаштириш талаб қилинмайдиган технологик ва муҳандислик асбоб-ускуналарини таъмирлаш ва алмаштириш лойиҳалари бўйича экспертизадан ўтказиш талаби ёки шартини белгилашга йўл қўйилмайди.

---

<sup>33</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2011 й., 31-сон, 327-модда. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 29 июлдаги 222-сон карорига 4-ИЛОВА.

туар жойларни уларнинг параметрларини ўзгартирмасдан нотуар жойлар тоифасига ўтказиш.

Архитектура-режалаштириш (I ва II қисмлардан иборат бўлган) топширигини ишлаб чиқиш архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдордаги тўлов асосида амалга оширилади (туар жой биноларини нотуар жой тоифасига ўтказиш бундан мустасно).

Кишлоқ жойларда жойлашган тадбиркорлик субъектлари учун архитектура-режалаштириш топширигини ишлаб чиқиш қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг 5 бараваридан ортиқ бўлмаган суммада белгиланади.

Ишлаб чиқилган архитектура-режалаштириш топшириги техник шартлар ва геодезия-топография карталари билан биргаликда белгиланган муддатдан кечикмай, бироқ қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда олдиндан ҳақ тўлангандан кейин Инспекцияга тақдим этилади.

Ариза берувчига берилган архитектура-режалаштириш топшириги белгиланган тартибда лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

Шунга эътибор қаратиш керакки, геодезия-топография картасини ишлаб чиқиш ва архитектура-режалаштириш топшириги учун аниқ тарифлар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда объектнинг мураккаблик тоифасига қараб белгиланади.

Объект қурилиши лойиҳаси келишилгандан ва тасдиқлангандан кейин тадбиркорлик субъекти туман ер участкалари ушбу туманда (шахарда) жойлашган тақдирда туман (шахар) ҳокимиға ёки ер участкалари бир неча туманларда (шахарларда) жойлашган тақдирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва вилоят ҳокимиға ер участкаси ажратиш тўғрисида ариза беради.

Ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарор қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда туман (шахар), вилоят ҳокими ёки Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан қабул қилинади.

Давлат ҳокимияти тегишли органининг ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарорини олгандан кейин тадбиркорлик субъекти «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли худудий хизматига мурожаат қиласи, у 1 иш куни мобайнида ер участкаси-

га бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказади ва белгиланган шаклдаги гувоҳнома беради.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказганлик учун рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан юридик шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида, жисмоний шахслардан эса — 10 фоизи миқдорида тўлов ундирилади».

в) Объектларни қайта ихтисослаштиришга ва реконструкция қилишига рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш

### **Ариза берувчи томонидан Инспекцияга тақдим қилинадиган хужжатлар**

Объектни қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилиш учун ариза берувчи Инспекцияга 9 ёки 9а-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза беради. Аризага мавжуд объектнинг лойиҳа хужжатлари ёки кадастр хужжатлари нусхалари илова қилинади. Инспекция шу куннинг ўзида тегишли буюртмани ва мавжуд объектнинг тақдим этилган хужжатларини туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармасига (бўлимига) юборади.

### **Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармасига (бўлимига) буюртма бериш ва туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) томонидан объектни қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилиш имкониятини ўрганиб чиқиши**

Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) икки кун мобайнида объектни қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилиш имкониятини ўрганиб чиқади.

Объектни муҳандислик таъминоти бўйича юкламалар ҳажмларини ўзгартирасдан қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилиш имконияти бўлганда туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) қўрсатиб ўтилган муддатда Инспекцияга тегишли рухсатномани юборади. Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармасининг (бўлимининг) рухсатномаси асосида Инспекция бир кун мобайнида Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ер ресурслари ва давлат кадастри туман (шаҳар) бўлимида (кеинги ўринларда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизматлари деб аталади) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишни амалга оширади.

Объектни муҳандислик таъминоти бўйича юкламалар ҳажмларини ўзгартирган холда қайта ихтисослаштириш ёки рекон-

структуря қилиш зарурияти бўлганда рухсат берувчи хужжатларни олиш ва объектни «Ергеодезкадастр» давлат кўмитасининг худудий хизматида рўйхатдан ўтказиш юқорида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

Қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилиш имконияти бўлмаганда Инспекцияга қонун хужжатларининг аниқ нормаларини кўрсатилган ҳолда асосланган рад жавоби юборилади. Инспекция томонидан қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга рухсатнома беришнинг рад этилиши асослилиги ўрганиб чиқилади. Рад этиш асоссиз эканлиги аниқланган тақдирда Инспекция хужжатларни архитектура ва қурилиш бошқармасига (бўлимiga) қайтаришга ҳақлиdir. Архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) рухсатномани расмийлаштириш масаласини бир кун мобайнида ҳал этиши шарт.

Рад этиш асосли бўлган тақдирда Инспекция рад этилган кундан кейинги кундан кечикмай бу ҳақда ариза берувчига ёзма шаклда маълум қиласди.

Объектни қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилиш имконияти, шу жумладан муҳандислик таъминоти бўйича юкламалар ҳажмларини ўзгартирасдан қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилиш ҳамда муҳандислик таъминоти бўйича юкламалар ҳажмларини ўзгартирган ҳолда қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилиш имконияти объектларнинг техник ҳолати ва мақсадидан келиб чиқиб туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) томонидан аниқланади.

г) Турар жойларни нотурар жой тоифасига ўтказишга рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш

### **Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказилиши шартлари**

Турар жой нотурар жой тоифасига у уй-жойнинг пастки қаватида жойлашган бўлса ўтказилиши мумкин.

Куйидаги ҳолларда турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказишга йўл кўйилмайди:

- турар жой мақсадли коммунал турар жой фондида бўлса;
- алоҳида кириш йўлаги қилиш имконияти бўлмаса;
- турар жой авария ҳолатида бўлса ёки нотурар жой тоифасига ўтказиш учун яроқсиз бўлса;
- турар жой юзасидан суд муҳокамаси кетаётган бўлса — низо суд тартибида ҳал бўлмагунгача.

Архитектуравий, тарихий ва маданий ёдгорлик бўлган уйлардаги турар жойларни нотурар жой тоифасига ўтказиш архитектура, тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш органларининг розилиги билан амалга оширилади.

### **Ариза берувчи томонидан Инспекцияга тақдим қилинадиган ҳужжатлар**

Турар жойларни (ёки уларнинг бир қисмини) нотурар жойлар тоифасига ўтказиш учун ариза берувчи Инспекцияга 10 ёки 10-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза билан мурожаат қиласди.

Аризага қўйидагилар илова қилинади:

ариза берувчининг мавжуд бинога мулкий ҳуқуқини ёки бошқа ашёвий ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли худудий хизмати томонидан тайёрланган бино тархи;

бинога биргаликда эгалик қилувчилар ва оила вояга етган аъзоларининг турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказишга нотариал тасдиқланган ёзма равишдаги розилиги;

хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг розилиги;

агар турар жой архитектуравий, тарихий ва маданий ёдгорлик бўлган уйларда жойлашган бўлса — ёдгорликларни муҳофаза қилиш органларининг розилиги.

### **Инспекция**

Инспекция бир кун муддатда турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказилишига оид ҳужжатларни «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли худудий хизмати билан келишиб олади ва уларни қўриб чиқиш учун туман (шаҳар) ҳокимлигига беради, ҳокимлик икки кун муддатда Инспекцияга туман (шаҳар) ҳокимининг тегишли қарорини беради.

### **Туман (шаҳар) ҳокими томонидан турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш рад этилиши**

Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказишга йўл қўйилмаса, шунингдек зарур бўлган ҳужжатлар тақдим қилинмаган тақдирда турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказишга рад этилиши мумкин.

## **Туар жойларни нотурар жойлар тоифасига үтказганлик учун тўлов**

Таъкидлаш лозимки, туар жойларни нотурар жойлар тоифасига үтказганлик учун тўлов ундирилмайди.

### **«Ергеодезкадастр» давлат қўмитасида рўйхатдан үтказиш**

Хокимнинг туар жойни (ёки унинг бир қисмини) нотурар жой тоифасига үтказиш тўғрисидаги Инспекция томонидан тақдим этилган қарори асосида «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизмати томонидан 1 иш кун мобайнида белгиланган тартибда рўйхатдан үтказиш амалга оширилади ва тегишли гувоҳнома берилади.

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизмати томонидан рўйхатдан үтказганлик учун юридик шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи, жисмоний шахслардан эса – 10 фоизи миқдорида тўлов ундирилади.

### **Қарорни олиш кунида ариза берувчи томонидан бино параметрларини ўзгартириш хоҳишини билдириш тартиб-қоидалари**

Ариза берувчи томонидан бино параметрларини ўзгартириш хоҳиши билдирилган тақдирда Инспекция туман (шахар) ҳокимининг туар жойни нотурар жой тоифасига үтказиш тўғрисидаги қарори олинган кунда мазкур Низомда назарда тутилган тартибда:

туман (шахар) фойдаланиш ташкилотларига — муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш учун техник шартларни олиш юзасидан;

туман (шахар) архитектура ва қурилиш бошқармасига (бўлимига) — архитектура-режалаштириш топширигини ишлаб чиқиш юзасидан тегишли буюртма беради.

### **Ишлаб чиқилган архитектура-режалаштириш топширигининг қиймати**

Туар жойни нотурар жой тоифасига үтказиш юзасидан ишлаб чиқилган архитектура-режалаштириш топширигининг қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг 2 бараваридан ортиқ бўлмаслиги керак.

## **Нотурар жойни қайтадан турар жой тоифасига ўтказиш тартиб-қоидалари**

Нотурар жойни қайтадан турар жой тоифасига ўтказиш мулкдорнинг аризасига қўра ҳокимнинг қарори билан амалга оширилади.

Аризага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:


◀ ариза берувчининг нотурар жой бинога мулкий ҳукукини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;

◀ бинонинг туман (шаҳар) кўчмас мулк давлат кадастри хизмати томонидан тайёрланган тархи.

Ҳокимнинг нотурар жойни турар жой тоифасига ўтказиш тўғрисидаги қарори ариза қабул қилинган кундан бошлаб уч кун муддатда қабул қилинади.

Ҳокимнинг нотурар жойни турар жой тоифасига ўтказиш тўғрисидаги қарори нусхаси бино мулқдори томонидан 1 иш куни мобайнида «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли худудий хизматига, солиқ органларига ва коммунал хизматларга тақдим этилади.


**Тадбиркорлик субъектларини (юридик шахс ташкил этган холда) давлат рўйхатидан ўтказиш ва хисобга кўйини  
СХЕМАСИ**



1. Иловалари билан бирга тавсис хужжагларини тайёрлаш (Савдо саноат палатасининг тегишили тузилмалари ёрдамида, консалтинг фирмалари, бошқа шахслар ёки муассиснинг ўзи томонидан).
  2. Хужжагларни рўйхатдан ўтказувчи органга киритиш.
  3. Рўйхатдан ўтказувчи органда хужжагларни кўриб чиқиш ва давлат рўйхатидан ўтказисида карор кабул килиш (тегишили органларда хисобга кўйган холда) ёки рад этиш, шунингдек ички ишлар вазирлиги органларида мухр ва штампларни тайёрлашга рұхсатнома олиш.
  4. Тадбиркорлик субъектига давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномани хамда ички мухр ва штампларни тайёрлашга ички ишлар вазирлиги органларининг рұхсатномасини бериш.
- (Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, хисобга кўйини ва рұхсат берувчи хужжатларни расмий-лаштириш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 2-ИЛОВАСИ.)

**Якка тартибдаги тадбиркорларни (юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликларини) давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш**

**СХЕМАСИ**



1. Иловалари билан бирга таъсис хужжатларини тайёрлаш.
2. Хужжатларни тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияига киритиш.
3. Инспекцияда хужжатларни кўриб чиқиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш (солик органида ҳисобга қўйган ҳолда) ёки давлат рўйхатидан ўтказишни рад этилганлиги тўғрисида қарор қабул қилиш, шунингдек (хусусий тадбиркорнинг хоҳишига кўра) ички ишлар вазирлиги органларида муҳр ва штампларни тайёрлашга руҳсатнома олиш.
4. Якка тартибдаги тадбиркорга давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномани ҳамда муҳр ва штампларни тайёрлашга (хусусий тадбиркорнинг хоҳишига кўра) Ички ишлар вазирлиги органларининг руҳсатномасини бериш.

## Юридик шахсларнинг ДАВЛАТ РЕЕСТРИ

(Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, хисобга кўйиш ва рухат берувчи хужжатларни расмий-ланштириш тартиби тўртисидаги Низомнинг 3-ИЛОВАСИ.)

Язка тартибдаги тадбиркорларнинг

ДАВЛЯТ РЕЕСТРИ

(Тадбиркорлик субъектларини давлат рүйхатидан ўтказиш, хисобга кўйиш ва рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш тартиби тўрисидаги Низомнинг ЗА-ИЛОВАСИ.)

## Юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликларининг


ДАВЛАТ РЕЕСТРИ

(Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга кўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомнинг Зб-ИЛОВАСИ.)

**Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун объект қурилишига рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш**

**СХЕМАСИ**

Ариза берувчи (тадбиркорлик субъекти)



1. Ариза берувчининг рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш юзасидан аризаси.

2-3. Объект қурилишини лойиҳалаштириш учун ҳокимнинг ер участкаси танлаш тўғрисидаги қарорини ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишга техник шартларни олиш учун муҳандислик таъминоти бўйича юкламаларнинг ҳисобланган ҳажмларини фойдаланувчи ташкилотларга бериш.

Фойдаланувчи ташкилотлардан техник шартларни олиш.

4. Объект қурилишини лойиҳалаштириш учун ҳокимнинг ер участкаси танлаш тўғрисидаги қарорини ҳамда архитектура-режалаштириш топшириғи (АРТ)ни ишлаб чиқиш учун муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишга техник шартларни туман (шахар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими)га бериш.

Туман (шахар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) дан архитектура-режалаштириш топшириғини олиш.

5. Ариза берувчига архитектура-режалаштириш топшириғини (шу жумладан техник шартларни) илова қилган ҳолда рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш тўғрисидаги гувохномани бериш.

6\*. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли худудий хизматида ер участкасига ҳукуқни рўйхатдан ўтказиш (давлат ҳокимияти тегишли органининг ер ажратиш тўғрисидаги қарори олингандан кейин амалга оширилади)».

(Вазирлар Махкамасининг 2011 йил 29 июлдаги 222-сон қарорининг 4-ИЛОВАСИ.)

## **Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун объектни реконструкция килишга рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш**

## СХЕМАСИ



Ариза берувчининг объектни реконструкция қилиш юзасидан аризаси.

## 2. Туман (шахар) архитектура ва қурилиш бошқармаси

(бўлими)га мавжуд объектни реконструкция қилиш имкониятини кўриб чиқиш ёки асосли рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун Инспекциянинг буюртманомаси.

Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) дан объектни реконструкция қилишга рухсатнома олиш.

### 3. Инспекциянинг туман (шаҳар) ҳокимлигига буюртманомаси.

Ҳокимлик томонидан объектни реконструкция қилиш имкониятини таҳлил қилиш. Реконструкция қилиш юзасидан туман (шаҳар) ҳокими томонидан қарор қабул қилиш.

Туман (шаҳар) ҳокимининг объектни реконструкция қилиш тўғрисидаги қарорини Инспекцияга бериш.

4. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизматида рўйхатдан ўтказиш.

5\*. Инспекция томонидан (муҳандислик таъминоти бўйича юкламалар ҳажмининг ўзгариши сабабли объектнинг параметрлари ўзгарган тақдирда) фойдаланувчи ташкилотларга ҳокимнинг объектни реконструкция қилиш тўғрисидаги қарорини ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишга техник шартларни олиш учун муҳандислик таъминоти бўйича юкламаларнинг ҳисобланган ҳажмларини бериш.

Фойдаланувчи ташкилотлардан техник шартларни олиш.

6. Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими)га ҳокимнинг объектни реконструкция қилиш тўғрисидаги қарорини ҳамда архитектура-режалаштириш топшириғи (АРТ) ни ишлаб чиқиш учун муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишга техник шартларни бериш.

Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) дан архитектура-режалаштириш топшириғини олиш.

7. Ариза берувчига қўйидагиларни илова қилган ҳолда рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тўғрисидаги гувоҳномани бериш:

туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) нинг объектни реконструкция қилишга рухсатномаси;

туман (шаҳар) ҳокимининг объектни реконструкция қилиш тўғрисидаги қарори;

архитектура-режалаштириш топшириғи (шу жумладан техник шартлар);

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси тегишли ҳудудий хизматининг рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси»;

(Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 29 июлдаги 222-сон қарорининг 4-ИЛОВАСИ.)

**Тураг жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш учун рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш**

**СХЕМАСИ**

Ариза берувчи (тадбиркорлик субъекти)



1. Ариза берувчининг тураг жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш юзасидан аризаси.
2. Инспекциянинг ўтказишни келишиш учун «Ергеодезка-

дастр» давлат қўмитасининг тегишли худудий хизматига буюртманомаси.

3. Инспекциянинг туман (шахар) ҳокимлигига буюртманомаси.

Ҳокимлик томонидан турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш имкониятини таҳлил қилиш. Туман (шахар) ҳокими томонидан турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Туман (шахар) ҳокимининг турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш тўғрисидаги қарорини Инспекцияга бериш.

4. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли худудий хизматида рўйхатдан ўтказиш.

5\*. Инспекция томонидан (муҳандислик таъминоти бўйича юкламалар ҳажмининг ўзгариши сабабли обьектнинг параметрлари ўзгарган тақдирда) фойдаланувчи ташкилотларга ҳокимнинг турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш тўғрисидаги қарорини ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишга техник шартларни олиш учун муҳандислик таъминоти бўйича юкламаларнинг ҳисобланган ҳажмларини бериш.

Фойдаланувчи ташкилотлардан техник шартларни олиш.

6. Туман (шахар) архитектура ва курилиш бошқармаси (бўлими)га ҳокимнинг турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш тўғрисидаги қарорини ҳамда архитектура-режалаштириш топшириғи (АРТ)ни ишлаб чиқиш учун муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишга техник шартларни бериш.

Туман (шахар) архитектура ва курилиш бошқармаси (бўлими)дан архитектура-режалаштириш топшириғини олиш.

7. Ариза берувчига қуидагиларни илова қилган ҳолда рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тўғрисидаги гувоҳномани бериш:

архитектура-режалаштириш топшириғи (шу жумладан техник шартлар);

туман (шахар) ҳокимининг турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш тўғрисидаги қарори;

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси тегишли худудий хизматининг рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси».

(Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 29 июлдаги 222-сон қарорининг 4-ИЛОВАСИ.)

(рўйхат ўтказувчи органнинг номи)

дан

(ариза берувчининг ф.и.о.)

**A Р И З А****(зарур бўлимлари тўлдириллади)****I.**

(юридик шахснинг ўзбек тилидаги тўлиқ ва қисқартирилган номи)

ни давлат рўйхатидан ўтказишингизни илтимос қиласман.

**Мулкчилик шакли:**

(жамоат (давлат) хусусий)

**Ташкилий-хуқуқий шакли:**

(АЖ, масъулияти чекланган ёки қўшимча мажбуриятли жамият, тўлиқ ёки коммандит ширкат, унитар корхона, хусусий корхона, ишлаб чиқариш ширкати, фермер хўжалиги, юридик шахс ташкил этган ҳолда дехқон хўжалиги ва бошқа тижорат ташкилотлари)

Рўйхатдаги ходимларнинг тахмин қилинаётган сони \_\_\_\_\_ киши.

Асосий фаолият тури \_\_\_\_\_

Почта манзили: \_\_\_\_\_

Почта индекси: \_\_\_\_\_ алоқа қилинадиган телефон: \_\_\_\_\_

**II. Қуйидагиларни:**

а) \_\_\_\_\_ (туман (шахар), объектнинг манзили ва йўналиши)

**манзилида жойлашган объектни \_\_\_\_\_****муносабати билан**

(реконструкция қилиш мақсади кўрсатилсин)

реконструкция қилиш учун;

б) менга \_\_\_\_\_ хуқуқи билан тегишли бўлган

(мулкчилик ёки бошқа ашёвий  
хукуқ асосида)

(турар жой манзили)

(бинонинг ўзгартириш мўлжалланаётган шакли ва фойдаланиш мақсади)

**турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш учун;**

**в)** \_\_\_\_\_

(туман (шахар), манзил ва бошқалар)

манзилида \_\_\_\_\_

(объектнинг номи ва нимага мўлжалланганлиги кўрсатилсин)

объект

курилиши учун ишлаб турган муҳандислик коммуникацияларига улашга рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштиришингизни сўрайман.

Ишлаб турган муҳандислик коммуникацияларига (газ таъминоти, электр таъминоти, сув таъминоти, иссиқлик таъминоти, канализация, телефон алоқаси) улаш учун техник шартлар бўйича хужжатларни расмийлаштиришингизни ва қўйидаги тахмин қилинаётган ҳисоб-китоб сифими бўйича:

(хисобланган унумдорлик ёки бошқа дастлабки маълумотлар (иш ўринлари сони,

ишлаб чиқариладиган маҳсулот (хизматлар, ишлар) ҳажми, ускунанинг асосий

параметрлари, умумий овқатланиш ва майший хизмат кўрсатиш учун ўринлар,

телефон алоқасига бўлган ёхтиёж ва бошқалар)

### **ёки қўйидаги:**

1. \_\_\_\_\_ м<sup>3</sup>/соат газга;

2. 2 фазали \_\_\_\_\_ кВт/соат, 3 фазали \_\_\_\_\_ кВт/соат  
электр энергиясига;

3. \_\_\_\_\_ куб.м/соат сувга;

4. \_\_\_\_\_ телефон ракамига телефон алоқасига;

5. \_\_\_\_\_ Гкал/соат иссиқлик энергиясига;

6. \_\_\_\_\_ куб м/соат канализацияга тахмин қилинаётган  
ёхтиёжлар учун (аризачининг тегишли ҳисоб-китоблари мавжуд  
бўлган тақдирда тўлдирилади) ушбу тармоқларга техник шартлар  
бўйича улашга хужжатларни расмийлаштиришни сўрайман.

## Аризага қўшимча равишда илова қилинадиган хужжатлар\*:

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
3. \_\_\_\_\_

\* Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомда назарда тутилган (Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорига 1-илова).

---

(ариза ёзилган сана)

---

(ариза қабул қилинган сана)

---

(муассис ёки ваколатли шахс-ариза  
берувчининг имзоси)

---

(рўйхатга олувчи органнинг масъул  
ходими имзоси)

(Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 1-ИЛОВАСИ.)

га  
 (рўйхат ўтказувчи органнинг номи)  
 дан  
 (ариза берувчининг ф.и.о.)

## А Р И З А

### (зарур бўлимлари тўлдирилади)

I. \_\_\_\_\_ муддатга  
 (жисмоний шахс – якка тартибдаги тадбиркор томонидан тўлдирилади)

(фаолият амалга ошириладиган жой)

ни амалга ошириш учун

(фаолият тури)

сифатида

(дехкон хўжалиги, якка тартибдаги тадбиркор)

юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан  
 шуғулланиш учун давлат рўйхатидан ўтказишингизни сўрайман.  
 Тадбиркор, дехқон хўжалиги бошлиғи тўғрисидаги маълумотлар:  
 Ф.И.О. \_\_\_\_\_

Паспортга оид маълумотлар: \_\_\_\_\_  
 (серия, №, ким томонидан берилган)

Уй манзили: \_\_\_\_\_

Почта индекси: \_\_\_\_\_ Телефон: \_\_\_\_\_

a) \_\_\_\_\_  
 (туман (шаҳар), объектнинг манзили ва йўналиши)

**манзилида жойлашган объектни \_\_\_\_\_ муносабати билан**

(реконструкция килиш мақсади кўрсатилсан)

б) менга \_\_\_\_\_ хукуқи билан тегишли бўлган  
 (мулкчилик ёки бошқа ашёвий хукуқ асосида)

(турар жой манзили)

(бинонинг ўзгартириш мўлжалланаётган шакли ва фойдаланиш мақсади)

**туар жойни нотуар жой тоифасига ўтказиш учун;**

**в)**

(туман (шахар), манзил ва бошқалар)

манзилида

(объектнинг номи ва нимага мўлжалланганлиги кўрсатилсин)

объект

курилиши учун ишлаб турган муҳандислик коммуникацияларига улашга рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштиришингизни сўрайман.

Ишлаб турган муҳандислик коммуникацияларига (газ таъминоти, электр таъминоти, сув таъминоти, иссиқлик таъминоти, канализация, телефон алоқаси) улаш учун техник шартлар бўйича хужжатларни расмийлаштиришингизни ва қуидаги тахмин қилинаётган ҳисоб-китоб сиғими бўйича:

(хисобланган унумдорлик ёки бошқа дастлабки маълумотлар (иш ўринлари сони,

ишлаб чиқариладиган маҳсулот (хизматлар, ишлар) ҳажми, ускунанинг асосий

параметрлари, умумий овқатланиш ва майший хизмат кўрсатиш учун ўринлар,

телефон алоқасига бўлган эҳтиёж ва бошқалар)

1. \_\_\_\_\_ м<sup>3</sup>/соат газга;

2. 2 фазали \_\_\_\_\_ кВт/соат, 3 фазали \_\_\_\_\_ кВт/соат  
электр энергиясига;

3. \_\_\_\_\_ куб.м/соат сувга;

4. \_\_\_\_\_ телефон рақамига телефон алоқасига;

5. \_\_\_\_\_ Гкал/соат иссиқлик энергиясига;

6. \_\_\_\_\_ куб м/соат канализацияга тахмин қилинаётган  
эҳтиёжлар учун (аризачининг тегишли ҳисоб-китоблари мавжуд  
бўлган тақдирда тўлдирилади) ушбу тармоқларга техник шартлар  
бўйича улашга хужжатларни расмийлаштиришни сўрайман.

## Аризага қўшимча равишда илова қилинадиган ҳужжатлар\*:

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
3. \_\_\_\_\_

\* Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомда назарда тутилган (Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорига 1-илова).

(муассис ёки ваколатли шахс-ариза  
берувчининг имзоси)

(рўйхатга олувчи органнинг масъул  
ходими имзоси)

(Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 1а ИЛОВАСИ)

### **1.3. Тижорат фаолияти учун товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, хисобга қўйиш**

*Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахслар («четдан товар олиб келувчилар») ни юридик шахс бўлмасдан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш жисмоний шахснинг яшаш жойидаги туманлар (шаҳарлар) Давлат солиқ инспекциярида (ҳозир бўлиш тартибида) амалга оширилади.*

Товарларни импорт қилиш ва уларни сотиш билан шуғулланувчи жисмоний шахслар фаолиятини янада тартибга солиш, савдонинг уюшган, маданиятли шаклларини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 августдаги 387-сонли «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига<sup>34</sup> асосан 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахслар («четдан товар олиб келувчилар»)ни юридик шахс бўлмасдан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш жисмоний шахснинг яшаш жойидаги туманлар (шаҳарлар) Давлат солиқ инспекциярида (ҳозир бўлиш тартибида) амалга ошириладиган тартиб белгиланди.

Мазкур қарорга мувофиқ юридик шахс бўлмасдан, импорт товарларни олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ўз фаолиятини амалга ошириш учун:

Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига ва божхона органларида ташки иқтисодий алоқалар қатнашчилари сифатида рўйхатдан ўтишлари;

тижорат банкида ҳисоб рақамлари очиши;

экспорт-импорт операцияларини ва чакана савдони амалга ошириш ҳуқукига рухсатномани белгиланган тартибда расмийлаштириши;

давлат рўйхатидан ўтказилган жойидаги солиқ органларидан импорт операциялар субъектининг ҳисобга олиш картасини олиши шарт.

---

<sup>34</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 32-сон, 366-модда.

Таъкидлаш лозимки, Ҳукуматнинг юқоридаги қарорига асосан Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сонли қарори<sup>35</sup> билан Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Ушбу Низом тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби ва муддатини белгилаб беради.

Шу билан бирга мазкур Низомнинг амал қилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорларга татбиқ этилмайди.

Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартибига алоҳида боб ажратилганлиги муносабати билан у ҳақда қўйида янада кенгроқ тўхталамиз.

## **2-§. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар (ПҚнинг 10–11-бандлари ва ВМҚнинг 11–12-бандлари)**

*Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиши ва ҳисобга қўйшининг хабардор қилиши тартиби тўғрисидаги низомнинг III бўлими ҳамда Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириши тартиби тўғрисидаги Низомнинг 11, 12, 16 ва 17-бандларига мувофиқ тақдим этилади.*

---

<sup>35</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 34-35-сон, 395-модда.

## **2.1. Тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилинадиган хужжатлар**

Тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш учун ариза берувчи (муассис ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ муассислар томонидан вакил қилиб тайинланган шахс) рўйхатдан ўтказувчи органга шахсан келиб ёки почта орқали:

- хабардор қилиш тартибида 10-иловага мувофиқ шаклдаги ариза-хабарнома;
- рухсат бериш тартибида 9-иловага мувофиқ шаклдаги ариза тақдим этади.

Шуни таъкидлаш лозимки, хабардор қилиш ҳамда рухсат бериш тартибида ариза (ариза-хабарнома)га илова қилинадиган ҳужжатлар айнан бир хилдир.

Шундай қилиб, давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза (ариза-хабарномага) куйидагилар илова қилинади:

**давлат тилидаги таъсис ҳужжатларининг икки асл нусхаси** (юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга тақдим этиладиган таъсис ҳужжатлари – устав ёки таъсис шартномаси ва устав ёки фақат таъсис шартномаси, бунда масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар учун – таъсис шартномаси ва устав, тўлиқ ва коммандит ширкатлар учун эса – фақат таъсис шартномаси, акциядорлик жамиятлари, хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари ҳамда юридик шахс бўлган дехкон хўжаликлари учун – фақат устав). Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа корхоналар учун нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари талаб этилади.

- давлат божининг белгиланган микдори тўланганлиги ҳақидаги **банк тўлов ҳужжати** (дехкон хўжаликлари, шунингдек давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятларидан ташқари);

- **фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида қулай фирма номи захирага олинганлигини тасдиқлайдиган ягона логин ва пароль** (кейинги ўринларда – фирма номининг захирага олиниши тасдиғи)

- **уч нусхада мухр ва штами эскизлари.**

Давлат рўйхатидан ўтказиш учун кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

a) **бозорлар учун** – бозор ташкил қилишга ер участкаси ажра-

тиб бериш тўғрисидаги Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг карори ҳамда бозорнинг устав фондига таъсис хужжатларида кўрсатилган миқдорнинг камидаги 30 фоизи киритилганлигини тасдиқловчи хужжат;

б) хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа корхоналар учун:

хорижий муассис тўғрисида юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги савдо реестридан кўчирма ёки, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси томонидан белгиланган тартибда легализация қилинган ушбу юридик шахс фаолиятини тасдиқловчи бошқа хужжат, булар мавжуд бўлмаган тақдирда эса – муассис рўйхатдан ўтказилган давлат Ташқи ишлар вазирлигида, мазкур мамлакатнинг Ўзбекистон Республикасидаги консуллик муассасида ёки дипломатик ваколатхонасида легализация қилиниб, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик бошқармасида тасдиқланган бошқа хужжат, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса. Хорижий муассис тўғрисида савдо реестридан кўчирмада ёки ушбу юридик шахснинг фаолиятини тасдиқловчи бошқа хужжатда хорижий юридик шахснинг, у жойлашган жойнинг номи, хорижий юридик шахсномидан имзолаш хуқуқига эга бўлган шахснинг маълумотлари мавжуд бўлиши керак. Кўрсатиб ўтилган кўчирма берилган пайтидан бошлаб бир йил мобайнида ҳақиқий ҳисобланади. Жисмоний шахс – Ўзбекистон Республикаси норезиденти ўз паспортининг нусхасини тақдим этади. Ушбу хужжатлар белгиланган тартибда нотариал тасдиқланган давлат тилидаги таржимаси билан тақдим этилиши керак. Агар хорижий муассиснинг корхона (ташкилот) устав фондига улуши интеллектуал мулк бўлса, у ҳолда ариза берувчи қонун хужжатларида белгиланган тартибда баҳоловчи ташкилот томонидан тайёrlанган баҳолаш тўғрисидаги ҳисботни тақдим этиши керак;

**ҳар бир таъсисчи томонидан корхона устав фондидаги ўз улушкининг 30 фоизи киритилганлигини тасдиқловчи хужжатлар** (вақтинчалик сўмлардаги ва валютадаги жамловчи ҳисоб рақамларига пул маблағлари киритилганлиги ҳақида банк маълумотномаси, мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кирилганлигини тасдиқловчи божхона хужжати, мол-

мулкни топшириш-қабул қилиш далолатномаси, киритилаётган мол-мулкка эгалик хукуқини тасдиқловчи ҳужжат ва бошқалар);

в) дехқон хўжаликлари (юридик шахслар) ҳамда фермер хўжаликлари учун – **туман ҳокимининг ер участкаси ажратиб бериш тўғрисидаги қарори нусхаси;**

г) юридик шахсларни қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш ёки ўзгартириш йўли билан қайта ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектлари учун:

қайта ташкил қилинаётган юридик шахсга маълум бўлган барча кредиторлар ёзма равишда хабардор этилганлигини ва оммавий ахборот воситаларида қайта ташкил этиш ҳақида ахборот эълон қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

қайта ташкил этилаётган юридик шахсларнинг уларнинг барча кредиторлари ва қарздорларига, шу жумладан томонлар даъволашаётган мажбуриятларга нисбатан барча мажбуриятлари бўйича хукуқий ворислик тўғрисидаги қоидалар кўрсатилган топшириш далолатномаси (кўшиб юборишда ва ўзгартиришда) ёки бўлиш баланси (бўлишда ва ажратиб чиқаришда);

қайта ташкил қилинаётган юридик шахснинг рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномасининг асл нусхаси, муҳри ва штампи (юридик шахсни қўшиб юбориш, бўлиш ва ўзгартириш йўли билан ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказишда тақдим этилади).

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилинади. Энди, шулар асосида барча ариза берувчилар томонидан тақдим қилинадиган ҳужжатлар ҳақида кенгроқ тўхталамиз.

Шундай қилиб, ҳар қандай юридик шахс фаолиятининг хукуқий асоси бўлиб қонун ҳужжатлари билан бир қаторда унинг **таъсис ҳужжатлари** – устав ва таъсис шартномаси бўлиб ҳисобланади. ЎзР ФКнинг 43-моддасига кўра юридик шахс устав асосида ёки таъсис шартномаси ва устав асосида ёхуд фақат таъсис шартномаси асосида иш олиб боради. Юридик шахснинг таъсис шартномаси унинг муассислари томонидан тузилади, устави эса – тасдиқланади. Бир муассис томонидан ташкил этилган юридик шахс шу муассис тасдиқлаган устав асосида иш олиб боради.

Таъсис ҳужжатларининг рўйхати юридик шахсларнинг ташкилий-хукуқий шаклига қараб фарқланади. Бунда масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар учун – таъсис шартномаси ва устав, тўлиқ ва коммандит ширкатлар учун эса – фақат таъсис шартномаси, акциядорлик жамиятлари, ху-

сусий корхоналар, фермер хўжаликлари ҳамда юридик шахс бўлган дехқон хўжаликлари учун – фақат устав юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга тақдим этиладиган таъсис хужжатлари бўлиб ҳисобланади.

Таъсис шартномаси ўз моҳиятига кўра консенсуал шартнома бўлиб, юридик шахс ташкил этилаётган ва фаолият юритаётган жараёнда муассислар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади<sup>36</sup>.

Юридик шахснинг устави унинг фуқаролик оборотидаги ҳукуқий ҳолати ҳамда унинг иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади.

Юридик шахснинг устави ва бошқа таъсис хужжатларида юридик шахснинг номи, унинг жойлашган ери (почта манзили), юридик шахс фаолиятини бошқариш тартиби белгилаб қўйилиши, шунингдек уларда тегишли турдаги юридик шахслар тўғрисида қонунда назарда тутилган бошқа маълумотлар бўлиши керак. Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар ва унитар корхоналарнинг, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа тижоратчи ташкилотларнинг ҳам таъсис хужжатларида юридик шахс фаолиятининг соҳаси ва мақсадлари белгилаб қўйилган бўлиши керак.

Таъсис шартномасида тарафлар (муассислар) юридик шахс ташкил этиш мажбуриятини оладилар, уни ташкил этиш соҳасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартибини, унга ўз молмулкларини бериш ҳамда унинг фаолиятида иштирок этиш шартларини белгилайдилар. Шартномада фойда ва заарларни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш, юридик шахс фаолиятини бошқариш, муассисларнинг унинг таркибидан чиқиш шартлари ва тартиби ҳам белгилаб қўйилади. Таъсис шартномасига муассисларнинг келишувига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим қилинадиган **банк тўлови хужжати** – бу тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божи тўланганлиги фактини тасдиқловчи хужжатdir.

**Фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида қулаги фирма номи захирага олинганлигини тасдиқлайдиган ягона логин ва пароль (фирма номининг захирага олиниши тасдиғи) хақида гапиран эканмиз, авва-**

<sup>36</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006 й., 37–38-сон, 370-модда.

ло фирма номи ўзи нима эканлигига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ «Фирма номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига<sup>37</sup> мувофиқ, фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлақ ҳукуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади. Юридик шахс тўлиқ фирма номи билан бирга қисқартирилган фирма номига ҳам эга бўлиши мумкин. Юридик шахснинг фирма номида унинг ташкилий-ҳукуқий шакли кўрсатилиши керак. Қонунда назарда тутилган ҳолларда фирма номида юридик шахс фаолиятининг хусусияти кўрсатилиши керак.

**Фирма номида:**

1) давлатнинг расмий номи, халқаро, ҳукumatларо ёки но- давлат нотижорат ташкилотининг қисқартирилган ёки тўлиқ номи;

2) тарихий ёки Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган шахснинг тўлиқ ёки қисқартирилган исми, белгиланган тартибда бериладиган рухсатсиз;

3) фирма номининг эгаси, унинг фаолият тури ёки у келиб чиққан мамлакат хусусидаги сохта ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар;

4) жамият манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ принципларига зид бўлган белгилар кўрсатилмаслиги керак.

**Фирма номида:**

илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа юридик шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, илгарироқ устуворликка эга бўлган фирма номлари;

илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай муҳофаза қилинадиган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

белгиланган тартибда ҳаммага маълум деб эътироф этилган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

белгиланган тартибда қонун ҳужжатлари билан муҳофаза қилинадиган товарлар келиб чиққан жойларнинг номлари билан, шундай номдан фойдаланиш ҳукуқига эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказиш ҳоллари бундан мустасно, адаштириб юбориши даражасида бир хил ёки уларга ўхшаш бўлган белгилар ҳам кўрсатилмаслиги керак.

<sup>37</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37–38-сон, 370-модда.

Фирма номи юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан эътиборан, чет эл юридик шахсининг фирма номи эса, чет эл юридик шахси Ўзбекистон Республикаси худудида фуқаролик муомаласи иштирокчиси сифатида фаолиятни амалга оширишни бошлаган санадан эътиборан ҳукуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида сўраб олинадиган қулай фирма номларини захирага олиш таъсисчиларнинг ўзлари томонидан ёки рўйхатга олаётган орган томонидан электрон талабнома асосида Интернет тармоғи орқали амалга оширилади.

Электрон захирага олиш тизими ва фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасининг ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланади. Электрон захирага олиш тизими ва фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасининг ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2011 йил 1 июлдаги З-мб-сон қарори билан тасдиқланган Электрон захирага олиш тизими ва фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасининг ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 2 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2251) асосида амалга оширилади.

Таъсисчининг танловига кўра Интернет тармоғи орқали фирма номини захирага олиш қуйидагича амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг [www.stat.uz](http://www.stat.uz) расмий сайтига бевосита мурожаат қилиш йўли билан;

тегишли рўйхатдан ўтказувчи органга мурожаат қилиш йўли билан.

Юридик шахсларнинг фирма номини захирага олиш Ўзбекистон Республикасининг «Фирма номлари тўғрисида»ги Конуни билан белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Фирма номини захирага олиш учун таъсисчилар рўйхатга олувчи органга оғзаки мурожаат қилган тақдирда, рўйхатга олувчи органнинг масъул ходимлари электрон талабномани бир соат ичida Интернет тармоғи орқали расмийлаштиришлари лозим.

Фирма номини захирага олиш учун электрон талабномани олгач Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг

масъул ходимлари фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасига тегишли ёзувни киритиш йўли билан, 8 иш соатидан ошмаган муддатда, қулай фирма номини захирага олиш бўйича зарур харакатларни амалга оширишлари шарт.

Оғзаки мурожаат, электрон талабномани қабул қилиш ва қулай фирма номларини захирага олиш учун тўлов ундирилмайди.

Захирага олинган фирма номининг амал қилиш муддати захирага олиш санасидан бошлаб 60 кунни ташкил қиласди.

Илгари Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилган юридик шахслар номлари ёки захирага олинган қулай фирма номлари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга ўхшаш бўлган белгилар мавжуд бўлган фирма номлари, шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг «Фирма номлари тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддаси талабларига зид бўлган фирма номлари захирага олинмайди.

**Электрон захирага олиш тизими ва фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасининг ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 1-ИЛОВА**

---

(электрон талабнома берувчи)

20 \_\_\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -сонли

(ID рақам)

**ФИРМА НОМИНИ ЗАХИРАГА ОЛИНИШИ ТАСДИФИ**

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистрида 20 \_\_\_\_ йил  
\_\_\_\_\_ ҳолатига,

---

(захирага олинган фирма номи)

Фирма номи фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида захирага олинди.

Захирага олинган фирма номининг амал қилиш муддати

20 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ гача.

Фирма номини захирага  
олишни текширишдан  
ўтказди:

---

(имзо)

(рўйхатдан ўтказувчи орган  
масъул ходимининг Ф.И.О.)

Электрон захирага олиш тизими ва фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасининг ишлаш тартиби тўғрисида йўриқномага 2-ИЛОВА

---

---

(статистика органи номи)

### КИРИШ ХУҚУҚИНИ ОЛИШ УЧУН СЎРОВНОМА

Сиздан \_\_\_\_\_ куйидаги ходимларига  
(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

фирма номларини захирага олиш тизимининг «Регистратор»  
бўлимига кириш хуқуқини беришингизни сўраймиз:

1. \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

Паспорт серияси ва рақами: \_\_\_\_\_

Логин: \_\_\_\_\_

2. \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

Паспорт серияси ва рақами: \_\_\_\_\_

Логин: \_\_\_\_\_

3. ....

Юқорида кўрсатилган ходимлар лавозимдан озод этилган ёки бошқа ишга ўтган тақдирда, кириш хуқуқини бекор қилишни таъминлаш максадида, бир кун муддатда давлат статистика органига бу ҳақда маълумот тақдим этилади.

\_\_\_\_\_ раҳбари \_\_\_\_\_  
(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи) (имзо)  
М.Ў.

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг электрон почтаси (E-mail): \_\_\_\_\_

Мурожаат учун телефонлар: (халқаро форматда) \_\_\_\_\_

## Мухр ва штамп

**Мухр** – ваколатли шахс томонидан у билдириган истак-хошишнинг ёки унга нисбатан тайёрлаш, саклаш ва фойдаланишинг алоҳида тартиби белгиланган бошқа ахборотнинг ҳақиқийлигини қўшимча равишда расман тасдиқлаш учун ишлатиладиган восита. Мухрлар асосий, таркибий, шахсий ва ёрдамчи мухрларга бўлинади.

**Штамп** – уларга нисбатан тайёрлаш, саклаш ва фойдаланишинг алоҳида тартиби белгиланган ахборотни тасдиқлаш ёки хужжатларни рўйхатга олиш воситаси. Штамплар бурчак, рўйхатга олиш (хисоб), ахборот, шунингдек шахсий штампларга бўлинади.

Юридик шахсларнинг номлари, шунингдек жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ёзилган барча турдаги мухр ва штамплар штемпель-ўймакорлик корхоналари томонидан ички ишлар органлари берадиган руҳсатномалар асосида тайёрланади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвиrlанган мухрдан фойдаланиш хукуқига уларга ушбу хукуқ амалдаги қонун хужжатларига биноан берилган давлат корхоналари, муассаса ва ташкилотлари эгадир. Жамоат ташкилотларининг, мулкчиликнинг нодавлат ва аралаш шаклларига асосланган корхоналар, муассаса ва ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлар герби тасвиrlанган мухрни ишлатишлари тақиқланади.

Мухрлар Мухрлар ва штампларни тайёрлаш, саклаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом<sup>38</sup> (рўйхат рақами 1077, 2001 йил 27 октябрь) талабларини ҳисобга олган ҳолда думалоқ, чўзинчоқ, ромбсимон ва учбурчак шаклларда тайёрланishi мумкин.

---

<sup>38</sup> Ўзбекистон Республикаси вазирлклари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий хужжатлари ахборотномаси, 2001 й., 20-сон.

## **2.2. Тадбиркорлик субъектларини якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилинадиган хужжатлар**

Якка тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш учун жисмоний шахс томонидан ўз яшаш жойидаги Инспекцияга келган ҳолда ёки почта алоқаси орқали қуидаги хужжатлар тақдим қилинади.

- хабардор қилиш тартибида 10а-иловага мувофиқ шаклдаги ариза-хабарнома;
- рухсат бериш тартибида 9а-иловага мувофиқ шаклдаги ариза. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза (ариза-хабарнома)га қуидагилар илова қилинади;
- 3x4 см ўлчамдаги иккита фотосурат;
- давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов хужжати;
- уч нусхада муҳр ва штамп эскиzlари (якка тадбиркор хоҳишига кўра);
- паспорт нусхаси.

Юридик шахс бўлмаган дехқон хўжаликларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Инспекцияга дехқон хўжалиги раҳбари томонидан шахсан ўзи келиб ёки почта алоқаси орқали қуидаги хужжатлар тақдим қилинади:

- хабардор қилиш тартибида 10а-иловага мувофиқ шаклдаги ариза-хабарнома;
- рухсат бериш тартибида 9а-иловага мувофиқ шаклдаги ариза.

Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза (ариза-хабарнома)га қуидагилар илова қилинади:

- дехқон хўжалигини юритиш учун туман ҳокимининг ер участкаси ажратиб бериш тўғрисидаги қарори;
- уч нусхада муҳр ва штамп эскиzlари (аризачининг хоҳишига кўра);
- паспорт нусхаси.

Дехқон хўжалиги юритиш учун ер участкалари иморатлар ва иншоотлар қуриш хукуқисиз берилади. Мазкур қоида якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга илгари берилган ёки бериладиган ер участкала-рига татбиқ этилмайди.

Дехқон хўжалиги юритиш учун бериладиган ер участкалари-нинг аниқ ўлчамлари ер ресурсларининг мавжудлиги, аҳолининг зичлигига қараб белгиланади. Дехқон хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарор туман (шаҳар) ҳокими томо-

нидан ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалалари-  
ни кўриб чиқувчи комиссиянинг ижобий хulosаси асосида қонун  
хужжатларида белгиланган тартибда қабул қилинади.

Фуқароларга дехқон хўжалиги юритиш учун 0,06 гектар до-  
ирасида томорқа ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган  
умрбод эгалик қилиш хукуқи реализация қилиниши мумкин.

Дехқон хўжалигини юритиш учун ер участкасини олиш-  
га муҳтож бўлган фуқаролар яшаш жойидаги туман (шаҳар)  
ҳокимига оиласининг таркибини ва ер участкасининг мўлжал-  
ланган жойини кўрсатган ҳолда ариза беради.

Туман (шаҳар) ҳокими ер участкаларини бериш (реализация  
қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг хulosаси асо-  
сида дехқон хўжалигини юритиш учун фуқароларга ер участкала-  
ри бериш тўғрисида қарор қабул қиласи ёки аризачига ер участ-  
каси бериш бўйича асослантирилган рад жавобини юборади.

10-илова

\_\_\_\_\_ га

(рўйхат ўтказувчи органнинг номи)

\_\_\_\_\_ дан

(ариза берувчининг Ф.И.О.)

### АРИЗА-ХАБАРНОМА

(юридик шахснинг давлат тилидаги тўлиқ ва қисқартирилган номи)

\_\_\_\_\_ ни давлат рўйхатидан ўтказишингизни  
илтимос қиласман

Мулкчилик шакли: \_\_\_\_\_  
(жамоат (давлат) хусусий)

Ташкилий-хуқуқий шакли:

(акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият,  
тўлиқ ёки коммандит ширкат, унитар корхона, хусусий корхона, ишлаб чиқариш  
широкати, фермер хўжалиги, юридик шахс ташкил этган ҳолда дехқон хўжалиги ва  
бошқа тижорат ташкилотлари)

Рўйхатдаги ходимларнинг тахмин қилинаётган сони \_\_\_\_\_  
киши.

Асосий фаолият тури: \_\_\_\_\_

Почта манзили: \_\_\_\_\_

Почта индекси: \_\_\_\_\_ мулоқот телефони: \_\_\_\_\_

Ариза-хабарномага қўшимча равишда илова қилинадиган хужжатлар\*:

1. \_\_\_\_\_

2. \_\_\_\_\_

3.

\* Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишининг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон карорига илова).

Тасдиқлайманки, таъсис ҳужжатлари ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган бошқа ҳужжатлардаги маълумотлар тўғри ва қонун ҳужжатларига мувофиқ келади.

---

тўлдирилган сана ва вақт

(таъсисчи ёки ваколатли шахс - ариза берувчининг имзоси)

Қабул қилиб олдим.

---

(қабул қилиб олинган сана ва вақт)

(рўйхатдан ўтказувчи орган масъул ходимининг имзоси)

(рўйхат ўтказувчи органнинг номи)

дан

(ариза берувчининг Ф.И.О.)

**АРИЗА-ХАБАРНОМА**

муддатга

(жисмоний шахс - якка тартибдаги тадбиркор томонидан тўлдирилади)

(фаолият амалга ошириладиган жой)

ни амалга ошириш учун

(фаолият тури)

сифатида

юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун давлат рўйхатидан ўтказишингизни сўрайман.

Тадбиркор, дехқон хўжалиги бошлиғи тўғрисидаги маълумотлар:

Ф.И.О: \_\_\_\_\_

Паспортга оид маълумотлар: \_\_\_\_\_

(серияси, тартиб рақами, ким томонидан ва қачон берилган)

Уй манзили: \_\_\_\_\_

Почта индекси: \_\_\_\_\_ Мулоқот телефони: \_\_\_\_\_

Ариза-хабарномага қўшимча равишда илова қилинадиган хужжатлар\*:

1. \_\_\_\_\_

2. \_\_\_\_\_

3. \_\_\_\_\_

\* Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишининг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарорига илова).

тўлдирилган сана ва вакт

(фуқаро - ариза берувчининг имзоси)

(қабул қилиб олинган сана ва вакт)

(рўйхатдан ўтказувчи орган масъул ходимининг имзоси)

### **3-§. Давлат рўйхатидан ўтказиш муддатлари (ПҚ-357 2-б. ва ВМҚ 357-сон 4-б.)**

*Тадбиркорлик субъектларини хабардор қилиш тартибида давлат рўйхатидан ўтказишда ариза-хабарномани берган пайтдан бошлиб тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олиб, унга давлат рўйхатига олингандаги тўғрисидаги гувоҳномани беришгача ўтадиган муддат қўпи билан икки иш кунини ташкил этади.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сонли қарори<sup>39</sup> билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан ариза-хабарномани берган пайтдан бошлиб тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олиб, унга давлат рўйхатига олингандаги тўғрисидаги гувоҳномани беришгача ўтадиган муддат қўпи билан икки иш кунини ташкил этади.

Бунда рўйхатдан ўтказувчи органнинг масъул ходими З иш соати давомида давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқади.

Шу билан бирга рўйхатдан ўтказувчи органнинг масъул ходими тадбиркорлик субъектига статистик код беради, давлат солиқ хизматига солиқ тўловчининг идентификация ракамлари бериш тўғрисида сўровнома юборади ҳамда муҳр ва штамп тайёрлаш учун рухсатнома расмийлаштиради.

Шунингдек, давлат солиқ хизматининг масъул ходими СТИР-нинг марказлашган базаси орқали 8 соатдан ортиқ бўлмаган вақт давомида тадбиркорлик субъектига солиқ тўловчининг идентификация ракамини (СТИР) беради, СТИРнинг марказлашган базасига тегишли ёзув киритади ва СТИР берилганлиги ҳақидаги маълумотномани рўйхатдан ўтказувчи органнинг масъул ходимига юборади.

Хужжатларни олгандан кейин 2 кунлик муддатда рўйхатдан ўтказувчи органнинг масъул ходими тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотларни давлат реестрига киритади ва давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда бошқа хужжатларни беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003

---

<sup>39</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006 й., 20-21-сон, 174-модда.

йил 20 августдаги 357-сонли қарори<sup>40</sup> билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган тадбиркорлик субъектини ариза берилган санадан бошлаб рухсат берувчи хужжатларни берган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказишгача бўлган муддат техник шартлар ва бошқа рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштиришнинг мураккаблигини ва ҳажмини ҳисобга олиб 7 иш кунидан бир ойгача белгиланган.

## 4-§. Давлат божи

### 4.1. Давлат божи тушунчаси

Давлат божи юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан хужжатлар берганлик учун олинадиган мажбурий тўловдир. Давлат божи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**Дастлаб «давлат божи» тушунчаси билан нима тушунилишини аниқлаб олиш лозим.**

Шундай қилиб, ЎзР Солик кодексининг 326-моддасига асосан, давлат божи юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан хужжатлар берганлик учун олинадиган мажбурий тўловдир<sup>41</sup>. Давлат божи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Мазкур кодексга мувофиқ давлат божи бошқа мажбурий тўловлар тоифасига киради ва умумбелгиланган соликлар ҳисобланади.

Юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар амалга оширилиши ва (ёки) хужжатлар берилиши хусусида ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахсларга мурожаат қилаётган юридик ва жисмоний шахслар давлат божини тўловчилардир.

<sup>40</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2003 й., 15-16-сон, 130-модда.

<sup>41</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (II)-сон.

Давлат божи, агар ушбу бўлимда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, давлат божи ундириладиган ҳаракатлар амалга оширилгунига қадар нақд пулли ёки нақд пулсиз шаклда тўланади.

Тўловчининг давлат божини нақд пулсиз шаклда тўлаганлиги факти банкнинг тўлов ижро этилганлиги тўғрисидаги белгиси бўлган тўлов топшириқномаси билан тасдиқланади.

Тўловчининг давлат божини нақд пул шаклида тўлаганлиги факти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси белгилаган шаклда банк томонидан тўловчига бериладиган белгиланган шаклдаги квитанция ёки тўловни амалга оширган мансабдор шахс ёхуд давлат органи ва ташкилотнинг кассаси томонидан тўловчига бериладиган квитанция билан тасдиқланади .

## **4.2. Давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи**

Тадбиркорлик субъектини хабардор қилиш асосида давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун давлат божи тўланади.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва хисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги<sup>42</sup> ҳамда Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, хисобга қўйиш ва рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги<sup>43</sup> низомларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига, Қорақалпогистон Республикаси Адлия вазирлигига ва вилоятлар адлия бошқармаларида давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун қуидаги миқдорларда давлат божи тўланади:

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун – энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари ва 500 АҚШ доллари;

сугурта ва аудиторлик ташкилотлари, солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари, биржалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорлари билан ташкил этиладиган акциядорлик компаниялари (шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялари ва холдинглар) шаклидаги хўжалик бошқаруви органлари, Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси таркибига кирадиган худудий (вилоятлар, вилоятлараро ва туманлараро) базалар ва бозорлар учун – энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида давлат божи тўланади.

<sup>42</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006 й., 20-21-сон, 174-модда.

<sup>43</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2003 й., 15-16-сон, 130-модда.

Давлат божининг 20 фоизи Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасига, қолган сумма тегишли равища республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори<sup>44</sup> билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларига асосан тадбиркорлик субъектларини туман (шаҳар) ҳокимларни хузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларида юридик шахсларни ва юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида давлат божи ундирилади. Тушган маблағларнинг 60 фоизи инспекцияларни молиялаштириш манбаи сифатида уларнинг тасарруфида қолади ва фақат моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ходимларни рағбатлантиришга йўналтирилади, қолган маблағлар маҳаллий бюджеттага ўтказилади.

Кулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун деҳқон хўжаликлари, шунингдек давлат корхоналари негизида ташкил қилинадиган акциядорлик жамиятларидан давлат божи олинмайди.

Бориши қийин бўлган ва тоғли туманларда ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларидан эса давлат божи белгиланган ставканинг 20 фоизи миқдорида ундирилади.

2011 йил 1 август ҳолатида энг кам ойлик иш ҳақи миқдори 57 минг 200 сўм сўмни ташкил этишини эслатиб ўтамиз<sup>45</sup>.

## 5-§. Тадбиркорлик субъектига бериладиган хужжатлар

### 5.1. Хабардор қилиш тартиби

*Хабардор қилиши тартибида зарур рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидалари тугагандан кейин рўйхатдан ўтказувчи орган белгиланган муддатларда зарур хужжастларни беради.*

Зарур рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидалари тугагандан кейин рўйхатдан ўтказувчи орган белгиланган муддатда:

тадбиркорлик субъектлари-юридик шахсларга – 11-иловага мувофиқ шакл бўйича юридик шахснинг давлат рўйхатидан

<sup>44</sup> Ўзбекистон Республикаси Хукумат қарорлари тўплами, 1994 й., 11-сон, 49-модда.

<sup>45</sup> Мазкур миқдор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 июлдаги ПФ-4332-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафакалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонига асосан белгиланган.

үтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани ва рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан тасдиқланган, «рўйхатдан ўтказилди» деган белги қўйилган таъсис хужжатларини, шунингдек муҳр ва штамп эскизи билан биргаликда муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатномани;

якка тартибдаги тадбиркорга ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этиладиган дехқон хўжалигига – 11а-иловага мувофиқ шакл бўйича якка тартибдаги тадбиркорнинг ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган дехқон хўжалигининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани, шунингдек муҳр ва штамп эскизи билан (уларнинг хоҳишига кўра) биргаликда муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатномани беради.

## 5.2. Рухсат бериш тартиби

Давлат рўйхатидан ўтказишнинг рухсат бериш тартибидаги залур рўйхатдан ўтказиш ва рухсат бериш тартиб-қоидалари туѓагандан кейин тадбиркорлик субъектига (аризага кўра) Инспекция бошлиғи томонидан имзоланадиган 12-иловага мувофиқ шакл бўйича рухсат берувчи хужжатлар расмийлаштирилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилади. Рухсат берувчи хужжатлар расмийлаштирилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага қуидаги тегишли хужжатлар илова қилинади:

- фойдаланиш ташкилотлари томонидан берилган мухандислик-коммуникация тармоқларига уланиш учун техник шартлар;
- архитектура-режалаштириш топшириғи;
- қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилиш учун рухсатнома, шунингдек «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли худудий хизмати томонидан берилган рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;
- туман (шаҳар) ҳокимининг турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш тўғрисидаги қарори, шунингдек «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли худудий хизмати томонидан берилган рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;
- ер участкасига эгалик хуқуки рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома.

Барча зарур хужжатлар тадбиркорлик субъектига бир вақтда берилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома тадбиркорлик субъекти томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг тартиботларидан ўтганлигини тасдиқловчи хисобланади.

Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда Текширишларни рўйхатга олиш китоби берилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда Рухсат берувчи ҳужжатлар расмийлаштирилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома инспекция бошлиғи томонидан имзоланади ва тегишли туман (шахар) ҳокимиятининг гербли мухри билан тасдиқланади.

Тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги тегишли гувоҳномани олгач ва банк ҳисоб рақамини очгач (якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган дехқон хўжаликлари ҳисоб рақами очиш учун ўз хоҳишига кўра мурожаат қиласидилар) тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари мумкин.

**Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида**  
**ГУВОҲНОМА**

Реестрдаги  
тартиб рақами \_\_\_\_\_

№ 0000000<sup>р</sup>

й. «\_\_» \_\_\_\_\_

Мазкур гувоҳнома юридик шахс \_\_\_\_\_

(давлат тилидаги тўлиқ номи)

га

(юридик шахс бўлган дехкон хўжаликлари, фермер хўжаликлари  
учун ажратилган ер участкаси ва унинг майдони кўрсатилади)

ТҲШ

Ташкилий-хукуқий шакли:

МШ

Мулкчилик шакли:

МХТБТ

Давлат рўйхатидан ўтказиш  
санасидаги почта манзили:

КТУТ

Юридик шахс хос рақами:

ХХТУТ

Асосий фаолият тури хос рақами: давлат  
рўйхатидан ўтказиш санасидаги

СТИР

Солиқ тўловчининг идентификация  
рақами

Кўшимча маълумотлар:

М.Ў.

Ваколатли орган раҳбари \_\_\_\_\_  
(имзо)

(Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг  
хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низом 6 ИЛОВАСИ га каранг)

**Якка тартибдаги тадбиркор ва юридик шахс бўлмасдан  
ташкил этилган дехқон хўжалигини  
давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида  
ГУВОҲНОМА \***

Реестрдаги тартиб рақами

№ 0000000

\_\_\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

Якка тартибдаги тадбиркор ёки дехқон хўжалиги бошлигининг  
фамилияси, исми, отасининг исми \_\_\_\_\_

Паспорт серияси \_\_\_\_\_ тартиб рақами \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ томонидан \_\_\_\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_ да  
берилган.

Уй манзили:

Амалга ошириладиган фаолият тури:

Фаолият амалга ошириладиган жой:

й. «\_\_» \_\_\_\_\_ гача амал қиласди.\*\*

Солик тўловчининг  
идентификация рақами  
Изоҳ\*\*\*:

\_\_\_\_\_

Сурат ўрни\*\*\*\*

М.Ў.

Ваколатли орган раҳбари \_\_\_\_\_  
(имзо)

\* Номига рўйхатдан ўтказиладиган тадбиркорлик субъекти  
тури (якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс бўлмасдан  
ташкил этилган дехқон хўжалиги) кўрсатилади.

\*\* Фақат якка тартибдаги тадбиркорлар учун.

\*\*\* Декон хўжаликлари учун ажратиладиган ер участкаси ва унинг майдони кўрсатилади

\*\*\*\* Юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган декон хўжаликларига жорий этилмайди.

(Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низом ба ИЛОВАСИ га каранг)

12-илова

## Рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тўғрисида

### ГУВОҲНОМА

№ \_\_\_\_\_ й. « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

(туман (шахар), вилоят)

тадбиркорлик  
субъектларини рўйхатдан ўтказиш Инспекцияси томонидан \_\_\_\_\_

НИНГ

(якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки юридик  
шахснинг тўлиқ номи)

муҳандислик коммуникацияларига улаш учун рухсат берувчи  
хужжатлари ҳамда \_\_\_\_\_

га

(курилиш, объектни қайта куриш, тураг жойни нотурар жойга ўтказиш)  
рухсат бериш (розилик) расмийлаштирилди.

Мазкур гувоҳномага қуидагилар илова қилинади:

1. \_\_\_\_\_ ;
2. \_\_\_\_\_ ;
3. \_\_\_\_\_ ;
4. \_\_\_\_\_ ;
5. \_\_\_\_\_ ;
6. \_\_\_\_\_ .

### Инспекция бошлиғи

М.Ў.

(Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг  
хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низом 7 ИЛОВАСИ га каранг)

## **6-§. Тадбиркорлик субъектларини тегишли органларда ҳисобга қўйиш (ПҚ-357 30-32-б. ва ВМҚ 357-сон 18-б.)**

Тадбиркорлик субъектларини ҳисобга қўйиш солиқ ва статистика органлари томонидан тадбиркорлик субъектини жалб қилмаган ҳолда амалга оширилади.

### **6.1. Хабардор қилиш тартиби**

Давлат рўйхатидан ўтказишнинг **хабардор қилиш тартибида** рўйхатдан ўтказувчи органлар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир иш кун мобайнида 13-иловага мувофиқ шакл бўйича у ҳақдаги давлат реестридан олинган маълумотлар ва ариза-хабарнома нусхасини тадбиркорлик субъекти жойлашган жойдаги:

◀ юридик шахслар бўйича – давлат статистика органлари, давлат солиқ хизмати органлари ва ички ишлар органларига (муҳр ва штамп эскизлари ва муҳр ва штампни тайёрлашга рухсатнома нусхасини илова қилган ҳолда - ички ишлар органлари учун);

◀ якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган дехқон хўжаликлари бўйича – давлат солиқ хизмати органлари ва ички ишлар органларига (муҳр ва штамп эскизлари ва муҳр ва штампни тайёрлашга рухсатнома нусхасини илова қилган ҳолда – ички ишлар органлари учун);

◀ акциядорлик жамиятлари бўлган юридик шахслар бўйича – кимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ваколатига эга давлат органига расман тақдим этади.

Муҳрлар ва штампларни тайёрлаш, сақлаш фойдаланиш ва уларни йўқ қилиш Муҳрлар ва штампларни тайёрлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом (рўйхат раками 1077, 2001 йил 27 октябрь)га мувофиқ амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектларини ҳисобга қўйиш солиқ ва статистика органлари томонидан тадбиркорлик субъектини жалб қилмаган ҳолда амалга оширилади.

Юқорида кўрсатилган маълумотлар (13-иловага мувофиқ давлат реестридан олинган шакл бўйича) олингач 2 иш кунида мобайнида:

давлат солиқ хизмати органлари – юридик шахсни, якка тартибдаги тадбиркорни, юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган дехқон хўжалигини, шу жумладан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси

ва Республика йўл жамғармасига (тегишли жамғармаларга тўловчилар ҳисобланган субъектлар учун) суғурта бадаллари тўловчилар сифатида ҳисобга қўяди;

давлат статистика органлари – рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан берилган статистика хос рақамларининг субъект томонидан ариза-хабарномада кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текширади (бунда ариза-хабарномадаги маълумотларнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш амалга оширилмайди) ва юридик шахсни корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат регистрига киритади.

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) ёки берилган статистика хос рақамларида рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан йўл қўйилган хатолар аниқланган ҳолда, давлат солиқ хизмати органлари ёки давлат статистика органлари 1 иш куни ичida электрон почта ёки факсимил алоқа орқали аниқланган хатолар ҳақида тегишли рўйхатдан ўтказувчи органни хабардор қилади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган тегишли хабарномани олгач 1 иш куни ичida тегишли давлат реестларига ўзгартиришлар киритади, давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги янги гувоҳномани расмийлаштиради, тадбиркорлик субъектига маълум қилади ва унга давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги мазкур гувоҳномани беради.

## **6.2. Рухсат бериш тартиби**

Давлат рўйхатидан ўтказишнинг **рухсат бериш тартибида** рўйхатдан ўтказувчи органлар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир кун мобайнида 14-иловага мувофиқ шакл бўйича у ҳақдаги давлат реестридан олинган маълумотларни тадбиркорлик субъекти жойлашган жойдаги:

юридик шахслар бўйича – статистика, солиқ органлари ҳамда муҳр ва штамп эскизларини уч нусхада илова қилган ҳолда ички ишлар органларига,

якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликлари бўйича – солиқ органига ҳамда муҳр ва штамп эскизларини (ариза берувчи хоҳишига кўра) уч нусхада илова қилган ҳолда ички ишлар органларига;

акциядорлик жамиятлари бўлган юридик шахслар бўйича – қимматли қоғозлар бозорини тартиба солувчи давлат ваколатли органига расман тақдим этади.

Кўрсатилган маълумотлар олингач икки кун муддатда:  
солиқ органлари – юридик шахсни, якка тартибдаги тадбиркор-

ни, юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган дехқон хўжалигини, шу жумладан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, иш билан таъминлаш жамғармаси ва йўл жамғармасига (тегишли жамғармаларга бадал тўловчилар ҳисобланган субъектлар учун) суғурта бадаллари тўловчи сифатида (юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган дехқон хўжаликларидан ташқари) ҳисобга кўяди, уларга солиқ тўловчининг идентификация рақамини беради ва уни статистика ва рўйхатдан ўтказувчи органларга расман маълум қиласди;

статистика органлари – юридик шахсни корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат регистрига киритади, рўйхатдан ўтказиш картасини тўлдиради ҳамда рўйхатдан ўтказувчи ва солиқ органларига тадбиркорлик субъектига берилган кодларни расман маълум қиласди;

ички ишлар органлари муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатномани расмийлаштиради ҳамда рўйхатдан ўтказувчи органга эскизнинг икки нусхаси билан биргаликда муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатномани юборади.

Рўйхатдан ўтказувчи органлар йилнинг ҳар чорагида рўйхатдан ўтказилган ва ҳисобда турган рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлик субъектлари сонини солиқ ва статистика органлари билан солиширади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки, тадбиркорлик субъектларини хабардор қилиш тартибида ҳисобга кўйиш рухсат бериш тартибида ҳисобга кўйишдан бирмунча фарқ қиласди. Хусусан, хабардор қилиш тартибида ички ишлар органларига муҳр ва штамп эскиzlари ва муҳр ва штампни тайёрлашга рухсатнома берилади, чунки рўйхатдан ўтказувчи орган муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатномани мустақил равища расмийлаштиради. Рухсат бериш тартибида эса, ички ишлар органлари муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатномани расмийлаштиради ҳамда рўйхатдан ўтказувчи органга эскизнинг икки нусхаси билан биргаликда муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатномани юборади.

Шунингдек, хабардор қилиш тартибида давлат статистика органлари рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан берилган статистика кодларининг субъект томонидан ариза-хабарномада кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текширади, рухсат бериш тартибида эса ушбу кодлар давлат статистика органлари томонидан берилади.

## **7-§. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асослари (ПҚ-357 18-21-б. ва ВМҚ 357-сон 11-б.)**

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ҳамда Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларга мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга асослар мавжуд бўлмаганда тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан рўйхатдан ўтказиш ёки асосланган ҳолда рад этиш тўғрисидаги қарор зарур хужжатлар илова қилинган рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза олинган кундан бошлаб:

якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликлари бўйича – 2 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда;

юридик шахс сифатидаги барча тадбиркорлик субъектлари бўйича 3 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Шуни эслатиб ўтамизки, 2006 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш фақатгина тақдим этилган хужжатларда рад этиш учун асослар мавжудлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқишини назарда тутувчи хабардор қилиш тартиби жорий этилди ва рад этиш асосларининг аниқ рўйхати белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сонли қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ, хабардор қилиш тартибида барча тадбиркорлик субъектлари учун давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун қуидагилар асос бўлади:

тегишли бўлмаган рўйхатга олиш органига мурожаат қилиш;

мазкур китобнинг 4.2 бўлимида кўрсатилган хужжатларнинг тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганлиги.

Тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишнинг умумий асослари бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

- таъсис хужжатлари ва муҳр ҳамда штамп эскизларида кўрсатилган фирма номининг бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номининг захирага олиниши тасдиғида кўрсатилган фирма номига мос келмаслиги;

- таъсис хужжатлари ва муҳр ҳамда штамп эскизларида кўрсатилган ташкилий-хуқуқий шаклнинг Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида назарда тутилган ташкилий-хуқуқий шакл турларига мос келмаслиги;

- таъсис хужжатларида Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари билан таъқиқланган фаолият турларининг кўрсатилиши.

Давлат рўйхатидан ўтказишда Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари билан устав фондининг миқдори бўйича талаблар ўрнатилган тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун юқорида кўрсатилган асосларга қўшимча равишда таъсис хужжатларида кўрсатилган устав фонди миқдорининг Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари билан тегишли тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган устав фонди миқдорига мос келмаслиги асос бўлиб ҳисобланади. Масалан, Акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича тўрт юз минг АҚШ долларига teng бўлган суммадан кам бўлмаслиги керак<sup>46</sup> ҳамда ташкил этилаётган бозорлар устав жамғармасининг энг кам миқдори тегишли ташкилий-хуқуқий шакллар учун қонун хужжатларида белгиланган миқдорга мувофиқ бўлиши, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 500 бараваридан кам бўлмаслиги керак<sup>47</sup>.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун юқорида кўрсатилган асосларга қўшимча равишда қуидагилар асос бўлиб ҳисобланади:

- хорижий инвестициялар улуши миқдорининг Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари билан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун белгиланган улуш миқдорига мос келмаслиги;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар муассислари таркибида хорижий юридик шахснинг бўлмаслиги.

Бозорларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун

<sup>46</sup> «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддаси.

<sup>47</sup> «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддаси.

юқорида кўрсатилган асосларга қўшимча равишда қуидагилар асос бўлиб ҳисобланади:

- бозорнинг устав фондига таъсис ҳужжатларида кўрсатилган миқдорнинг камидаги 30 фоизи киритилмаганлиги;

- бозор муассислари таркибида устав фондидаги улуши камидаги 51 фоизни ташкил қилувчи жойлардаги давлат ҳокимияти органининг бўлмаслиги.

Давлат рўйхатидан ўтказишни асосланган ҳолда рад этиш тўғрисидаги қарор рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан қабул қилинади ва ҳужжатлар тақдим этилган вақтдан бошлаб З иш соати ичida ариза берувчига берилади.

СССРда юридик шахс ташкил этишининг мақсадга мувофиқ эмаслигини важ қилиб давлат рўйхатидан ўтказиш мумкин бўлганлигини эслаш мақсадга мувофиқ бўларди. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги юридик шахсни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўймайди. Ушбу норма Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг<sup>48</sup> 44-моддаси хамда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг<sup>49</sup> 11-моддасида мустаҳкамланган. Рўйхатдан ўтказувчи орган ташкил этилаётган юридик шахснинг мақсадга мувофиқлиги ёки фойдалилиги масаласини ҳал этиш хуқуқига эга эмас.

Давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга асослар мавжуд бўлмаганда тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Рўйхатдан ўтказувчи орган Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг<sup>50</sup> 241<sup>1</sup>-моддасига асосан қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, яъни тадбиркорлик фаолияти субъектини давлат рўйхатидан ўтказишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибини бузиш, тадбиркорлик фаолияти субъектини рўйхатдан ўтказишни ғайриқонуний рад этиш ёки

<sup>48</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги 330-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида бозорларда савдо фаолиятини ташкил этиш қоидаларининг 7-банди.

<sup>49</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова.

<sup>50</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2000 й., 5–6-сон, 140-модда.

рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаш, муайян фаолиятни амалга ошириш учун маҳсус рухсатнома (лицензия) беришини ғайриқонуний рад этиш ёки уни беришдан бўйин товлаш мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлишини хар доим ёдда тутмоғи лозим. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**Давлат солиқ хизмати органларига ва давлат статистика  
органларига тақдим этиш учун зарур бўлган тадбиркорлик  
субъектлари тўғрисидаги**

**МАЪЛУМОТЛАР**

1. Тадбиркорлик субъектининг номи, Ф.И.О\*.

Тўлиқ:

Қисқартирилган:

2. Почта манзили (туман, шаҳар, уй манзили\*)


3. Янги-  
дан  
ташкил  
этилган

--

Қайта  
ташкил  
етиш йўли  
билин  
тузилган

--

Таъсис ҳужжатларига  
ўзгаришиш ва қўшимчалар

--

4. Почта манзили: \_\_\_\_\_

5. Мулоқот телефонлари: \_\_\_\_\_

6. ТҲШ хос рақами: \_\_\_\_\_

МШ хос рақами: \_\_\_\_\_

МҲТБТ хос рақами: \_\_\_\_\_

КТУТ хос рақами: \_\_\_\_\_

ХХТУТ хос рақами: \_\_\_\_\_

СТИР\*\*: \_\_\_\_\_

7. Муассислар тўғрисидаги маълумотлар:

Муассислар (номи, мамлакат, Ф.И.О., паспортга оид маълумотлар*)			Муассисларнинг устав фондидағи улуси		
			минг сўмда.	минг АҚШ долларида	%да


Жами устав фонди

8. Рўйхат бўйича ходимларнинг тахминий сони: \_\_\_\_\_ киши.

9. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи: \_\_\_\_\_

10. Рўйхатдан ўтказилди \_\_\_\_\_

(тартиб раками)

(сана)

11. Фаолият амалга ошириладиган жой\*: \_\_\_\_\_

(Юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган дехкон хўжаликлари  
учун ажратиладиган ер участкаси ва унинг майдони  
кўрсатилади)

12. Фаолиятни амалга ошириш муддати\*: \_\_\_\_\_

Рўйхатдан ўтказувчи орган мансабдор шахснинг Ф.И.О си \_\_\_\_\_

Имзо \_\_\_\_\_  
М.Ў.

\* Якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган дехкон хўжаликлари учун тўлдирилади.

\*\* Шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган дехкон хўжаликлари учун тўлдирилади.

(Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низом 7-ИЛОВАСИ га каранг.)

**Давлат солиқ хизмати органлариға ва давлат статистика  
органлариға тақдим этиш учун зарур бўлган тадбиркорлик  
субъектлари тўғрисидаги**

**МАЪЛУМОТЛАР**

1. Тадбиркорлик субъектининг номи, Ф.И.О\*. \_\_\_\_\_

Тўлиқ: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Қисқартирилган: \_\_\_\_\_

2. Почта манзили (туман, шаҳар, уй) \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

3. Янгидан ташкил этилган  
Қайта ташкил этиш йўли  
билин тузилган

4. Почта индекси: \_\_\_\_\_

5. Мулоқот телефонлари: \_\_\_\_\_

6. Асосий фаолият тури (статистика органлари томонидан  
рўйхатдан ўтказувчи органга берилган тасдиқланган класси-  
фикаторга мувофиқ) \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

7. Мулкчилик шакли (Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик  
кодексига мувофиқ) \_\_\_\_\_

8. Ташкилий-хуқуқий шакли \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

9. Муассислар тўғрисда маълумотлар: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Муассислар (номи, мамлакат, Ф.И.О., паспортга оид маълумотлар*)	Муассисларнинг устав фондидағи улуси		
	минг сўм хисобида	минг АҚШ доллари хисобида	фоизлар хисобида

Жами устав фонди					

10. Тадбиркорлик субъекти ташкилий таркибига кирувчи ташкилот  
(хўжалик жамияти) \_\_\_\_\_

---

11. Рўйхат бўйича тахминий сони  киши.

12. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи:

---

номер	дата
-------	------

13. Рўйхатдан ўтказилди

14. Фаолият амалга ошириладиган жой \*:

15. Фаолиятни амалга ошириш муддати \*:

---

Рўйхатдан ўтказувчи орган мансабдор шахснинг Ф.И.О си \_\_\_\_\_

---

Имзо \_\_\_\_\_

М.Ў.

\* Якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган дехқон хўжаликлари учун тўлдирилади.

(Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низом 7-ИЛОВАСИ га қаранг.)

## **8-§. Тадбиркорлик субъектининг таъсис хужжатлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни давлат рўйхатидан ўтказиши (ПҚ-357 33-37-б. ва ВМҚ 357-сон 72-76-б.)**

### **8.1. Таъсис хужжатлариға киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиши учун тақдим этиладиган хужжатлар**

Юридик шахсларнинг таъсис хужжатлариға киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида рўйхатдан ўтказувчи орган хабардор бўлиши лозим. Шунинг учун тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларнинг таъсис хужжатлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда уларни рўйхатдан ўтказган органга ўzlари келиб ёки почта алоқаси орқали тегишли хужжатларни тақдим этадилар.

Ҳар қандай тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларнинг фаолиятида юридик шахснинг номи, унинг жойлашган манзили, муассислар, устав жамғармасини ошириш ёки камайтириш ва бошқаларни ўзгартиришга эҳтиёж туғилиши мумкин. Юридик шахсларнинг таъсис хужжатлариға киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида рўйхатдан ўтказувчи орган хабардор бўлиши лозим. Демак, ЎзР ФКнинг 43-моддасига мувофиқ таъсис хужжатларидаги ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунда белгиланган ҳолларда эса – давлат рўйхатидан ўтказиши амалга оширувчи орган ана шундай ўзгартишлар хақида хабардор қилинган пайтдан бошлаб учинчи шахслар учун кучга эга бўлади. Бошқача қилиб айтганда, юридик шахс қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим.

#### **8.1.1. Юридик шахснинг таъсис хужжатлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши**

Тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларнинг таъсис хужжатлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда тадбиркорлик субъектининг ваколатли бошқарув органи томонидан тегишли қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб 1 ой мобайнида уларни рўйхатдан ўтказган органга ўzlари келиб ёки почта алоқаси орқали қуийдаги хужжатларни тақдим этадилар:

**Ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишидан қатъи назар тақдим этиладиган умумий хужжатлар:**

- ◀ ариза;
- ◀ тадбиркорлик субъектининг ваколатли бошқарув органи-

нинг таъсис ҳужжатлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори;

◀ ўзгартириш ва қўшимчалар матнининг ваколатли шахс томонидан имзоланган ва тадбиркорлик субъекти муҳри билан тасдиқланган икки нусхаси;

◀ давлат божи белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақида банк тўлови ҳужжати;

### **8.1.2. Номни ўзгартириш**

Номи ўзгарган тақдирда – давлат рўйхатидан ўтказилганлик ҳақидағи гувоҳноманинг асл нусхаси ва фирма номининг захирага олиниши тасдиғи<sup>51</sup>, алмаштириладиган муҳр ва штамп, шунингдек янги муҳр ва штампнинг уч нусхадаги эскизи;

### **8.1.3. Устав жамғармаси миқдорини кўпайтириш ва камайтириш**

Устав фондининг миқдори кўпайтирилган тақдирда – тадбиркорлик субъекти ваколатли органининг таъсис ҳужжатларида эълон қилинган устав фонди миқдорининг шакллантирилганлиги ҳақидағи ҳужжат, шунингдек масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар учун-иштирокчи ҳиссасининг тўлиқ киритилганлиги ҳақида жамият томонидан жамият иштирокчисига берилган гувоҳнома нусхаси ҳамда жамият иштирокчилари томонидан қўшимча ҳиссалар ва учинчи шахслар томонидан ҳиссалар тўлиқ миқдорда қўшилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

устав фонди камайтирилган тақдирда – уларга маълум бўлган барча кредиторлар устав фонди миқдори камайтирилиши ва унинг янги миқдори ҳақида ёзма равишда хабардор этилганлигини ва оммавий ахборот воситаларида қабул қилинган қарор ҳақида ахборот эълон қилинганлигининг тасдиғи (уларга маълум барча кредиторлар устав фонди миқдори камайтирилиши ва унинг янги миқдори ҳақида ёзма равишда хабардор этилган ва оммавий ахборот воситаларида қабул қилингандан кейин бир хафта муддатда тақдим қилинади);

### **8.1.4. Улуш (хисса) ёки акция бошқага ўтказиш**

Улуш (хисса) ёки акция бошқага ўтган тақдирда – ушбу улуш (хисса) ёки акциянинг бошқага ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат (шартнома, хат ва шу кабилар);

<sup>51</sup> Фирма номининг захирага олиниши тасдиғи давлат рўйхатидан ўтказиш тартибида олинади.

## **8.1.5. Тадбиркорлик субъектини қайта ташкил этиш**

Тадбиркорлик субъекти ажратиб чиқариш ва қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилган тақдирда – қайта ташкил этилаётган юридик шахсга маълум бўлган барча кредиторлар қайта ташкил қилиш ҳақида ёзма равишда хабардор этилганлигининг ва оммавий ахборот воситаларида ахборот эълон қилинганлигининг тасдиғи, қайта ташкил этилаётган юридик шахсларнинг уларнинг барча кредиторлар ва қарздорларига, шу жумладан томонлар даъволашаётган мажбуриятларга нисбатан барча мажбуриятлари бўйича хуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидалар кўрсатилган тақсимлаш баланси ёки топшириш далолатномаси, шунингдек давлат рўйхатидан ўтказилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг асл нусхаси, қўшиб олинаётган юридик шахснинг муҳр ва штампи.

## **8.1.6. Муассислар таркибига хорижий шахс кирган тақдирда**

Таъсис хужжатларига муассислар таркибига хорижий шахс кириши билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда рўйхатдан ўтказган органга қўйидаги хужжатлар тақдим этилади:

хорижий муассис тўғрисида юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги савдо реестридан олинган, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси томонидан белгиланган тартибда легализация қилинган, булар мавжуд бўлмаган тақдирда, муассис рўйхатдан ўтказилган давлат Ташқи ишлар вазирлигида мазкур мамлакатнинг Ўзбекистон Республикасидаги консуллик муассасасида ёки дипломатик ваколатхонасида легализация қилиниб, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик бошқармасида тасдиқланган кўчирма тақдим этилади. Хорижий муассис тўғрисида савдо реестридан кўчирмада хорижий юридик шахснинг номи, унинг жойлашган манзили, устав фонди миқдори, ташкилий-хуқуқий шакли, рўйхатдан ўтказилган санаси, фаолият кўрсатиш муддати ҳамда хорижий юридик шахс номидан имзо қўйиш хуқуқига эга бўлган шахс ҳақида маълумотлар кўрсатилиши керак. Ушбу кўчирма берилган пайтдан бошлаб 1 йил муддат ичида ҳақиқий ҳисобланади. Жисмоний шахс – норезидент ўз паспортининг нусхаси тақдим этади. Ушбу хужжатлар давлат тилига таржима қилинган, таржима белгиланган тартибда нотариал тасдиқланган ҳолда тақдим этилиши керак. Агар хорижий муассиснинг корхона (ташкилот) устав фондига

улуши интеллектуал мулк бўлса, у ҳолда ариза берувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда баҳоловчи томонидан тузилган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиши керак;

ҳар бир таъсисчи томонидан корхона устав фондидаги ўз улушининг 30 фоизини киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (вақтингчалик сўмлардаги ва валютадаги жамловчи ҳисоб рақамларига пул маблағлари киритилганлиги ҳақида банк маълумтономаси, мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганлигини тасдиқловчи божхона ҳужжати, мол-мулкни топшириш-қабул қилиш далолатномаси, киритилаётган мол-мулкка эгалик хукуқини тасдиқловчи ҳужжат ва бошқалар).

### **8.1.7. Юридик шахсни қайта ташкил этиш**

Юридик шахсни қайта ташкил этиш бир неча юридик шахсни битта янгисига **қўшиб юбориш**, юридик шахсни бошқасига **қўшиб олиш**, юридик шахсни бир неча янги ташкилотларга **бўлиш**, ташкилот таркибидан бошқа юридик шахсларни **ажратиб чиқариш** ва **ўзгартириш**, яъни юридик шахснинг ташкилий-хукуқий шаклини ўзгартириш орқали амалга оширилишини таъкидлаш лозим.

#### **Топшириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси (ФК 51-модда)**

Қайта ташкил этилган юридик шахснинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча мажбуриятлари бўйича, шу жумладан тарафлар баҳслашаётган мажбуриятлар бўйича ҳам, хукуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган Топшириш ҳужжати ва тақсимлаш балансига эътибор қаратиш лозим.

Таъсис ҳужжатлари билан бирга тегишинча топшириш ҳужжатини ёки тақсимлаш балансини тақдим этмаслик, шунингдек уларда қайта ташкил этилган юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича хукуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларнинг йўқлиги янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига олиб келади.

#### **Бошқа рўйхатдан ўтказган органнинг реестридан кўчирма**

Тадбиркорлик субъектининг таъсис ҳужжатларига тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказган органнинг ўзгаришига олиб келувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда рўйхатдан ўтказувчи органга кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари, рўйхатдан ўтказган органнинг реестридан кўчирма ҳам тақдим қилинади.

Юридик шахсларнинг қўшиб юборилиши оқибатида рўйхатдан ўтказувчи орган ўзгарса, бошқа рўйхатдан ўтказувчи ор-

ганинг реестридан кўчирма бошқа рўйхатдан ўтказувчи органнинг давлат реестрида турган юридик шахс томонидан тақдим қилинади.

Юридик шахснинг қўшиб олиниши оқибатида рўйхатдан ўтказувчи орган ўзгарса, бошқа рўйхатдан ўтказувчи органнинг реестридан кўчирма бошқа рўйхатдан ўтказувчи органнинг давлат реестрида турган қўшиб олинаётган юридик шахс томонидан тақдим қилинади.

Юридик шахснинг ўзгартирилиши оқибатида рўйхатдан ўтказувчи орган ўзгарса, бошқа рўйхатдан ўтказувчи органнинг реестридан кўчирма бошқа рўйхатдан ўтказувчи органнинг давлат реестрида ўзгартирилаётган юридик шахс томонидан тақдим қилинади.

Кўчирма тадбиркорлик субъекти юридик шахсларнинг давлат реестрида турган рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан тадбиркорлик субъектининг мурожаати олинган пайтдан бошлаб бир кун мобайнида берилади. Бундай холларда тадбиркорлик субъектига илгари у давлат рўйхатидан ўтказилган сана ҳамда рўйхатдан ўтказган орган ҳақидаги маълумот кўрсатилган давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома берилади.

Тегишли рўйхатдан ўтказувчи орган икки кун мобайнида ушбу тадбиркорлик субъекти юридик шахслар давлат реестрида турган органга тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхасини ёки рўйхатдан ўтказиш хужжатларини тақдим этиш ҳақида сўровнома юборади. Ушбу тадбиркорлик субъекти юридик шахслар ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси ёки тегишли сўровномани олганидан кейин, унинг рўйхатдан ўтказиш хужжатларини тадбиркорлик субъектини янги рўйхатдан ўтказган органга юборади ва бу ҳақида давлат реестрига тегишли ёзув киритади ҳамда солиқ ва статистика органларига бу ҳақида маълум қиласди.

Тадбиркорлик субъектларининг таъсис хужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган хужжатлар рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказилади.

### **8.1.8. Бошқа ўзгартиришлар**

Тадбиркорлик субъектлари ўз почта манзили ўзгарган тақдирда ўн кун муддатда бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органларни ёзма равишда хабардор қилишлари шарт. Бунда давлат божи

олинмайди. Рўйхатдан ўтказувчи органлар хабарномани олгандан бошлаб икки кун муддатда ушбу ўзгариш ҳақида давлат солиқ хизмати ва давлат статистика органларини хабардор қиласди.

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат реестрига ўзгариши киритишни тақозо этувчи тадбиркорлик субъекти – юридик шахснинг фаолияти тури ва унда ишловчиларнинг ўртача йиллик сони ўзгарса давлат статистика органлари тадбиркорлик субъектини жалб қилмаган ҳолда қонунчиликка мувофиқ ҳолда тақдим қилинадиган йиллик статистик ҳисоботлар асосида тегишли ўзгаришилар киритади ва бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органлар, давлат солиқ хизмати органлари ҳамда тадбиркорлик субъектини хабардор қиласди.

Якка тартибдаги тадбиркор унга берилган давлат рўйхатидан ўтказилганлик ҳақидаги гувоҳномада кўрсатилган фаолият жойи ўзгарган тақдирда, ўн кун муддатда бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органларни ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Рўйхатдан ўтказувчи органлар хабарномани олган пайтдан бошлаб икки кун муддатда ушбу ўзгариш ҳақида давлат солиқ хизмати органларини хабардор қиласди. Рўйхатдан ўтказувчи ва давлат солиқ хизмати органлари кўрсатиб ўтилган ахборотни олганларидан кейин уч кун муддатда якка тартибдаги тадбиркорни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш ҳужжатларига киритилган ўзгаришилар ҳақида ёзма равишда хабар беришлари шарт.

## **8.2. Таъсис ҳужжатларига ўзгариши ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш муддати**

Хабардор қилиш тартибида тегишли ҳолларда давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги янги гувоҳномани бериш билан биргаликда, тадбиркорлик субъектларининг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгариши ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш муддати 2 иш кунини ташкил қиласди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли қарори<sup>52</sup> билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом асосида рўйхатдан ўтказилган тадбиркорларнинг таъсис ҳужжатларига тадбиркорлик субъектларини тегишли органларда ҳисобга қўйиш билан боғлиқ ўзгариши ва қўшимчалар кири-

<sup>52</sup> Фирма номининг захирага олиниши тасдиғи давлат рўйхатидан ўтказиш тартибида олинади.

тиш, фирма номининг захирага олиниши тасдиғи, янги намунадаги муҳр ва штампларни тайёрлашга рухсатномаларни расмийлаштириш мазкур Низомда белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади. Юқорида таъкидланганидек, тадбиркорлик субъектини рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказишнинг ариза берилган санадан бошлаб рухсат берувчи ҳужжатлар расмийлаштирилгунгача умумий муддати техник шартларни ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш билан боғлиқ ишларнинг мураккаблиги ва сермехнатлиги даражасига қараб 7 иш кунидан бир ойгача доирада белгиланади.

### **8.3. Таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асослари**

Тадбиркорлик субъектларининг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун қуидагилар асос бўлади:

- тегишли бўлмаган рўйхатга олиш органига мурожаат қилиш;
- ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилмаганлиги;
- тақдим этилган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мос келмаслиги.

### **8.4. Таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун тўлов**

Таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун белгиланган давлат божи 50 фоизи микдорида тўлов олинади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига, Қорақалпогистон Республикаси Адлия вазирлигига ва вилоятлар адлия бошқармаларида таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун:

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 2,5 баравари, шунингдек 250 АҚШ доллари;

суғурта ва аудиторлик ташкилотлари, биржалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг тегишли қарорлари билан акциядорлик компаниялари (шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялар ва холдинглар) шаклида ташкил этилаётган хўжалик бошқаруви органлари ва бозорлар учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари микдорида давлат божи тўланади.

Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркор-

лик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияларида таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун юридик шахслар ва юридик шахс ташкил этмаган якка тартибдаги тадбиркорлар учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярим баравари миқдорида давлат божи тўланади.

## **8.5. Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома**

Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ўрнига тадбиркорлик субъекти аризасига биноан унинг дубликати берилиши мумкин.

Давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома дубликатини беришда энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида тўлов ундирилади.

Бу холда тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги йўқолган гувоҳноманинг ҳақиқий эмаслиги ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон бериши, шунингдек рўйхатдан ўтказувчи органга эълон қилинган хабарни ва дубликат берилганлиги учун белгиланган миқорда тўлов тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжатини тақдим этиши шарт.

Тўлов суммаси рўйхатдан ўтказувчи органнинг алоҳида шахсий ғазна ҳисоб рақамига ўтказилади ҳамда рўйхатдан ўтказувчи органнинг дубликатни тайёрлаш ва бериш харажатларини қоплашга йўналтирилади. Кўрсатиб ўтилган маблағларнинг 31 декабрдаги ҳолатига кўра қолдиқлари:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва вилоятлар адлия бошқармаларининг шахсий ғазна ҳисоб рақамларидан – республика бюджети даромадига;

инспекцияларнинг шахсий ғазна ҳисоб рақамларидан – тегишли маҳаллий бюджетлар даромадига ўтказилади.

Давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги яроқсиз ҳолга келган гувоҳнома рўйхатдан ўтказган органга қайтарилади ва йўқ қилинади.

Дубликатни бериш муддати уч иш кунидан ошмаслиги керак.

## **5 - б о б . ТИЖОРАТ ФАОЛИЯТИ УЧУН МҮЛЖАЛЛАНГАН ТОВАРЛАРНИ ОЛИБ КЕЛУВЧИ ЮРИДИК ШАХС БЎЛМАГАН ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ВА ҲИСОБГА ҚЎЙИШ**

### **1-§. Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ва уларни давлат рўйхатидан ўтказиш**

Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби ва муддати Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

Юқорида таъкидланганидек, 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахслар («четдан товар олиб келувчилар»)ни юридик шахс бўлмасдан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш жисмоний шахснинг яшаш жойидаги туманлар (шаҳарлар) Давлат солиқ инспекцияларида (ҳозир бўлиш тартибида) амалга ошириладиган тартиб белгиланди.

Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби ва муддати Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сонли қарори<sup>53</sup> билан тасдиқланган Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

---

<sup>53</sup> Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2004 й., 34-35-сон, 395-модда.

Якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш жисмоний шахснинг яшаш жойи бўйича унинг ўзи шахсан келгани ҳолда давлат солиқ инспекциясида амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида давлат божи ундирилади. Тушган маблағларнинг 60 фоизи якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш харажатларини қоплашга фойдаланилади, қолган маблағлар маҳаллий бюджетга ўтказилади.

Давлат божи қайтариlmайди.

Якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат солиқ инспекциясига (шахсан келиб) 15-иловага мувофиқ шакл бўйича якка тартибдаги тадбиркор томонидан ариза тақдим этилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага:

- ◀ 3x4 ўлчамли тўртта фотосурат;
- ◀ давлат божи тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов хужжати;
- ◀ якка тартибдаги тадбиркорнинг яшаш жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотноматасдиқномаси;
- ◀ муҳр ва штамп эскиzlари уч нусхада илова қилинади.

Ариза берилаётганда паспорт кўрсатилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказиш рад этилиши сабаблари кўрсатилган қарор зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза олинган кундан бошлаб уч кундан кечикмай давлат солиқ инспекцияси томонидан қабул қилинади.

Давлат солиқ инспекцияси жисмоний шахс томонидан давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза берилгандан кейин етти кун мобайнида унга:

– 16-иловага мувофиқ шакл бўйича тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномани ёки ёзма равишдаги сабаблари кўрсатилган рад жавобини;

– 17-иловага мувофиқ шакл бўйича тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорнинг рўйхатдан ўтиш (рухсат берувчи) тартиб-қоидалардан ўтиши карточкасини;

– муҳр ва штамп тайёрлашга ички ишлар органининг рухсатномаси нусхасини эскизларнинг бир нусхаси билан биргаликда беради.

Ариза берувчи (якка тартибдаги тадбиркор) давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир ой мобайнида:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига ва божхона органларида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтиши;

чакана савдо қилиш хукукини берадиган рухсатномани туман (шаҳар) ҳокимлигига белгиланган тартибда расмийлаштириши;

тижорат банкида талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақами очиши шарт.

Якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома факат барча зарур рўйхатдан ўтиш (руҳсат берувчи) тартиб-қоидалардан ўтилгандан кейин олинадиган импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картаси мавжуд бўлган тақдирда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар давлат солиқ инспекцияси томонидан белгиланган шакл бўйича давлат реестрига киритилади.

Давлат солиқ инспекцияси давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб уч кун мобайнида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шакл бўйича ариза берувчининг яшаш жойидаги ички ишлар органларига маълумотларни тақдим этади.

Фаолият тури ўзгарган тақдирда якка тартибдаги тадбиркор тегишли давлат солиқ инспекциясига Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани ва Импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картасини топшириши зарур.

(рўйхатдан ўтказувчи солиқ органининг номи)

туманининг давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

га

(ДСИ бошлиғининг Ф.И.О.)

дан

(ариза берувчининг Ф.И.О.)

**АРИЗА**

200\_\_йил «\_\_»\_\_\_\_гача бўлган муддатга тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи сифатида юридик шахс бўлмасдан якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун давлат рўйхатидан ўтказишингизни илтимос қиласман.

Ўзим ҳақимда қўйидагиларни маълум қиласман:

Паспорт: серия \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_  
 \_\_\_\_\_ томонидан \_\_\_\_\_  
 \_\_\_\_\_ да берилган. Уй манзили \_\_\_\_\_  
 \_\_\_\_\_  
 \_\_\_\_\_

телефон рақами \_\_\_\_\_

Аризага қўйидаги ҳужжатларни илова қиласман:

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
3. \_\_\_\_\_
4. \_\_\_\_\_
5. \_\_\_\_\_

(ариза берувчининг имзоси)

(ариза қабул қилинган сана)

(рўйхатдан ўтказувчи орган масъул ходимининг имзоси)

(Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги Низом 1 ИЛОВАСИ)

6-илова

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ



**Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида**

### ГУВОҲНОМА\*

№ \_\_\_\_\_ 200 йил «.....» \_\_\_\_\_

(якка тартибдаги тадбиркорнинг Ф.И.О.)

Солиқ тўловчининг идентификация рақами \_\_\_\_\_

Паспорт: серия \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_

томонидан \_\_\_\_\_ да берилган

Фотосурат  
ўрни  
туман (шаҳар) ДСИ бошлиғи

(Ф.И.О.)

200.....й. «.....» М.Ў.

(имзо)

(сана)

20.....й. «.....» гача ҳақиқийдир.

\* Импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картасисиз фаолиятни амалга ошириш учун асосбўлиб хизмат қилмайди. (Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги Низом 2-ИЛОВАСИ.)

**Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорнинг рўйхатдан ўтиш (руҳсат берувчи) тартиб-қондалардан ўтиши \_\_\_-сон карточкаси**

туман

Сана: \_\_\_\_\_

**(шахри) давлат солиқ инспекцияси томонидан**

**га берилди** (якка тартибдаги тадбиркорнинг Ф.И.О.)

**Паспорт: серия \_\_\_ № \_\_\_**

**тomonидан** \_\_\_\_\_

**даберилган**

Солиқ тўловчининг идентификация рақами \_\_\_\_\_

**Фаолият тури:** чакана савдо қилиш хуқуки билан экспорт-импорт операциялари

**1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган ва 200 \_\_\_ «\_\_\_» \_\_\_\_\_ гача муддатга гувоҳнома берилган'**

(Ф.И.О.)

(имзо)

**№ \_\_\_ 200 \_\_\_ й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_**

**МЎ**

**2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган**

(Ф.И.О.)

(имзо)

**№ \_\_\_ 200 \_\_\_ й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_**

**МЎ**

**3. \_\_\_\_\_ тижорат банкида \_\_\_\_\_**

(тижорат банкининг номи)

**банк коди \_\_\_\_\_**

**ҳисоб рақами очилган**

(бошқарувчининг Ф.И.О.)

(имзо)

**№ \_\_\_ 200 \_\_\_ й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_**

**МЎ**

**4. \_\_\_\_\_ да**

**билиан савдо қилиш**

(savdo қилинадиган жой)

(товарлар тури)

**хуқуқини берадиган рухсатнома**  
**туман (шахар) ҳокимлиги**  
**томонидан берилган.**

(Ф.И.О.) (имзо)  
№ \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ й. « \_\_\_\_ »  
карточкаси \_\_\_\_\_  
да олинди  
(якка тартибдаги тадбиркорнинг  
Ф.И.О.) (сана)  
**ДСИ бошлиғи** \_\_\_\_\_  
**МЎ**  
(Ф.И.О.) (имзо)

(Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, хисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг хисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги Низом З -ИЛОВАСИ.)

**2-§. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва божхона органларида рўйхатдан ўтказиш**

Жисмоний шахсни ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига амалга оширилади<sup>54</sup>.

**2.1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига рўйхатдан ўтказиш тартиби**

Юқорида таъкидланганидек, якка тартибдаги тадбиркор Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига ва божхона органларида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтиши керак.

<sup>54</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сонли қарори билан тасдиқланган Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, хисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг хисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 13-бандига қаранг.

Жисмоний шахсни ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқаруви ваколатли органи ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятида Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

Таъкидлаш лозимки, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини, экспортни рағбатлантиришни, хорижий инвестицияларни жалб этишни, ташқи савдони эркинлаштиришни, ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашни таъминлаш ҳамда қулай инвестиция муҳитини шакллантиришга ва республика иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этилишига қўмаклашиш, инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш, хорижий инвесторларни зарур ахборотлар билан қўллаб-қувватлаш Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг асосий вазифалари бўлиб ҳисобланади<sup>55</sup>.

Ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига рўйхатдан ўтиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- ◀ рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза (паспортга доир маълумотлар, манзиллар, алоқа қилинадиган телефонлар ва импорт қилинадиган маҳсулот номлари кўрсатилган ҳолда);
- ◀ рўйхатдан ўтказиш йигими тўланганлиги тўғрисидаги квитанция;
- ◀ ариза берувчи (якка тартибдаги тадбиркор)нинг паспорти нусхаси;
- ◀ давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги зарур тарзда расмийлаштирилган ҳужжатлар олинган санадан бошлаб уч иш куни мобайнида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчисини тегишли рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами остида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчилари реестрига киритади ва

<sup>55</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 июлдаги ПҚ-136-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тўғрисидаги Низом.

унга импорт қилинадиган маҳсулотнинг номлари илова қилинган ҳолда белгиланган намунадаги рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани беради ёки сабабларини кўрсатган ҳолда рўйхатдан ўтказишни рад этади.

Якка тартибдаги тадбиркор ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги учун ариза берилган санада қонун хужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорда рўйхатдан ўтказиш йиғими ундирилади. Ушбу маблағлардан рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан мустақил фойдаланилади ва ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш бўйича харажатларни қоплашнинг манбаи ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси гувоҳномасининг асл нусхаси йўқотилганда йўқотганлик тўғрисидаги ариза асосида якка тартибдаги тадбиркорга дубликат берилади.

Ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси гувоҳномасининг амал қилиш муддати – бир йил. Мазкур муддат тамом бўлгандан кейин Ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси гувоҳномаси ҳақиқий ҳисобланмайди.

## **2.2 Якка тартибдаги тадбиркорларни божхона органларида рўйхатдан ўтказиш тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси давлат бошқаруви органи ҳисобланади<sup>56</sup>.

Давлат божхона хизмати органлари фаолиятининг хуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонуни<sup>57</sup> билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (бундан буён матнда ЎзР ДБК), ДБҚнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, божхона комплекслари ва божхона постлари божхона органлариdir. ДБҚ ўз ваколатлари доирасида ягона бож сиёсати ўтказилишини, божхона ишлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини, ДБҚ органлари тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлайди.

<sup>56</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сонли «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони.

<sup>57</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда.

Якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир ой давомида божхона органларида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтиш учун яшаш жойи бўйича давлат божхона хизматининг худудий органларига қуидаги хужжатларни тақдим этади:

◀ доимий яшаш жойи манзили кўрсатилган ҳолда божхона органларида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза;

◀ тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

◀ ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчисининг гувоҳномаси нусхаси (Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан берилади);

◀ тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорнинг рўйхатдан ўтиш (рухсат берувчи) тартиб-қоидаларидан ўтиши карточкаси (17-илова).

Божхона органи икки кундан ортиқ бўлмаган муддатда (хужжатлар берилган кун бу ҳисобга кирмайди) тартиб раками ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг худудий бошқармалари масъул шахслари имзоси қўйилган тартиб раками ва рўйхатдан ўтказиш санаси кўрсатилган якка тартибдаги тадбиркорнинг рўйхатдан ўтиш (рухсат берувчи) тартиб-қоидалари карточкасининг божхона белгилари қўйиш учун маҳсус ажратилган жойга рўйхатдан ўтказиш штампини босади.

### **3-§. Якка тартибдаги тадбиркорларга банк ҳисоб ракамини очиш ва операциялар ўтказиш**

Банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатлар шартномалар асосида амалга оширилади. Мижозлар томонидан ҳисобвараклар очиш учун банкка хужжатлар тақдим қилинган кундан сўнг, банклар икки иш куни мобайнида уларга ҳисобвараклар очишлари шарт.

Банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатлар шартномалар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобвараклари тўғрисидаги Йўриқнома<sup>58</sup> (рўйхат раками 1948, 2009

<sup>58</sup> Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2009 й., 18-сон, 229-модда.

йил 27 апрель)га мувофиқ, банк ҳисобвараги – банк ҳисобвараги шартномасини тузиш орқали банк мижоз (ҳисобварақ эгаси) ҳисобварағига келиб тушган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, мижознинг ҳисобварағидаги тегишли маблағларни ўтказиш ва бериш ҳамда ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш тўғрисидаги топшириқларни бажариш вазифасини ўз зиммасига олиши натижасида банк ва мижоз ўртасида вужудга келадиган муносабатларни амалга ошириш возитасидир.

Мижозлар банкларда қуийдаги турдаги банк ҳисобваракларини очишлари мумкин:

**а) талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари** – мижозларнинг биринчи талаби биланоқ бериладиган ёки ундағи ўтказиб бериладиган маблағларнинг ҳисоби юритиладиган ҳисобварақ;

**б) жамғарма депозит ҳисобварақлари** – мижозларнинг даврий бадаллари асосида шаклланиб, муайян мақсадни амалга ошириш учун жамғариладиган ва шу мақсад учун йўналтирилайдиган ёхуд шартнома бекор қилиниши натижасида қайтариладиган маблағлар ҳисоби юритиладиган ҳисобварақ;

**в) муддатли депозит ҳисобварақлари** – шартномада қатъий келишилган муддатга қўйилган мижозларнинг маблағлари ҳисоби юритиладиган ҳисобварақ;

**г) ссуда ҳисобварақлари** – белгиланган тартибда мижозларга берилган кредитларнинг ҳисоби юритиладиган ҳисобварақ;

**д) бошқа депозит ҳисобварақлари.**

Хўжалик юритувчи субъектнинг давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг биринчи марта миллий валютада очган талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи унинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъект асосий ҳисобварағини очгандан кейин миллий ва чет эл валютасида очадиган барча талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари унинг иккиласми ҳисобварақлари ҳисобланади.

Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш юридик шахснинг асосий ҳисобварағидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Юридик ва жисмоний шахслар ўзларига ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатиш учун банкларни мустақил равишда танлайдилар ҳамда бир ёки бир неча банкларда миллий ва чет эл валютасидаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари, шунингдек, жамғарма, муддатли, ссуда ва бошқа депозит ҳисобварақларини очиш ҳукуқига эгалар.

Юридик шахслар ўз асосий ҳисобварагини очгандан кейин улар ҳисобга қўйилган давлат солиқ хизмати органини хабардор қилган ҳолда бошқа банкларда миллий ва чет эл валютасидаги иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобваракларини очиш хукуқига эгадирлар.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлган резидент юридик шахслар, якка тартиbdаги тадбиркорлар ҳамда дехқон хўжаликлари томонидан миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобвараклари очиш учун банкка қуидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

а) ҳисобварак очиш тўғрисида ариза;

б) тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни хориждан олиб келувчи якка тартиbdаги тадбиркорлар томонидан – яшаш жойи бўйича давлат солиқ хизмати органи томонидан берилган Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи якка тартиbdаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

в) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

г) имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган ҳамда нотариал тасдиқланган икки дона варақча.

д) тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлган резидент юридик шахслар томонидан – таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси, устав) ҳамда уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

е) мижоз номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат). Шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг асли кўрсатилгандан сўнг, банк томонидан ундан нусха олинади.

Мижозлар томонидан ҳисобвараклар очиш учун банкка ҳужжатлар тақдим қилинган кундан сўнг, банклар икки иш куни мобайнида уларга ҳисобвараклар очишлари шарт. Банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобвараклари тўғрисидаги Йўриқнома (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель)да кўзда тутилган ҳужжатлардан бошқа қўшимчча ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги ПҚ-1112-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-

куватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>59</sup>ги қарорига асосан тадбиркорлик субъектлари томонидан банкларда ҳисоб рақамларини очиш учун энг кам иш ҳақининг 0,5 баробари миқдорида, қишлоқ жойларда эса – энг кам иш ҳақининг 0,1 баробари миқдорида ундирилади.

Банк ҳисоб рақами очилгандан кейин тижорат банкининг бўлими томонидан рўйхатдан ўтиш (рухсат берувчи) тартиб-коидаларидан ўтиш карточкасига тегишли белги қўйилади.

Якка тартибдаги тадбиркор ҳар куни импорт килинган товар сотилишидан олинадиган тушумни хўжалик юритувчи субъектларнинг пул тушумини инкассация қилиш учун белгиланган тартибда тижорат банкларининг кассасига топширади.

Тижорат банки якка тартибдаги тадбиркор талабига кўра унинг ҳисоб рақамида нақд пул маблағи мавжуд бўлган тақдирда белгиланган тартибда нақд пул маблағлари беради.

Якка тартибдаги тадбиркор хорижий валютани тижорат банкларининг алмаштириш пунктларида сотиб олади. Хорижий валютани олиб чиқиши, хусусан Жисмоний шахслар томонидан нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиши тартиби тўғрисидаги Йўриқнома (рўйхат рақами 716, 1999 йил 7 май)га мувофиқ амалга оширилади<sup>60</sup>.

#### **4-§. Чакана савдо қилиш хуқуқи учун рухсатнома**

«Юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар чакана савдо билан факат турғун чакана савдо шохобчаси жойлашган жойдаги туман (шахар) ҳокимликларидан чакана савдони амалга ошириш хуқуқига рухсат гувоҳномаси олган тақдирда шуғулланишлари мумкин. Савдо фаолиятини рухсат гувоҳномасисиз ёхуд унинг амал қилиши тўхтатиб турилган ёки у олиб қўйилган даврда амалга ошириш фаолиятни лицензиясиз амалга ошириш ҳисобланади ва бунинг учун қонун хужжатларига мувофиқ жавобгарлик чоралари қўлланади»<sup>61</sup>.

<sup>59</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2009 й., 21-сон, 249-модда.

<sup>60</sup> Норматив хужжатлар бюллетени , 1999 й., 7-сон.

<sup>61</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сонли қарори билан тасдиқланган Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисидги Низомнинг 22 ва 45 бандларига қаранг.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сонли «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига<sup>62</sup> мувофиқ юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар чакана савдо билан фақат турғун чакана савдо шохобчasi жойлашган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимликларидан чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқига 18-иловага мувофиқ шакл бўйича рухсат гувоҳномаси олган тақдирда шуғулланишлари мумкин. Юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш ва улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш тартиби мазкур қарор билан тасдиқланган Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом билан тартибга солинади.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг ўзи томонидан импорт қилинган товарларни сотища рухсат берувчи гувоҳнома фақат рўйхатдан ўтказиш жойи бўйича давлат солиқ инспекцияси томонидан берилган импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картаси мавжуд бўлганда ҳақиқийдир.

Улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорларнинг даромадларини ва товар операцияларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги Низом<sup>63</sup> (рўйхат рақами 1197, 2002 йил 8 январь)га мувофиқ даромадларини ва товар операцияларини ҳисобга олишга мажбурдирлар.

Якка тартибдаги тадбиркор, унга берилган чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсатномада кўрсатилган савдо жойи ўзгарган тақдирда, бу ҳақда тегишли давлат солиқ инспекциясига ёзма равища хабар бериши шарт.

Рухсат гувоҳномасининг амал қилиши бир ҳафта мобайнида сотиш бўйича айланмалар мавжуд бўлмаганда ёки нақд пул тушуми инкассацияси қоидалари бузилган тақдирда, рухсатномани берган туман (шаҳар) ҳокимлигининг мурожаати бўйича суд тартибida ўн иш кунидан ортиқ бўлган муддатга, ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга эса – ҳокимликнинг қарори бўйича

<sup>62</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2002 й., 22-сон, 179-модда.

<sup>63</sup> Ўзбекистон Республикаси вазирлклари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий хужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 1-2-сон.

тўхтатиб турилади. Давлат солик хизмати органининг хизмат кўрсатувчи банкнинг ахборотига асосланган тақдимномаси судга мурожаат қилиш ёки ҳокимлик томонидан тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилиниши учун асос ҳисобланади

Якка тартибдаги тадбиркор товар учун республика ташқарисига чиқсан тақдирда, у чет элда бўлган даврда рухсат берувчи гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилишига йўл қўймаслик мақсадида якка тартибдаги тадбиркор тегишли давлат солик инспекциясини ёзма равиша хабардор қилиши зарур.

Савдо фаолиятини рухсат гувоҳномасисиз ёхуд унинг амал қилиши тўхтатиб турилган ёки у олиб қўйилган даврда амалга ошириш фаолиятни лицензиясиз амалга ошириш ҳисобланади ва бунинг учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чорали-ри қўлланади<sup>64</sup>.

Буюм бозорларида чакана савдони амалга ошираётган ва юри-дик шахс бўлмасдан якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат солик инспекциясида давлат рўйхатидан ўтмаган, тадбиркорлик фаолияти учун товарлар олиб келаётган якка тартибдаги тадбиркор сотадиган жойларда импорт товарлар мавжуд бўлиши қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чоралари қўлланилган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказилмаган фаолият сифатида қаралади<sup>65</sup>.

<sup>64</sup> Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 165-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 190-моддасида фаолият билан лицензиясиз шуғулланганлик учун жавобгарлик белгиланган.

<sup>65</sup> Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 176-моддасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ХОКИМЛИГИ**

Бланканинг серияси ва тартиб рақами

**Чакана савдони амалга ошириш ҳуқуки учун  
РУХСАТ ГУВОҲНОМАСИ**

200 \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ №

Сурат ўрни

\_\_\_\_\_ га берилди.

(якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

Почта манзили \_\_\_\_\_

Паспорт серия \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_  
томонидан берилган

Солиқ тўловчи идентификация рақами \_\_\_\_\_  
жойлашган

(чакана савдо турғун савдо шохобчаси орқали амалга оширилганда тўлдирилади)

турғун савдо шохобчаси орқали

200 \_\_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » гача

Қўйидаги \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ товар гурухлари билан  
чакана савдони амалга ошириш ҳуқуки берилди.

Назорат-касса машинаси \_\_\_\_\_  
давлат солиқ инспекциясида \_\_\_\_\_ тартиб рақами билан  
рўйхатдан ўтказилган.

М. Ў

имзо

(Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сонли қарори билан тасдиқланган Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиши ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисидги Низомнинг З ИЛОВА сига қаранг)

## **5-§. Импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картаси**

*Импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картаси экспорт-импорт операцияларини амалга ошириши ҳуқуқини берадиган рухсатнома ҳисобланади. Якка тартибдаги тадбиркорнинг ўзи томонидан импорт қилинган товарларни сотишда рухсат берувчи гувоҳнома фақат импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картаси мавжуд бўлганда ҳақиқийдир<sup>66</sup>.*

19-иловага мувофиқ шакл бўйича импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картаси якка тартибдаги тадбиркор томонидан тақдим этилган ва расмийлаштирилган рўйхатдан ўтиш (рухсат берувчи) тартиб-қоидаларидан ўтиш карточкиси асосида давлат солиқ инспекцияси томонидан уч кун мобайнида берилади.

Импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картаси экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган рухсатнома ҳисобланади.

Импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картаси нинг фото нусхаси якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат солиқ инспекциясидаги хужжатлар йиғма жилдида сақланади.

Импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картаси якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома билан бир хил серия ва тартиб рақамига эга бўлади.

Импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картаси давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб бир йил мобайнида, бироқ Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан берилган ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчисининг гувоҳномаси амал қилиш муддатидан ортиқ бўлмаган муддатда амал қиласи.

---

<sup>66</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сонли қарори билан тасдиқланган Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга кўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 31 бандига қаранг

Таъкидлаш лозимки. якка тартибдаги тадбиркорнинг ўзи томонидан импорт қилинган товарларни сотишда рухсат берувчи гувоҳнома фақат импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картаси мавжуд бўлганда ҳақиқийдир.

19-илова

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Импорт  
операциялари субъектининг  
ҲИСОБГА ОЛИШ КАРТАСИ\***

№ \_\_\_\_\_ «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_ й.

(Якка тартибдаги тадбиркорнинг Ф.И.О.)

Солиқ тўловчининг инентификация рақами \_\_\_\_\_

**Фаолият тури:** чакана савдо қилиш ҳуқуқи билан экспорт-импорт операциялари

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига 200\_\_ йил \_\_\_\_\_ да -сон билан ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида 200\_\_ йил \_\_\_\_\_ да -сон билан ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган

3. \_\_\_\_\_ бўлимида \_\_\_\_\_ -сон  
(тижорат банки номи)

**Хисоб рақами очилган** \_\_\_\_\_ **Код** \_\_\_\_\_

4. \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ билан чакана  
(savdo қилинадиган жой) (товарлар тури)

савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома \_\_\_\_\_  
туман (шаҳар) хокимлиги томонидан берилган

200\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_

Хисоб картасининг амал қилиш муддати якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 1 йил

\_\_\_\_\_ туманининг  
ДСИ бошлиғи \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

\* Импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картаси Якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномасиз фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилмайди.

(Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 5-ИЛОВА сига қаранг.)

## **II бўлим. ШИКОЯТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

### **1 - б о б . УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

Фуқаро ўз хуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан шикоят билан бевосита судга ёки тобелик тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга мурожаат қилиш хуқуқига эга<sup>67</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг<sup>68</sup> 44-моддасига кўра ҳар бир шахсга ўз хуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш хуқуқи кафолатланади.

Бундан ташқари, Фуқаролик кодексига<sup>69</sup> мувофиқ, фуқаролик хуқуқлари процессуал қонунлар ёки шартномада белгилаб қўйилганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, суд, хўжалик суди ёки ҳакамлик суди томонидан ҳимоя қилинади.

Қонунда назарда тутилган ҳоллардагина фуқаролик хуқуқлари маъмурий тартибда ҳимоя қилинади. Шунингдек, «Фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида<sup>70</sup> фуқаро ўз хуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан шикоят билан бевосита судга ёки тобелик тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга мурожаат қилиш хуқуқига эгалиги назарда тутилган.

Ҳар бир фуқаро ҳамда ташкилот ўзининг хуқуқ ва у билан боғлиқ бўлган қонун билан қўриқланадиган турли хил манфаатларининг Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳимоя

<sup>67</sup> «Фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4 моддасига қаранг.

<sup>68</sup> «Фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4 моддасига қаранг.

<sup>69</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова.

<sup>70</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1994 й., 1-сон, 5-модда.

қилиниши ҳуқуқига эга. Ишлар беғараз судьялар томонидан ўз ваколатлари доирасида ва тезкор кўриб чиқилади.

Амалдаги қонунчилик ривожланишининг тенденцияларидан бири – бу суд фаолиятининг, шу жумладан мансабдор шахслар, давлат хизматчилари, давлат органлари қарорлари ва харакатларининг қонунийлиги устидан суд назоратининг кенгайиши ҳисобланади. Муаммонинг бу тарзда ҳал қилиниши тасодиф эмас ва суд тартибида шикоят қилишнинг маъмурий тартибида шикоят қилишдан яққол устун жиҳатларини намоён этади. Суд ҳар қандай тор доирадаги идоравий манфаатлардан ҳоли, у мустақил ва фақат қонунга бўйсунади.

Суд фаолияти суд мажлисларида ўтади, уни ўтказиш тартиби қонун билан аниқ тартибга солинган, бу эса суд муҳокамасининг ошкора ўтишини, манфаатдор шахслар ва бошқаларнинг шахсан иштирок этишини таъминлайди. Суд иш юритувининг асосини ташкил этувчи функционал ва ташкилий демократик принциплар ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш ва қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқариш учун янада қулай шарт-шароитлар яратади. Суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи инсонинг асосий ажралмас ҳуқуқ ва эркинликларига киради.

Юридик шахслар ёки юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ўртасида вужудга келадиган низоларни кўриб чиқадиган хўжалик судларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир<sup>71</sup>. Хўжалик суди иқтисодиёт соҳасида вужудга келадиган, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни<sup>72</sup>, Хўжалик процессуал кодекси<sup>73</sup> (ХПК) ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан ўзининг ваколатига киритилган низолар ҳамда бошқа ишларни ҳал қилиш йўли билан одил судловни амалга оширади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ХПКнинг 24-моддасига асосан хўжалик суди хусусан, давлат рўйхатига олишни рад этганлик ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатига олишдан бош тортганлик устидан берилган шикоятларни ҳам кўриб чиқади.

Фуқаролик кодекси ҳуқуқларнинг маъмурий тартибида ҳимоя қилиш имкониятини назарда тутади. Фуқаролик ҳуқуқларини маъмурий тартибида ҳимоя қилиш юқори турувчи орган ёки

<sup>71</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова.

<sup>72</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 183-модда.

<sup>73</sup> Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 23-моддаси.

бошқа маҳсус ваколатли давлат органига мурожаат этиш йўли билан амалга оширилади<sup>74</sup>. Масалан, рўйхатдан ўтказишни амалга оширишда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан норози бўлган ариза берувчи (тадбиркорлик субъекти) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат этиши мумкин. Бунда маъмурий тартибда қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин, суднинг қарори узил-кесил ҳисобланади.

## **2-б о б . РЎЙХАТДАН ЎТКАЗУВЧИ ОРГАННИНГ ҚАРОРЛАРИ ВА ҲАРАКАТЛАРИ УСТИДАН ЮҶОРИ ТУРУВЧИ ОРГАН, ШУНИНГДЕК БОШҚА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИГА ШИКОЯТ ҚИЛИШ**

Фуқароларнинг мурожаатлари ариза, таклиф ёки шикоят кўринишида бўлиши мумкин. Шикоят фуқароларнинг бузилган хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаатидир. Юҷори турувчи органларга шикоят қилиш бошқа давлат органларига мурожаат қилиш имкониятини истисно этмайди.

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш имконияти билан бирга, субъект юҷори турувчи орган ёки бошқа давлат органларига мурожаат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш хукуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт. Конституция фуқароларнинг давлат органлари билан ўзаро фаол алоқада бўлиш хукуқларини тасдиқлайди.

Демократия шароитида мурожаат қилиш хукуки фуқароларнинг ўз хукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда катта имкониятлар яратиб беради.

Ваколатли органларга мурожаат қилиш хукуқини амалга оши-

---

<sup>74</sup> Ўзбекистон Республикаси олий Мажлисининг ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 10-модда.

риш тартиб-қоидаларини аниқлаштириш, фуқароларнинг мурожаатлари соҳасида тарафларнинг ўзаро ҳаракатлари ва муносабатларини тартибга солиш мақсадида 2002 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида» ги (янги таҳрирда) Қонуни<sup>75</sup> қабул қилинди. Дастлабки қонун 1994 йилда қабул қилинган эди.

Фуқароларнинг мурожаатлари ариза, таклиф ёки шикоят кўринишида бўлиши мумкин.

Ариза фуқароларнинг ўз ҳуқуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган мурожаатидир.

Таклиф фуқароларнинг давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларини ўз ичига олган мурожаатидир.

Шикоят фуқароларнинг бузилган ҳуқуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаатидир.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқукларини ҳимоя қилишда ҳамда рўйхатдан ўтказувчи орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги алоҳида ўрин эгаллайди. Адлия вазирлиги қўйидаги функцияларни амалга оширади<sup>76</sup>:

- янгидан ташкил этилаётган ва фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини тартибга солиш ҳамда уларни кўллаб-кувватлаш бўйича барча қонун ҳужжатларига ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий риоя қилиниши устидан назоратни таъминлаш;

- тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бузилган ҳуқукларини тиклаш бўйича чоралар кўриш;

- давлат тузилмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига ноконуний ҳолатларини тегишли маълумотлар базасини шакллантирган ҳолда аниқлаш, ўрганиш ва мониторингни амалга ошириш;

<sup>75</sup> Ўзбекистон Республикаси олий Мажлисининг ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 234-модда.

<sup>76</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низом.

- тадбиркорлик субъектларининг, шу жумладан хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг уларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатлари бўйича мурожаатларини кўриб чиқади, кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида уларни хабардор қилиш;
- адлия органлари ва муассасалари ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари устидан фуқароларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш, ушбу масалалар бўйича шикоятлар ҳар томонлама холисона кўриб чиқилишини таъминлаш.

Шунингдек, барча вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, хукуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар томонидан тадбиркорлар, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар хукуқларига риоя этиш бўйича қонун ҳужжатлари оғишмай бажарилишини текшириш хукуқига эга. Кўрсатиб ўтилган органлар ва ташкилотлар раҳбарларига белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган аниқланган қонун ҳужжатлари бузишларини, қонун бузилишининг сабаблари ва бунга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида ҳамда тадбиркорлар, шу жумладан хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бузилган хукуқларини тиклаш бўйича чоралар кўриш тўғрисида тақдимномалар киритиш хукуқига эга.

Шу муносабат билан, ариза берувчи рўйхатдан ўтказувчи орғанинг (Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ва Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари) ҳаракатлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)дан норози бўлса ёки рўйхатга олиш муддатларининг бузилганлиги устидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат қилиши мумкин. Шунингдек, Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияларининг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)дан норози бўлган ариза берувчилар Адлия вазирлигининг тегишли худудий тузилмаларига мурожаат қилишлари мумкин.

Юқори турувчи органларга шикоят қилиш бошқа давлат орғанларига мурожаат қилиш имкониятини истисно этмайди.

Бундан ташқари, ариза берувчи газеталар, журналлар, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари таҳририятларига мурожаат қилиши мумкин, чунки фуқароларнинг оммавий ахборот воситаларига йўллаган мурожаатларидан

оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ жамоат фикрини ўрганиш ва акс эттириш учун фойдаланилиши мумкин.

## 1-§. Мурожаатларга қўйиладиган талаблар<sup>77</sup>

Фуқароларнинг мурожаатлари албатта қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши керак. Фуқаро ариза, таклиф ва шикоятни шахсан беришга, шунингдек бу борадаги ваколатни ўз вакилига беришга ёки мурожаатини алоқа воситалари орқали юборишга ҳақли.

Мурожаатларда фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми, юридик шахснинг номи, ташкилий ҳуқуқий шакли ва б.), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар (юридик шахслар учун почта манзили) кўрсатилган ариза, таклиф ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Ёзма мурожаатларда мурожаат этувчининг имзоси бўлиши лозим. Мурожаатга шахсий имзо қўйиш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаатлар уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳам ёзиб қўйилади.

Фуқароларнинг мурожаатлари албатта қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши керак, мурожаатларда фуқаронинг фамилияси, (исми, отасининг исми, юридик шахснинг номи, ташкилий ҳуқуқий шакли ва б.), фуқаронинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар (юридик шахслар учун почта манзили) кўрсатилмаган ёки у ҳақда сохта маълумотлар кўрсатилган, шунингдек имзо қўйилмаган ёзма мурожаатлар кўриб чиқлmasлиги бундан мустасно.

Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирадиган давлат органига бевосита ёки бўйсунув тартибида юкори турувчи органга берилади.

Таъкидлаш лозимки, фуқаро ариза, таклиф ва шикоятни шахсан беришга, шунингдек бу борадаги ваколатни ўз вакилига беришга ёки мурожаатини алоқа воситалари орқали юборишга ҳақли.

Ариза, таклиф ва шикоятга улар юзасидан илгари қабул

<sup>77</sup> «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофик.

қилинган, фуқародаги мавжуд қарорлар (ёки уларнинг нусхалири), шунингдек ариза, таклиф ва шикоятни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа хужжатлар илова қилиниши мумкин.

Бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ариза ёки шикоят фуқарога унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфатларини бузувчи ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёки қарорлар қабул қилинганлиги маълум бўлиб қолган пайтдан эътиборан узоги билан бир йил ичидан берилиши мумкин.

Фуқароларнинг давлат органига келиб тушган мурожаатлари ана шу органнинг ўзи ёки зиммасига мурожаатларни кўриб чиқиш вазифаси юклатилган мансабдор шахс томонидан кўриб чиқиласди.

Фуқароларнинг мурожаатлари, агар улар кўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига юборилган бўлса, узоги билан **беш кунлик** муддат ичидан тегишли органларга жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога хабар қилинади. Мурожаатларни кўриб чиқиши учун бошқа давлат органларига асоссиз равишда бериш ёки қарори ёхуд ҳаракати устидан шикоят қилинаётган давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ўзига жўнатиш ман этилади. Агар фуқароларнинг мурожаатларида уларни тегишли органларга жўнатиш учун зарур маълумотлар бўлмаса, бу мурожаатлар худди шу муддат мобайнида асослантирилган тушунтириш билан фуқаронинг ўзига қайтарилади.

Фуқароларнинг мурожаатларини ҳар тарафлама муфассал ва холисона кўриб чиқиш учун қўшимча ахборотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлса, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органининг мансабдор шахси қўшимча ахборот тўплаши мумкин.

Агар ариза, таклиф ёки шикоятда баён қилинган масалалар ҳал этилаётганда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текшириш зарурати юзага келса, бу иш қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## 2-§. Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари

Ариза ёки шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичидан, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқиласди.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Рес-

публикасининг Қонунига мувофиқ фуқароларнинг таклифлари тушган қундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичидаги кўриб чиқилади, кўшимишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно ва бу ҳақда таклиф киритган шахсга ўн кунлик муддат ичидаги маълум қилинади.

Ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиши, кўшимишни материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати тегишли давлат органи раҳбарини томонидан истисно тариқасида узоги билан бир ойга узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади.

### **3-§. Тадбиркорлик фаолияти субъектининг мурожаатини кўриб чиқкан давлат органининг мажбуриятлари**

Фуқаронинг мурожаатини кўриб чиқкан давлат органи унга мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ва қабул қилинган карорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабар қилиши шарт.

Ариза ёки шикоят юзасидан қарор қабул қилган давлат органининг мансабдор шахси, агар фуқаро қарорга рози бўлмаса, унга қабул қилинган қарор устидан шикоят бериш тартибини тушунтириши шарт.

Фуқаронинг мурожаатини кўриб чиқкан давлат органи, унинг мансабдор шахси мурожаатни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарор ижросини назорат қилиши, агар фуқарога унинг ҳукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши натижасида зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда заарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилишга доир чора-тадбирлар кўриши ҳам шарт.

### **4-§. Тадбиркорлик фаолияти субъектининг мурожаатини кўриб чиқиш бўйича кўриладиган чоралар**

Давлат органлари фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишида қонунга хилоф ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) дархол олдини олишга доир чора-тадбирлар кўришлари, фуқароларнинг ҳукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келаётган сабаблар ва шароитлар-

ни аниқлашлари, мурожаат қилғанликлари муносабати билан фуқаролар таъқиб қилинишининг белгиланган тартибда олдини олишлари шарт.

### **3-боб. РЎЙХАТДАН ЎТКАЗУВЧИ ОРГАННИНГ ҚАРОРЛАРИ ВА ҲАРАКАТЛАРИ УСТИДАН СУДГА ШИКОЯТ ҚИЛИШ**

Ҳар бир фуқаро давлат органларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (карорлари) билан ўз хуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб хисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш хуқуқига эга.

Таъкидлаб ўтамизки, ЎзР ФКнинг 10-моддасига асосан фуқаролик хуқуқлари процессуал қонунлар ёки шартномада белгилаб қўйилганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, суд, хўжалик суди ёки ҳакамлик суди томонидан ҳимоя қилинади. Мазкур модда қоидалари фуқаролик хуқуқлари процессуал қонунларда белгилаб қўйилганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, суд, хўжалик суди ёки ҳакамлик суди томонидан ҳимоя қилинишини ифодаловчи умумий норма сифатида ўрнатилган.

Бундан ташқари, «Фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги ЎзР Конунига кўра ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамомат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз хуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб хисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш хуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари фаолият кўрсатадилар<sup>78</sup>. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва

<sup>78</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарх 1-ж. (биринчи кисм) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Vektor-Press», 2010. – 768 б.

ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустакил ҳолда иш юритади.

Таъкидлаш лозимки, суд хужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида ижро этилиши шарт. Шу муносабат билан, иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини олган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишларни кўриш хўжалик судига тааллукли эканлигидан келиб чиқиб, шунингдек давлат рўйхатига олишни рад этганлик ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатига олишдан бош тортганлик устидан берилган шикоятлар хўжалик судлари томонидан кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди хўжалик суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий организидир. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш хуқуқига эга.

## **1-§. Аризанинг шакли ва мазмуни**

ЎзР ХПКГа асосан хўжалик суди:

1) манфаатдор шахсларнинг;

2) прокурорнинг;

3) қонун бўйича давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида хўжалик судига мурожаат қилиш хуқуқига эга бўлган ҳолларда давлат органлари ва бошқа органларнинг аризалари бўйича иш қўзғатади.

Даъвогар ва жавобгар хўжалик судлов ишларини юритишида тарафлардир.

Ўзларининг хуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво тақдим этаётган ёки манфаатларини кўзлаб даъво тақдим этилган ташкилотлар ва фуқаролар даъвогардир.

Даъво талаби қаратилган ташкилотлар ва фуқаролар жавобгардир.

Даъво аризаси хўжалик судига ёзма шаклда берилади. У даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Даъво аризасида куйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) ариза берилаётган хўжалик судининг номи;
- 2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, уларнинг почта манзиллари;
- 3) агар даъво баҳоланиши лозим бўлса, даъвонинг баҳоси;
- 4) даъво талабларига асос бўлган ҳолатлар;
- 5) даъво талабларининг асосларини тасдиқловчи далиллар;
- 6) ундириладиган ёки низолашилаётган сумманинг хисобкитоби;

7) даъвогарнинг қонун хужжатларини далил қилиб келтирган талаблари, даъво бир неча жавобгарга нисбатан тақдим этилганда эса – уларнинг ҳар бирiga қўйилган талаблар;

8) низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;

9) илова қилинаётган хужжатлар рўйхати.

Даъво аризасида, агар низони тўғри ҳал қилиш учун зарур бўлса, бошқа маълумотлар ҳам, шунингдек даъвогарда мавжуд илтимосномалар кўрсатилади.

Даъвогар даъво тақдим этганда иштирок этувчи бошқа шахсларга даъво аризасининг ва унга илова қилинган, бу шахсларда бўлмаган хужжатларнинг нусхаларини юбориши шарт.

Даъво аризасига қуидагиларни тасдиқловчи хужжатлар илова қилинади:

- 1) белгиланган тартибда ва микдорда давлат божи тўланганигини;
- 2) даъво аризасининг ва унга илова қилинган хужжатларнинг нусхалари юборилганлигини;
- 3) низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлигини, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;
- 4) даъво талабларига асос бўлган ҳолатларни.

Агар даъво аризаси даъвогарнинг вакили томонидан имзоланган бўлса, унинг даъво тақдим этишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

Даъво аризасини қабул қилиш масаласини судьянинг якка ўзи ҳал қиласи.

Судья ХПКда назарда тутилган талабларга риоя этган холда берилган даъво аризасини хўжалик судининг иш юритишига қабул қилиши шарт.

Судья даъво аризасини қабул қилиш тўғрисида у келиб тушган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай ажрим чиқаради.

Бу ажримнинг мазмуни ишни мажлисда кўришга тайёrlаш тўғрисидаги ажримда баён қилиниши мумкин.

Судья даъво аризасини қабул қилишни қўйидаги ҳолларда рад этади:

1) низо хўжалик судида кўриб чиқишга тегишли бўлмаса;

2) айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан ишни юритишини тугатиш тўғрисида хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки ажрими ёхуд умумий суднинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ҳал қилув қарори ёки ажрими бўлса;

3) хўжалик судининг, умумий суднинг, ҳакамлик судининг иш юритишида айни бир шахслар ўртасида, айни бир предмет тўғрисида ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса;

4) айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан қабул қилинган ҳакамлик судининг қонуний кучга кирган қарори бўлса, хўжалик суди ҳакамлик судининг қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини беришни рад этиб, ишни қарорни қабул қилган ҳакамлик судига янгидан кўриш учун қайтарган, бироқ ишни ўша ҳакамлик судида кўриш имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

Судья даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради. Ажрим ишда иштирок этувчи шахсларга ариза келиб тушган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмасдан юборилади. Даъвогарга юборилаётган ажримга даъво материаллари илова қилинади.

Даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин. Ажрим бекор қилинган тақдирда даъво аризаси хўжалик судига дастлабки мурожаат қилинган кунда берилган деб хисобланади.

Судья даъво аризасини ва унга илова қилинган хужжатларни қўйидаги ҳолларда қайтаради:

1) даъво аризасининг белгиланган шакли ва мазмунига риоя қилинмаган бўлса;

2) даъво аризаси имзоланмаган ёки уни имзолаш хукуқига эга бўлмаган шахс ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзолангандан бўлса;

3) иш мазкур хўжалик суди судловига тегишли бўлмаса;

4) ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга даъво аризасининг

нусхалари юборилганини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаган бўлса;

5) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини ва бошқа суд харажатлари қопланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса, давлат божи тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш мумкинлиги қонунда назарда тутилган ҳолларда бу ҳақда илтимоснома берилмаган ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса;

6) шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда даъвогар жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса;

7) битта даъво аризасида бир ёки бир неча жавобгарга ўзаро боғланмаган бир неча талаб бирлаштирилган бўлса;

8) қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ қарз банк ёхуд бошқа кредит муассасаси орқали олиниши лозим бўлганида жавобгардан қарзни олиш учун банкка ёки бошқа кредит муассасига мурожаат қилинганлиги ҳақида далиллар тақдим этилмаган бўлса;

9) агар даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилгунга қадар уни қайтариб олиш тўғрисида даъвогардан ариза тушган бўлса.

Судья даъво аризасини қайтариш тўғрисида у олинган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмай ажрим чиқаради.

Даъво аризасини қайтариш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин. Ажрим бекор қилинган тақдирда даъво аризаси хўжалик судига дастлабки мурожаат қилинган куни берилган деб ҳисобланади.

Даъво аризасининг қайтарилиши йўл кўйилган хатолар бартараф этилгандан кейин иккинчи марта хўжалик судига умумий тартибда даъво аризаси билан мурожаат этишга тўсқинлик қилмайди.

Ишда иштирок этувчи шахс даъво аризаси юзасидан даъвога қарши эътиrozларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ёзма фикрини ва ишда иштирок этувчи шахсларга ёзма фикрини ҳамда уларда бўлмаган ҳужжатларнинг нусхалари юборилганини тасдиқловчи далилларни иш кўриладиган кунгача етиб боришини таъминлайдиган муддатда хўжалик судига юборишга ҳақли.

Ёзма фикрда қўйидагилар кўрсатилади:

- 1) ёзма фикр юборилаётган хўжалик судининг номи;
- 2) даъвогарнинг номи ва ишнинг тартиб рақами;

3) даъво талаблари рад этилган тақдирда, даъвогарнинг талабларини тўлиқ ёки қисман рад этишнинг қонун хужжатларига асосланган сабаблари, шунингдек эътиrozларни асословчи далиллар;

4) ёзма фикрга илова қилинаётган хужжатлар рўйхати;

5) бошқа маълумотлар, шунингдек жавобгарда мавжуд бўлган илтимосномалар.

Ёзма фикр ишда иштирок этувчи шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган ёзма фикрга унинг ишни юритишга ваколати борлигини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

## **2-§. Судда вакиллик**

Вакиллик – вакилни ваколат берувчи шахс билан боғлайдиган хуқуқий муносабатдир. Вакил бошқа шахс – ваколат берувчининг номидан иш юритади.

Вакиллар ҳам хўжалик суд иш юритувининг иштирокчилари хисобланади. Вакиллик – вакилни ваколат берувчи шахс билан боғлайдиган хуқуқий муносабатдир. Вакил бошқа шахс – ваколат берувчининг номидан иш юритади. Бу эса вакил фақатгина унга берилган хукуқ доирасидагина ҳаракат қилишини англалади.

Ваколатларнинг мавжудлиги вакилликнинг зарурий шартидир.

Хўжалик судида ташкилотларнинг ишларини уларнинг қонун хужжатларида ёки таъсис хужжатларида берилган ваколатлар доирасида иш кўрадиган органлари ҳамда вакиллари олиб боради.

Ташкилотларнинг раҳбарлари, бошқа шахслар таъсис хужжатларига мувофиқ хўжалик судига уларнинг хизмат мавқеларини ёки ваколатини тасдиқловчи хужжатларни тақдим этадилар.

Фуқаролар ўз ишларини хўжалик судида шахсан ўзлари ёки вакиллари орқали юритишлари мумкин. Фуқаронинг ишда шахсан иштирок этиши уни иш бўйича вакилга эга бўлиш хукуқидан маҳрум қилмайди.

Хўжалик судида иш юритиш учун тегишли тарзда расмийлаштирилган ваколатга эга бўлган ҳар қандай фуқаро хўжалик судида вакил бўлиши мумкин.

Вакилнинг ваколатлари қонунга мувофиқ берилган ва расмийлаштирилган ишончномада ифода этилган бўлиши керак.

Фуқаролик кодексига мувофиқ бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар

олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома хисобланади. Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради. Ишончнома оддий ёзма шаклда ёки нотариал шаклда расмийлаштирилади.

Ташкилот номидан берилган ишончномага унинг раҳбари ёки таъсис хужжатларида шундай ваколат берилган бошқа шахс имзо чекади ва бу имзо ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланади. Ишончномани лозим даражада расмийлаштирилган деб хисоблаш учун у имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак. Ишончномада юридик шахснинг муҳри бўлмаслиги унинг ҳакиқий эмас деб то-пилиши учун асос бўлиши мумкин.

Хўжалик судида иш юритиш ваколатлари вакилга уни вакил қилган шахс номидан барча процессуал ҳаракатларни амалга ошириш хукуқини беради, даъво аризасини имзолаш, ишни ҳакамлик судига топшириш, даъво талабларидан қисман ёки бутунлай воз кечиши ва даъвони тан олиш, даъво предметини ёки асосини ўзгартириш, келишув битимиши тузиш, ваколатларни бошқа шахсга топшириш (ишониб топшириш), суд хужжати устидан шикоят қилиш, протест келтириш тўғрисидаги аризани имзолаш, суд хужжатининг мажбурий тартибда ижро этилишини талаб қилиш, ундирилган мол-мулк ёки пулни олиш бундан мустасно. Вакилнинг ушбу моддада кўрсатиб ўтилган ҳаракатларнинг ҳар бирини амалга оширишга бўлган ваколатлари вакил қилаётган шахс берган ишончномада маҳсус назарда тутилган бўлиши керак.

Тўла муомала лаёкатига эга бўлмаган ёхуд васийлик ёки хомийлик белгиланган шахслар хўжалик судида вакил бўла олмайдилар.

Судьялар, терговчилар, прокурорлар хўжалик судида вакил бўла олмайдилар. Кўрсатиб ўтилган шахслар процессда тегишли судлар, прокуратуранинг вакили сифатида ёки қонуний вакил сифатида қатнашаётган бўлсалар, бу қоида тадбиқ этилмайди.

### **3-§. Аризани кўриб чиқиши муддатлари**

Ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб иш бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўрилиши ва ҳал қилув қарори қабул қилиниши керак.

Даъво аризасини қабул қилиш масаласини судьянинг якка ўзи ҳал қиласи.

Судья ХПКда назарда тутилган талабларга риоя этган ҳолда берилган даъво аризасини хўжалик судининг иш юритишига қабул қилиши шарт.

Судья даъво аризасини қабул қилиш тўғрисида у келиб тушган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай ажрим чиқаради. Бу ажримнинг мазмуни ишни мажлисда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажримда баён қилиниши мумкин.

Ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб иш бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўрилиши ва ҳал қилув қарори қабул қилиниши керак.

Алоҳида ҳолларда ишни кўриш муддати хўжалик судининг раиси томонидан бир ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

#### **4-§. Суднинг қарори**

Хўжалик суди низони мазмунан ҳал қилишда ҳал қилув қарори қабул қиласди. Ҳал қилув қарори суд мажлисида раислик қилувчи ёки ишни кўраётган судъялар таркибида бошқа судья томонидан ёзма баён қилиниб, мажлисда иштирок этаётган барча судъялар томонидан имзоланади.

Хўжалик суди низони мазмунан ҳал қилишда ҳал қилув қарори қабул қиласди. Хўжалик судининг ҳал қилув қарори конуний ва асослантирилган бўлиши керак. Хўжалик суди ҳал қилув қарорини мажлисда текширилган далиллар билангина асослайди.

Хўжалик суди ҳал қилув қарорини қабул қилишда:

- 1) далилларга баҳо беради;
- 2) иш учун аҳамиятли қайси ҳолатлар аниқланганлигини ва қайслари аниқланмаганлигини белгилайди;
- 3) ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қайси конун ҳужжатларини ушбу иш бўйича қўллаш мумкин эмаслиги ҳал қиласди;
- 4) ушбу иш бўйича қайси қонун ҳужжатларини қўллаш зарурлигини белгилайди;
- 5) ишда иштирок этувчи шахсларнинг қандай хуқуқ ва мажбуриятлари борлигини аниқлайди;
- 6) даъвони қаноатлантириш лозимлиги ёки лозим эмаслигини ҳал қиласди.

Хўжалик суди маслаҳат вактида далилларни қўшимча равишда текширишни ёки иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлашни давом эттиришни зарур деб топса, ишни кўришни янгидан бошлайди.

Ҳал қилув қарори суд мажлисида раислик қилувчи ёки ишни

кўраётган судьялар таркибидаги бошқа судья томонидан ёзма баён қилиниб, мажлисда иштирок этаётган барча судьялар томонидан имзоланади.

Жавобгар зиммасига мол-мулкни бериш ёки пул суммасини ундириш билан боғлиқ бўлмаган муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклайдиган ҳал қилув қарори қабул қилинганида хўжалик суди унинг хulosса қисмида шу ҳаракатларни ким, қаерда, қачон ёки қайси давр мобайнида бажариши шартлигини кўрсатади.

Зарурат бўлганда хўжалик суди, агар жавобгар ҳал қилув қарорини бажармаса, даъвогар тегишли ҳаракатларни жавобгар хисобидан бажариб, зарур ҳаражатларни ундириб олишга ҳақли эканлигини кўрсатиши мумкин.

Агар ушбу моддада кўрсатилган ҳаракатлар фақат жавобгар томонидан бажарилиши мумкин бўлса, хўжалик суди ҳал қилув қарорида у ижро этилиши лозим бўлган муддатни белгилаб қўяди.

Давлат органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарорининг хulosса қисмида қўйидагилар акс этиши керак:

1) ҳужжатнинг номи, тартиб рақами, чиқарилган санаси, бошқа зарур реквизитлари ва уни чиқарган орган тўғрисидаги маълумотлар;

2) ҳужжатни тўла ёки унинг маълум қисмини ҳақиқий эмас деб топиш ёхуд аризачининг талабини тўла ёки унинг маълум қисмини рад этиш тўғрисидаги кўрсатма.

Давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишни ёки рўйхатдан ўтказишдан бош тортишни ноқонуний деб топиш тўғрисидаги талаб қаноатлантирилганида хўжалик суди ҳал қилув қарорининг хulosса қисмида тегишли давлат органига шундай рўйхатдан ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин иш кўрилган мажлиснинг ўзида раислик қилувчи томонидан эълон қилинади. Алоҳида ҳолларда ўта мураккаб ишлар юзасидан асослантирилган ҳал қилув қарорини тузиш кўпи билан уч кунга кечиктирилиши мумкин, аммо ҳал қилув қарорининг хulosса қисми ишнинг муҳокамаси тугаган мажлиснинг ўзида эълон қилинади. Айни бир вақтда раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслар асослантирилган ҳал қилув қарори билан қачон танишишлари мумкинлигини эълон қиласди.

Ҳал қилув қарорининг эълон қилинган хулоса қисми барча сұдьялар томонидан имзоланиши ва ишга қўшиб қўйилиши лозим.

Мажлисда раислик қилувчи хўжалик судининг ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириб беради.


Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қабул қилингандан кейин бир ойлик муддат ўтгач кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган пайтдан кучга киради.

Апелляция шикояти берилган тақдирда ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаса, апелляция инстанцияси қарор чиқарган пайтдан қонуний кучга киради.

Давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари, шунингдек келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажримлар дарҳол ижро этилади.

**Рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарорлари ва характлари  
устидан судга, юқори турувчи органга, шунингдек бошқа  
давлат органларига шикоят қилиш тартиб-қоидалари**



## **ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МАСАЛАЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ АСОСИЙ НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни

2. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни

3. Ўзбекистон Республикасининг «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонуни

4. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сонли қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги Низом

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сонли қарори билан тасдиқланган Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сонли қарори билан тасдиқланган Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги Низом

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 октябрдаги 214-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом

10. Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низом (рўйхат рақами 2014, 2009 йил 8 октябрь)

11. Кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги Низом (рўйхат рақами 2084, 01.03.2010 й.).

# **II қисм. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ**

## **К И Р И Ш**

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси (кейинги ўринларда ЎзР) Конунининг<sup>79</sup> 13-моддаси

Фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга оширишда риоя этиладиган лицензия талаблари ва шартлари фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомлар билан белгиланиб, улар қўйидаги нормаларни ўз ичига олиши лозим:

лицензиатнинг қонун хужжатларига риоя этиши шартлиги тўғрисидаги;

фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга оширишга даъвогар шахсларга қўйиладиган малака талаблари, жумладан маҳсус билимларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги;

фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга оширишнинг маҳсус шартларига қўйиладиган талаблар, жумладан фойдаланиладиган моддий-техника базаси, асбоб-ускуналар, бошқа техник воситаларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги.

Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомларда лицензиялананаётган фаолият тури хусусида қўшимча лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

Замонавий дунёда, бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлар фаолияти учун етарли шарт-шароитларни яратиш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Аммо, шу билан бирга, хизматлар ва товарларни етарли даражада таъминлаб бериш ва тадбиркорлар хуқуқларини ҳимоя қилиш лозим бўлади.

Таъкидлаш лозимки, лицензияланадиган тадбиркорлик фаолиятининг турлари айнан қонун билан белгиланади, фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тартибини белгилаш эса ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

<sup>79</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 142-модда

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги ЎзР Конунининг 5-моддасига мувофиқ лицензияловчи органларни ва фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тартибини белгилаш ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига киради, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

---

# **I - б ў л и м . ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЮРИТИШНИНГ МУҲИМ ШАРТЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА**

## **1 - б о б . ЛИЦЕНЗИЯ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА**

### **1-§. Лицензиялаш тушунчаси**

**Лицензиялаш – лицензия бериш тўғрисидаги аризани топшириш ва кўриб чиқиш, лицензияни қайта расмийлаштириш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш жараёни билан боғлиқ тадбирлар мажмуаси.**

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 3-моддасига асосан лицензиялаш деганда лицензия бериш тўғрисидаги аризани топшириш ва кўриб чиқиш, лицензияни қайта расмийлаштириш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш жараёни билан боғлиқ тадбирлар мажмуаси тушунилади. Мазкур чора-тадбирлар мобайнида ваколатли давлат органи ва хўжалик юритувчи субъект ўртасида муайян фаолият билан шуғулланиш учун лицензияни олиш, муддатини узайтириш, чақириб олиш бўйича хуқукий муносабатлар вужудга келади. Натижада хўжалик юритувчи субъектда лицензияланадиган фаолиятни олиб бориш хуқуки юзага келади, узайтирилади ҳамда бекор бўлади.

### **2-§. Лицензиялашнинг мақсади ва моҳияти**

**Лицензиялашнинг мақсади фуқароларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда у ёки бу соҳада товарлар ва хизматлар сифатини лозим даражада ушлаб туришни давлат томонидан таъминлашдан иборат.**

Лицензиялашнинг мақсади тадбиркорликнинг алоҳида олинган соҳаларида бизнесни амалга оширишнинг ягона стандартларини тартибга солиш ва ўрнатишдан иборат. Ҳар қандай хизматлар, ишлаб чиқариш ёки савдо фаолиятининг сўнгги истеъмолчиси фуқаролар хисобланади. Ягона стандартлар белгилаш орқали давлат фуқароларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда у ёки бу соҳада товарлар ва хизматлар сифатини лозим даражада

ушлаб туришни таъминлайди. Давлат ўзининг давлат органлари орқали лицензияланадиган фаолият турларининг қонуний тартибга солишни амалга оширади.

### **3-§. Лицензиялаш тўғрисидаги қонунчилик**

**Лицензиялаш соҳасидаги асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ЎзР «Фаолиятнинг айrim турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуни<sup>80</sup> ҳисобланади.**

Ўзбекистон Республикасида лицензиялаш масалалари бўйича улкан қонунчилик базаси яратилган бўлиб, лицензиялар олиш масаласига муайян аниқликлар киритилишини таъминлайди.

ЎзР Конституциясининг 53-моддасида давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуки устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлиигини ва ҳуқукий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлаши назарда тутилган.

Фуқаролик қонунчилигига (ЎзР Фуқаролик кодексининг 41-моддаси (бундан буён матнда ФК)), юридик шахс қонунда (ЎзР Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сонли «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги қарори) рўйхати белгилаб қўйилган айrim фаолият турлари билан фақат маҳсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиши мумкинлиги кўрсатилган. Фуқаролик кодексида лицензиялашни бевосита тартибга солувчи нормалар мавжуд эмас.

Лицензиялашни ҳуқукий тартибга солишнинг асослари ЎзР «Фаолиятнинг айrim турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунида мустаҳкамланган. ЎзР ушбу Қонунининг нормалари истисно тариқасида товарларни (ишларни, хизматларни) экспорт ва импорт қилишни лицензиялашда, интеллектуал мулк обьектларидан фойдаланишда, шунингдек комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси (франшизинг тўғрисидаги шартнома) бўйича юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди. Бундай муносабатлар «Ўзбекистон Республикасида маҳсус товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги Низом (рўйхат раками 422, 08.04.1998 й.), ФКнинг 50-боби (Комплекс тадбиркорлик лицензияси) ҳамда ФКнинг 1036-моддаси билан тартибга солинади.

---

<sup>80</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 142-модда

ЎзР «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунининг мантиқий давоми Ҳукумат қарори – ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги ЎзР Қонунини амалга ошириш чоратадбирлари ҳақида»ги қарори<sup>81</sup> бўлиб, лицензия беришнинг механизмини тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш масалалари, қоида тариқасида, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланадиган тегишли низомлар билан батафсил тартибга солинади.

#### **4-§. Лицензияланадиган фаолият турларини белгилаш**

**Фаолиятнинг лицензияланадиган турлари жумласига амалга оширилиши фуқароларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига, соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган фаолият турлари киради.**

Шундай савол туғилиши мумкин, қандай фаолият лицензияланади, қайсилари эса йўқ. «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги ЎзР Қонунига мувофиқ фаолиятнинг лицензияланадиган турлари жумласига амалга оширилиши фуқароларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига, соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳамда тартибга солиб турилиши лицензиялашдан ташқари усууллар билан амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолият турлари киради.

Шундай қилиб, лицензияланадиган фаолият тури – бу шундай фаолиятки, ягона расмий стандартлар бўлмаган тақдирда фуқароларнинг ахлоқий ва жисмоний соғлиғига, жамият ва давлат хавфсизлигига зарар етказиши билан хавфлидир.

Лицензиялашни амалга оширишда, давлат ваколатли органлар орқали қуйидаги принципларга таянади:

- 1) фуқароларнинг эркинликлари, хукуқлари, қонуний манфаатлари, ахлоқи ва соғлигини ҳимоя қилиш, давлат хавфсизлигини таъминлаш;
- 2) лицензияланадиган фаолият турлари ягона рўйхати ва ЎзР худудида лицензиялашнинг ягона тартибини тасдиқлаш;
- 3) лицензиялашнинг ошкоралиги ва шаффоғлиги;
- 4) лицензиялашни амалга оширишда қонунийликка риоя этиш.

<sup>81</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 142-модда

Шу ўринда ошкоралик ва шаффоффлик принципларига тұхтапшылаш мақсадға мувофиқ.

Ошкоралик муайян хизмат ёки товар түғрисида чекланмаган маълумот олиш учун керак бўлса, лицензияни олишдаги шаффоффлик эса ваколатли органлардан ҳар қандай босқичда хужжатларнинг кўриб чиқилиши ҳақидаги маълумотларни олиш имконини беради.

Таъкидлаш лозимки, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш түғрисида»ги ЎзР Қонунининг 16-моддасида лицензия бериш масаласига оид аризаларни кўриб чикиш муддати энг узоги билан 30 кун деб белгиланган. Бу бир томондан лицензия даъвогари томонидан тақдим этилган хужжатларни синчилаб ўрганиб чиқиш имконини берса, бошқа томондан ушбу жараён чўзилишига йўл қўймайди.

Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашнинг асосий мезонлари сифатида учта асосни келтириш мумкин бўлиб, улар мавжуд бўлганда муайян фаолиятни лицензиялаш лозим бўлади:

1) фаолият уни амалга оширишда иштирок этмаётган шахслар учун хавфли ҳисобланади;

2) фаолият ўзининг таъсирига чекланмаган миқдордаги иштирокчиларни жалб этади;

3) фаолият ўта даромадли ҳисобланади ва катта миқдордаги солиққа тортилади ҳамда шу муносабат билан қўшимча назорат қилинади.

Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати ЎзР Олий Мажлисининг «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати түғрисида»ги қарори билан белгиланган.

## **5-§. Муайян фаолиятни амалга ошириш учун бериладиган лицензиялар**

**Лицензиялашнинг иккита туридан бири фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ҳисобланади.**

Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш билан боғлиқ муносабатлар «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш түғрисида»ги ЎзР Қонуни билан тартибга солинади.

## **6-§. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқини берувчи лицензиялар**

**Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқи учун лицензиялар бериш масалаларини тартибга солиш ЎзР Президентининг ПҚ-649-сонли «Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқи учун лицензиялар бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида амалга оширилади.**

Шунингдек, ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқи учун лицензиялар берилади Бу масала ЎзР Президентининг ПҚ-649-сонли «Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқи учун лицензиялар бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тартибга солинади. Бундан ташқари, ушбу масала бўйича алоҳида соҳаларда соҳавий норматив-хукуқий хужжатлар амал қиласди. Масалан, ғишт ишлаб чиқариш соҳасида ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 27 октябрдаги 284-сонли қарорига<sup>82</sup> билан тасдиқланган Ғишт хом ашёсини геологик жиҳатдан ўрганиш, тажриба-саноат ва саноат асосида кавлаб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқини берадиган лицензиялар беришнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низом амал қиласди.

## **7-§. Лицензияловчи органлар**

**Лицензия тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан берилади.**

ЎзР Вазирлар Маҳкамаси бериладиган лицензиянинг шакли ва турига қараб, лицензияловчи органларни ва фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тартибини белгилайди. Бундай органлар сифатида асосан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари майдонга чиқади. Масалан, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 майдаги 91-сонли қарорига<sup>83</sup> мувофиқ фармацевтика фаолиятини лицензиялаш ЎзР Соглиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

<sup>82</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2009 й., 44-сон, 468-модда.

<sup>83</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2010 й., 18-19-сон, 142-модда.

Бирок, айрим лицензиялар учун қонун лицензиялашнинг бошқача тартибини белгилайди. Мисол учун «ЎзР Марказий банк түғрисида»ги ЎзР Қонунининг 50-моддасига асосан Марказий банк банклар ва кредит уюшмаларини рўйхатга олади, шунингдек банк операцияларини амалга ошириши ҳуқуқини берувчи лицензиялар беради, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, газровхоналар фаолиятини ва қимматли қоғозлар бланкалари ишлаб чиқариши лицензиялайди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, лицензияловчи органларнинг рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш түғрисида»ги ЎзР Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори билан белгиланган (ВМҚ № 236, 2002 йил 28 июнь)<sup>84</sup>.

### **7.1. Ишчи органлар**

**Қонунчиликда белгиланишича, айрим ҳолларда лицензиялар бериш түғрисидаги хужжатларни кўриб чиқиш бўйича эксперт комиссиялари тузилиши мумкин.**

Қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда, лицензиялар бериш түғрисидаги хужжатларни кўриб чиқиш бўйича эксперт комиссиялари тузилиши мумкин. Ўзига юқлатилган функцияларни бажариш учун эксперт комиссиялари ишчи гурӯхлар ташкил этишлари мумкин.

### **7.2. Идоралараро комиссиялар**

**Идоралараро комиссиялар бир неча идоралар ваколатларига кирадиган ёки уларнинг ваколатларига алоқадор бўлган масалаларни кўриб чиқади.**

Айрим ҳолларда муайян турдаги лицензияни бериш учун идоралараро комиссиялар тузилиши мумкин.

### **7.3. Лицензияловчи органларнинг ваколатлари**

**Лицензияловчи органларнинг ваколатлари «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш түғрисида»ги ЎзР Қонунининг 6-моддасида белгиланган.**

Қонунчиликда лицензияловчи органлар ваколатларининг умумий тартиби белгиланган:

---

<sup>84</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2002 й., 11–12-сон, 97-модда

- 1) фаолиятнинг айрим турларини қонун хужжатлариға мувофиқ лицензиялаш;
- 2) қонунда назарда тутилган ҳолларда фаолиятнинг тегишли турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;
- 3) лицензия талаблари ва шартларига лицензиатлар риоя этишини назорат қилиш;
- 4) лицензияларни қайта расмийлаштириш;
- 5) лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш;
- 6) лицензияларнинг амал қилишини тугатиш;
- 7) лицензияларни бекор қилиш;
- 8) лицензиялар реестрини юритиши.

Қонун чиқарувчи эътибор қаратган яна бир муҳим жиҳат бор. Лицензияловчи органлар шу органлар лицензиялайдиган фаолият турлари билан шуғулланаётган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар тузишга ёки улар фаолиятида муассислар (қатнашчилар) сифатида иштирок этишга ҳақли эмас, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **8-§. Лицензиялар реестри**

### **Лицензиялар реестри фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш бўйича маълумотларни хисобга олиш учун керак.**

Лицензиялар реестри – берилган, тўхтатиб турилган, қайта тикланган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган лицензиялар, шунингдек амал қилиши тугатилган лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган лицензияловчи органларнинг маълумотлар базасидир.

Лицензиялар реестрлари лицензияловчи органлар томонидан ўzlари лицензиялашни амалга оширадиган ҳар бир фаолият тури бўйича шакллантирилади ва юритилади. Булар ўз навбатида соҳавий реестрлар деб юритилади.

Реестрларнинг мақсади фаолиятнинг айрим турлари бўйича маълумотларни хисобга олишдан иборат. Реестрларнинг юритилиши лицензиялашнинг шаффофлиги принципи амалга оширилишига хизмат қиласи.

## **2- б о б . ЛИЦЕНЗИЯЛАР**

### **1-§. Лицензия тушунчаси**

**Лицензия – лицензия талаблари ва шартларига сўзсиз риоя этилгани ҳолда фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошириш учун рухсатнома (хукуқ)дир.**

Энди лицензия тушунчасига эътибор қаратамиз. Лицензия – лицензияловчи орган томонидан юридик ёки жисмоний шахсга берилган, лицензия талаблари ва шартларига сўзсиз риоя этилгани ҳолда фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошириш учун рухсатнома (хукуқ)дир.

Қонун чиқарувчи лицензия талаблари ҳакида гапиради. Улар орасида қонун ҳужжатларига мувофиқ умуммажбурий ва маҳсус талаблар ҳамда шартларни ажратиш мумкин. Умуммажбурий лицензия талаблари ва шартларига, мисол тариқасида ЎзР қонунчилигига риоя этилишини кўрсатиш мумкин. Маҳсус талаблар ва шартлар алоҳида низомлар билан белгиланади. Масалан, портловчи ва заҳарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 мартағи 109-сонли қарори<sup>85</sup> билан тасдиқланган Портловчи ва заҳарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги алоҳида Низом билан тартибга солинади. Мазкур Низомда лицензиат томонидан портловчи ва заҳарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига, давлат стандартларига, техника хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига, табиатни муҳофаза қилиш ҳамда санитария норма ва талабларига мажбурий риоя қилиш белгиланган.

---

<sup>85</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 10-сон, 114-модда

## **2-§. Ҳужжатларни тақдим қилиш**

**Ҳужжатларни тақдим этиш тартиби ҳужжатларни тақдим этиш муддатлари, шакли ва рўйхатини белгилаб беради ва ҳужжатлар лицензия даъвогари томонидан тегишли лицензияловчи органга берилади.**

Ҳужжатларни тақдим этишнинг амалдаги соддалаштирилган тартиби ҳужжатларни тақдим этиш муддатлари, шакли ва рўйхатини белгилаб беради ва лицензия даъвогари томонидан тегишли лицензияловчи органга қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1) лицензия бериш тўғрисидаги ариза – унда: юридик шахс учун – юридик шахснинг номи ва ташкилий-хуқуқий шакли, жойлашган ери (пошта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисобвараги рақами; жисмоний шахс учун – фамилияси, исми ва отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг маълумотлари; юридик ёки жисмоний шахс амалга оширишни мўлжаллаган фаолиятнинг лицензияла-наётган тури (унинг бир қисми), шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда фаолиятнинг мазкур тури амалга ошириладиган муддат;

2) юридик шахслар учун – юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси; жисмоний шахслар учун – якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

3) лицензияловчи орган лицензия даъвогарининг аризасини кўриб чиқиши учун лицензия даъвогари йиғим тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

4) фаолиятнинг айрим турига лицензия олиш учун қўйиладиган талаблар ва шартларни лицензия даъвогари бажариши мумкинлигини тасдиқловчи ҳамда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган бошқа ҳужжатлар.

Қонунда белгиланишича, лицензия даъвогаридан «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунда ҳамда фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги ўзга қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Ҳужжатлар лицензия даъвогари томонидан лицензияловчи органга бевосита ёки пошта алоқаси воситалари орқали, улар олингани ҳақидаги тасдиқни олган ҳолда, етказиб берилади. Ли-

цензия олиш учун тегишли лицензияловчи органга юборилган хужжатлар рўйхат бўйича қабул қилиниб, рўйхатнинг нусхаси мазкур орган томонидан хужжатлар қабул қилиб олинган сана кўрсатилган ҳолда аризачига юборилади (топширилади).

Шунингдек, нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тақдим этганлиги учун лицензия даъвогари қонунга мувофиқ жавобгар бўлиши белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, электрон алоқа воситаларидан фойдаланиш ортишининг ижобий тенденциялари кейинчалик хужжатларни электрон кўринишда тақдим этиш имконини бериши мумкин.

### **3-§. Лицензия олишнинг тартиботлари**

**Лицензия олишнинг тартиботлари лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги ишларни кўриш босқичларидан иборат.**

Намунавий (оддий) лицензия бериш ҳақида ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилишнинг энг кам муддатлари фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомларда белгилаб қўйилиши мумкин.

Лицензияловчи орган, зарур ҳолда, ўз маблағлари ҳисобидан тегишли хуносаларни тайёрлаш учун эксперктларни шартнома асосида жалб этишга ҳақли.

Лицензияловчи орган лицензия даъвогарини қабул қилинган қарор тўғрисида мазкур орган тегишли қарорни қабул қилганидан кейин уч кун ичida хабардор қилиши шарт.

Лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилингани ҳақидаги хабарнома лицензия даъвогарига ёзма шаклда банк ҳисобварафи реквизитлари ва давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади).

Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарнома лицензия даъвогарига ёзма шаклда, рад этишнинг сабаблари ва лицензия даъвогари кўрсатилган сабабларни бартараф қилиб, хужжатларни кўриб чиқиш учун такрор тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади).

Лицензия даъвогари лицензия бериш рад этилиши учун асос бўлган сабабларни бартараф этган тақдирда, лицензия даъвогарининг аризасини барча зарур хужжатлар билан бирга олган кундан эътиборан ўн кундан ошмаган муддат ичida лицензияловчи орган хужжатларни қайта кўриб чиқади. Лицензия даъвогарла-

рининг аризаларини қайта кўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди. Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтгач, берилган ариза – янгидан берилган деб хисобланади.

Лицензия даъвогари давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи хужжатни тақдим этган тақдирда ҳамда у лицензия шартномасини имзолаганидан кейин лицензия берилади.

Агар лицензиат унга лицензия бериш тўғрисидаги қарор қабул қилингани ҳақидаги хабарнома юборилган (топширилган) пайтдан эътиборан уч ой ичидаги лицензияловчи органга лицензия берганлик учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи хужжатни тақдим этмаган ёки лицензия шартномасини имзоламаган бўлса, лицензияловчи орган мазкур лицензияни бекор қилишга ҳақли.

#### **4-§. Лицензия шартномаси**

**Лицензия шартномаси лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгиловчи асосий хужжатдир.**

Лицензия шартномаси лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ўзаро ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгиловчи хужжатдир.

Лицензия шартномаси қуйидагиларни ўз ичига олган бўлиши лозим:

1) шартномани имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозими, тарафларнинг реквизитлари;

2) амалга оширилиши учун лицензия бериладиган фаолият турининг номи;

3) лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

4) чекланган амал қилиш муддатига бериладиган лицензиялар учун – лицензиянинг амал қилиш муддати;

5) лицензия шартномасининг талаблари ва шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги;

6) лицензия шартномасининг талаблари ва шартларини лицензиат қандай бажараётганлигининг лицензияловчи орган томонидан назорат қилиниши тартиби;

7) фаолиятнинг айрим турини лицензиялаш тўғрисидаги низомга мувофиқ бошқа маълумот.

Лицензия шартномаси икки нусхада – лицензиат ҳамда лицензияловчи орган биттадан нусхада тузилади.

## **5-§. Лицензия беришни рад этиш**

**Лицензия беришни рад этиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг<sup>86</sup> 17-моддасида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.**

Лицензия беришни рад этиш учун қуидагилар асос бўлади:

- 1) лицензия даъвогарининг хужжатларни лозим тарзда расмийлаштирунганда тақдим этиши;
- 2) лицензия даъвогари тақдим этган хужжатларда нотўғри ёки бузуб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;
- 3) лицензия даъвогарининг лицензия талаблари ва шартларига, шунингдек танлов (тендер) шартларига номувофиқлиги.

Бошқа асосларга кўра, шу жумладан лицензия бериш мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Лицензия даъвогари лицензияловчи органнинг лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан, шунингдек лицензияловчи орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

## **6-§. Шикоят қилиш**

**Ҳар бир лицензия даъвогари лицензияловчи органнинг лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан, шунингдек лицензияловчи орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилишга ҳақли.**

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 17-моддасида лицензия даъвогари лицензияловчи органнинг лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан, шунингдек лицензияловчи орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли эканлиги кўрсатилган. Бу объектив ҳукуқ тадбиркор томонидан танланган фаолиятни эркин амалга ошириш ва у томонидан тегишли талабларга риоя этилишини таъминлашининг кафолати бўлиб хизмат қиласади.

---

<sup>86</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 142-модда

## **7-§. Лицензия турлари**

### **7.1. Намунавий (оддий) лицензия**

**Намунавий (оддий) лицензиялар жумласига чекланмаган доирадаги юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган лицензиялар киради.**

Бу лицензияларнинг энг кенг тарқалган туридир. Намунавий (оддий) лицензиялар жумласига чекланмаган доирадаги юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган лицензиялар киради, агар ушбу шахслар тегишли фаолият турини амалга оширишга нисбатан қўйиладиган ягона шартлар ва талабларга жавоб берсалар. Банк ёки фармацевтика фаолияти учун бериладиган лицензиялар бунга мисол бўла олади.

### **7.2. Якка тартибдаги лицензиялар**

**Лицензиянинг мазкур турининг ўзига хос хусусияти шундаки, якка тартибдаги лицензиялар жумласига юридик ва жисмоний шахсларга алоҳида талаблар ва шартлар асосида бериладиган, лицензиатларга фаолиятнинг мазкур турини амалга оширишда мутлақ хукуқлар берувчи, миқдорий чекланган лицензиялар киради.**

Якка тартибдаги лицензиялар жумласига юридик ва жисмоний шахсларга алоҳида талаблар ва шартлар асосида бериладиган, лицензиатларга фаолиятнинг мазкур турини амалга оширишда мутлақ хукуқлар берувчи, миқдорий чекланган лицензиялар киради. Якка тартибдаги лицензиялар амал қилиш худуди, фаолият обьекти ёки ЎзР Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган бошқа асосларга кўра миқдорий чекланади.

Якка тартибдаги лицензияларни бериш, қоида тариқасида, танлов (тендер) асосида амалга оширилади.

Якка тартибдаги лицензияларни бериш тартиби ва шартлари, шу жумладан танловларни (тендерларни) ўтказиш шартлари ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

## **8-§. Лицензиянинг амал қилиши тўғрисида умумий тушунча**

**Ўзбекистон Республикасида лицензия аниқ фаолият тури учун берилади. Лицензия асосида қўлга киритиладиган муйайян фаолиятни амалга ошириш хукуқи лицензиянинг якка**

**шахсга берилиши хусусиятини ифодалайди, яъни лицензияланадиган фаолият ҳар доим лицензиат томонидан амалга оширилиши лозим.**

ЎзРда лицензия аниқ фаолият тури учун берилади, ва шунинг учун агар юридик ёки жисмоний шахс бу каби кўплаб фаолият турлари билан шуғулланса, улар бу фаолиятнинг ҳар бири учун лицензия олишлари керак.

ЎзР ФКнинг 47-моддасига мувофиқ ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмайди, шунинг учунмустақил лицензия олишга ҳақли эмаслар. Лицензия персонал хусусиятга эга, шунинг учун юридик ва жисмоний шахслар лицензияни бошқа шахсга бериш хукукига эга эмас.

Лицензия асосида қўлга киритиладиган муайян фаолиятни амалга ошириш хукуки лицензиянинг якка шахсга берилиши хусусиятини ифодалайди, яъни лицензияланадиган фаолият ҳар доим лицензиат томонидан амалга оширилиши лозим. Акс холда, аникроғи муайян фаолият турини амалга ошириш хукуки бошқа шахсга бериб юборилганда лицензиялаш ўз аҳамиятини йўқотади.

## **9-§. Лицензиянинг амал қилиш муддати**

**Лицензиянинг амал қилиш муддати, қоида тариқасида 5 йил ёки муддатсиз бўлади.**

Лицензиялаш тўғрисидаги низомларда, қоида тариқасида лицензиянинг муддати аксарият ҳолларда 5 йил этиб белгиланган. Лицензияни муддатсиз бериш мумкинлиги тўғрисида ветеринар, қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюлари тайёрлаш, ломбардлар фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларда кўрсатиб ўтилган. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тартиби лицензиялаш тўғрисидаги низомларнинг ўзида мустаҳкамланган.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия берувчи ваколатли орган томонидан қабул қилинади. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтиришни рад этишга лицензия даъвогари томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўлиқ ёки нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги асос бўлиб ҳисобланади.

Лицензиямал қилиш муддатини узайтириш(ёки лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтиришни рад этиш) ҳақидаги ха-

барнома лицензия даъвогарига ёзма шаклда, тегишли қарор қабул қилингандан сўнг ўн кун ичида лицензия йигими тўлангач факсимил ва телефон алоқаси ёки электрон почта орқали юборилади ёки топширилади.

Лицензия бериш ва лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиққанлик учун ЎзР Солик кодексига асосан давлат божи ундирилади. Лицензия амал қилиш муддатининг тугаши лицензия олган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш хуқуки якунланганлигини билдиради. Бир вақтнинг ўзида юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг лицензиат мақоми ва у билан бирга хуқуқ ва мажбуриятлари ҳам тугайди.

## **10-§. Лицензиянинг амал қилиш худуди**

**Тақдим этилган лицензия асосида юридик ёки жисмоний шахс ЎзРнинг барча худудида лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириши мумкин.**

Ваколатли лицензияловчи орган томонидан берилган лицензиянинг амал қилиши ЎзРнинг барча худудида татбиқ этилади. Бу эса тақдим этилган лицензия асосида юридик ёки жисмоний шахс ЎзРнинг барча худудида лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириши мумкинлигини англатади.

Таъкидлаш жоизки, шу мақсадда ЎзР Давлат статистика қўмитаси томонидан (КТЯДР) – Корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат регистри юритилади.

## **11-§. Лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиққанлик учун йигим**

**Аризани кўриб чиққанлик учун йигим ҳар бир лицензияланадиган фаолият бўйича ЎзР Ҳукумати томонидан белгиланади.**

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги ЎзР Қонуни аризани лицензия даъвогарининг аризасини кўриб чиққанлик учун лицензияловчи орган томонидан йигим ундиришнинг умумий тартибини белгилайди.

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 15-моддасига мувофиқ лицензия даъвогарининг аризасини кўриб чиққанлик учун йигим микдори ҳар бир лицен-

зияланадиган фаолият тури бўйича ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Бунда йигим миқдорининг асоссиз равишда ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида энг юқори чегарачи (максимал миқдор) белгиланган бўлиб, унинг энг кўп миқдори қонун хужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ошиб кетиши мумкин эмас.

Шунингдек, ушбу моддада белгиланишича, лицензия даъвогарларининг аризаларини қўриб чиққанлик учун йигим суммалари лицензияловчи орган ҳисобварагига ўтказилади. Лицензия даъвогари берган аризасидан воз кечган тақдирда тўланган йигим суммаси қайтарилмайди.

Амалиётда лицензиядан келиб чиққан ҳолда йигимлар турли хил миқдорларда ундирилиши кузатилади. Масалан, қонун чиқарувчининг белгилашича, адвокатлик лицензиясини олиш учун ариза берувчи энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридаги йигим тўласа, фармацевтика фаолияти учун лицензия олиш тўғрисидаги аризани қўриб чиққанлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида пул маблағини тўлаши керак бўлади.

## 12-§. Давлат божи ва бошқа ҳаражатлар

**Давлат божи юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан хужжатлар берганлик учун олинадиган мажбурий тўловдир.**

Ўзбекистон Республикасида лицензия бериш билан боғлиқ ҳаражатларни қисман қоплаш мақсадида давлат божи ундириш кўзда тутилган.

ЎзР Солиқ кодексининг 326-моддасига мувофиқ давлат божи юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан хужжатлар берганлик учун олинадиган мажбурий тўловдир. Давлат божининг ставкалари ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади<sup>87</sup>. Хусусан, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли «Давлат божи ставкалари тўғрисида»ги қарори.

<sup>87</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2007 йил, 52-сон(II).

Бундай ҳолатда бож лицензия берганлик ва лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун берилади.

Лицензия берганлик ва лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун давлат божи миқдорлари ва уни тўлаш тартиби ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Фаолиятнинг лицензияланадиган турининг бир қисми учун лицензия берганлик ва лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун давлат божи ставкаларининг камайтирилган миқдорлари белгиланиши мумкин.

### **3-б о б . ЛИЦЕНЗИЯНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ, ТУГАТИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ**

#### **1-§. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш шартлари**

**Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги ЎзР Конунининг 22-моддасида назарда тутилган асосларга кўра йўл қўйилади.**

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш лицензиялашнинг мажбурий бўлмаган, факультатив босқичи бўлиб, лицензия талаблари ва шартларини бузганлиги учун лицензиатнинг фаолиятини тўхтатиб туриш ҳақида қарор чиқарилганда лицензияловчи орган томонидан кўлланилади.

Тадбиркорлик субъектларини хукуқий ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июн даги ПФ-3619-сонли «Тадбиркорлик субъектларини хукуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида<sup>88</sup> белгиланишича, тадбиркорлик фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш лицензиялари (руҳсатномалари)ни ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг комиссиялари ва ЎзР Марказий банки томонидан бериладиган лицензиялар бундан мустасно) факат суд тартибида амалга оширилади.

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги ЎзР Конунининг 22-моддаси лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришнинг аниқ ҳолатларини белгилаб беради.

<sup>88</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 23–24-сон, 167-модда

Юкорида таъкидланганидек, лицензиат лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларини бузганлиги аниқланганда ёки лицензияловчи органнинг аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини лицензиат зиммасига юкловчи қарори лицензиат томонидан бажарилмаганлиги асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш лицензияловчи орган ёки суд томонидан амалга оширилади. Лицензиянинг амал қилиши лицензияловчи орган томонидан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга, суд томонидан эса ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб турилиши мумкин.

Шундай талаб борки, лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори лицензиатга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай етказилади. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги суд қарори лицензиатга ва лицензияловчи органга конун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади.

Шу билан бирга, лицензияловчи орган ёки суд лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этиши учун муддат белгилаши шарт. Бунда лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этиши учун суд қарорида белгиланган муддат олти ойдан кўп бўлиши мумкин эмас.

Лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этган тақдирда, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилган лицензияловчи орган ёки суд кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги тасдиқномани олган кундан эътиборан лицензиянинг амал қилишини тиклаш тўғрисида ўн кун муддат ичida қарор қабул қилиши шарт.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Суд лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришни асоссиз деб топган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида унга етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

Маълумотни ўз вақтида олиш ва ундан фойдаланиш учун лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклаш тўғрисидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

## **2-§. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш шартлари**

**Лицензиат лицензиянинг амал қилишини тугатиш тұғрисида ариза билан мурожаат қилиши ёки лицензия талаблары ва шартларини қўпол равища бузилиши лицензиянинг амал қилишини тугатиш учун асос бўлади.**

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тұғрисида»ги ЎзР Қонунининг 23-моддасида лицензиянинг амал қилишини тугатишнинг аниқ ҳолатлари белгилаб берилган.

Лицензиянинг амал қилиши қўйидаги ҳолларда тугатилади:

1) лицензиат лицензиянинг амал қилишини тугатиш тұғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

2) юридик шахс тугатилганда – тугатилган пайтдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда – қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, унинг ўзгартирилиши бундан мустасно;

3) якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тұғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилганда;

4) якка тартибдаги тадбиркорнинг муомалага лаёқатлилиги белгиланган тартибда чекланганда ёки у муомалага лаёқатсиз деб топилганда. Бу ҳақда Фуқаролик процессуал кодексининг 33 бобида (291–297 моддалари) батафсил берилган(Фуқарони муомала лаёқатини чеклангандигини ва муомалага лаёқатсиз деб топиш);

5) лицензиат лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талабларини ва шартларини мунтазам равища ёки бир маротаба қўпол равища бузганда;

6) лицензиат лицензиянинг амал қилишини тұхтатиб туришига олиб келган ҳолатларни лицензияловчи орган белгилаган муддатда бартараф этмаганда;

7) лицензияловчи органнинг лицензия бериш тұғрисидаги қарорининг қонунга хилофлиги аниқланганда;

8) лицензиянинг амал қилиш муддати тугаганда.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш лицензияловчи орган қарорига биноан амалга оширилади, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш ушбу модданинг биринчи қисми олтинчи-саккизинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда суд тартибда амалга оширилади, қонун хужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тугатиш тұғрисидаги қарори лицензиатга ёзма шаклда, қарор қабул

қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай етказилади. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги суд қарори лицензиатга ва лицензияловчи органга қонун хужжатларида белгиланган муддатларда етказилади. Лицензиат лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан ўн кун ичida лицензия лицензияловчи органга қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

Тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан эътиборан лицензиянинг амал қилиши тугатилади.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин. Суд лицензиянинг амал қилишини тугатишни асоссиз деб топган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида унга етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

### **3-§. Лицензияни бекор қилиш**

**Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги ЎзР Қонуанининг 24-моддасида назарда тутилган асосларга кўра йўл қўйилади.**

Лицензия қўйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

1) агар лицензиат унга лицензия бериш тўғрисидаги қарор қабул қилингани ҳақидаги хабарнома юборилган (топширилган) пайтдан эътиборан уч ой ичida лицензияловчи органга лицензия берганлик учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи хужжатни тақдим этмаган ёки лицензия шартномасини имзоламаган бўлса, лицензияни бекор қилиш лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади;

2) лицензиат лицензияни бекор қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда лицензияни бекор қилиш лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади;

3) лицензия соxта хужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганилиги факти аниқланганда. Бу ҳолатда лицензияни бекор қилиш суднинг қарорига биноан амалга оширилади.

Лицензияловчи органнинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори лицензиатга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай етказилади. Лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги суд қарори лицензиатга ва лицензияловчи органга қонун хужжатларида белгиланган муддатлар-

да етказилади. Лицензиат лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан ўн кун ичидаги лицензия лицензияловчи органга қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак.

Лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги маълумот оммавий ах-борот воситаларида эълон қилиниши керак.

Лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, лицензия у берилган санадан эътиборан бекор қилинган деб хисобланади.

Лицензияловчи органнинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Суд лицензиянинг бекор қилинишини асоссиз деб топган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида унга етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

#### **4-боб . ЛИЦЕНЗИЯ ТАЛАБЛАРИ ВА ШАРТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА ШИКОЯТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

##### **1-§. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қилиш**

**Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат хизматлар ва маҳсулотларни лицензияловчи фуқароларнинг хуқуқларини таъминлашнинг муҳим ажралмас қисмидир.**

Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат амалга оширилаётгандан лицензияловчи органлар ўз ваколатлари доирасида куйидаги хуқуқларга эгадирлар:

1) лицензиатлар лицензия талаблари ва шартларига риоя этаётганлиги устидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда режали текширувлар ўтказиш;

2) лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилганлигидан гувоҳлик берувчи фактлар мавжуд бўлган ҳолларда, лицензиат лицензия талаблари ва шартларига риоя этаётганлиги устидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда режадан ташқари текширувлар ўтказиш;

3) лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан текширувлар ўтказилаётгандан юзага келадиган масалалар бўйича лицензиатдан зарур маълумотларни талаб қилиш ва олиш;

4) текширув натижалари асосида лицензиат йўл қўйган лицензия талаблари ва шартларининг аниқ қоидабузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

5) лицензиат зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай қоидабузарликларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

6) лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш.

Лицензияловчи органлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширишлари мумкин.

Назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилишларига йўл кўйилганлигини аниқлаганлари тақдирда ўз ваколатлари доирасида лицензияни берган лицензияловчи органга аниқланган қоидабузарликлар ҳакида хабар қиласидар («**Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида**»ги ЎзР Қонунининг 21-моддаси).

## **2-§. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш тартиби**

Лицензия даъвогари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензияловчи органнинг лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарори, шунингдек лицензияловчи органнинг мансабдор шахси ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Лицензияловчи органнинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Лицензияловчи органнинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Суд лицензиянинг бекор қилинишини асоссиз деб топган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида унга етказилган заар миқдорида жавобгар бўлади «**Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида**»ги ЎзР Қонунининг 22-моддаси.

**5-б о б . ЛИЦЕНЗИЯ БЕРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ  
ВАЗИРЛИГИ АДВОКАТЛИК ФАОЛИЯТИ УЧУН ЛИЦЕНЗИЯ  
БЕРУВЧИ ОРГАН СИФАТИДА**

**1-§. Адвокатлик фаолияти ва адвокатлик фаолияти  
учун лицензия беришнинг хуқуқий тартибга солиниши  
(«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш  
тўғрисида»ги ЎзР Конуни, 2009 йил 9 мартағи  
60-сонли ВМҚ<sup>89</sup>)**

**Адвокатлик фаолияти хуқуқий жиҳатдан, авваламбор «Адвокатура тўғрисида»ги ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги ЎзР қонунлари билан тартибга солинади. Шу билан бирга ЎзР Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони амал қилмоқда.**

Бугунги кунда адвокатлик фаолияти хуқуқий жиҳатдан, авваламбор «Адвокатура тўғрисида»ги ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги ЎзР қонунлари билан тартибга солинади. Шу билан бирга ЎзР Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони<sup>90</sup> амал қилмоқда.

Лицензия беришни тартибга солиш масалалари ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартағи 60-сонли «Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш ва адвокатлик тузилмаларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низом ҳамда Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш (хисобга олиш) тўғрисидаги низом билан белгиланган.

---

<sup>89</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 10–11-сон, 113-модда.

<sup>90</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2007 йил, 52-сон(II)

## **2-§. Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги ҳамда «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунлари**

**Адвокатнинг мақоми «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги ЎзР Қонуни билан белгиланган.**

«Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонун билан адвокатнинг асосий мақоми белгиланган. Қонунда белгиланишича, адвокатлик фаолияти билан ЎзР фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, шуғулланишга ҳақлидир. Шу билан бирга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда лицензия берилади.

«Адвокатура тўғрисида»ги Қонун адвокат ва адвокатуранинг тушунчаси, адвокатлик фаолиятининг асосий принциплари, унинг функциялари, ваколатлари ва бошқаларни белгилайди.

## **3-§. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартағи 60-сонли «Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш ва адвокатлик тузилмаларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори**

**Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом адвокатлик фаолиятини лицензиялашнинг умумий тартибини белгилайди – лицензия талаблари ва шартларини ўрнатади, унда лицензия олиш учун зарур бўлган хужжатлар рўйхати келтирилган.**

Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 2009 йил 9 мартағи 60-сонли Ҳукумат қарори билан тасдиқланган. Мазкур қарор адвокатлик фаолияти соҳасида ўтказилган ислоҳотлар натижасида Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 мартағи 139-сонли қарори билан тасдиқланган Адвокатлик бюролари ҳайъатлари, фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш хуқуқини берувчи лицензияларни бериш тартиби тўғрисидаги Низомнинг ўрнига ишлаб чиқилган.

Янги низом адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги

низом адвокатлик фаолиятини лицензиялашнинг умумий тартибини белгилайди – лицензия талаблари ва шартларини ўрнатади, унда лицензия олиш учун зарур бўлган хужжатлар рўйхати келтирилган.

#### **4-§. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериши тўғрисида ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

Адвокатлик лицензиясини олиш тартиботи 5 босқичдан иборат бўлиб, кўриб чиқиш учун 30 кунлик умумий муддат билан чегараланганди. Адвокатлик фаолияти учун лицензия олиш тартиботи давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган хужжатларни тайёрлашдан бошланади. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги Низом билан ўрнатилган хужжатлар тақдим этилгандан кейин адлия органлари 30 кунлик муддатда адвокатлик тузилмасини рўйхатга оладилар ва хисобга қўядилар. Таъкидлаш лозими, рўйхатдан ўтказишни хабардор қилишнинг 3 кунлик муддати белгиланганди. Куйида келтирилган схемада ушбу масала тўлиқ ёритилган.

#### **5-§. Шикоят қилиш тартиби**

Даъвогар адлия органининг лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан ЎзР Адлия вазирлигига шикоят бериш хукуқига эга.


Шикоят қилиш тартиби ЎзР Адвокатлар палатаси хузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги Низом (рўйхат рақами 1920, 2009 йил 14 март) билан тартибга солинади.

#### **Фойдаланиладиган норматив-хукуқий хужжатлар рўйхати**

1. ЎзР Фуқаролик кодекси.
2. ЎзР Солиқ кодекси.
3. ЎзР «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни.
4. ЎзР «Фаолиятнинг айrim турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуни.
5. ЎзР «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуни.
6. ЎзР «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонуни.
7. ЎзР Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сонли «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги қарори.

# Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш

## СХЕМАСИ



(ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 марта даги 60-сонли қарори билан тасдиқланган Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низом)

8. ЎзР Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

9. ЎзР Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли «Тадбиркорлик субъектларини хукуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

10. ЎзР Президентининг 2007 йил 7 июндаги ПҚ-649-сонли «Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуки учун лицензиялар бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

11. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли «Давлат божи ставкалари тўғрисида»ги қарори.

12. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 27 октябрдаги 284-сонли «Ғишт хом ашёсини геологик жиҳатдан ўрганиш, тажрибасоноат ва саноат асосида кавлаб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукукини берадиган лицензиялар беришнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги Вактинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

13. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 майдаги 91-сонли «Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 мартағи 139-сонли қарори билан тасдиқланган «Адвокатлик бюролари ҳайъатлари, фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда ЎзР фуқароларига адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш хукукини берувчи лицензияларни бериш тартиби тўғрисида»ги Низом.

15. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги 236-сонли «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги ЎзР Конунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 мартағи 109-сонли қарори билан тасдиқланган «Портловчи ва заҳарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, саклаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»ги Низом.

17. ЎзРда маҳсус товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низом (рўйхат рақами 422, 08.04.1998 й.).

18. ЎзР Адвокатлар палатаси ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги Низом (рўйхат рақами 1920, 2009 йил 14 марта).

# **III қисм. ҲИСОБОТЛАР ВА ЛИЦЕНЗИАТ-ЛАР ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ**

## **К И Р И Ш**

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси (кейинги ўринларда ЎзР) Конунининг 17-моддаси<sup>91</sup>.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳисоб ва ҳисоботни қонун ҳужжатларига мувофиқ юритадилар. Кичик тадбиркорлик субъектлари фақат давлат статистика органлари ҳамда солиқ органларига белгиланган шаклда ҳисобот тақдим этадилар. Давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча ҳисобот турларини белгилаш ман этилади.

Тадбиркорларни ҳимоя қилиш ва улар фаолиятига асоссиз аралашувларга йўл қўймаслик мақсадида ушбу моддада қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча ҳисобот турларини белгилаш ман этилиши кўрсатилган.

Таъкидлаш лозимки, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган статистика ҳисоботини ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш ёхуд назарда тутилган ҳисоботни тақдим этишининг белгиланган муддатларига хилоф равишда талаб қилиб олиш, худди шунингдек унинг мустақиллигини бошқача тарзда чеклаш ёки унинг фаолиятига бошқача тарзда ғайриқонуний аралашиб маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади (ЎзР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241<sup>1</sup>-моддасига қаранг).

Ҳисоботларни қисқартириш соҳаси бўйича ижобий тенденция кузатилмоқда. Хусусан, 2000 йилда 65-сонли «Кичик бизнес корхоналарининг ҳисобот берини қисқартириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди. Унда белгиланишича, кичик корхоналар, микрофирмалар ҳисоботларни фақат жойлардаги давлат статистика органларига ва солиқ органларига улар томонидан белгиланган шакллар бўйича ҳар чоракда тақдим этадилар. Кичик корхона ва микрофирмалардан ойлик ҳисоботларни тақдим қилишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

<sup>91</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2000 й., 5–6-сон, 140-модда

# I бўлим. ҲИСОБОТЛАР

## 1 - б о б . ҲИСОБОТЛАР: ТУРЛАРИ, ТУЗИШ ВА ТАҚДИМ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

### 1-§. Ҳисоботлар шакллари

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг умумий шартларидан бири статистик, молиявий ва солик ҳисоботларини тақдим қилиш ҳисобланади.

Ҳисобот тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилишининг механизмларидан бири ҳисобланади. Статистик, молиявий ва солик ҳисоботларини топшириш тадбиркорлик фаолиятини олиб боришнинг умумий шартларидан саналади. Шунингдек, миллий қонунчилигимизда фаолият турларига қараб ўзига хос ҳисобот шакллари мавжуд. Масалан, ЎзР Молия вазирининг буйруғи билан Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидалар<sup>92</sup> (рўйхат рақами 1945, 2009 йил 20 апрель) тасдиқланган ёки Ҳукуматнинг 2009 йил 8 январдаги 6-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикасида наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муоммалада бўлиши билан боғлиқ фаолият бўйича ҳисоботлар юритиш тартиби тасдиқланган.

#### 1.1. Статистик ҳисоботлар

##### 1.1.1. Давлат статистикаси органлари

Давлат статистика органи ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахри, туманлар ва шаҳарлардаги органлари ваколатли давлат статистикаси органлари ҳисобланади.

Статистика органлари зарур холларда давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик шахслар, давлат муассасалари ва халқаро ташкилотлар учун ахборот ресурс функциясини бажарадилар.

Давлат статистикаси ваколатли органи ҳамда унинг Қора-

<sup>92</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 140-модда

қалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги, туманлар ва шаҳарлардаги органлари давлат статистикаси органлари хисобланади.

«Давлат статистикаси тўғрисида»ги амалдаги ЎзР Қонуни<sup>93</sup> давлат статистикасини ташкил этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади, давлат статистикаси органларининг ваколатларини белгилайди ҳамда ягона статистика ахбороти тизими юритилиши учун норматив асос яратади.

### **1.1.2. Давлат статистикасининг асосий вазифалари**

Давлат статистикасининг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

1) ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ва жараёнлар ҳамда уларнинг натижалари тўғрисидаги статистика маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил этиш ва эълон қилиш;

2) халқаро стандартларга мос келувчи ягона статистика услубиятини таъминлаш;

3) давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик шахслар, давлат муассасалари ва халқаро ташкилотларни, шунингдек жамоатчиликни белгиланган тартибда статистика маълумотлари билан таъминлаш;

4) статистика ишларини ташкил этиш учун зарур бўлган иқтисодий-статистика таснифлагичлар тизимини ҳамда Ягона давлат регистрини юритиш.

Статистика органларидан статистик маълумотларни олиш имконияти давлат органларига, хусусан текширишлар ўтказиша, ёки тадбиркорларга, хусусан, хўжалик фаолиятида зарур маълумотларни олиш имконини беради.

Шунингдек, таъкидлаш лозимки, ЎзР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215<sup>3</sup>-моддасида солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Корхонанинг молиявий аҳволи тўғрисида ҳисбот шаклини илова қиласиз («ЎзР Давлат статистика қўмитасининг «2010 йил учун Давлат статистика ҳисботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори – 9-илова»).

---

<sup>93</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 219-модда

## ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҲИСОБОТИ

Давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмаслиқда ифодаланган давлат статистика ҳисботларини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисбот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисботларни тақдим этиш муддатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Тақдим этадилар	Тақдим этиш муддати		5-Ф шакли
Юридик шахслар, уларнинг алохида бўлинмалари (бюджет ташкилотлари, кичик корхона ва микрофирмалар, дехқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) – ўз жойидаги туман, шаҳар статистика бўлимига	ҳисбот давридан кейинги ойнинг 18 санасидан кечиктирмай		Ойлик
Махфийлик ахборот олувчи томонидан кафолатланади			

Ҳисбот топширувчи субъект номи		хос рақамлар	
			КТУТ
Почта манзили		СТИР	
			МҲОБТ
		ХХТУТ	

КОРХОНАНИНГ МОЛИЯВИЙ АҲВОЛИ ТЎҒРИСИДА  
 20\_\_ йил 1 \_\_\_\_\_ ҳолатига ҲИСОБОТИ

1 бўлим. Молиявий натижалар  
 Устав фонди (капитали) да давлат улуши, % да  
 минг сўм

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври охирига (йил бошидан ортиб борувчи якунда)	
		фойда	зарар
A	B	1	2
Фойда солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар)	020		
Ўтган йилнинг тегишли даврига фойда солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар)	030		

2 бўлим. Дебитор ва кредитор қарзлар минг сўм.

	Сатр коди	Жами	шундай муддати	Республика ташқарисидаги ҳамда корхона фаолиятига алоқадор бўлмаган сабаблар туфайли вужудга келган қарз	
				(1-ус- тундан) жами	(2-устундан) ш.ж. муддати ўтгани
A	B	1	2	3	4
Дебитор қарзлар – жами – (041+042+043+044+045)	040				
ундан: :харидор ва буортмачилар	041				
етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган аванслар	042				
солиқлар ва бюджетга йигимлар бўйича аванс тўловлари	043	x		X	x
шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи	044				

бошқа дебитор қарзлар	045				
040-сатрдан Хукумат қарори бүйича муддати узайтирилган қарз	046	x			x
Кредитор қарзлар – жами (051+052+053+054+055+056+056.1)	050				
ундан: етказиб берувчилар ва пудратчиларга	051				
олинган аванслар	052				
бюджетта тұловлар бүйича қарз	053				
мехнатта ҳақ тұлаш бүйича қарз	054				
давлат мақсадлы фонdlарига тұловлар бүйича қарз	055				
шұйба ва қарам хұжалик жамиятларнинг қарзи	056				
бошқа кредитор қарзлар	056.1				
050-сатрдан: : Хукумат қарори бүйича муддати узайтирилган қарз	057	x			x

(040-сатр 2-устун ва 050-сатр 2-устун мазмуни очиб берилсін)  
минг сүм тыс. сум.

	Сатр коди	Жами	шу жумладан келиб чиқиши муддатлари бүйича:			
			3 ойгача	3 ойдан 6 ойгача	6 ойдан 1 йилгача	1 йилдан ортиқ
A	B	1	2	3	4	5
Дебиторлик	060					
Кредиторлик	070					

**З бўлим. Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар хўжалик юритувчи субъектлари ўтасидаги ўзаро хисоб-китоблар холати (1 январ, 1 апрел, 1 июл, 1 октябрга тўлдирилади минг сўм)**

Карз – жами		шу жумладан муддати ўтани		Олинган карзлар ва банклар кредитлари бўйича		МУЖАММАДИҲАН МУЖАДИН ЙУТРАН	
Дебиторлик	Кредиторлик	Дебиторлик	Кредиторлик	Камн	Камн	Камн	Камн
Сатр коди							
A	Б	1	2	3	4	5	6
Жами (сатрлар йигиндиси 081 дан 096 гача)							
шу жумладан: Ўзбекистон	081						

Одакоми										
Карз – жами		Шу жумладан мүлдаты ўттани		Олингап кредитлари бўйича		Шу жумладан мүлдаты ўттани				
Дебиторлик	Кредиторлик	Дебиторлик	Кредиторлик	Дебиторлик	Кредиторлик	Жамн	Жамн	Жамн	Жамн	Жамн
Сатр коди	Maxcyjor (toraq, nis, xismatiga)	corruntiyan tyurishan tuyim, RCC ba arqunishin kiyurish xozja	Жамн	Жамн	Жамн	Жамн	Жамн	Жамн	Жамн	Жамн
A	Б	1	2	3	4	5	6	7	8	9
Озарбайжон	082									
Арманистон	083									
Белорусия	085									
Козогистон	086									
Киргизистон	087									
Молдова	088									

Карз – жами		Шу жумладан мұддати ўттани		Олингап көрсетілген мөндеңдердің мөндері		Мыңжылдың мөндеңдердің мөндері	
Дебиторлик	Кредиторлик	Дебиторлик	Кредиторлик	Дебиторлик	Кредиторлик	Дебиторлик	Кредиторлик
Сатр коди	Максимал (төрлөп, нұсқа, хизметтердің)	Акимнан күтілген түрлердің, РКСР ба	Акимнан күтілген түрлердің, РКСР ба	Акимнан күтілген түрлердің, РКСР ба	Акимнан күтілген түрлердің, РКСР ба	Акимнан күтілген түрлердің, РКСР ба	Акимнан күтілген түрлердің, РКСР ба
		1	2	3	4	5	6
		Б	А				
Россия	089						
Тоқекистон	090						
Түркменистан	091						
Украина	092						
Бошқа мамлакаттар - жами	096						

4 бўлим. Ишлаб чиқариш заҳиралари ва тугалланмаган ишлаб чиқариш \*

минг сўм

	Сатр коди	Йил бошига	Хисобот даврининг охирига
A	B	1	2
Ишлаб чиқариш заҳиралари-жами (101+102+103+104+105+106)	100		
шу жумладан:			
хом ашё ва материаллар	101		
ёқилғи	102		
қурилиш материаллари	103		
урұғлик ва озуқалар	104		
парвариш ва бокувдаги чорва моллар	105		
бошқалар	106		
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	107		

\* (1 январ, 1 апрел, 1 июл, 1 октябрга тўлдирилади)

**Эслатма: агар хисоботда кўрсатилган маълумотлар олдинги даврларда тақдим этилгандан тубдан фарқ қиласа – сабабини кўрсатинг**

200 \_\_\_\_ йил  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_ M. ў Раҳбар  
\_\_\_\_\_  
(имзоси)

Хисобот  
тузиш  
учун масъул  
мансабдор \_\_\_\_\_ (mansabi) \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)  
(имзоси)  
(алоқа телефони)  
шахс

## **ҲИСОБОТ ШАКЛИНИ ТҮЛДИРИШ БҮЙИЧА ТУШУНТИРИШЛАР**

Ҳисоботни барча мулк шаклидаги корхона ва ташкилотлар (кичик корхоналар, микрофирмалар, бюджет ташкилотлари, фермер ва дәхқон хўжаликларидан ташқари) тақдим этади.

Кишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар фақат йиллик ҳисоботни тақдим этади.

Банклар ва суғурта ташкилотлари фақат 2,3,4-бўлимларни тўрдирмайди.

010-сатр «Устав фонди (капитали)да давлат улуши»да таъсис хужжатларига мувофиқ, корхона ва ташкилотнинг устав фонди (капитали)да давлатга тегишли бўлган акция пакети (улуши) фоизда тўлдирилади.

Фойда, қарздорлик, ишлаб чиқариш заҳиралари ва тугалланмаган ишлаб чиқариш кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2002 йил 27 декабрда 140-сон билан тасдиқланган «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи билан тасдиқланган Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш бўйича 1-сонли «Бухгалтерия баланси», 2-сонли «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» ва 2-а сонли «Дебитор ва кредитор қарзлар тўғрисида маълумот» қоидалари асосида тўлдирилади.

### **1.2. Молиявий ҳисоботлар**

#### **1.2.1. Молиявий ҳисобот тушунчаси**

**Молиявий ҳисобот бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот, изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларни ўз ичига олади.**

ЎзРда молиявий ҳисобот бир қатор норматив-хуқуқий хужжатлар билан, шу жумладан «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ЎзР Конунининг 16-моддаси билан тартибга солинади. Моддада молиявий ҳисоботга нималар киритилишини назарда тутилган.

Молиявий ҳисобот қуидагиларни ўз ичига олади:

- 1) бухгалтерия баланси;
- 2) молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
- 3) асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

- 4) пул оқимлари түғрисидаги ҳисобот, хусусий капитал түғрисидаги ҳисобот;
- 5) изохлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

### **1.2.2. Молиявий ҳисоботни тақдим қилиш тартиби**

«Бухгалтерия ҳисоби түғрисида»ги ЎзР Конунининг 19-моддасига асосан молиявий ҳисобот қуидагиларга тақдим этилади:

- солиқ органларига;
- таъсис хужжатларига мувофиқ мулкдорларга;
- давлат статистика органларига;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа органларга.

Молия ҳисоботи ҳисобот йили бошдан кўшилиб борувчи жамлама тартибида йилнинг ҳар чорагида тақдим этилади.

Бюджетдаги муассасалар чораклик ва йиллик ҳисоботни юқори органга тақдим этадилар.

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатларини ЎзР Молия вазирлиги белгилайди. Шунингдек, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун молиявий ҳисоботлар «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган ҳисоб юритиш ва ҳисобот тузиш тартиби түғрисида»ги ЎзР бухгалтерия ҳисоби Миллий стандарти (20-сон БХМС) (рўйхат рақами 879, 2000 йил 24 январь) асосида соддалаштирилган шаклда тузилади.

Стандарт кичик тадбиркорлик субъектлари учун ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузиш тартибини белгилайди. Шунингдек ушбу стандарт қонун хужжатларига мувофиқ кичик тадбиркорлик субъектлари тоифасига кирадиган хўжалик юритувчи субъектларга ҳам татбиқ этилиши белгиланган.

Қонунда кўрсатилишича, молиявий ҳисоботнинг таркиби ва мазмуни ЎзР Молия вазирлигининг «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш түғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1209, 2003 йил 24 январь) билан белгиланади.

Хусусан молиявий ҳисобот шакллари қуидагиларни ўз ичига олади:

1. Бухгалтерия баланси.
2. Молиявий натижалар түғрисидаги ҳисобот.
3. Асосий воситалар харакати түғрисидаги ҳисобот.
4. Пул оқимлари түғрисидаги ҳисобот.
5. Хусусий капитал түғрисидаги ҳисобот.

6. Дебитор ва кредитор қарздорлик тұғрисидаги маълумотнома.

Хұжалик юритувчи субъектларнинг йиллик молиявий ҳисоботи манфаатдор банклар, биржалар, инвесторлар, кредиторлар ва бошқалар учун ошкора ҳисобланади.

Очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари, суғурта компаниялари, банклар, фонд ва товар биржалари, инвестиция фондлари ва бошқа молия муассасалари ҳар йилги молиявий ҳисоботни уларда күрсатылған маълумотларнинг тұғрилигини аудиторлар тасдиқлагач, ҳисбот йили тугаганидан сүнг биринчи майгача еълон қилишлари шарт.

### **1.3. Солиқ ҳисоботи тушунчаси**

Солиқ ҳисоботи солиқ тұловчининг солиқ ва бошқа мажбурий тұловнинг ҳар бир тури бүйича ёки тұланған даромадлар бүйича ҳисоб-китоблар ҳамда солиқ декларацияларини, шунингдек ҳисоб-китобларга ва солиқ декларацияларига доир иловаларни ўз ичига оладиган ҳужжати бўлиб, у ЎзР Давлат солиқ қўмитаси ва ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда тузилади (ЎзР Солиқ кодексининг 43- моддаси).

ЎзР Солиқ кодексининг 7-бобида солиқ ҳисботларига қўйиладиган асосий талаблар белгиланган.

#### **1.3.1. Солиқ ҳисоботини тузиш**

Солиқ ҳисоботи қофозда ва (ёки) электрон ҳужжатга доир талабларга риоя этилган ҳолда электрон ҳужжат тарзида тузилади.

Солиқ ҳисоботи солиқ тұловчи томонидан имзоланиши кепрак, шунингдек агар у юридик шахс бўлса, унинг муҳри билан тасдиқланади. Электрон ҳужжат тарзида тақдим этилган солиқ ҳисоботи солиқ тұловчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Юридик шахс – солиқ тұловчи қайта ташкил этилаётганда ёки тугатилаётганда, ҳар бир қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган солиқ тұловчига солиқ даври бошланганидан эътиборан қайта ташкил этиш ёки тугатиш тугалланган кунга қадар бўлган давр юзасидан тегишинча топшириш далолатномаси, тақсимлаш баланси ёхуд тугатиш баланси асосида алоҳида-алоҳида солиқ ҳисоботи тузилади. Мазкур ҳисбот топшириш далолатномаси, тақсимлаш баланси ёки тугатиш баланси тасдиқланган кундан эътиборан уч иш куни ичиде тақдим этилади. Ушбу қисмнинг

коидалари ўзгартириш, шунингдек бошқа юридик шахсни қўшиб олиш орқали қайта ташкил этилаётган юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Тадбиркорлик субъекти – юридик шахс ихтиёрий тугатилган тақдирда, унга солиқ даври бошланганидан то юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган тугатиш тартиб-таомили бошланганлиги ҳақида хабардор қилинган санагача бўлган муддат учун алоҳида солиқ ҳисботи тузилади.

Солиқ ҳисботида кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик солиқ тўловчининг зиммасига юклатилади(ЎзР Солиқ кодексининг 44- моддаси).

### **1.3.2. Солиқ ҳисботини тақдим қилиш тартиби**

Солиқ ҳисботи солиқ тўловчи томонидан Солиқ кодексида белгиланган муддатларда тақдим этилади.

Солиқ ҳисботи солиқ тўловчи ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига тақдим этилади. Айрим турдаги солиқлар бўйича солиқ ҳисботи ҳам Солиқ кодексида назарда тутилган ҳолларда обьектлар бўйича ҳисобга қўйилган жой бўйича солиқ тўловчи томонидан тақдим этилади.

Жисмоний шахслар солиқ декларациясини яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига тақдим этадилар.

Солиқ тўловчилар солиқ ҳисботини ўз хоҳишлирага кўра қўйидагича тақдим этишга ҳақли:

- шахсан олиб бориб бериш тартибида;
- почта орқали буюртма хат билан;
- телекоммуникация каналлари орқали электрон хужжат тарзида.

Солиқ ҳисботини давлат солиқ хизмати органига тақдим этиш санаси қўйидагилардир:

– солиқ ҳисботи шахсан олиб бориб бериш тартибида тақдим этилганда – солиқ ҳисботи давлат солиқ хизмати органи томонидан қабул қилиб олинган сана;

– солиқ ҳисботи почта орқали буюртма хат билан тақдим этилганда – алоқа ташкилотининг тамғасида кўрсатилган, почта жўнатмаси жўнатилган сана;

– солиқ ҳисботи электрон хужжат тарзида тақдим этилганда – электрон хужжат давлат солиқ хизмати органи томонидан олинган сана.

Давлат солиқ хизмати органи шахсан олиб бориб бериш тартибида тақдим этиладиган солиқ ҳисботини қабул қилиб олишни

рад этишга ҳақли эмас ҳамда солиқ тўловчининг талабига биноан солиқ ҳисоботининг нусхасига ҳисобот қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги кўйиши шарт.

Солиқ ҳисоботи телекоммуникация алоқа каналлари орқали электрон хужжат тарзида қабул қилиб олинганда давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчига электрон тарзидаги ҳисобот қабул қилиб олингандиги тўғрисида тасдиқнома юбориши шарт.

Солиқ ҳисоботи дастлабки тарзда камерал назорат қилинмасдан ва унинг мазмуни муҳокама этилмасдан қабул қилинади.

Солиқ ҳисоботи қуидаги ҳолларда давлат солиқ хизмати орғанига тақдим этилмаган деб ҳисобланади, агар унда:

1) солиқ тўловчининг идентификация рақами кўрсатилмаган ёки нотўғри кўрсатилган бўлса;

2) солиқ даври ва (ёки) солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси кўрсатилмаган бўлса;

3) ЎзР Солиқ кодексининг 43 ва 44-моддаларида солиқ ҳисоботини тузишга доир белгиланган талаблар бузилган бўлса.

Белгиланмаган шаклдаги солиқ ҳисоботи тақдим этилганда давлат солиқ хизмати органи ҳисбот олинган кундан эътиборан уч кун ичида бу ҳақда солиқ тўловчига ёзма билдириш юборади ва аниқ фикр-мулоҳазаларни кўрсатган ҳолда уни маромига етказиш учун қайтаради.

Камчиликлари тузатилган солиқ ҳисоботи уни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугагунига қадар тақдим этилган тақдирда, солиқ тўловчига нисбатан жавобгарлик чоралари кўлланилмайди (ЎзР Солиқ кодексининг 45- моддаси).

### **1.3.3. Солиқ ҳисбботига аниқликларни тақдим қилиш**

Давлат солиқ хизмати органларига солиқ ҳисбботи тақдим этилган даврга тааллукли хатоларни ўзи мустақил равишда аниқлаган солиқ тўловчи Солиқ кодексининг 38-моддасида белгиланган солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати ичида ўша давр юзасидан аниқлаштирилган солиқ ҳисбботини тақдим этиш хуқуқига эга. Мазкур норма давлат солиқ хизмати органлари томонидан молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) доирасида текшириш ўтказилган давр учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасининг камайишини назарда тутувчи аниқлаштирилган солиқ ҳисбботи тақдим этиладиган ҳолларда кўлланилмайди.

Аниқлаштирилган солиқ ҳисбботида илгари тақдим этилган

солиқ ҳисоботидаги маълумотлар, аниқлаштирилган маълумотлар ва улардаги тафовутлар кўрсатилиши керак.

Агар аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси илгари тақдим этилган солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган ва тўланган солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммасидан ортиқ бўлса, тегишли солиқ ёки бошқа мажбурий тўловни тўлаш бўйича солиқ мажбуриятларига пеня ҳисобланган ҳолда мазкур тафовут кўшилади.

Агар аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси илгари тақдим этилган солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган ва тўланган солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммасидан кам бўлса, аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этилган кундан эътиборан шахсий варақада солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси тафовут микдорига камайтирилганлиги акс эттирилади. Соликлар, бошқа мажбурий тўловлар, пеняларнинг ортиқча тўланган суммаси солиқ кодексида белгиланган тартибда ҳисобга олинади ёки қайтарилади(ЎзР Солиқ кодексининг 46- моддаси).

### **1.3.4. Солиқ ҳисоботини сақлаш муддати**

Солиқ ҳисоботи давлат солиқ хизмати органларида ва солиқ тўловчидаги ЎзР Солиқ кодексининг 38-моддасида белгиланган солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати мобайнида сақланади(ЎзР Солиқ кодексининг 47- моддаси).

Молиявий ҳисобот шакллари ЎзР Молия вазирлиги ва ЎзР Давлат солиқ кўмитасининг «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1760, 2008 йил 21 январь) билан тасдиқланган.

### **Фойдаланиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати**

1. ЎзР Солиқ кодекси.
2. ЎзР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидағи кодекси.
3. ЎзР «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни.
4. ЎзР «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни.
5. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 февралдаги 65-сонли «Кичик бизнес корхоналарининг ҳисобот беринини қисқартириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.
6. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 январдаги 6-сонли

«Ўзбекистон Республикасида наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият бўйича ҳисоботлар юритиш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

7. ЎзР Молия вазирлиги ва ЎзР Давлат солик қўмитасининг «Солик ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1760, 2008 йил 21 январь).

8. ЎзР бухгалтерия ҳисоби Миллий стандарти «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган ҳисоб юритиш ва ҳисобот тузиш тартиби тўғрисида» (20-сон БХМС) (рўйхат рақами 879, 2000 йил 24 январь).

9. ЎзР Молия вазирлигининг «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1209, 2003 йил 24 январь).

10. ЎзР Молия вазирининг «Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шаклларини ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1945, 2009 йил 20 апрель).

## **IV қисм. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШ**

### **К И Р И Ш**

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни<sup>94</sup> (кейинги ўринларда ЎзР) тадбиркорлик фаолиятини кафолатлайдиган асосий норматив-хукуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятиининг кафолатларидан бири – бу тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларнинг чекланганлигидир.

Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни янада тартибга солиш, текширишлар сонини камайтириш, турли назорат органлари томонидан амалга ошириладиган текширишларда параллелчиллик ва такрорлаш фактларини бартараф этиш, уларнинг корхоналар хўжалик фаолиятига асоссиз аралашувига йўл қўймаслик мақсадида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 39-моддасида режали текширишлар ўтказишининг муддатлари белгилаб қўйилди. Масалан, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини режали текширишлар назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича маҳсус ваколатли органинг қарорига биноан кўпи билан йилига бир марта амалга оширилиши мумкин. Қонун ҳужжатлари билан белгиланган нормаларга ўз вақтида риоя қилувчи тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар кўпи билан икки йилда бир марта амалга оширилади. Мазкур норма тадбиркорлик субъектларини янада қонунга итоаткор бўлишларига ундейди.

Таъкидлаш лозимки, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:

- 1) назорат қилувчи органлар фаолиятида қонунийлик, холислик ва ошкоралик;
- 2) юридик ва жисмоний шахсларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

<sup>94</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 140-модда.

3) хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашмаслик.

Шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ ҳамда давлат ва назорат органларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш, текширишларни ташкил қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига асоссиз аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш, шу асосда тадбиркорлик субъектларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари химоя қилинишини кучайтиришни таъминлаш мақсадида ЎзР Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги ПФ-4296-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонга<sup>95</sup> мувофиқ бир қатор имтиёзлар кўзда тутилган. Мазкур Фармон билан шундай тартиб ўрнатилдики, унга мувофиқ янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнida режали солиқ текширишларидан ўтказилмайди (акциз солигига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш, шунингдек бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ текширишлар бундан мустасно); 2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқланади (юридик шахсларни тугатиш чоғида, қўзғатилган жиноий ишлар доирасида, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ҳамда ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ режадан ташқари текширишлар бундан мустасно); кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатларини қонун ҳужжатларида уларни ўтказиш кўзда тутилган максимал муддатдан, яъни 30 календарь кунидан ортиқ муддатга узайтирилишига йўл қўйилмайди.

---

<sup>95</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 14-сон, 133-модда.

Назорат қилувчи органлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ўрганиш муддатларини узайтиришга ҳақли эмас. Яъни режали текширишлар 30 кун муддатда амалга оширилади. Текширишлар ўтказиш муддатини узайтириш зарурати пайдо бўлганда назорат қилувчи орган белгиланган тартибда маҳсус ваколатли органга асосли сабабларни кўрсатган ҳолда мурожаат қилиш лозим. Маҳсус ваколатли орган Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ҳисобланади. Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши мурожаатни кўриб чиқиб, хўжалик юритувчи субъект фаолиятини текшириш ўтказиш муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қиласди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари текшириш ўтказиш давомида ўз хукуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида ЎзР Савдо-саноат палатасининг масъул ходимларини жалб этишлари мумкин.

Мазкур имтиёзлар тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши учун муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 39-моддаси:

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича маҳсус ваколатли органнинг қарорига биноан назорат қилувчи органлар томонидан режали тартибда кўпич билан йилига бир марта амалга оширилиши мумкин, хусусий корхоналар ва ушибу модданинг иккинчи—бешинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Белгиланган нормалар ва қоидаларга ўз вақтида ҳамда тўла ҳажмда риоя қилувчи тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпич билан икки йилда бир марта амалга оширилади, ушибу моддада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хусусий корхоналар фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпич билан икки йилда бир марта, белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпич билан тўрт йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпич билан уч йилда бир марта амалга оширилади.

Янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан иккى йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилиши мумкин эмас.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширувлардан ўтказиши муддатлари ўттиз календарь кундан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда бу муддат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириши бўйича маҳсус ваколатли органнинг қарорига биноан узайтирилиши мумкин.

Ўтказилаётган текширишлар тадбиркорлик субъектларининг фаолият кўрсатишига тўскїнлик қилмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига аъзо тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар мазкур Палата вакиллари иштирокида амалга оширилиши мумкин.

Прокуратура, ички ишлар ва миллӣ хавфсизлик хизмати органлари томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фаолиятини текширувлардан ўтказиши учун қўзгатилган жиноят ишининг мавжудлиги асос бўлади. Бунда тадбиркорлик фаолияти субъектининг қўзгатилган жиноят иши билан боғлиқ фаолиятига текширув билан қамраб олиниши мумкин бўлиб, бу ҳақда текширув тайинланганлиги тўғрисидаги қарорда кўрсатилган бўлиши керак.

Тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишлар белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан, мазкур органлар текширишлар давомида солиқ ва валютага оид жинояtlар аломатларини аниқлаганида эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жинояtlарга қарши курашии департаменти томонидан амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича уларнинг талабларини бажармаслик ҳамда текшириши предметига тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик ҳуқуқига эга.

Текширишлар натижалари далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштирилади, унинг бир нусхаси текширилаётган тадбиркорлик фаолияти субъектида қолади.

# **I бўлим. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШ ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

## **1-б о б . ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШ ТҮҒРИСИДА УМУМИЙ ТАСАВВУР**

### **1-§. Текшириш тушунчаси**

*Текшириши – хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи орғанларнинг бир марта назорат қилишидир.*

*(1998 йил 24 декабрдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиши түғрисида»ги ЎзР Қонунининг 3-моддасига қаранг)*

Бошқача қилиб айтганда, текшириш – бу давлат органлари томонидан хўжалик юритувчи субъект фаолиятини норматив-хуқуқий ҳужжатлар талабларига мослигини ўрганиш жараёнидир. Яъни, текшириш жараёнида молиявий ва солик масалалари бўйича қонун ҳужжатларининг амалга оширилиши устидан назоратни амалга ошириш, солик, давлат статистика органлари ҳамда банкларга бериладиган ҳисоб ва ҳисботларнинг тўғрилигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия, молия ва бошқа ҳужжатлари ўрганилади.

Текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан амалга оширилади. Қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширишга ваколатли бўлган вазирликлар ва идоралар назорат қилувчи органлар бўлиши мумкин. Ҳар бир назорат қилувчи орган ўз ваколатлари доирасида ўзининг назорат функцияларини амалга ошириш хуқуқига эга. Унинг функциялари ва ваколатлари тегишли қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат органлари томонидан назоратни амалга ошириш, бундай назоратнинг турлари, даврийлиги, муддатлари, принциплари «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш түғрисида»ги ЎзР Қонунида тартибга солинган.

Ўзбекистон қонунчилигига хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни тартибга солишга қаратилган кўплаб норматив-хуқуқий хужжатлар мавжуд.

1996 йилдан бошлаб мулкчилик шаклларидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш, назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг фаолиятига асосиз аралашишга йўл қўймаслик мақсадида мамлакатда давлат органлари томонидан юридик шахслар фаолиятини текширишга қаратилган бир қатор норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилинди ва такомиллаштирилди.

Тадбиркорлик субъектлари учун 2000 йил 25 майда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг қабул қилиниши муҳим воқеа бўлиб, унда юридик шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратиш, уларнинг ишчанлик фаоллигини ошириш, шунингдек тадбиркорлик фаолияти субъектларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган барча давлат кафолатлари бирлаштирилди.

Мантиқ бўйича барча юридик шахслар тижорат мақсадлари туфайли хўжалик юритувчи субъект тоифасига киради, ва шунга кўра улар томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши даврида уларга нисбатан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишга оид қонун хужжатлари нормалари татбиқ этилади.

## **2-§. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишининг асосий принциплари**

*Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишининг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:*

*1) назорат қилувчи органлар фаолиятида қонунийлик, холислик ва ошкоралик;*

*2) юридик ва жисмоний шахсларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши;*

*3) хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашмаслик.*

*(«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиши тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 5-моддасига қаранг)*

**Назорат қилувчи органлар фаолиятида қонунийлик, холис-лик ва ошкоралик** бошқа шахсларнинг хоҳиши ва истакларидан, уларнинг субъектив иродаларидан қатъи назар, текширишлар назорат қилувчи органлар ходимлари томонидан суиистеъмолликларсиз хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида текширишлар ўтказишни тартибга солувчи қонун нормалари асосида амалга оширишлари лозимлигини билдиради.

**Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига ара-лашмаслик** текширувчи текшириш ўтказиш давомида тадбиркорнинг фаолиятига аралашмаслиги ва қонунда назарда тутилмаган хужжатларни талаб қилишга ёки қонунда кўрсатилмаган харакатларни содир этишни талаб қилишга ҳақли эмаслигини билдиради.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 34-моддасига кўра давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган фаолиятига аралашибга ҳақли эмас. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик мавжудлиги фактидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонуний фаолиятига аралашиб ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин эмас.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) дехқон ва фермер хўжаликларининг тадбиркорлик фаолиятига, шу жумладан уларнинг агротехника усулларини, этиштириладиган маҳсулот турини танлашибга, ана шу маҳсулотнинг баҳосини ҳамда реализация қилиш йўналишини белгилаш ишларига аралашибга ҳақли эмас, давлат эҳтиёжлари учун мўлжалланган харидлар бундан мустасно.

Қонуннинг юқорида кўрсатилган талабини бузган тақдирда, назорат қилувчи органнинг мансабдор шахсига нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилиши мумкин.

Масалан, ЎзР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг<sup>96</sup> 241<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишнинг белгиланган тартибини бузиш, тадбиркорлик фаолияти субъектининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклаш,

<sup>96</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2005 й., 40-сон, 303-модда.

қонун хужжатларида назарда тутилмаган статистика ҳисоботини ва бошқа хужжатларни талаб қилиб олиш ёхуд назарда тутилган ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддатларига хилоф равишда талаб қилиб олиш, худди шунингдек унинг мустақиллигини бошқача тарзда чеклаш ёки унинг фаолиятига бошқача тарзда ғайриқонуний аралашиш мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай хукуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, ЎзР Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг 2-бандига<sup>97</sup> асосан назорат органларининг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектлари руҳсатсиз текширилганлиги ва уларнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашилганлиги учун етказилган иқтисодий зарарнинг ўрни қопланган ҳолда жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортиладилар.

ЎзР Бош прокуратурасига назорат ва хукуқни муҳофаза қилиш органларининг текширишларни тайинлаш ва ўтказиш борасида белгиланган тартибга қатъий риоя этиш, тадбиркорлик субъектларининг хукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги фаолияти устидан мунтазам назоратни амалга ошириш юклатилган.

### **3-§. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш шакллари ва уларнинг аҳамияти**

*Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиши қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:*

*1) текшириши, шу жумладан тафтиши, муқобил текшириши, назорат тартибида текшириши;*

*2) статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиши;*

<sup>97</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2005 й., 40-сон, 303-модда.

**3) идора қарамогидаги органларни текширишдан ўтказиш.**

*Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиши орқали давлат томонидан назорат қилиши, шунингдек идора қарамогидаги органларни текширишдан ўтказиш қонун хўжжатларига мувофиқ амалга оширилади.*

*(«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиши тўғрисида»ги ЎзР Конунининг 4-моддасига қаранг)*

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг кўйидаги шакллари мавжуд.

**1) Комплекс текшириш** – бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ назорат қилувчи органлар томонидан амалга ошириладиган текшириш. Комплекс текшириш режали текширишнинг бир тури бўлиб, текширувчилар ва текширилувчиларнинг вақтини тежаш ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашувларни чегаралаш мақсадида, қоида тариқасида икки ёки ундан ортиқ назорат қилувчи органлар томонидан амалга оширилади.

**2) Молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш)** – солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун хўжжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа хўжжатларини ўрганиш ва таққослаш.

**3) Режали текшириш** – Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгashi (кейинги ўринларда Кенгаш) томонидан тасдиқланган режа-жадвал асосида бир, икки ёки ундан ортиқ назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текшириш.

**4) Режадан ташқари текшириш** – назорат қилувчи органлар томонидан қонун хўжжатларида назарда тутилган тартибда ва ҳолларда амалга ошириладиган йиллик (чораклик) текширишлар режасига киритилмаган текшириш (шу жумладан қисқа муддатли текшириш).

Режадан ташқари текшириш режадан ташқари текшириш ўтказиш зарурати юз берганда ўтказилади. Кенгаш тарафидан режадан ташқари текшириш ўтказишга рухсат берилгандиги тасдиқловчи хўжжат, режадан ташқари текшириш учун маҳсус ваколатли органнинг текширилаётган обьект номини, солиқ тўловчининг идентификация рақами, текширув ўтказиш мақсади, муддатлари ҳамда уни ўтказиш сабабларининг асослилиги қўрсатилган ҳолда режадан ташқари текшириш ўтказиш

тўғрисида чиқарган қарори, шунингдек текширишни амалга оширувчи тегишли мансабдор шахслар таркиби ва текширувни ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруғи асос бўлиб хизмат қиласди.

**5) Қисқа муддатли текшириш** – назорат қилувчи органлар томонидан бир иш куни давомида ўтказиладиган ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлик бўлмаган текширув (кечки ва (ёки) тунги вактларда фаолият кўрсатувчи (текшириш кунининг соат 18-00 дан эртаси куннинг соат 6-00 гача) хўжалик юритувчи субъектларда қисқа муддатли текширишлар текшириш бошланган пайтдан бошлаб саккиз соат давомида амалга оширилади).

**6) Муқобил текшириш** – операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлик бўлган ва турли хўжалик юритувчи субъектлардаги ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларидағи хўжатларни таққослашдан иборат текширув.

**7) Назорат тартибida текшириш** – хўжалик юритувчи субъектларнинг илгариги текширишда кўрсатилган қоида-бузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш. Бундай текшириш ўтказиш назорат қилувчи органлар томонидан фақат илгари ўзлари ўтказган текшириш натижаларига доир далолатномада (маълумотномада) белгиланган ҳолатлар ва муддатлар бўйича Кенгаш ёки унинг вилоят комиссияларининг қўшимча розилигисиз амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш шунингдек статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш ҳамда идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш орқали давлат томонидан назорат қилиш, шунингдек идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Текширишнинг мазкур тури назорат қилувчи органга тақдим этилган ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа маълумотлар асосида амалга оширилади.

### **3.1. Молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) тушунчаси ва унинг аҳамияти**

*Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириши (тафтиш қилиш) белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари, улар томонидан текшириши давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари*

*аниқланган тақдирда эса – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга ҳамда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш департаменти томонидан амалга оширилади.*

*(«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиши тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 9-моддасига қаранг)*

**Тафтиш** тушунчаси ўзи нимани англатади? **Тафтиш** тушунчаси лотин тилидан олинган бўлиб, *revisio* – қайта кўриб чиқиш деган маънони англатади.

**Тафтиш** – молия ва солиқ масалалари бўйича қонунчиликка риоя қилиниши, солиқ, божхона, бошқа органларга, банкка ва давлат статистика органларига тақдим этиладиган ҳисоб-китоб ва ҳисботларнинг ишончлилиги устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларини текшириш услуби.

**Тафтиш ўтказишдан мақсад** ташкилот томонидан хўжалик ва молиявий операцияларнинг амалга оширилиши ва уларнинг асослилиги, тасдиқланган нормалар, нормативлр ва сметалар асосида мулкнинг мавжудлиги, унинг характеристи, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишда ЎзР қонунчилигига риоя этилиши устидан назорат қилишдан иборат.

**Тафтиш қилиш молиявий назоратнинг асосий услуби ҳисобланади.**

ЎзР Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг<sup>98</sup> 2-бандига мувофиқ тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари, улар томонидан текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирда эса – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга ҳамда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш департаменти томонидан амалга оширилади.

Ташкилий белгиларига кўра текширишлар **режали ва режадан ташқари** (зудлик билан текширишни талаб қилувчи фуқаролардан келиб тушган хабарлар ва шикоятлар асосида тайинланган), **комплекс** (бир неча назорат қилувчи органлар томо-

<sup>98</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 23-24-сон, 167-модда

нидан ҳамкорликда ўтказиладиган) бўлиши мумкин. Ҳужжатли тафтиш ўтказишда нафақат ҳисоботлар, сметалар ва бошқалар, шунингдек ҳужжатлар, айниқса бирламчи ҳужжатлар (ҳисоблар, тўлов қайдномалари, ордерлар, чеклар) ҳам текширилади. Тафтиш қилиш амалда ҳужжатларни ва пуллар, моддий бойликлар мавжудлигини текширишни англатади. Тўлиқ тафтиш деганда корхона, ташкилот, муассасанинг муайян даврдаги бутун фаолиятини текшириш тушунилади. Тафтиш қилиш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади, тафтиш гурухи раҳбари, текширилаётган ташкилот раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланади.

Тафтиш қилиш тафтиш қилинаётган ташкилот томонидан тафтиш қилиш даврида амалга оширилган хўжалик ва молия операцияларининг ҳужжатли ва амалда қонунийлиги ҳамда асослилиги бўйича қилинган ишлар, шунингдек амалга оширилган ишларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботида тўғри акс эттирилиши, раҳбарнинг, бош бухгалтернинг ва бошқа шахсларнинг ҳаракатлари қонунийлиги устидан назорат қилишнинг тизими ҳисбланади.

Тафтиш қилиш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади, тафтиш гурухи раҳбари, текширилаётган ташкилот раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланади. Тузилган далолатнома бўйича текширилувчи ташкилот томонидан билдирилган таклиф ва эътиrozлар ёзма равишда тузилади ва тафтиш материалларига илова қилинади.

### **3.2. Хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш билан боғлиқ бўлмаган текшириш тушунчаси ва унинг аҳамияти**

*Хўжалик юритувчи субъектларни уларнинг хўжалик фаолиятини тафтиши қилиши билан бөглиқ бўлмаган ҳолда текшириши тегишили назорат қилувчи (ёнгинга қарши, санитария, ветеринария, энергетика назорати ва бошқа) органлар томонидан, қоида тариқасида, бир марта ўтказиладиган комплекс текширув давомида амалга оширилади.*

*Комплекс текширувлар маҳсус ваколатли орган тасдиқлаган режалар асосида ўтказилади.*

*(«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиши тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 14-моддасига қаранг)*

Хўжалик юритувчи субъектларни уларнинг хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда текшириш

режали текширишлар тоифасига киради. Уларнинг ўзига хос хусусияти тадбиркорлик субъектларининг хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаганлиги билан изоҳланади. Тарькидлаш лозимки, ҳар бир назорат қилувчи орган ўзига юклатилган вазифаларни бажариши учун функционал мажбуриятларга эга бўлади. Бунинг учун назорат қилувчи орган ҳар йили тасдиқланган режа-жадвал асосида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ўтказади ва ушбу текширишлар унинг ваколатлари доирасида ўтказилади.

Масалан, давлат ёнгин назорати органларининг ходимлари хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилишга ҳақли эмаслар. Чунки «Ўзбекистон Республикасида давлат ёнгин назорати тўғрисида»ги Низомга асосан Давлат ёнгин назоратининг вазифаси қайси идорага қарашлилиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, кўшма корхоналар, хорижий фирмалар, обьектлар ҳамда фуқаролар томонидан ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги қонун хужжатларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширишдан иборат.

Хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолияти давлат ёнгин назорати органлари томонидан ўтказилган тақдирда бундай текшириш ноқонуний ҳисобланади.

ЎзР Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган фаолияти **санитария, ветеринария, энергия назорати** каби назорат қилувчи органлар томонидан текширилиши мумкин.

### **3.3. Режали текшириш ва унинг аҳамияти**

Текширишларнинг турларидан бири – режали текширишdir. **Режали текшириш** деганда Кенгаш томонидан тасдиқланган режа-жадвал асосида бир, икки ёки ундан ортиқ назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текшириш тушунилади..

Аҳамиятига кўра режали текширишлар молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ ва молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган текширишларга бўлинади. ЎзР Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли «Тадбиркорлик субъектларини

хуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари, улар томонидан текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирда эса – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга ҳамда жиноий даромадларни легаллаштиришга карши кураш департаменти томонидан амалга оширилади.

Режали текширишлар ўтказиш учун қуийдагилар ҳужжатлар талаб қилинади:

1) Кенгаш ёки унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича тегишли худудий комиссиялари томонидан белгиланган тартибда берилган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг мувофиқлаштириш режасидан кўчирма;

2) назорат қилувчи органнинг текширишлар амалга ошириши мувофиқлаштириш режаси асосида текшириш мақсади, текширувчи мансабдор шахслар таркиби ва текшириш ўтказиш муддатлари кўрсатилган ҳолда чиқарган буйруғи.

Бу ҳужжатлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида режали текширишлар ўтказиш учун асос бўлади. Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар бўлмаган тақдирда назорат қилувчи органнинг ходимлари хўжалик юритувчи субъект фаолиятида текшириш ўтказишга ҳақли эмас. Бундай текширишларни ўтказишда мансабдор шахс ўз мансаб ваколатларидан четга чиқади. Амалиётда бу каби текширишларга нисбатан «ноқонуний текшириш» атамаси қўлланилади. Ноқонуний текширишлар ўтказганлиги учун назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси тегишли жавобгарликка тортилади.

ЎЗР Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли «Тадбиркорлик субъектларини хуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказганлиги учун шахсан жавобгар, ҳатто жиноий жавобгар ҳам бўладилар.

Тадбиркорлик субъектларини текширишни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини кескин қисқартириш мақсадида ЎЗР Президентининг 2005 йил 5 октябр-

даги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан бир қатор имтиёзлар берилди.

Масалан, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектлари эса (акциядорлик жамиятлари, холдинглар, корпорациялар, компаниялар ва х.к.), яъни ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдағи 439-сонли қарори<sup>99</sup> билан тасдиқланган Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясига кирмаган тадбиркорлик субъектларида ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текширишлари ўтказилади. Микрофирма ва кичик корхона ходимларнинг белгиланган ўртacha йиллик сонини ошириб юборган тақдирда, улар қонун хужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва хукуқлардан маҳрум этилади.

Янги ташкил қилинган тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режали текширишдан ўтказилмайди.

### **3.3.1. Режали текширишларнинг режа-жадвалини ишлаб чиқиш тартиби**

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида режали текширишлар ўтказиш учун ҳар йили олдиндан режа-жадвал ишлаб чиқилади. Режа-жадвалларни ишлаб чиқиш тартиби Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом<sup>100</sup> (рўйхат рақами 1573, 2006 йил 6 май) билан тартибга солинган.

Ушбу Низомга асосан йиллик режали текширишлар ўтказиш ва тасдиқланган режа-жадвалга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифлар Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишнинг йиллик ва чораклик мувофиқлаштирувчи режа-жадвалларини шакллантириш принциплари тўғрисидаги Низомларга қатъий амал қилган ҳолда белгиланган шаклда тақдим этилади.

<sup>99</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2003 й., 19-сон, 182-модда.

<sup>100</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2010 й., 10–11сон, 81-модда.

## Масалан

ТМОНОИДАН

(назорат қилувчи органинг номи)

үтказиладиган 20\_\_ йил учун текширувлар режа-жадвали

## ЛОЙИҲАСИ

(назорат қилувчи орган раҳбари)

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 200\_\_\_ йил

(Назорат қылувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбир-корлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тұғрысидаги Низом 2 ИЛОВА)

Йиллик текширишлар режа-жадвалини ишлаб чиқишаذا на-  
зарат қилувчи органлар томонидан, тадбиркорлик субъектла-  
ри фаолиятини текширишларнинг йиллик ва йил чоракларига  
мўлжалланган мувофиқлаштириш режа-жадвалларини шаклланти-  
риш принциплари тўғрисидаги тасдиқланган қоидаларни хисобга  
олган ҳолда, текширишларнинг режа-жадвалига киритиш учун  
тегишли таклифлар қуйидагича тақдим этилади:

- Кенгаш ишчи органига – назорат қилувчи органларнинг марказий аппаратлари томонидан текшириладиган тадбиркорлик субъектлари бўйича;

- вилоят комиссияларининг ишчи органларига — назорат қилувчи органларнинг вилоят бўлинмалари томонидан текшириладиган тадбиркорлик субъектлари бўйича;

– туман комиссияларининг ишчи органларига – назорат қилувчи органларнинг туман (шаҳар) бўлинмалари томонидан текшириладиган тадбиркорлик субъектлари бўйича.

Айрим назорат қилувчи органлар учун уларнинг мурожаатлари бўйича Кенгашнинг маҳсус қарорлари билан таклифлар тақдим этишнинг бошқа тартиби назарда тутилиши мумкин.

Амалдаги норматив-хуқуқий хужжатларга мувофиқ тадбиркорлик субъектлари ўзларининг тадбиркорлик фаолиятини мамлакатнинг бутун ҳудудида амалга оширишлари мумкин. Бунинг асосида кўпгина тадбиркорлик субъектлари ўз ҳудудларида эмас, балки бошқа туманлар (шаҳарлар)да ишлаб чиқариш жойлари ва савдо нуқталари очадилар. Режали текширишларни мазкур жойларда ўтказиш зарурати пайдо бўлганда қонунчиликда қуидаги тартиб белгиланган.

Ҳудудий солик органлари томонидан бошқа туманлар (шаҳарлар)да рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш бинолари, савдо шоҳобчалари қаерда жойлашганидан ва хизматлар кўрсатиладиган (ишлар бажариладиган) жойдан қатъи назар, уларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тақорланишига йўл қўйилмаган ҳолда, хўжалик юритувчи субъект рўйхатга олинган жойдаги тегишли солик органлари билан бир вактда амалга оширилади.

Юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектлари бўлинмалари фаолиятини режали текширишлар, улар қайси юридик шахс таркибига кирса, шу юридик шахсада ўтказиладиган текширишлар доирасида амалга оширилади.

Назорат қилувчи органларнинг таклифлари асосида Кенгаш томонидан йиллик текширишлар режа-жадвали ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Бунда тадбиркорлик субъектлари қуидаги холларда текширишлар режа-жадвалига киритилмайди:

– тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш тегишли назорат қилувчи органнинг ваколатига кирмайдиган бўлса;

– тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларнинг йиллик ва йил чоракларига мўлжалланган мувофиқлаштириш режа-жадвалларини шакллантиришнинг принциплари тўғрисидаги тасдиқланган қоидалар шартларига риоя этилмаган бўлса;

– тадбиркорлик субъектлари тугатилган ёки тугатиш жараёнида бўлса, шунингдек улар банкрот деб эълон қилинган бўлса;

– уларнинг режа-жадвалга киритилиши қонун хужжатларига, Кенгаш қабул қилган қарорларга ва Назорат қилувчи органлар

томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби түғрисидаги Низом (рўйхат рақами 1573, 2006 йил 6 май) нинг 10-бандига зид бўлса (Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби түғрисидаги Низом 13 банди).

### **3.4. Режадан ташқари текширишлар ва уларнинг аҳамияти**

*Режадан ташқари текшириши – назорат қилувчи органлар томонидан қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда ва ҳолларда амалга ошириладиган йиллик (чораклик) текширишлар режасига киритилмаган текшириши (шу жумладан қисқа муддатли текшириши).*

(Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириши ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиши тартиби түғрисидаги Низом<sup>101</sup> (рўйхат рақами 1650, 2006 йил 29 дебабрь)га қаранг)

Тадбиркорлик фаолиятида текширишларнинг турларидан бири режадан ташқари текширишdir.

Аҳамиятига кўра режадан ташқари текшириш режали текширишдан фарқ қиласди. Режадан ташқари текширишнинг **биринчи** фарқ қилувчи жиҳати текширишлар жадвалига киритилмаслигидир. Яъни бундай текширишлар олдиндан режалаштирилмайди ва режа-жадвалга киритilmайди. **Иккинчи** фарқ қилувчи жиҳати зарур бўлган асословчи сабаблар бўлган тақдирда назорат қилувчи органлар томонидан, яъни:

– агар текширувни ўтказиш зарурати ЎзР Президентининг ва хукуматининг қарорларидан келиб чиқканда. (Бунда агар Президент ва Хукумат қарорларида текшириш ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъект номи аниқ қўрсатилган бўлса, Кенгаш ёки унинг вилоят комиссиясининг розилигини олиш талаб қилинмайди);

– назорат қилувчи органга хўжалик юритувчи субъект томонидан қонунлар ва бошқа қонун хужжатларининг бузилганлиги тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушганда. (Қўшимча маълумотлар сифатида корхоналар, ташкилотлар, муассаса-

<sup>101</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006 й., 51–52-сон, 525-модда.

лар ва фуқароларнинг аниқ исботланган ва хужжатлар билан тасдиқланган қонунбузилиш фактлари хизмат қилиши мумкин);

– фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олди олинаётгандан;

– санитария-эпидемиология вазияти мураккаблашганда, шунингдек қўшни давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли вужудга келганда.

Молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган текшириш тадбиркорлик субъектининг назорат қилувчи органларга унинг фаолиятини текшириш тўғрисидаги асосли таклифи асосида ҳам ўтказилиши мумкин.

(Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом 16 банди)

### **3.4.1. Режадан ташқари (шу жумладан қисқа муддатли) текширишларни ўтказиш тартиби**

*Юқорида кўрсатилган асослар бўйича тадбиркорлик субъектини ёки унинг бўлинмаларини режадан ташқари текшириши ўтказиш зарурияти туғилган тақдирда (текширишлар ЎзР Президентининг ва Ҳукуматининг қарорлари бўйича ўтказиладиган ҳоллардан, агар қарорларда текшириладиган субъект номи аниқ кўрсатилган бўлса, ташқари), назорат қилувчи органнинг марказий аппарати Кенгашга, назорат қилувчи органларнинг ҳудудий бўлинмалари эса тегишинча вилоят ва туман комиссияларига режадан ташқари текширишини ўтказиш учун уни ўтказишнинг зарурлигини асослаган ҳолда буюртманома ҳамда назорат органи раҳбари томонидан имзоланган текширишини ўтказиш дастурини юборади.*

*(Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириши тартиби тўғрисидаги Низомнинг 17 бандига (рўйхат рақами 1573, 2006 йил 6 май)га қаранг).*

Назорат қилувчи орган ҳудудий бўлинмасининг тадбиркорлик субъекти фаолиятини муддати бир кундан ортиқ бўлмаган режадан ташқари текшириш ўтказишга буюртманомаси ва текшириши ўтказиш дастури вилоят комиссиясида ўрганиб чиқилганидан кейин сўралган текширишни ўтказиш ёки ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун Кенгашга юборилади.

Назорат қилувчи орган ҳудудий бўлинмасининг тадбиркорлик

субъекти фаолиятини муддати бир кун бўлган режадан ташқари текшириш ўтказишга буюртманомаси ва текширишни ўтказиш дастури худудий комиссия томонидан ўрганиб чиқилади, шундан сўнг вилоят комиссияси режадан ташқари текширишни ўтказиш ёки ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Кенгашнинг, унинг вилоят ва туман комиссияларининг ишчи органлари тақдим этилган буюртманомалар ва текшириш ўтказиш дастурлари асослилигини, текширишларни ўтказиш дастурларининг назорат қилувчи орган зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқлигини, ўрганиладиган масалаларни тегишли назорат қилувчи органлар билан биргаликда ўрганиб чиқадилар ҳамда вилоят ва туман комиссиялари ишчи гурӯхларининг режадан ташқари текшириш ўтказиш учун тақдим этилган буюртманомаларни кўриб чиқишига доир хulosаларини инобатга олган ҳолда тегишинча Кенгашга, унинг вилоят комиссияларига таклиф киритадилар, улар режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисида ёки уни ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қиласдилар, режадан ташқари текшириш ўтказишга рухсат берилган тақдирда текшириш режасини келишиб оладилар.

Режадан ташқари текшириш ўтказисидаги ёки уни ўтказишни рад этиш ҳақидаги қарор қисқа муддатларда, бироқ буюртманома келиб тушган кундан эътиборан икки ҳафтадан кечиктиримай қабул қилинади ва тегишинча Кенгаш раиси (унинг ўринбосарлари) ёки Низомда назарда тутилган ваколатлар доирасида вилоят комиссияси раиси томонидан имзоланади ҳамда назорат қилувчи органга юборилади.

Улгуржи ва чакана савдодаги умумий овқатланиш ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари томонидан савдо-сотиқ ҳамда нақд пул тушумини топшириш қоидаларига риоя этилишини режадан ташқари қисқа муддатли текширишлардан ўтказиш тўғрисидаги қарорлар истисно тартибida туман комиссияларининг раислари ёки вилоят комиссиялари раисларининг ўринбосарлари - солиқ бошқармалари бошликлари томонидан имзоланадиган рўйхатлар кўринишида расмийлаштирилади. Рўйхатларда текширилаётган тадбиркорлик субъекти номи ва СТИР, текширилаётган тадбиркорлик субъекти улгуржи ва чакана савдо, умумий овқатланиш ва пулли хизматлар кўрсатиш обьектининг юридик манзили, шунингдек обьект амалга ошираётган фаолият тури ва режадан ташқари қисқа муддатли текшириш ўтказиш муддати кўрсатилиши керак.

Фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олдини олиш, санитария-эпидемиология вазияти мураккаблашиши, шунингдек бошқа давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли билан боғлиқ режадан ташқари текширишларни ўтказиш тўғрисидаги қарор, санитария назорати ва табиатни муҳофаза қилиш органлари мурожаати асосли бўлган тақдирда текшириш ўтказиш учун буортманома келиб тушган куни қабул қилинади.

Юқори назорат қилувчи органлар ўзларининг худудий бўлинмаларига тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишдан ўтказиш ҳақидаги топшириқларни уларни ўтказиш тўғрисида фақатгина Кенгаш ёки унинг вилоят комиссиясининг қарори бўлган тақдирдагина юборадилар (*Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириши тартиби тўғрисидаги Низомнинг 18-23 бандларига (рўйхат рақами 1573, 2006 йил 6 май)га қаранг*).

**Таъкидлаш лозимки, айрим назорат қилувчи органлар қонун хужжатларига мувофиқ ўзларига юклатилган назорат функцияларини Кенгаш (вилоят комиссиялари) билан қўшимча келишувсиз текширишларни амалга ошириш хукуқига эга.**

Бу функциялар қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- алкоголли ва тамаки маҳсулотларининг тадбиркорлик субъектлари томонидан тегишли рухсатномаларсиз ишлаб чиқарилиши ва сотилиши, шунингдек акциз маркалари мавжуд эмаслиги ёки қалбакилаштирилиши далиллари тўғрисида ишончли маълумотлар мавжудлигига бунга ваколати бўлган солиқ ва бошқа органлар томонидан муомаладан ушбу маҳсулотлар қонун билан белгиланган тартибда тезкор олиб қўйилишини амалга ошириш. Бунда тадбиркорлик субъективини кейинги текширишлар белгиланган тартибда Кенгаш ёки унинг вилоят комиссиялари билан келишилиши керак;

- сифатсиз ва/ёки контрафакт маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва сотилиши тўғрисида ишончли маълумотлар мавжуд бўлганидагина лицензия битими талабларига мувофиқ бундай маҳсулот сотилишига йўл қўймаслик мақсадида Дори воситалари ва тиббий буюмлар сифатини назорат қилиш бош бошқармаси Фармацевтик инспекцияси томонидан ишлаб чиқарилаётган ҳамда сотилаётган дори маҳсулотлари устидан назоратни амалга ошириш. Бунда тадбиркорлик субъективини кейинги текширишлар белгилан-

ган тартибда Кенгаш ёки унинг вилоят комиссиялари билан келишилиши керак;

– Кенгаш билан келишилган объектларда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиология хизмати ва уларнинг худудий бўлинмалари томонидан ўтказиладиган тупроқ, оқава ва ер устидаги сувларни ифлослантириш манбалари мониторинги;

– савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек бошқа хусусийлаштирилган корхоналар эгаларининг ЎзР давлат мулки қўмитаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 21 ноябрдағи 402-сон қарори<sup>102</sup> З-бандига мувофиқ ўтказаётган хусусийлаштириш шартномаларида назарда тутилган фаолият йўналишини сақлаш бўйича шартларга риоя қилиши устидан мониторинг;

– Давархитектқурилишназорат органлари билан қурилиш буюртмачилари ўртасида, шунингдек буюртмачилар билан пуррат қурилиш ташкилотлари ўртасида шартномалар мавжуд бўлган холларда амалга ошириладиган қурилиш ишлари сифатининг қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, республика стандартларига, давлат стандартлари ва техник шартларга мувофиқлигини назорат қилиш;

– Ўздавдонназорат бўлинмалари томонидан «Ўзданмаҳсулот» ДАКнинг ғалла қабул қилиш пунктларида намуна олиш йўли билан дон қабул қилиш корхоналари омборлари, тегирмонлар ва элеваторларда мавжуд бўлган доннинг намлиги ва ифлослигини таҳлил қилиш;

– корхоналар қонун хужжатларида белгиланган тартибда тегишли рўйхатдан ўтказувчи органларнинг қабул қилган қарорлари асосида тугатилгандা;

– адлия органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш бўйича кўрсатадиган хуқуқий ёрдам, шунингдек тадбиркорлар хуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш. Адлия органлари ҳар чоракда Кенгаш ва тегишли худудий комиссияларга қилинган иш тўғрисида Кенгаш ишчи органи билан келишилган шакл ва муддатларда маълумотлар тақдим этадилар;

– Ўзстандарт ёки унинг топшириғига кўра маҳсус ваколатли шахс (эксперт-аудитор) томонидан зарурат туғилганда (синовлар, сертификатлашлар сифатсиз ўтказилгани, носоз ускуналар-

<sup>102</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2002 й., 22-сон, 177-модда.

дан, малакасиз мутахассислардан фойдаланилгани ва ҳоказолар тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушганда) Ўзстандартда аккредитацияланган ва лицензия олган синов лабораториялари (марказлари) лицензия келишувларининг шартларига риоя қилиши устидан амалга ошириладиган назорат;

– ЎзР саноатда, кончиликда ва коммунал-маший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг Кенгаш билан келишилган объектларга, доимий равишда биритирилган ва уларда жойлашган инспекторлари объектларда ишларни юритиш ва юк ташиш хавфсизлиги ҳолати юзасидан амалга оширадиган назорат;

– «Ўзбекэнерго» ДАК объектларида доимий ўрнашган Ўздавэнергоназорат бош техник инспекторлари Кенгаш билан келишган ҳолда амалга оширадиган ишларни хавфсиз юритишни назорат қилиш;

– ЎзР Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан табиий, техноген, террорчилик-қўпорувчилик тусидаги фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олдини олиш ва улардан ҳимоя қилиш, шунингдек вазирлик ёки унинг худудий бошқармалари раҳбарларининг кўрсатмалари асосида объектларда фуқаролик ҳимояси талабларига риоя этиш масалалари бўйича тадбирларнинг амалга оширилиши;

– ЎзР Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан қишлоқ хўжалиги ва бошқа корхоналарда Молия вазирлиги хузурида барпо этилган давлат жамғармалари маблағларидан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ масалалар бўйича назоратнинг (текширишларнинг) амалга оширилиши, бунда мазкур текширишлар бевосита корхоналарда Ўзбекистон Республикаси молия вазири тасдиқлаган режалар ва буйруқларга биноан амалга оширилади;

– ЎзР Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамғармаси (Жамғарма)нинг маблағларини назорат қилиш ва ишлатиш инспекцияси томонидан, Жамғармани бошқариш кенгаши билан келишган ҳолда, Жамғармадан маблағ ажратилган хўжалик юритувчи субъектларда ўтказиладиган, Жамғармадан ажратиладиган маблағлардан қонуний, мақсадли ва самарали фойдаланиш устидан назоратнинг амалга оширилиши;

– ЎзР Молия вазирлиги томонидан, ЎзР Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш давлат қўмитаси, уларнинг бўлинмалари билан ҳамкорликда, дон тайёрлаш, уни сақлаш ва қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб

чиқариш чоғида «Ўздонмаҳсулот» ДАК корхоналарининг харжатлари устидан доимий мониторинг ўтказилиши, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабрдаги «Дон тайёрлаш ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизимида харажатларни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 424-сон<sup>103</sup> қарори З-бандида назарда тутилган бирламчи ҳужжатлар бўйича харжатларни корхоналарга бориб ўрганиш;

– ҳукумат кафолати билан берилган марказлаштирилган маблағлардан (шу жумладан кредитлар) мақсадли фойдаланиш, қурилиш муддатларига, ажратилган маблағларни қайтариш ва улардан фойдаланиш учун тўлов муддатларига риоя этиш, банк билан қурилиш буюртмачилари, шунингдек банк билан молияловчи тараф ўртасидаги шартномаларга мувофиқ тижорат банклари ўтказадиган, бажарилган ишларнинг назорат ўлчовларини ўтказиш устидан назорат қилиш;

– ЎзР Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан Давсанэпидназорат ёки унинг ҳудудий бўлинмалари бўйича буйруқларга мувофиқ сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган, истеъмолчиларни водопровод суви билан таъминлайдиган, оқава сувларни чиқариб ташлайдиган хўжалик юритувчи субъектларда намуналар танлаб олиш йўли билан сут ва сут маҳсулотлари, водопровод суви ва оқава сувларни ҳар ойда лабораторияларда тадқиқ этишни амалга ошириш, шунингдек мавжуд қонунларга кўра тиббий кўрикдан ўтиши керак бўлган савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларида тиббий шаҳодатланиш дафтарчаларининг мавжудлигини олти ойда кўпи билан бир маротаба мониторингдан ўтказиш;

– ЎзР Молия вазирлиги томонидан пахта хом ашёсини тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлашнинг бутун даври мобайнида пахта тозалаш корхоналарини тайёрланаётган, қайта ишланбаётган ва сақланаётган пахта хом ашёсининг микдори ва сифати, пахта толаси ва пахта маҳсулотини сотиш масалалари бўйича текширишлар, шунингдек пахтакор хўжаликларни сифатли уруғлик чигитлар билан таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси молия вазири тасдиқлаган маҳсус жадваллар ёки унинг ёзма топшириқларига кўра ғўза навларини жойлаштириш бўйича белгиланган топшириқларга риоя этилишининг текширишлардан ўтказилиши;

<sup>103</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 23 сон, 187 модда.

– Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан куз фаслида хазонларни, ғалла экинлари йиғиб олинганидан кейин далаларда сомонларни ёқиши, дараҳтларни ноқонуний арралашни, очик оловни қўллаган ҳолда баланд уйлар томларида битум эритишни ва ихтиофауна захираларини ноқонуний овлашни бартараф этиш бўйича амалга ошириладиган тезкор назорат тадбирлари ўтказилиши;

– ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат резервларини бошқариш қўмитаси томонидан давлат резервлари жойлаштирилган тадбиркорлик субъектларида назорат вазифаларининг амалга оширилиши;

– ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Бошдавкарантин томонидан республика ҳудудини чет эл мамлакатларидан карантиндаги ва бошқа хавфли зааркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлар кириб келишидан муҳофаза қилиш, карантиндаги ва бошқа хавфли зааркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларни ўз вақтида аниқлаш, уларни локаллаштириш ҳамда тугатишни ташкил этиш, шунингдек улар кириб келишининг олдини олиш, белгиланган қоидаларга риоя қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ва бошқа ўсимлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, ташиб, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш ва ишлатиш чоғида ўсимликлар карантини бўйича тадбирларни амалга оширишга доир назорат вазифаларининг амалга оширилиши;

– давлат солиқ хизмати органлари томонидан ЎзР Давлат солиқ қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари бошлиқларининг буйруқлари асосида бозорлар, савдо комплекслари ва уларга туташ автомобиль тўхташ жойлари, шунингдек улар ҳудудида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ва бир марталик йиғимлар топширилиши, ижара тўлови тушуми ва ҳисоби тўлиқ юритилиши, назорат-касса машиналаридан, ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланилиши, савдо ва хизматлар кўрсатиш қоидаларига риоя қилиниши юзасидан ўтказиладиган ҳар кунлик текширишлар бундан кейин қисқа муддатли текшириш ўтказилган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида Кенгаш ёки унинг тегишли ҳудудий комиссияси хабардор қилинади.

### **3.5. Муқобил текшириш түшүнчеси ва унинг аҳамияти**

**Муқобил текшириш – операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлиқ бўлган ва турли хўжалик юритувчи субъектлардаги ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларидағи хўжжатларни таққослашдан иборат текширув.**

(«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат килиш тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 3-моддасига қаранг)

**Молия-хўжалик фаолиятиини муқобил текшириш** тадбиркорлик фаолияти субъекти томонидан фаолиятида режали ёки режадан ташқари текширишлар (тафтишлар) ўтказилаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан амалга оширилаётган молия-хўжалик операцияларини амалда ўз бухгалтерия ҳисобида акс эттирилганлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

**Яъни, муқобил текшириш** – айнан битта ҳужжатнинг турли хил нусхаларини ўзаро солиштиришдир. Мазкур услубнинг моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда уни битта эмас, балки бир нечта нусхада расмийлаштириладиган ҳужжатларга нисбатан татбиқ этиш мумкин. Уларга моддий қимматликларни кириб келиши ва чиқиши тўғрисидаги ҳужжатларни мисол қилиш мумкин (юк хати, ҳисоб-фактуралар ва х.к.). Ҳужжатларнинг нусхалари турли хил ташкилотларда ёки корхонанинг турли таркибий бўлинмаларида сақланади. Хўжалик фаолияти тўғри юритилганда ҳужжатнинг турли нусхалари бир хил мазмунга эга бўлади. Бошқа ҳолларда ҳужжатлар фақат бир нусхада тузилади ёки турли хил мазмунга эга бўлади. Ҳужжатлар ўзаро солиштирилганда: товар сони, ўлчов бирлиги, товар нархи ва х.к. бир-бирига мос келмаслиги мумкин. Ҳужжат нусхасининг мавжуд бўлмаслиги хўжалик фаолияти фактининг ҳужжатлаштирилмаганлиги, натижада эса даромадларни яширишнинг белгисидир.

Хўжалик юритувчи субъектларда муқобил текширишлар жиноят ишлари юзасидан тергов олиб бориш жараёнида текшириш тайинлаш тўғрисидаги қарор асосида ёки назорат қилувчи органлар томонидан Кенгаш ёки вилоят комиссияси қарорига биноан ўтказилиши мумкин. Хўжалик юритувчи субъектни муқобил текширишда субъектнинг фақатгина текшириш ёки тергов ҳаракатлари ўтказилаётган компания билан ўзаро хўжалик алоқаларига оид қисмигина қамраб олинади. Бундай хўжалик алоқаларининг мавжудлиги ҳужжатлар билан, хусусан шартномалар, юк ташаш ҳужжатлари, бошқа ҳужжатларни ўз ичи-

га олган жиноят иши материаллари билан расман тасдиқланган бўлиши керак. Қонун муқобил текшириш предметига тааллуқли бўлмаган ҳужжатларни талаб қилиш ва материаллар ҳамда бошқа ҳужжатларни ўрганишни тақиқлайди.

Текширишлар Кенгаш ва унинг вилоят комиссияси қарори бўйича, қўзғатилган жиноят ишлари бўйича эса – текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарорга асосан, фақат уларнинг текширилаётган тадбиркорлик субъекти билан ўзаро муносабатларига доир қисм бўйича ўтказилади. Тадбиркорлик субъектининг текшириш обьекти билан ўзаро муносабатлари деганда ҳужжатлар билан тасдиқланган аниқ алоқалар тушунилади. Хўжалик юритувчи субъектнинг текшириш обьекти билан ўзаро муносабати деганда шахсларнинг ҳужжатлар (жиноят иши материаллари, ашёвий далиллар) билан тасдиқланган аниқ муносабатини тушуниш лозим.

Муқобил текширишлар ўтказишда тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий амал қилиш талаб этилади.

Муқобил текшириш фақатгина турли хил хўжалик юритувчи субъектларда ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларида ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган ҳужжатларни ўзаро таққослаш учун ўтказилиши лозим.

Прокуратура, ички ишлар ва Миллий хавфсизлик хизмати орғанлари томонидан муқобил текшириш ўтказиш учун асос бўлиб қўзғатилган жиноят иши асос бўлиб ҳисобланади.

Муқобил текшириш ўтказиш учун ҳукуқни муҳофаза қилиш органи мансабдор шахси томонидан тегишли қарор чиқарилади.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎзР Қонунига мувофиқ муқобил текшириш ўтказаётган шахслар текширишларни рўйхатга олиш китобига тегишли ёзувни киритишлари шарт.

Муқобил текширишни ўз вақтида ўтказиш имконияти бўлмаганида, у факатгина муқобил текширишни бошқа муддатга кўчириш тўғрисидаги қўшимча қарор асосида ўтказилиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектлардан муқобил текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ман этилади.

Муқобил текширишларни ўтказиш борасида белгиланган тартибга риоя этилиши учун шахсий жавобгарлик назорат қилувчи органларнинг раҳбарлари зиммасига юклатилган.

Муқобил текширишлар ўтказишнинг белгиланган тартибини бузган хуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мансабдор шахслари ҳатто жиноий жавобгарликка тортиладилар.

### **3.6. Назорат тартибида текшириш ўтказиш тартиб-қоидалари**

*Назорат тартибида текшириши – хўжалик юритувчи субъектларнинг илгариги текширишида кўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириши.*

*(«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиши тўғрисида»ги ЎзР Конунининг З-моддасига қаранг)*

Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом<sup>104</sup> (рўйхат рақами 1573, 2006 йил 6 май)га мувофиқ назорат тартибида текширишларни ўтказиш назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг ўzlари ўтказган текшириш натижалари бўйича фақат далолатномада (маълумотномада) белгиланган ҳолатлар бўйича ва муддатларда, Кенгаш ёки унинг вилоят комиссияси қўшимча қарорисиз амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъекти текшириш натижалари бўйича далолатномада (маълумотномада) белгиланган муддатларда назорат тартибида текширишлар ўтказишга рози бўлмаса, уларни ўтказиш муддатлари вилоят комиссияларининг қарорлари билан белгиланади.

---

<sup>104</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2003 й., 19-сон, 168-модда.

# **II бўлим. НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ. НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИНГ ВА ТЕКШИРИЛУВЧИ ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ҲУҶУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

## **1-боб. НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ВА УНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ: МАҚСАДЛАРИ, ВАЗИФАЛАРИ, ФУНКЦИЯЛАРИ, ИШ ТАРТИБИ**

### **1-§. Умумий қоидалар**

*Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириши маҳсус ваколатли орган томонидан амалга оширилади ва у чиқарган қарорларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишига доир қисми назорат қилувчи органлар учун мажбурий ҳисобланади.*

(«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиши тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 7-моддасига қаранг)

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгashi ЎзР Президентининг 1996 йил 8 авгуистдаги ПФ-1503-сонли «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига<sup>105</sup> асосан мулкчилик шаклларидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш, назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг фаолиятига асоссиз аралашибашга йўл қўймаслик мақсадида ташкил этилган.

Кенгаш хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш соҳасидаги марказий мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади. Кенгаш қарорлари

<sup>105</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996 й., 8-сон, 102-модда.

хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш доирасида давлат назоратини амалга оширишга вакил қилинган барча органлар учун мажбурийдир.

Кенгаш таркиби ЎзР Президенти томонидан тасдиқланади. Кенгаш таркибидаги ўзгартиришлар белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, шаҳарлар ва туманларда Текширишларни мувофиқлаштириш кенгашининг тегишли худудий комиссиялари (кейинги ўринларда худудий комиссиялар) ташкил этилади. Худудий комиссияларнинг таркиби Кенгаш томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишган ҳолда тасдиқланади.

## **2-§. Кенгашнинг мақсади, вазифалари ва ҳудудий комиссияларнинг функциялари**

Кенгаш фаолиятининг мақсади мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектларни текширишларни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш, улар фаолиятига назорат қилувчи органларнинг асоссиз аралашувини олдини олишдан иборат.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг худудий бўлинмалари мавжуд:

(1) Кенгашнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар худудий комиссиялари (кейинги ўринларда – вилоят комиссиялари)

(2) Кенгашнинг туман ва шаҳар худудий комиссиялари (кейинги ўринларда – туман комиссиялари)

ЎзР назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши тўғрисидаги Низомнинг 2.2-бандига мувофиқ Кенгашнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

1) хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

2) хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишлар умумий сонини қисқартириш;

3) назорат органлари фаолиятининг тақрорланишига йўл қўймайдиган текширишлар, шу жумладан комплекс текширишларнинг мувофиқлаштирилган режаларини ишлаб чиқиш;

4) текширишлар ўтказишнинг мувофиқлаштирилган режала-рига риоя этилиши доирасида ва Кенгаш билан келишилмаган ҳолда режадан ташқари текширишлар, муқобил текширишлар,

назорат тариқасидаги текширишлар ўтказилишига йўл қўймаслик борасида назорат органлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

5) Текширишларни тартибга солиш ва қисқартириш мақсадида уларни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

### **Худудий комиссияларнинг асосий функциялари қўйидаги-лардан иборат:**

1) хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг худудий мувофиқлаштирувчи режа-жадвалларини ишлаб чиқиш;

2) текширишларнинг мувофиқлаштирувчи режа-жадваллари ижро этилиши устидан мониторинг қилиш.

Ўз фаолиятида Кенгаш ЎзР Конституцияси, ЎзР Президенти фармонлари ва фармойишлари, Олий Мажлис қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари ва бошқа норматив хужжатларга амал қиласди.

Хусусан:

1. ЎзР «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни

2. ЎзР «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни

3. ЎзР Президентининг 2010 йил 20 майдаги ПФ-4219-сонли «ЎзР Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида» 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ-2114-сон Фармонига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Фармони<sup>106</sup>

4. ЎзР Президентининг 1996 йил 8 августдаги ПФ-1503-сонли «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони<sup>107</sup>

5. ЎзР Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони<sup>108</sup>

<sup>106</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2003 й., 19-сон, 168-модда.

<sup>107</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996 й., 8-сон, 102-модда.

<sup>108</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2005 й., 40-сон, 303-модда.

6. ЎзР Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги ПФ-4296-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни яна-да қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони

7. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 ноябрдаги 496-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори

8. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги 57-сонли «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи Кенгаш фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида»ги қарори

9. Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги Низом (НҚОФМРКнинг 2007 йил 23 августдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган, АВда 29.12.2006 йилда 1650-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган)

10. Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисидаги низом(АВда 29.12.2006 йилда 1650-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган)

11. Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом (НҚОФМРКнинг 2006 йил 11 марта 06-01-01-сон қарори билан тасдиқланган, АВда 06.05.2006 йилда 1573-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган)

### **3-§. Кенгаш раисининг хукуқ ва мажбуриятлари**

Кенгаш раиси ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуидаги хукуқларга эга:

- 1) Кенгаш қарорларини имзолаш;
- 2) Кенгаш мажлислари оралиғида Кенгаш аъзоларини навбатдаги мажлисда хабардор этиш шарти билан режадан ташқари ёки қўшимча текширишлар ўтказиш масалаларини келишиш;
- 3) Кенгаш таркибиغا ўзгартиришлар киритиш тўғрисида хукуматга таклиф киритиш;
- 4) Кенгаш номидан кечиктириб бўлмайдиган тезкор қарорлар қабул қилиш ва уни Кенгашнинг навбатдаги мажлисига киритиш.

Кенгаш раисининг мажбуриятлари:

- 1) Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг аниқ ва келишилган ҳолда фаолият кўрсатишини таъминлаш;
- 2) Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик фаолиятига асоссиз аралашувларга йўл қўйилмаслиги юзасидан шахсан жавоб бериш;
- 3) Кенгаш мажлисларининг мунтазам ўтказиб турилишини таъминлаш.

#### **4-§. Кенгашинг иш тартиби**

Кенгаш мажлисларида куйидаги масалалар кўриб чиқилади:

- 1) барча назорат қилувчи органлар томонидан худудлар ва текшириладиган хўжалик юритувчи субъектлар кесимида текширишларнинг йиллик ва чораклик мувофиқлаштирувчи режаждавларини тасдиқлаш;
- 2) Кенгаш томонидан тасдиқланган текширишларнинг режаждавалига назорат қилувчи органлар томонидан амал қилиниши, текширишларни мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахсларига нисбатан таъсир чораларини кўриш;

3) хўжалик юритувчи субъектларнинг назорат қилувчи органлар томонидан улар фаолияти текширишининг қонунийлиги устидан берилган аризаларни кўриб чиқиш;

4) назорат қилувчи органлар раҳбарларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни тартибга солиш ва такомиллаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши тўғрисидаги хисоботларини эшитиш;

5) назорат қилувчи органларнинг режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқиш.

Кенгашинг иш режаси Кенгашинг ўзи томонидан тасдиқланади ва Ўзбекистон Республикасининг барча назорат қилувчи органлари ва уларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни амалга оширувчи бўлинмалари учун мажбурий хисобланади.

Кенгаш мажлислари заруратга қараб, лекин чоракда камида бир марта ўтказилади. Кенгаш унинг шахсий таркиби аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этганда ваколатли хисобланади. Кенгаш қарорлари мажлис иштирокчиларининг оддий қўпчилик

овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг келиб қолганда қарор қабул қилиш бўйича Кенгаш раиси устувор ҳуқуққа эга бўлади.

Алоҳида ҳолларда Кенгаш қарорлари Кенгаш аъзолари билан келишган ҳолда сўров ўтказиш йўли билан қабул қилиниши мумкин.

Текширишларнинг мувофиқлаштирувчи режа-жадвалларини тузиш учун Кенгаш томонидан белгиланган муддатлар ва тартибда барча назорат қилувчи органлар худудлар ва текшириладиган хўжалик юритувчи субъектлар кесимида режали текширишлар ўтказиш жадвалини келишиш учун тақдим этадилар. Мазкур режаларни шакллантириш ва назорат қилиш Кенгаш томонидан тасдиқланган тартибда амалга оширилади.

Комплекс текширишларни тартибга солиш ва шакллантириш мақсадида Кенгаш назорат қилувчи органлар томонидан тақдим этилган текширишлар ўтказиш муддатларини ўзгартириш ва мазкур ўзгартиришларни ўзи томонидан ишлаб чиқилган жадвалда тасдиқлаш ҳуқуқига эга.

Кенгаш томонидан текширишларнинг режа-жадвали тасдиқлангандан сўнг улар худудий комиссиялар, барча назорат қилувчи органларга юборилади ва ижро учун мажбурий хисобланади.

Ҳар кандай хўжалик юритувчи субъектларни режадан ташқари текширишлар зарур ҳолларда Кенгаш қарори асосида ўтказилади.

Марказда ва жойларда Кенгашнинг розилигини олмасдан текшириш ўтказишни амалга оширувчи назорат қилувчи органларнинг раҳбарлари, кенгаш тақдимномасига кўра белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

## 5-§. Кенгашнинг ишчи органи

### 5.1. Кенгашнинг ишчи органлари тушунчаси

Кенгаш ишини ташкилий жиҳатдан республика ишчи органи бўлган ЎзР Давлат солик қўмитаси марказий аппаратининг Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бошкармаси таъминлайди.

Худди шундай Кенгашнинг худудий ишчи органлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида вилоят солик органларининг Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимлари ҳамда тегишли шаҳар ва туманлар солик органларининг масъул мутахассислари томонидан олиб борилади.

## **5.2. Кенгаш ишчи органларининг вазифалари**

Кенгаш ишчи органларининг вазифалари кўйидагилардан изборат:

1) Кенгаш (ва унинг ҳудудий комиссиялари) мажлисларини тайёрлаш ва ташкилий жиҳатдан тъминлаш;

2) Кенгаш иши учун зарур бўлган барча хужжатларни шаклантириш ва келишиш: материалларни йигиш ва таҳлил қилиш, таклифлар, қарор лойиҳалари, ташкилий иш режалари ҳамда текширишлар жадвалини ўрганиш ва тайёрлаш, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ишлари натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш, текширишларни назорат қилиш ва тартибга солиш натижалари тўғрисидаги хисобот ва маълумот хужжатларини тайёрлаш.

Республика ишчи органи кенгаш ишига тайёргарлик кўриш учун унинг номидан назорат қилувчи органлар ва ҳудудий комиссиялардан зарур хужжатларни талаб қилиши ва олиш ҳукуқига эга.

### **2- б о б . ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШДА НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИНГ ВА ТЕКШИРИЛУВЧИ ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

#### **1-§. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишда назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

##### **1.1. Мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари**

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чоғида ўз ваколатлари доирасида қўйидаги ҳуқуқларга эга:

1) текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлардан текшириш ўтказиш билан бевосита боғлиқ бўлган зарур хужжатлар ва бошқа ахборотларни талаб қилиш;

2) текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларга аникланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

3) тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар мулкдорлари олдига айбдор шахсларининг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қўйиш;

4) текширувга аудиторлик ташкилотларини ва (ёки) экспертиларни белгиланган тартибда шартнома асосида жалб этиш;

5) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда молиявий ёки маъмурий жазо чораларини қўллаш;

6) режали текширишларни ўтказиш муддатини кўчириш тўғрисида, башарти бунга объектив асослар бўлса, махсус ваколатли органга тақдимнома киритиш.

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг қонуний талаблари текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажариш учун мажбурийдир.

## **1.2. Мансабдор шахсларнинг мажбуриятлари**

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чоғида ўз ваколатлари доирасида куйидагиларни бажаришга мажбурдирлар:

1) текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларга текшириш ўтказиш ҳукуқини берувчи зарур ҳужжатларни кўрсатиш;

2) хўжалик юритувчи субъектлар ишлашига халал бермаслик;

3) текширишларни қайд этиш дафтарига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёзиб қўйиш;

4) давлат сири, тижорат ёки бошқа сирлар сакланишини таъминлаш;

5) текширув натижаларини далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштириб, унинг бир нусхасини текширилаётган хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолдириш;

6) ҳукуқбузарлик ҳоллари аниқланган тақдирда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш.

Текширувчи органлар ва уларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралашибга ҳақли эмас.

Агар текширувчи органлар ва уларнинг мансабдор шахслири хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятида қонунчилик бузилганигини аниқласалар, улар ўзларига берилган ваколат доирасида ва муайян қоидабузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чора-тадбирларни кўришлари мумкин. Текширувчи органлар ва уларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик ҳолати мавжудлигидан хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа қонуний фаолиятига аралашиб ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланишга ҳақли эмас.

(Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 37 банди)

## **2-§. Текширилувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

### **2.1. Текширилувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг хуқуқлари**

**Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар қўйидаги  
хуқуқларга эга:**

1) ўз фаолиятлари текширилиши тўғрисидаги тегишли ахборотга эга бўлиш, яъни тадбиркорлик субъектлари уларда ўтказиш мўлжаланаётган ёки ўтказилаётган режали ёки бошлаб юборилган режадан ташқари текшириш ҳақидаги ва улар фаолиятини текширишни амалга оширишга рухсат олган назорат органларининг номи тўғрисидаги ахборотни Кенгаш ёки вилоят комиссиясининг ишчи органларидан бепул олишга ҳақлидирлар. Тегишли ахборотни олиш режали текширишлар тўғрисидаги ахборотни матбуотда чоп этиш йўли билан ҳам таъминланиши мумкин.

2) назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан маҳсус ваколатли орган ёки унинг худудий бўлинмалари қарорини, текшириш ўтказиш учун асос ҳисобланувчи бошқа хужжатларни талаб қилиш, текширувчиларнинг шахсини тасдиқловчи хужжатлар билан танишиш;

3) текшириш ўтказиш учун асосга эга бўлмаган шахсларнинг текшириш ўтказишига йўл қўймаслик;

4) назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларининг ваколатига кирмайдиган масалаларга оид талабларни бажармаслик ва текшириш предметига тааллукли бўлмаган материаллар билан уларни таништираслик;

5) назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан текшириш тугаганидан сўнг ўн кун муддат ичida текшириш натижаларини акс эттирувчи хужжатнинг бир нусхасини олиш;

6) конунда белгиланган тартибда текшириш натижалари устидан шикоят қилиш.

(Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 38 банди)

## **2.2. Текширилувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбуриятлари**

Хўжалик юритувчи субъектлар текширувчиларнинг қонуний талабига биноан текшириш ўтказиш учун зарур бўлган материаллар ва хужжатларни тақдим этишга, уларни текшириш обьектларига киритишига, текширувчиларга ўз вазифаларини бажаришлари учун кўмаклашишга мажбурдирлар.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 39-моддасига мувофиқ ЎзР Савдо-саноат палатасига аъзо тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар мазкур Палата вакиллари иштирокида амалга оширилиши мумкин.

### **III бўлим . ТЕКШИРИШЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ КИТОБИ**

#### **1-боб . ТЕКШИРИШЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ КИТОБИ ТУШУНЧАСИ, ЮРИТИШ ВА ТЎЛДИРИШ ТАРТИБИ**

##### **1-§. Текширишларни рўйхатга олиш китоби тушунчаси**

Текширишларни қайд этиш дафтари – ўтказилган текширишлар тўғрисидаги ахборот ёзиб қўйиладиган маҳсус дафтар.

(«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиши тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг З-моддасига қаранг)

Текширишларни рўйхатга олиш китоби деганда назорат қилувчи ва хукуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъект фаолиятини текширишлар тўғрисидаги ахборот киритиладиган расмий хужжат ҳисобланувчи текширишларни ҳисобга олиш маҳсус китоби тушунилади.

Текширишларни рўйхатга олиш китоби мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан юритилади.

Шуни ёдда тутиш лозимки, Текширишларни рўйхатга олиш китоби тадбиркорлик субъектларини назорат қилувчи органларнинг хукуққа хилоф ҳаракатларида ҳимоя қиласи, шунинг учун, биринчи навбатда тадбиркорларнинг ўзлари уларни сотиб олишдан ва лозим даражада тўлдирилишидан манфаатдор бўлишлари керак.

##### **2-§. Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш ва тўлдириш тартиби**

Текширишларни рўйхатга олиш китоби белгиланган намунага мувофиқ бўлиши, қаттиқ муқова билан қопланган ва рақамланган, тикилган, вараклар сони ва Китобни юритиш санаси кўрсатилган холда хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг имзоси ва муҳри (якка тартибдаги тадбиркор учун – агар у мавжуд бўлса) билан тасдиқланган бўлиши керак.

Адлия органлари томонидан ҳисоби юритиладиган Текширишларни рўйхатга олиш китобида хўжалик юритувчи субъектнинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили), унга берилган солик тўловчининг идентификация рақами (СТИР) тўғрисида маълумотлар бўлиши лозим.

Текширувчи мансабдор шахслар текшириш бошланишидан олдин хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарини (якка тартибдаги тадбиркорни, хўжалик юритувчи субъект раҳбари бўлмаган тақдирда – унинг вазифасини бажарувчи шахсни) текшириш мақсади ва шартлари билан таништириши, қонунчиликда белгиланган хужжатларни тақдим этиши, Текширишларни рўйхатга олиш китобига (1-сонли илова) тегишли ёзувлар киритиши лозим(1-ИЛОВА).

Текширувчи мансабдор шахс Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдиришдан бош тортса, у текширишга қўйилмайди.

(Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 28–29 бандлар)

**Текширишларни рўйхатга олиш  
КИТОБИ**

(хўжалик юритувчи субъектнинг тўлиқ номи)

(хўжалик юритувчи субъектнинг жойлашган ери (почта манзили)

(солик тўловчининг идентификация рақами)

T/p	Назорат ёки хукуқни муҳофаза қилувчи органнинг номи	Текширувчининг исми, фамилияси, отасининг исми ва гувоҳнома рақами	Аудиторлик ташкилотининг номи (лицензия берилган сана, рақами ва амал қилиш муддати), аудитор, экспертнинг Ф.И.О. (шахсини тасдиқловчи хужжат)	Текшириш ўтказиш учун асос; жиноий иш рақами	Текшириш тури ва мақсади
1	2	3	4	5	6

Текшириш ўтказиш учун белгиланган муддатлар	Текширишини бошлаш ва тугатиш санаси ва вақти	Текширишнинг аниқ давом этган вақти	Талаб қилинган хужжатлар	Текшириш жараёнидаги кўрилган чоралар	Хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг (якка тадбиркорнинг) фикри
7	8	9	10	11	12

Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш 2-иловада кўрсатилган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади

(Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 1-ИЛОВА)

**Хўжалик юритувчи субъектнинг  
Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш  
ҚОИДАЛАРИ**

1. Текширувчи орган 2–7, текширилувчи хўжалик юритувчи субъект 8–12 устунларни тўлдириши шарт.

2. Иккинчи устунда текширувчи органнинг тўлиқ расмий номи, унинг почта манзили, раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми, у бўлмаган тақдирда – унинг вазифасини бажарувчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

3. Учинчи устунда текширувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, гувоҳнома (шу жумладан маҳсус гувоҳнома) рақами, гувоҳномани берган идора номи, гувоҳноманинг амал қилиш муддати кўрсатилади. Текширишларни рўйхатга олиш китоби тўлдирилгандан ва текшириш тугагандан сўнг мансабдор шахс – текшириш раҳбари ушбу устунга Китобга қайд қилинган ёзувларни тўғрисида ёзув киритади ва сана ва вақтни кўрсатган ҳолда унинг имзоси билан тасдиқланади.

4. Тўртинчи устунда аудиторлик ташкилоти ва/ёки эксперт жалб этилган тақдирда, аудиторлик ташкилотининг номи, лицензия берилган сана, рақами ва амал қилиш муддати, аудитор ва/ёки экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми, шахсини тасдиқловчи гувоҳнома рақами кўрсатилади.

5. Бешинчи устунда текшириш ўтказиш режа-жадвалини тасдиқлаган орган номи ва уни тасдиқлаш санаси; буйруқни чиқарган мансабдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, буйруқни тасдиқлаш рақами ва санаси; қўзғатилган жиноят иши иш билан боғлиқ текширишни тайинлаш тўғрисида қарор чиқарган мансабдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, қарорнинг санаси, шунингдек жиноят ишининг рақами кўрсатилади.

6. Олтинчи устунда текшириш турининг тўлиқ номи (режали текшириш, режадан ташқари текшириш, қисқа муддатли текшириш, муқобил текшириш, назорат тартибида текшириш) ва мақсади кўрсатилади. Текшириш турининг номи текшириш ўтказиш режа-жадвали ва буйруқда кўрсатилган номга, мақсади эса – буйруқда кўрсатилганига мувофиқ бўлиши лозим.

7. Еттинчи устунда текшириш ўтказиш муддати кўрсатилади. У текшириш ўтказиш режа-жадвалида кўрсатилган муддатдан ошмаслиги лозим.

8. Саккизинчи устунда ҳар куни текшириш ўтказишни бошлиш ва тугатиш вақти, санаси кўрсатилади. Ушбу устунда зарур ҳолларда текширувчи мансабдор шахсларнинг хўжалик юритувчи субъектнинг ички тартибида белгиланган иш вақти тугаганидан кейинги фаолияти ҳақида маҳсус белгилар қўйилади.

9. Тўққизинчи устунда текширишнинг ҳақиқатан давом этган календарь муддати кўрсатилади.

10. Ўнинчи устунда талаб қилинган ҳужжатларнинг тўлиқ номи кўрсатилади. Ушбу устунда талаб қилинган ҳужжатлар тавсифи текшириш ўтказиш режа-жадвали ҳамда буйруқда кўрсатилган текшириш тури ва мақсадларига мос келмаган ҳолда маҳсус белгилар қўйилади.

11. Ўн биринчи устунда хўжалик юритувчи субъектга нисбатан белгиланган тартибида кўрилган чоралар (ишлаб чиқаришни тўхтатиш, омборни ёки бутунлай корхонани муҳрлаш, пул маблағларидан ва/ёки хом ашёдан фойдаланишни таъкиқлаш, молия ва бошқа ҳужжатларни олиб қўйиш ва х. к.) кўрсатилади.

12. Ўн иккинчи устунда хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг (якка тартибдаги тадбиркорнинг) «Розиман», «Рози эмасман», «Эътиrozлар билан розиман» шаклларидағи фикри кўрсатилади. «Рози эмасман» шаклидаги фикр кўрсатилган ҳолда хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор) бунинг асосланган сабабларини кўрсатади. «Эътиrozлар билан розиман» шаклидаги фикр кўрсатилган ҳолда асосланган эътиrozлар келтиради. Текширишларни рўйхатга олиш китоби тўлдирилгандан ва текшириш тугагандан сўнг хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор, хўжалик юритувчи субъект раҳбари бўлмаган тақдирда – унинг вазифасини бажарувчи шахс) ушбу устунга Китобга қайд қилинган ёзувларни тўғрилиги ҳақида сана ва вақтни кўрсатган ҳолда ўзининг имзоси билан тасдиқлайди.

Текширишларни рўйхатга олиш китобида ўчириб ёзиш ва бўяш тақиқланади. Тўғрилашлар хато ёзувлар ўчирилиб, керакли маълумотларни устидан қайта ёзиш ёки қўлда устидан ёзиш йўли билан амалга оширилиши лозим. Ҳар бир бундай тўғрилаш мансабдор шахс-текшириш раҳбарининг ва хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор)нинг имзоси билан тасдиқланади.

(Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 2-ИЛОВА)

---

## IV бўлим. ТЕКШИРИШЛАРНИ ЎТКАЗИШ МУДДАТЛАРИ. ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

### 1-боб. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШЛАР ЎТКАЗИШ МУДДАТЛАРИ

**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш муддатлари ўттиз календарь кунидан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда маҳсус ваколатли органнинг қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин.**

*(«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиши тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 11-моддасига қаранг)*

Назорат қилувчи органлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ўтказиладиган текширишлар муддатини узайтиришга ҳақли эмас. Яъни, режали текширишлар 30 кунлик муддатда амалга оширилади. Текширишлар ўтказиш муддатини узайтириш зарур бўлган ҳолларда назорат қилувчи орган белгиланган тартибда асосли сабабларни кўрсатган ҳоолда маҳсус ваколатли органга мурожаат қилиши лозим. Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солик соҳасида текшириш муддатларини қонун хужжатларида уларни ўтказиш кўзда тутилган максимал муддатдан, яъни 30 календарь кунидан ортиқ муддатга узайтирилишига йўл қўйилмайди.

Маҳсус ваколатли орган бўлиб Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши хисобланади. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш мурожаатни кўриб чиқиб, хўжалик юритувчи субъект фаолиятини текшириш муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қиласи.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ўтказиш, уларни ўтказиш муддатларини кўчириш, уларга назорат қилувчи органларини жалб этиш тўғрисидаги қарорлар ҳамда текширишлар ўтказиш ва уларни мувофиқлаштириш билан боғлиқ бошқа масалалар кенгаши раиси (унинг ўринбосарлари) то-

монидан ўз ваколатлари доирасида имзоланадиган қарор ёки хат билан расмийлаштирилади.

Тегишли асослар (тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари, бош бухгалтерларининг йўқлиги, бошқа асосли сабаблар) бўлганда текширишлар ўтказиш муддатини ўзгартиришга Кенгаш қарори билан, режали текширишларни уларни ўтказиш имкони бўлмаганлиги ёки уларда айрим назорат қилувчи органлар ҳудудий бўлинмалари иштирок этиши мумкин бўлмаганлиги сабабли бирмунча кейинроқ муддатларга кўчиришга эса вилоят комиссияларининг қарори билан йўл қўйилиши мумкин.

## **2-б о б . МАЪЛУМОТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА УНИ ТЕКШИРИЛУВЧИ ШАХСГА БЕРИШ**

Текширишлар натижалари далолатнома (маълумотнома) билан, зарур холларда эса – аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатма билан ҳам расмийлаштирилади.

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чоғида ўз ваколатлари доирасида текширув натижаларини далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштириб, унинг бир нусхасини текширилаётган хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолдиришга мажбурдирлар:

Текшириш натижаларидан норози бўлган тақдирда, хўжалик юритувчи субъектлар қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиш хуқуқига эга.

Шунингдек, ўтказилган текшириш натижаларига рози бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар низоли масалаларга аниқлик киритиш учун назорат қилувчи органларнинг юкори бўлинмаларига ёзма мурожаат қилиш хуқуқига эга. Низоли масалаларга назорат қилувчи органларнинг юкори бўлинмалари Кенгаш (вилоят ёки туман комиссиялари) билан қўшимча равишда келишмасдан туриб, фақат якка тартибдаги тадбиркорларнинг мурожаатларида кўрсатилган масалалар юзасидангина аниқлик киритадилар.

## **В бўлим . АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИ ЎТКАЗИШ**

Текширувга аудиторлик ташкилотлари ва (ёки) экспертлар жалб этилгани тақдирда, назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси томонидан назорат қилувчи орган ва аудиторлик ташкилоти ва (ёки) эксперт ўртасидаги шартноманинг кўчирма нусхаси албатта тақдим этилади. Шартномада аудитор ва (ёки) экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи ва лавозими кўрсатилган бўлиши керак. Аудитор ва (ёки) эксперт хулосасининг тўғрилиги ва унинг Қонун хужжатларига мувофиқлиги учун аудиторлик ташкилоти ва (ёки) экспертнинг жавобгарлиги тузиладиган шартноманинг зарурый шарти ҳисобланади. Аудиторлик текширувлари ва экспертизаларни ўтказиш харажатлари назорат қилувчи органлар ҳисобига амалга оширилади.

*(«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиши тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг б-моддасига қаранг)*

Назорат қилувчи органлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида текшириш ўтказишида мутахассисларни, шу жумладан аудиторлар ёки эксперталарни жалб этиш ҳукуқига эга. Жалб этиш текширувчи орган ҳамда аудиторлик ташкилоти ёки эксперт ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом (рўйхат рақами 1650, 2006 йил 29 декабрь) нинг 18-бандига мувофиқ аудиторлик ташкилотлари ва/ёки эксперталар жалб қилингандан текширувчи орган ҳамда аудиторлик ташкилоти ва/ёки эксперт ўртасида тузилган шартнома нусхаси албатта хўжалик юритувчи субъектга тақдим этилади. Шартномада аудитор ва/ёки экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи ва мансаби кўрсатилган бўлиши лозим.

Аудиторлик ва/ёки эксперт хулосасининг тўғрилиги ҳамда унинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлиги юзасидан аудиторлик ташкилоти ва/ёки экспертнинг жавобгарлиги тузиладиган шартноманинг зарурый шарти ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилотлари ва/ёки эксперталарнинг харажатлари, аудиторлик текширувлари (экспертиза) ўтказиш харажатлари текширишларни тайинлаган текширувчи органлар ҳисобидан амалга оширилади.

---

## **VI бўлим. ТЕКШИРИШ НАТИЖАСИДА ХУҚУҚБУЗАРЛИК ҲОЛЛАРИ АНИҚЛАНГАН ТАҚДИРДА КЎРИЛАДИГАН ЧОРАЛАР. ШИКОЯТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

### **1-б о б . ТЕКШИРИШ НАТИЖАСИДА ХУҚУҚБУЗАРЛИК ҲОЛЛАРИ АНИҚЛАНГАН ТАҚДИРДА КЎРИЛАДИГАН ЧОРАЛАР**

**«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 20-моддасига асосан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда молиявий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади.**

#### **Куйидаги хуқуқий таъсир чоралари:**

фаолиятни тугатиш;

атроф табиий муҳитга заарли таъсир кўрсатаётган обьектлар фаолиятини тугатиш ва (ёки) қайта ихтисослаштириш;

фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно;

банклардаги ҳисобвараклар бўйича операцияларни тўхтатиб кўйиш, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

молиявий жазо чораларини қўллаш, бундан соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пеня ҳисоблаб чиқариш, шунингдек ташкилот ёки фуқаронинг содир этилган хуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлганлиги ва молиявий жазо чоралари суммаларини ихтиёрий равишда тўлаганлиги ҳоллари мустасно;

хуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш;

тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун лицензияларнинг (руҳсатномаларнинг) амал қили-

шини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ёки уларнинг амал қилишини тугатиш ва лицензияларни (руҳсатномаларни) бекор қилиш, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензиялар (руҳсатномалар) мустасно.

**каби хукукий таъсир чоралари тадбиркорлик субъектларига нисбатан фақат суд тартибида қўлланилади.** (ЎЗР Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли «Тадбиркорлик субъектларини хукукий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони).

## **2-боб. НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИНГ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ ВА ҚАРОРЛАРИ УСТИДАН МАЪМУРИЙ ОРГАНЛАРГА ШИКОЯТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

### **1-§. Судга ёки юқори турувчи орган ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилиш**

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан бевосита судга ёки бўйсуниш тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилиниши мумкин. Шикоятни бериш назорат қилувчи орган мансабдор шахсининг ҳаракатларини тўхтатиб қўймайди. Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан қилинган шикоятлар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

### **2-§. Адлия вазирлигига мурожаат қилиш**

Шунингдек. ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 авгуstdаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан тадбиркорлик субъектлари Адлия вазирлигига мурожаат қилиш хукуқига эгалар.

#### **2.1. Тадбиркорлар хукуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси**

ВМ 57 сонли қарорига асосан вазирликда 2000 йилда Тадбиркорлар хукуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ташкил этилган. Бошқарма худудий адлия органларида ўзининг бўлимларига эга.

## **2.1.1. Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармасининг асосий функциялари**

Бошқарманинг тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасидаги асосий функциялари қуидагилардан иборат:

1) ҳуқуқий таъминот самарадорлигини оширишга ва тадбиркорликни ривожлантиришга, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

2) янгидан ташкил этилаётган ва фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солиш ҳамда уларни қўллаб-куватлаш бўйича барча қонун хужжатларига ва норматив-ҳуқуқий хужжатларга қатъий риоя қилиниши устидан назоратни таъминлайди;

3) тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кичик корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратиш бўйича қонунчиликни қўллаш амалиётини ўрганади, уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

4) назорат қилувчи органлар ўтказаётган текширишларнинг қонунийлиги устидан назоратни таъминлайди;

5) тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича чоралар кўради;

6) жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар материалларини белгиланган тартибда ўрганади;

7) давлат тузилмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний ҳолатларини тегишли маълумотлар базасини шакллантирган ҳолда аниқлади, ўрганади ва мониторингни амалга оширади;

8) тадбиркорлик субъектларининг уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатлари бўйича мурожаатларини кўриб чиқади, кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида уларни хабардор қиласди.

(Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низом 6 банди)

## **Фойдаланилган норматив-хуқуқий ҳужжатлар рўйхати**

1) ЎзР Президентининг 2010 йил 20 майдаги ПФ-4219-сонли «ЎзР Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида» 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ-2114-сон Фармонига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Фармони;

2) ЎзР Президентининг 1996 йил 8 августдаги ПФ-1503-сонли «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи орнлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони;

3) ЎзР Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони;

4) ЎзР Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги ПФ-4296-сон «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони;

5) ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 ноябрдаги 496-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори;

6) ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги 57-сонли «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рафбатлантириш бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи Кенгashi фаоллаштириш тўғрисида»ги қарори;

7) Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг 2010 йил 24 февралдаги 01-сонли «Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида Низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1573-1, 2010 йил 17 май);

8) Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисида Низом (рўйхат рақами 1712, 2007 йил 3 сентябрь);

9) Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида Низом (рўйхат рақами 1650, 2006 йил 29 декабрь);

10) Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида Низом (рўйхат рақами 1573, 2006 йил 6 май);

# V қисм. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЧЕКЛОВЧИ ЧОРАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

## I бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Молиявий жарима норматив-хуқуқий хужжатларнинг тегишли талабларини бузганлиги учун тадбиркорлик субъектлари учун нокулай оқибатларни, яъни турли хил жарималар тўлашни келтириб чиқаришни назарда тутади. Шарҳланаётган моддада тадбиркорлик субъектлари назорат органларининг текширишлар натижалари бўйича кўрсатмаларини бажарган ва бошқа ҳолларда уларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилмаслигини белгиловчи норма ўрнатилган.

Бироқ тадбиркорлик субъектлари назорат органларининг текширишлар натижалари бўйича кўрсатмаларини бажарган, шунингдек заарнинг ўрнини белгиланган муддатларда ва тўла ҳажмда ихтиёрий равишда қоплаган, шу жумладан пеня тўлаган тақдирда, уларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилмайди («Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг **39<sup>1</sup>-моддаси**).

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрдаги ЎРҚ-50-сонли Қонунига<sup>109</sup> мувофиқ **40<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилган.

Ушбу моддада тадбиркорлик субъектларига нисбатан хуқуқий таъсир чораларининг қўлланилиши (шу жумладан, молиявий жавобгарликка тортиш) маъмурий тартибдан суд тартибига ўтказилиши қонун даражасида мустаҳкамланди. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан уларнинг фаолиятини чекловчи бу каби тартибнинг ўрнатилиши, шубҳасиз, республикада хуқуқни қўллаш соҳасида муҳим таркибий ўзгариш бўлди.

Ушбу чораларни қўллашнинг суд тартиби жорий этилиши юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг тадбир-

<sup>109</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006 й., 41-сон, 405-модда.

корлик фаоллигини чеклаш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда «бир томонлама» идоравий ёндашувдан кафолатланади. Тегишли хукуқий таъсир чоралари қўллаш функцияларининг фақат суд органларига ўтказилиши назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари томонидан содир этиладиган ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг қонун ҳужжатларига мослигини янада тўлиқ ва синчилаб таҳлил қилишлари, бизнес субъектлари томонидан амалдаги норматив-хукуқий ҳужжатлар талабларининг бажарилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш бўйича мажбуриятларини амалга оширишда ўз ҳаракатларининг асослилигига янада масъулият билан ёндашишларига туртки бўлади.

Шундай қилиб, мазкур Қонуннинг 40<sup>1</sup>-моддасида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини чекловчи чоралар кўрсатилган. Бунда тадбиркорлик субъектларига нисбатан қуйидаги хукуқий таъсир чоралари фақат суд тартибида қўлланилади:

**фаолиятни тугатиш;**

**атроф табиий муҳитга заарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини тугатиш ва (ёки) қайта ихтисослаштириш;**

**фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно;**

**банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;**

**молиявий жазо чораларини қўллаш, бундан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаш муддатини ўтказиб юборганилик учун пеня ҳисоблаб чиқариш, шунингдек ташкилот ёки фуқаронинг содир этилган хукуқбузарликдаги айбига икror бўлганлиги ва молиявий жазо чоралари суммаларини ихтиёрий равишда тўлаганилиги ҳоллари мустасно;**

**хукуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш;**

**тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун лицензияларининг (руҳсатномаларнинг) амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ёки уларнинг амал қилишини тугатиш ва лицензияларни (руҳсатномаларни) бекор қилиш, бундан Ўзбекистон**

**Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензиялар (рухсатномалар) мустасно.**

## **1 - б о б . ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТУШУНЧАСИ. УЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МАҶСАДЛАРИ**

Тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан қўллашилдиган ҳуқуқий таъсир чоралари – бу энг аввало, ҳуқуқий тартибот ва қонунийлик принципини таъминлашнинг воситасидир.

Ҳолбуки, ҳуқуқий тартибга солиши давлат томонидан тартибга солиши самарадорликнинг ажралмас қисмидир. Давлатнинг биринчи даражали вазифаси ижтимоий зарарли бўлган ҳаракатларни чеклашдан иборат: тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан норматив-ҳуқуқий қоидаларнинг ижро этилмаслиги, мажбуриятларнинг бажарилмаслиги, қонунчилик нормаларининг бузилиши.

### **1-§. Тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тушунчаси**

Бозор муносабатларининг ривожланиши билан ижобий ўзгаришлар кўзга ташланаётган бир пайтда қонун ҳужжатларининг бузилиши, ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилиши билан боғлиқ қўплаб салбий ҳолатларнинг мавжудлиги сабабли юридик жавобгарлик институтининг роли сезиларли даражада ортади. Айниска, бу кўпроқ иқтисодий соҳага хос бўлиб, тадбиркорлик субъектларининг фаолият кўрсатиши қўплаб мураккаб омилларга боғлиқ: даромадлилик, юқори иқтисодий таваккалчилик, ракобат, бозор коњюктураси, иқтисодиётда давлат сиёсати ва х.к.

Давлат томонидан тартибга солиш ҳар доим давлат мажбурлов кучига асосланади. Ушбу тушунча қўплаб изланишларнинг обьекти бўлиб, уларнинг аксарияти таъкидлашича, давлат мажбурлови давлатнинг иродасини ифода этиб, юридик жавобгарликка билвосита боғлиқ. Исбот талаб қилмайдиган ушбу фикрни инобатга олиб, юридик жавобгарлик тушунчасининг ўзига эътибор қаратиш лозим, чунки тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда унинг функцияларини аниқлаб олиш учун зарур. Бозорнинг ҳолати ва ривожланишини давлат томонидан

назорат қилиш алоҳида тадбиркорларнинг хўжалик фаолиятига таъсири этиш ва унга оммавий аралашишнинг асослари ва чегараларини белгилаб олишни назарда тутади.

Тадбиркорлик фаолияти соҳасида юридик жавобгарликнинг асоси бўлиб ҳуқуқбузарлик, яъни контрагент олдидағи мажбуриятларни бажармаганлик (лозим даражада бажармаганлик) учун жавобгарлик –шартнома бўйича жавобгарлик (товар, ишлар, хизматлар, юк ташиш, мажбуриятларни бажариш муддатларининг бузилиши ва ҳ.к.лар бўйича хўжалик мажбуриятларининг бажарилмаганлиги) ёки тадбиркорлик фаолиятини юритиш тартибини бузиш – шартномадан ташқари жавобгарлик хизмат қиласи (мoliajий жарималарни қўллаш, тадбиркорлик фаолияти субъекти фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш).

В.К.Мамутовнинг таъкидлашича, тадбиркорлик фаолияти субъектининг жавобгарлиги моддий (мулкий) жавобгарлик тушунчаси билан чегараланиб қолмасдан, балки янада бойроқ ва кенгроқ тушунчани англаради, чунки ҳуқуқбузарнинг мулкидан қисман маҳрум этиш (неустойка, жарима, пеня ундириш, зарарни қоплаш) билан бир қаторда, тадбиркорнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларини чеклайди: (лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш, банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш, қимматли қофозлар чиқаришни тақиқлаш ва ҳ.к.)<sup>110</sup>.

Бироқ ҳуқуқбузарликнинг салбий оқибатлари моддий кўринишдаги жавобгарликни келтириб чиқаради (масалан, муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқининг чекланиши шубҳасиз даромадаларнинг қисқаришига олиб келади). Ҳудди шу фикрни В.С.Щербина ҳам қўллаб-қувватлади. Унинг таъкидлашича, хўжалик юритувчи субъектлар жавобгарлик юзага келганда моддий кўринишдаги йўқотишлар каби салбий оқибатларни бошдан кечирадилар<sup>111</sup>.

Жавобгарлик субъектлари сифатида тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳамда бошқа иштирокчилар – давлат бошқаруви органлари (вазирликлар, идоралар, тадбиркорлик фаолиятини юритиши қоидаларига амал қилиниши устидан назорат олиб борувчи бошқа органлар) қатнашадилар.

<sup>110</sup> Кожевников С.Н. Государственное принуждение: особенности и содержание // Сов. гос. и право. 1978. 5-сон.; Каплунов А.И. Об основных чертах и понятии государственного принуждения // Государство и право. 2004. 12-сон ва бошқалар

<sup>111</sup> Хозяйственное право / Мамутов В.К. тахрири остида Киев. 2002. С.879.

Сўнгти йилларда қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-хукуқий ҳужжатлар бозор иқтисодиётини шакллантиришда давлатнинг ролини сезиларли даражада кучайтиrmоқда.

Тадбиркорлик институти мамлакатимизда мустақилликнинг қўлга киритилиши билан пайдо бўлди. Тадбиркорлик фаолиятининг асослари бир қатор норматив-хукуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган. Тадбиркорликка қонун йўли билан Ўзбекистон Республикасининг «**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**»ги Қонунида<sup>112</sup> таъриф берилган. Қонуннинг З-моддаси тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолияти эканлигини таъкидлайди.

Юридик адабиётларда юридик санкция тушунчаси ҳамда ушбу тушунчанинг жавобгарлик тушунчаси билан ўзаро алоқадорлиги тўғрисида ягона қарашлар мавжуд эмас. Бошқаларга қараганда кўпроқ эътирофга сазовор бўлган фикр – бу жавобгарлик деганда қонун ёки шартнома нормаларида назарда тутилган салбий оқибатларни бошдан кечириш ҳисобланади. Бундай тушунишда жавобгарлик чораси сифатида санкция, тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан мажбурий таъсир кўрсатиш чоралари каби жавобгарлик билан узвий алоқада бўлади.

Ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра тадбиркорлик муносабатларида қўлланиладиган жавобгарлик чоралари иқтисодий санкция сифатида тавсифланиши мумкин. Шу билан бирга, улар қонун ҳужжатларида назарда тутилган давлат мажбурлов чоралари ҳисобланади, яъни юридик характерга эга бўлади. Ушбу санкцияларнинг иқтисодий мазмуни хўжалик муносабатлари иштирокчиларининг иқтисодий манфаатларига таъсир ўтказишдан иборат. Бошқа томондан, зарарни қоплаш каби иқтисодий санкциялар тадбиркорлик фаолиятини хукуқий тартибга солиш тизимида назарда тутилган иқтисодий хукуқ ва манфаатларни ҳимоя қилишининг бир кўриниши сифатида қаралиши мумкин.

Иқтисодий санкция тушунчаси мулкий санкция фуқаролик-хукуқий тушунчаси билан мос келмайди, чунки тадбиркорлик муносабатларида қўлланиладиган ёки қўлланилиши мумкин бўлган кўплаб санкциялар мулкий санкциянинг доирасига кирмайди.

<sup>112</sup> Кожевников С.Н. Государственное принуждение: особенности и содержание // Сов. гос. и право. 1978. 5-сон.; Каплунов А.И. Об основных чертах и понятии государственного принуждения // Государство и право. 2004. 12-сон ва бошқалар.

## **2-§. Тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан хуқуқий таъсир чоралари қўллашнинг мақсадлари**

Юридик жавобгарликнинг мақсадлари унинг функцияларида намоён бўлади. Тадбиркорлик хуқуқий муносабатлари соҳасидаги юридик жавобгарликка хос бўлган функцияларни аниқлаш баробарида шундан келиб чиқиш керакки, тадбиркорлик фаолияти, энг аввало, моддий ишлаб чиқариш, товарларни тайёрлаш (сотиш) учун мулқдан фойдаланиш ҳамда мулкий характердаги жавобгарлик билан боғлиқ.

Санкциянинг функциялари қўйидагилардан иборат:

1) қўриқлаш – қонунни бузган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан тезкор таъсир чоралари қўллаш, унга нисбатан хуқуқий тартиботни ҳимоя қилиш воситаси сифатида таъсир кўрсатиш ҳамда хукуқбузарнинг ҳаракатларини тўхтатишга ундовчи восита;

2) компенсация – хўжалик юритувчи субъектга бошқа томон ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги оқибатида етказилган зарарни қоплаш;

3) жарима солувчи, яъни хукуқбузарликка йўл қўйган тадбиркорлик субъектини жазолаш;

4) тикловчи, яъни хуқуқи бузилган субъектнинг хуқуқий ҳолатини аввалги ҳолатга қайтариш.

Шундай қилиб, санкциялар – қонунни бузган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан тезкор таъсир чоралари қўллаш, унга нисбатан хуқуқий тартиботни ҳимоя қилиш воситаси сифатида таъсир кўрсатиш ҳамда хукуқбузарнинг ҳаракатларини тўхтатишга ва етказилган зарарни қоплаш, шунингдек моддий таъсир кўрсатувчи чорадир.

Санкциялар уларни қўлловчи субъектларга караб қўйидаги турларга бўлинади:

1) тадбиркорлик субъектлари томонидан аниқ хуқуқий муносабатларда қўлланилади;

2) давлат назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектига нисбатан қўлланилади. Таъкидлаш лозимки, мазкур тадқиқот давомида биз айнан ушбу йўналишдаги тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан қўлланиладиган хуқуқий таъсир чораларини ўрганиб чиқамиз.

Санкциялар қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан белгиланиши мумкин. Санкцияни қўллаш учун тегишли давлат органи судга мурожаат қилиши шарт эмас, қуйида келти-

риб ўтилган аниқ рўйхат асосида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно. Шунингдек, санкциялар уларни амалга ошириш тартиби нуқтаи назаридан суд тартибида ҳамда маъмурий тартибда қўлланиладиган турларга бўлинади.

Хўжалик муносабатларида санкциялар муайян ҳуқуқий муносабатларда юзага келувчи оқибатларга қараб қўйидаги турларга бўлинади:

**1) мажбуриятларни бажармаганлик учун келиб чиқадиган:** оператив-хўжалик, ички хўжалик, хўжалик бошқаруви ва бошқалар;

**2) жавобгарлик кўлами бўйича:** тўлиқ, чекланган ва юқори даражали.

Тадбиркорлик-хуқуқий санкциялар тадбиркорлик хуқуқбузарликларида тадбиркорлик органларининг алоҳида мансабдор шахсларига эмас, балки уларнинг ўзларига нисбатан қўлланилади ва улар фаолиятини яхшилашни қўллаб-кувватлаш, тадбиркорлик муносабатларининг аниқ иштирокчилари хуқуqlари ва қонуний манфаатлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишни кўзлади.

Тадбиркорлик-хуқуқий санкциялар тадбиркорлик муносабатларининг алоҳида турларини тартибга солувчи фуқаролик ва маъмурий қонунчиликнинг маҳсус норматив-хуқуқий хужжатлари билан тартибга солинади.

Тадбиркорлик фаолиятидаги хуқуқбузарлик қонунчиликда давлат тартиб-қоидаларининг бузилиши, тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий манфаатлари бузилиши сифатида таснифланади.

Иқтисодий соҳада тадбиркорлик муносабатларида қўлланиладиган санкциялар тизимини қўйидагилар ташкил қиласди:

- а) мулкий санкциялар;
- б) ишлаб чиқариш-ташкилий характердаги санкциялар (тезкор);
- с) иқтисодий санкциялар (хуқуқни қайта тикловчи);

Ижтимоий муносабатларнинг қайси соҳасига нисбатан қўлланилиши ва уларни қўллаш тартибига кўра санкциялар маъмурий ёки молиявий категорияларга бўлинади. Тадбиркорлик фаолиятини юритиш қоидаларини белгиловчи қонунчиликни бузганлик учун белгиланадиган санкциялар (маъмурий ёки молиявий) **Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ўтказилади**.

Иқтисодий (хуқуқни тикловчи) санкциялар тадбиркорлик фаолиятини юритиш тартибини бузганлик учун тадбиркорлик ту-

зилмалари томонидан белгиланган жавобгарлик чораси бўлиб, ноқонуний йўл билан топилган даромадни бюджетта ўтказишга қаратилган.

Ўзининг юридик табиатига кўра иқтисодий санкциялар маъмурий-ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чораси бўлиб, фаолиятнинг турли соҳаларида давлат назоратини амалга оширувчи органлар томонидан қўлланади: давлат солиқ хизмати органлари, давлат божхона хизмати органлари, табиатни муҳофаза қилиш органлари, валютани назорат қилиш органлари ва х.к.

## **2 - б о б . ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБ ҚОИДАЛАРИНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИ**

*Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўллашнинг асосий қоидалари ҳамда уларни қўллаш тартибини ифодаловчи зарур норматив-ҳуқуқий база яратилган. Тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўллаш тартибини ислоҳ этилишига замин яратган энг асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиши тизимини янада тақомиллаштириши чоратадбирлари тўгерисида»ги Фармони<sup>113</sup> бўлиб, у назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириши, тадбиркорлик фаолияти асоссиз чекланишига йўл қўймаслик, шунингдек тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишини кучайтириши мақсадида қабул қилинган.*

*Тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан уларнинг фаолиятини чекловчи ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаши масалалари миллий қонунчиликнинг деярли барча соҳаларини тартибга солиши предмети бўлиб ҳисобланади.*

Фармонда давлат солиқ хизмати органлари ҳамда молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) бўйича солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш органларининг ваколатлари тартибга солинган ва ажратилган. Фармоннинг 2-бандига мувофиқ, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) белгиланган тартибда фақат

<sup>113</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 140-модда.

давлат солиқ хизмати органлари, улар томонидан текшириш да-  
вомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган  
такдирда эса, – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
хузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга ҳамда жиноий  
даромадларни легаллаштиришга қарши кураш департаменти то-  
монидан амалга оширилади.

«Тадбиркорлик субъектларини ҳукуқий ҳимоя қилиш тизи-  
ми такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавоб-  
гарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон  
Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва  
қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси  
Қонуни<sup>114</sup> билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жа-  
вобгарлик тўғрисидаги кодекси<sup>115</sup>, Ўзбекистон Республикаси  
Божхона кодекси<sup>116</sup>, Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик ко-  
декси<sup>117</sup>, «Биржалар ва биржা фаолияти тўғрисида»ги<sup>118</sup>, «Ауди-  
торлик фаолияти тўғрисида»ги<sup>119</sup>, «Табиатни муҳофаза қилиш  
тўғрисида»ги<sup>120</sup>, «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаш-  
тириш тўғрисида»ги<sup>121</sup> Ўзбекистон Республикасининг қонунлари  
ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар  
киритилди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолияти субъектларига нис-  
батан алоҳида ҳукуқий таъсир чораларини қўллаш тартиби тегиши-  
ли соҳавий қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади: солиқ,  
банк, божхона қонунчилиги, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги  
қонунчилик, шаҳарсозлик қонунчилиги ва ҳ.к.

**Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси<sup>122</sup> (кейинги  
ўринларда – ЎзР СК)** солиқка оид ҳукуқбузарликлар содир этган-

<sup>114</sup> Хозяйственное право / Мамутов В.К. таҳрири остида Киев. 2002. С.879

<sup>115</sup> См: Щербина В.С. Господарське право Украши. Кшв. 1999. С. 163.

<sup>116</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й.,  
5–6-сон, 140-модда.

<sup>117</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й.,  
2-сон, 36-модда.

<sup>118</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й.,  
4-5-сон, 63-модда.

<sup>119</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й.,  
9-10-сон, 171-модда.

<sup>120</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 23–24-  
сон, 167-модда

<sup>121</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 41-сон,  
405-модда.

<sup>122</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й.,  
3-сон.

лик учун тегишли жавобгарлик чоралари қўлланилишини назарда тутади. Таъкидлаш лозимки, тарихий нуқтаи назардан молиявий жавобгарлик солиқ жавобгарлигини келтириб чиқарган. Сабаби солиқ қонунчилиги узоқ давр мобайнида молия ҳукуқининг таркибий қисми сифатида қараб келингган. Шунинг учун уни бузгандик учун жавобгарлик ҳам молиявий жавобгарлик ҳисобланган. Ушбу атама банк қонунчилиги, валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонунчилик ва х.к.лар каби молия соҳасининг бошқа ҳукуқбузарликларига нисбатан қўлланилиши ҳам тасодифий эмас.

Содир этилган солиққа оид ҳукуқбузарлик учун жаваобгарлик қўллашнинг яққол кўриниши – бу солиқ санкцияларини қўллашдир. ЎзР СК (112-модда) солиқ санкцияларини фақат пул ундириш (жарималар ва пеня) тарзида қўлланилишини назарда тутади. ЎзР СКнинг 112–121-моддалари молиявий санкция тушунчаси, уларни қўллаш тартибини белгилайди ҳамда солиққа оид ҳукуқбузарликлар турлари ва уларни содир этганлик учун қўлланиладиган жавоабгарлик чораларини очиб беради.

Мисол тариқасида солиқ санкцияларини қўллашнинг қонуний тартибга солинганлигига ЎзР СКнинг 117-моддасини келтириш мумкин бўлиб, фаолият билан лицензиясиз ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланганлик учун жарима тариқасидаги жавоабгарликни назарда тутади. Яна бир мисол – Кодекснинг 120-моддасида кўрсатилганидек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузиш тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун, тўлов куни ҳам шунга киради, 0,05 фоиз миқдорида пеня ҳисоблашга сабаб бўлади.

Таъкидлаб ўтамизки, божхона хақидаги қонун ҳужжатларини бузишнинг айрим турлари учун юридик шахсларнинг ва юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланаётган шахсларнинг жавобгарлигини тартибга солувчи **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси**<sup>123</sup> (15-боб) ҳам тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳукуқий таъсир чораларини қўллаш тартиби бўйича норматив-ҳукуқий манба бўлиб ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан божхона иши соҳасига оид қонунчиликнинг бузилиши учун жавобгарлик ҳукукнинг

<sup>123</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 2-сон, 36-модда.

турли соҳалари билан тартибга солинади, бу эса, божхона қонунчилигининг комплекс характерга эканлигидан далолат беради. Тадбиркорлик субъектлари томонидан божхонани тартибга солиш соҳасида талабларга амал қилмаслик номоддий (масалан, муайян фаолият билан шуғулланиш хуқуқидан маҳрум қилиш) ёки моддий (масалан, жарима) кўринишидаги санкцияларнинг қўлланишига сабаб бўлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 167-моддасида божхона тўловларидан ғайриқонуний озод қилишга ёки уларни камайтиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар учун жарима тариқасидаги жавобгарлик белгиланган. Таъкидлаш лозимки, шахсий хуқуқий муносабатлардан фарқли ўлароқ, оммавий хуқуқда, хусусан, божхона хуқуқида жавобгарлик, қоида тариқасида, жабрланувчининг хошиш иродасидан ва етказилган заرارдан қатъи назар келиб чиқади.

**Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (кейинги ўринларда – ЎзР МЖтК) ҳам тадбиркорлик субъектларига нисбатан хуқуқий таъсир чораларини қўллаш тартиби бўйича қонунчилик манбаи сифатида қаралади. Маъмурий жавобгарлик деганда, ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан хуқуқбузарларга нисбатан белгиланган процесдуал тартибда маъмурий таъсир кўрсатиш чоралари тушунилади.

Ушбу чоралар маъмурий-хуқуқий нормаларнинг кораловчи (жарима) ва тикловчи санкцияларида ўз ифодасини топган бўлиб, маъмурий хуқуқбузарлик содир этилишида айбдор бўлган тадбиркорлик субъектининг шахси (юридик шахс – тадбиркорлик фаолияти субъектининг мансабдор шахси ёки якка тартибдаги тадбиркор) ҳамда у томонидан содир этилган ҳаракатга нисбатан давлат ва жамоат айловини қўллашдан иборат. Маъмурий жавобгарлик чоралари хуқуқбузар бошидан кечиришга мажбур бўлган шахсий, мулкий, ташкилий характердаги салбий оқибатларда намоён бўлади.

Маъмурий жавобгарлик санкциянинг қатъийлиги ва оғирлигига кўра, масалан, жиноий жавобгарлиқдан бирмунча фарқ қиласи: судланганликни келтириб чиқармайди, оғир хуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди. Маъмурий жавобгарлик фақатгина ЎзР МЖтК ёки бошқа норматив-хуқуқий хужжатларда айнан кўрсатилган хуқуқбузарлик содир этилган тақдирдагина келиб чиқади. XIII боб савдо, тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги хуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик масалаларини тартибга солади. Масалан, ЎзР МЖтКнинг 164-моддасида сав-

до ёки хизмат кўрсатиш коидаларини бузганлик учун жарима тариқасидаги маъмурий жавобгарлик белгиланган.

**Банк қонунчилиги** ҳам тадбиркорлик субъектларига нисбатан уларнинг фаолиятини чеклаш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солиша алоҳида аҳамият касб этади. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг<sup>124</sup> 29-моддасига мувофиқ, банк мажбурий резерв талабларининг энг кам миқдорини сақлаб туриш тўғрисидаги қоидаларни бажармаган тақдирда Марказий банк қатъий тартибда бу банқдан етишмаётган маблағ суммасини, шунингдек қайта молиявий таъминлашнинг икки ставкасидан ошмайдиган миқдорда жарима ундириб олади.

Кўрсатилган Қонуннинг 53-моддасида белгиланишича, банклар ва уларнинг филиаллари иқтисодий нормативларни белгиловчи банкларга оид қонун хужжатларини бузган тақдирда, Марказий банк устав капиталининг энг кам миқдоридан 0,1 физигача жарима ундириш ёхуд айrim операцияларни ўтказишни олти ойгача бўлган муддатга чеклаб қўйиш хукуқига эга. Агар йўл қўйилган тартиб бузилишлар ёки банк ўтказаётган операциялар омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларига аниқ хавф туғдирган бўлса, Марказий банк банкка нисбатан унинг фаолиятини чекловчи бир қатор чораларни кўллашга, хусусан банкнинг айrim банк операцияларини амалга оширишини бир йилгача бўлган муддатга, филиаллар очишни ҳам шунча муддатга тақиқлаб қўйишга, шунингдек банк операцияларини амалга ошириш хукуқини берувчи лицензияни қайтариб олишга ҳақлидир ва х.к.

Қонуннинг ушбу талабларидан келиб чиқиб, Банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий хужжатларни бузганликлари учун Марказий банк томонидан тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисида низом<sup>125</sup> (рўйхат рақами 622, 1999 йил 5 февраль) қабул қилинган. Мазкур Низомга асосан, ЎзР Марказий банки банк операцияларини амалга ошириш тартибини белгиловчи қонун хужжатлари, норматив хужжатлар ва тартибларни бузган банкларга нисбатан жарима санкцияларини қўллаши мумкин.

<sup>124</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4–5-сон, 63-модда.

<sup>125</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9–10-сон, 171-модда.

Ўз навбатида, банкларга нисбатан жарима санкциялари ни қўллаш микдори ва тартиби, уларни тижорат банкларининг қонунга хилоф ҳаракатлари оқибатида ҳукуқ ва манфаатлари бузилган мижозлар фойдасига тўлаш тартиби ҳисоб рақамлар очиш, мижозлар ҳисоб рақамларидан маблағларни ўтказиш ва кўчириш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул бериш бўйича белгиланган талабларни бузганлик учун тижорат банкларига жазо жарималарини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом<sup>126</sup> (рўйхат рақами 1044, 2001 йил 30 июн) билан тартибга солинган.

«Қимматли қофозлар бозори тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг<sup>127</sup> 55-моддаси қимматли қофозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган тақдирда қимматли қофозлар бозори иштирокчиларига нисбатан қўлланиладиган бир қатор иқтисодий санкцияларни белгилайди. Мансабдор шахсга нисбатан маъмурӣ жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил ичидан тақроран содир этилган қоидабузарликларни тугатиш тўғрисидаги кўрсатмани бажаришдан бўйин товлаганлик учун энг кам иш ҳақининг қирқ бараваридан етмиш бараваригача микдорда иқтисодий санкция белгиланган. Таъкидлаш лозимки, ушбу Қонуннинг 56-моддаси иқтисодий санкцияларни қўллаш суд томонидан, қимматли қофозлар бозорининг иштирокчилари содир этилган ҳукуқбузарликдаги айбига иқрор бўлган ва санкциялар суммасини ихтиёрий равишда тўлаган ҳолларда эса, қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилишини назарда тутади.

Бунда «Қимматли қофозлар бозори тўғрисида»ги ҳамда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎзР қонунлари ҳамда бошқа норматив-ҳукукий ҳужжатлар талабларини бузганлик учун ишларни кўриб чиқиш ва санкциялар қўллашнинг аниқ тартиби Қимматли қофозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллаш тартиби тўғрисида низом<sup>128</sup> (рўйхат рақами 1131, 2002 йил 23 апрель) билан тартибга солинган.

<sup>126</sup> ЎзР вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг Ахборотномаси, 2001 й., 12-сон.

<sup>127</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 й., 7-сон, 354-модда.

<sup>128</sup> ЎзР вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг Ахборотномаси, 2002 й., 8-сон.

Ушбу Низомнинг 1-бандида таъкидланишича, қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлиги учун қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 55-моддаси, шунингдек «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 51-моддаси, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартағи 126-сонли қарори<sup>129</sup> билан тасдиқланган ЎзР Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомда назарда тутилган иқтисодий санкциялар қўлланилади. Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун хужжатларини бузган қимматли қоғозлар бозорларининг мансабдор шахсларига нисбатан ЎзР МЖтКнинг 174<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Тадбиркорлик субъектларига нисбатан уларнинг фаолиятини чекловчи чораларни қўллаш масалалари **монополияга қарши кураш тўғрисидаги қонунчиликда ҳам** эътибордан ҳам четда қолдирилмаган. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдағи 225-сонли қарори<sup>130</sup> билан тасдиқланган Монополияга қарши қонун хужжатларини, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиши тартиби тўғрисидаги низом, «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги<sup>131</sup>, «Табиий монополиялар тўғрисида»ги<sup>132</sup>, «Истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги<sup>133</sup>, «Реклама тўғрисида»ги<sup>134</sup> ЎзР қонунлари асосида монополияга қарши кураш, табиий монополиялар, истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш ҳамда реклама тўғрисидаги қонун хужжатларининг бузилиши тўғрисидаги ишларни ЎзР Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш

<sup>129</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда.

<sup>130</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда.

<sup>131</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2005 й., 9-10-сон, 55-модда.

<sup>132</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 54-модда.

<sup>133</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 212-модда.

<sup>134</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 59-модда.

давлат кўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан кўриб чиқишининг ҳуқуқий асосларини белгилайди.

Ўз навбатида, монополияга қарши, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахслари томонидан бузганлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ЎзР МЖтК асосида амалга оширилади.

Юкорида келтирилганлар тадбиркорлик субъектларига нисбатан уларнинг фаолиятини чекловчи чораларни қўллаш масалалари, амалда миллий қонунчилик барча соҳаларининг тартибга солиш предмети эканлиги тўғрисида хулоса қилиш учун асос бўлади.

### **3 - б о б . ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛГАН ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА МАНСАБДОР ШАХСЛАР**

*Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари кўрсатиши ваколатига эга бўлган давлат органлари маъмурий мажбурлов чораларини амалга ошириши ҳуқуқига эга бўладилар, масалан, эҳтиёт чораларини қўллаши (юридик шахсга тегишили бўлган, тадбиркорлик фаолиятини юритши учун кўмаклашадиган ишлаб чиқариш комплексини ёпиш, юридик шахснинг муайян ҳаракатларни амалга оширишини тақиқлаши, бундай юридик шахснинг ишлаб чиқариш фаолиятини вақтинча тўхтатиб қўйши), шунингдек тадбиркорлик субъектига нисбатан қонунда назарда тутилган маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаши.*

*Давлат ўзининг органлари орқали ҳуқуқнинг барча субъектларига нисбатан, шу жумладан иқтиносидиёт соҳасида (ва табиийки, тадбиркорлик фаолияти соҳасида) бошқарув функцияларини амалга оширади. Давлат тадбиркорлик фаолияти соҳасида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солади ва бундай фаолият доирасида тадбиркорлик фаолияти субъектларига таъсир кўрсатадиган маҳсус воситалар ва услублардан фойдаланади.*

## **1-§. Үмумий қоидалар**

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини маъмурий-хуқуқий тартибга солишнинг асосий принципларини амалга ошириш мақсадида улар томонидан тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларига амал қилиниши устидан назоратни амалга оширадилар ва тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатлар талабларини бузган шахсларга нисбатан муайян салбий таъсир кўрсатиш чораларини (хуқуқий таъсир кўрсатиш чоралари, маъмурий жавобгарлик чоралари) қўллаш хуқуқига эгалар.

Умуман олганда, тадбиркорлик субъектлари устидан назорат қилишнинг моҳияти ва мақсади тегишли давлат органи томонидан кўрсатилган йўл-йўриклар ва қоидаларга тадбиркорлик субъекти фаолиятининг мос келиши устидан назорат тизимиdir.

Назорат қилиш давомида тегишли юридик шахсга нисбатан назорат тадбирларини амалга оширувчи субъектнинг таъсир кўрсатиш натижалари, бошқарув қарорларига, ишни ташкил этиш ва тартибга солиш принципларига риоя этилмаганлиги ҳолатлари, ушбу камчиликларнинг сабаблари аниқланади ҳамда бутун тизимнинг самарали фаолият кўрсатиши учун мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллари аниқланади.

### **2-§. Тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан хуқуқий таъсир чоралари қўллаш хуқуқига эга бўлган давлат органларини таснифлаш**

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари фаолиятини чеклаш ваколатига эга бўлган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини қўйидагича таснифлаш мумкин:

#### **1) Давлат органларининг иерархик даражасига кўра:**

- а) Республика давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари;
- б) мазкур органларнинг худудий бўлинмалари.

#### **2) Хуқуқий таъсир кўрсатиш чораларини қўлловчи тузилмаларнинг мақомига кўра давлат органлари қўйидагиларга бўлинади:**

- а) давлат ҳокимияти органлари тизимидағи бўлинмалар;
- б) маҳсус, шу мақсадда ташкил этилган мустақил органлар.

#### **3) Тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан текшириш ва назорат функцияларини амалга оширувчи давлат органларининг ихтисослашув даражасига кўра давлат органлари қўйидагича таснифланади:**

а) тўлиқлигича текшириш ва назорат функцияларини амалга оширишга ихтисослашган тузилмалар;

б) текшириш ва назорат функцияларини бошқа функциялар билан қўшиб олиб борувчи тузилмалар (1-схемага қаранг).

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида тадбиркорлик субъектларига нисбатан фақат суд тартибида қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари рўйхати келтирилган. Бундай чоралар қаторига фаолиятни тугатиш;атроф табиий мухитга зарарли таъсир кўрсатаётган обьектлар фаолиятини тугатиш ва (ёки) қайта ихтисослаштириш;фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно;банклардаги ҳисобвараклар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;молиявий жазо чораларини қўллаш, бундан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пеня ҳисоблаб чиқариш, шунингдек ташкилот ёки фуқаронинг содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқор бўлганлиги ва молиявий жазо чоралари суммаларини ихтиёрий равишда тўлаганлиги ҳоллари мустасно;ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш;тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун лицензияларнинг (руҳсатномаларнинг) амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ёки уларнинг амал қилишини тугатиш ва лицензияларни (руҳсатномаларни) бекор қилиш ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини киритиш мумкин. Бундай ҳолатда суд тадбиркорлик субъектларига нисбатан уларнинг фаолиятини чекловчи ваколатли давлат органи бўлиб ҳисобланади.**

ХПК нинг 155<sup>11</sup>-моддасига мувофиқ ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги аризалар билан хўжалик судларига назорат қилувчи органлар мурожаат қилишга ҳақли. Жумладан, қонун ҳужжатларида қайси назорат қилувчи орган, қандай ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисида ва қандай шартларга риоя қилган ҳолда хўжалик судига мурожаат қилии мумкинлиги аниқ белгиланган. Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги аризалар билан, хусусан:

Фаолиятни тугатиш тўғрисидаги аризалар билан:

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдан «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган ҳолатларда – Эркин иқтисодий зона дирекцияси;

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги «Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган ҳолатларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекисон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги ва 1999 йил 15 апрелдаги «Ўрмон тўғрисида»ги қонунларда назарда тутилган ҳолатларда – маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 17 майдаги 227-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида давлат ёнгин назорати тўғрисида»ги Низомда назарда тутилган ҳолатларда – давлат ёнгин назорати органлари;

Атроф табиий муҳитга заарли таъсир чораларини кўрсаётганди объектлар фаолиятини тугатиш ва (ёки) қайта ихтисослаштириш тўғрисидаги аризалар билан Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 9 декабрдаги «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган ҳолатларда – маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, табиатни муҳофаза қилиш органлари;

Фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш тўғрисидаги аризалар билан:

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлдаги «Давлат санитария назорати тўғрисида» ги Қонунида назарда тутилган ҳолатларда – давлат санитария – эпидемология хизмати органлари;

Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 9 декабрдаги «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган ҳолатларда – маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, табиатни муҳофаза қилиш органлари;

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги «Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган ҳолатларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекисон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелдаги «Дори воситалари ва фармавцевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунида

назарда тутилган ҳолатларда – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги ва 1999 йил 15 апрелдаги «Ўрмон тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги 330-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида бозорларида савдо фаолиятини ташкил қилиш қоидалари»да назарда тутилган ҳолатларда –маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида» ги Қонунида назарда тутилган ҳолатларда – Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Катта ва алоҳида мухим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишланиши назорат қилиш давлат инспекцияси;

Ўзбекистон Республикасининг Шахарсозлик кодексида назарда тутилган ҳолатларда – маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 17 майдаги 227-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида давлат ёнгин назорати тўғрисида»ги Низомда назарда тутилган ҳолатларда – давлат ёнгин назорати органлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 апрелдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси хавфли геологик жараёнларни кузатиш Давлат хизмати тўғрисида»ги Низомда назарда тутилган ҳолатларда – хавфли геологик жараёнларни кузатиш Давлат хизмати;

Банк ҳисобвараклари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги аризалар билан:

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги «Давлат божхона тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган ҳолатларда – давлат божхона хизмати органлари;

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги «Давлат солиқ тўғрисида» ги Қонунида назарда тутилган ҳолатларда;

Молиявий жазо чораларини кўллаш тўғрисидаги аризалар билан, пул маблағларини сўзсиз тартибда ундириш ҳукуқига эга бўлмаган назорат қилувчи органлар молиявий жазо чорасини кўллаш тўғрисидаги талаб билан бирга уни ундириш тўғрисидаги талабни ҳам қўйиши мумкин. Хусусан,

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, 1993 йил 28 декабрдаги «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 августдаги 410-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида стандартлар ва ўлчов воситалари устидан давлат назорати тўғрисида»ги Низомда назарда тутилган ҳолатларда – «Узстандарт» агентлиги ва унинг худудий органлари;

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлдаги «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган ҳолатларда – қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли органи;

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги «Истемолчиларнинг хуқуqlари ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, 1996 йил 27 декабрдаги «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги, 1998 йил 25 декабрдаги «Реклама тўғрисида»ги қонунларда назарда тутилган ҳолатларда – ЎзР Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг худудий органлари;

Ўзбекистон Республикасинг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги, 1992 йил 9 декабрдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 марта «Алкаголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 245-сонли қарорларида назарда тутилган ҳолатларда – давлат солиқ хизмати органлари;

Ўзбекистон Республикасинг Божхона кодексида назарда тутилган ҳолатларда – давлат божхона хизмати органлари;

Ўзбекистон Республикасинг 2000 йил 15 декабрдаги «Қурилиш соҳасидаги хукуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган ҳолатларда – Ўзбекистон Республикасининг Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси ва унинг худудий бошқармалари;

Ўзбекистон Республикасинг 1998 йил 1 майдаги «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида »ги Қонунда назарда тутилган ҳолатларда – Ўзбекистон Республикасинг Мехнатни ва аҳолини

ижтимоий мухофаза қилиш вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари;

Ўзбекистон Республикасинг 1992 йил 2 июлдаги «Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Конунда назарда тутилган ҳолатларда – биржалар фаолиятини тартибга солувчи ваколатли органлар;

Ўзбекистон Республикасинг Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 мартағи 124-сонли қарори билан тасдиқланган «Ёқилғи-энергетика ресурслардан фойдаланиш қоидаларини бузганик учун иқтисодий жазоларини қўллаш тўғрисида»ги Низомда назарда тутилган ҳолатларда – «Ўздавнефтгазинспекция» ва «Ўздавэнергоназорат» давлат органлари;

Ўзбекистон Республикасинг Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 14 августдаги «Алоқа соҳасидаги маъёрий хужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари талабларини, кўрсатилаётган хизматлар сифатини бузганик учун молиявий санкциялар (жарималар) тўғрисида»ги 318-сонли қарорида назарда тутилган ҳолатларда – Ўзбекистон Республикасида почта ва телекоммуникациялар хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назорати бўйича Давлат солик инспекциячи;

Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун лицензияларнинг(рухсатномаларнинг) амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ёки уларнинг амал қилиши муддатини тугатиш ва лицензияларни (рухсатномаларни) бекор қилиш тўғрисидаги аризалар билан лицензияловчи органлар хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли.

Маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўрища тадбиркорлик субъектларига нисбатан хўжалик ва жиноят судлари томонидан хукуқий таъсир чоралари қўллашнинг аниқ масалалари куйида батафсил кўриб чиқилади.

Таъкидлаш лозимки, ЎзР МЖтКга мувофиқ, тадбиркорлик субъектларига нисбатан хукуқий таъсир чоралари қўллашга суд органларидан ташқари давлат санитария назорати органлари (МЖтК 257-моддаси), божхона органлари (МЖтК 262-моддаси), давлат солик органлари (МЖтК 264-моддаси), Монополияга қарши кураш органлари (МЖтК 268<sup>1</sup>-моддаси) ва бошқа давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари эга.

Хусусан, ЎзР МЖтКнинг 257-моддасига асосан, давлат санитария назорати органлари номидан маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тарикасида маъмурий жазо чораси қўллашга куйидагилар ҳақлидирлар:



- 1) Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи ва унинг ўринbosарлари;
- 2) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат санитария врачлари ҳамда уларнинг ўринbosарлари, туманларга бўлинган шаҳарларнинг бош давлат санитария врачлари ва сув транспортидаги ҳавзалар бош давлат санитария врачлари;

3) туманларнинг, туманларга бўлинмаган шаҳарларнинг бош давлат санитария врачлари ҳамда сув транспортидаги портлар ва сув йўллари участкалари бош давлат санитария врачлари.

Тадбиркорлик субъектларига нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўллаш масалалари билан бир қаторда, тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тадбиркорларга, шунингдек бошқача тарздаги ҳукуқий таъсир чоралари қўллаш ҳукукига эга.

Масалан, Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги ЎзР қонунчилигининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллаш тартиби тўғрисида низом (рўйхат раками 1131, 2002 йил 23 апрель)га мувофиқ, қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 55-моддаси, шунингдек «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 51-моддаси, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартағи 126-сонли қарори билан тасдиқланган ЎзР Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази тўғрисидаги низомда назарда тутилган иқтисодий санкциялар қўлланилади. Мазкур Низомнинг 2-бандига асосан, ишларни кўриб чиқиш ва санкцияларни қўллаш бўйича ЎзР Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ва унинг ҳудудий бошқармалари ваколатли давлат органлари бўлиб ҳисобланади. Марказ ва унинг ҳудудий бошқармалари ўз вақтида ишнинг ҳолатларини аниқлашни ва унинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилиши, чиқарилган қарорнинг ижроси устидан назорат олиб борилишини таъминлайдилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сонли қарори билан тасдиқланган Монополияга қарши қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан, монополияга қарши орган ўз ваколатлари доирасида хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қонун ҳужжатларининг бузилганлиги тўғрисида иш қўзғайди ва уларни кўриб чиқади. Хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахслари томонидан

конун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши ЎзР МЖтКга мувофиқ амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги 404-сонли қарори<sup>135</sup> билан тасдиқланган Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималарни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, ЎзР Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси ва унинг ўринbosарлари, ҳудудий архитектура ва қурилиш Boш бошқармалари бошликлари ва ҳудудий архитектура-қурилиш назорати инспекциялари бошликлари ва уларнинг ўринbosарлари қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши ва жарималар солиш ҳуқуқига эга.

---

<sup>135</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2003 й., 9-сон, 86-модда.

## П б ў л и м . ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ

### 1-б о б . ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АСОСЛАРИ

Амалда ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашнинг асоси бўлиб жавобгарликни юзага келтириши учун зарур бўлган талаблар мажмуи орқали ифодаланадиган ҳуқуқбузарлик (айб, ҳуқуққа хилоф ҳаракат)нинг мавжудлигиdir. Таdbирkorlik субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўллашдан озод қилиши учун шундай фактлар тан олинадики, уларнинг мавжудлиги орқали қонун содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни тўлиқ ёки қисман олиб ташлайди ёки ҳуқуқбузарлик мавжуд бўлмаган ҳолда бундай тадбирлар амалга оширилишига йўл қўймайди.

Ҳуқуқий таъсир чораларин қўллаши учун асослар тушиунчаси кенг қамровли бўлиб, бу каби чоралар қўлланилиши учун асос бўлиб ҳисобланадиган ва қонун билан ўрнатилган мажбурий «талаблар»га таянади, бу эса, алоҳида ҳуқуқий таъсир чоралари қўллаши учун асос бўлиб ҳисобланади. («Тадбиркорлик фАОлияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 40<sup>l</sup>-моддаси<sup>136</sup>, тадбиркорлик субъектларига нисбатан уларнинг фАОлиятини чекловчи чоралар қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда қўлланилади).

Шубҳасиз, ҳар бир ҳолатда тегишли ҳуқуқий таъсир чораси қўллаш учун тадбиркорлик субъекти томонидан содир этилган муайян ҳуқуқбузарлик, қилмиш, мажбуриятларнинг бажарилмаслиги каби ҳолатлар сабаб бўлади.

Хусусан, солик жавобгарлиги вужудга келишининг ягона асоси солиқка оид ҳуқуқбузарликнинг содир этилишидир. Ҳуқуқни қўллашда солик тўловчилар учун ва умуман Ўзбекистон солик тизимида муҳим принципиал ҳолатлардан бири – бу ЎзР

---

<sup>136</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2003 й., 9-сон, 86-модда.

СКнинг<sup>137</sup> 106-моддасида солиққа оид ҳуқуқбузарлик тушун-часининг мустаҳкамланганигидир. Кодекснинг мазкур моддасига мувофиқ, солик түловчининг ушбу Кодексда жавоб-гарлик белгиланган ғайриқонуний айбели қилмиши (харакати ёки ҳаракатсизлиги) солиққа оид ҳуқуқбузарлик, деб эътироф этилади.

Тадбиркорлик субъектига нисбатан молиявий санкция каби ҳуқуқий таъсир чораси қўллаш учун сабаб бўладиган солиққа оид ҳуқуқбузарлик сифатида кирим қилинмаган товарларни сақлаш ёхуд товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш)ни (ЎзР СКнинг 114-моддаси) мисол қилиб келтириш мумкин.

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг<sup>138</sup> 22-моддаси лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилиши мумкин бўлган ҳуқуқий таъсир чораси қўллаш учун асос қилиб аудиторлик ташкилоти лицензия талаблари ва шартларини бузганилиги аниқланганлиги, шунингдек маҳсус ваколатли давлат органининг аудиторлик ташкилоти зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарори аудиторлик ташкилоти томонидан бажарилмаганлигини эътироф этади.

Ҳуқуқбузарлик тадбиркорлик субъектига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораси қўллаш учун асос сифатида бундай ҳуқуқий таъсир чораси ҳақиқий бўлиши учун унинг барча элементлари мавжуд бўлиши лозим. Ҳуқуқбузарлик унинг таркибини ташкил этувчи тўртта асосий элемент (томон)дан иборат бўлади. Бу – обьект – ҳуқуқ билан ҳимоя қилинадиган бузилган моддий ёки номоддий қийматлик; субъект – ҳуқуқбузарлик содир этган тадбиркорлик субъекти; обьектив томон – салбий оқибат келтириб чиқарган ҳуқуққа хилоф қилмишнинг ўзи ҳамда қилмиш ва келиб чиқсан оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш; субъектив томон – тадбиркорнинг қилмишга ва унинг натижасига қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида муносабати.

Ҳуқуқбузарликнинг тадбиркорлик субъектига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораси қўллаш учун асос бўлувчи энг муҳим жиҳатларидан бири қилмишнинг ҳуқуққа хилофлиги, яъни муайян ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали ҳуқуқ нормаларининг

<sup>137</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2000 й., 5–6-сон, 140-модда.

<sup>138</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (II)-сон.

бузилишидир. Адабиётларда хукуқка хилоф қилмиш деганда, хукуқ нормаларини бузиш тушунилади, деган нұқтаи назар кенг тарқалған. Бирок хукуқ нормаларидан четтағ чиқувчи ҳар қандай қилмиш ҳам хукуққа хилоф бўлмайди. Шахснинг хукуққа хилоф қилмиши деганда норматив-хукукий хужжатларда ўрнатилган чеклов ва қоидаларнинг бузилиши тушунилади. Норматив-хукукий хужжат талабига кўра шахс муайян ҳаракатни содир этиши шарт бўлган ҳаракатни содир этмаслиги каби ҳаракатсизлик ҳам хукуққа хилоф бўлиши мумкин. Агар қонунда бундай мажбурият белгиланмаган бўлса, хукуқбузарлик ҳақида фикр юритиш мумкин эмас.

ЎзР ХПК нинг 155<sup>17</sup>-моддасига асосан, хукукий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни кўришда суд: **хукуқбузарлик ҳодисаси бўлган-бўлмаганлигини ва унинг содир этилганлиги фактини; текшириш учун ва текшириш натижалари бўйича далолатнома ёки бошқа хужжат тузиш учун асослар ва назорат қилувчи органнинг ваколатлари бор-йўқлигини; мазкур хукуқбузарликни содир этганлик учун қонун хужжатларида жавобгарлик назарда тутилган-тутилмаганлигини ва хукукий таъсир чорасини қўллаш учун асослар бор-йўқлигини суд мажлисида аниқлайди.**

**Молиявий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганданда хўжалик суди молиявий жазо чоралари суммасининг ҳисоб-китоби қанчалик тўғрилигини ҳам текширади.**

Масалан, «Қурилиш соҳасидаги хукуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг<sup>139</sup> 4-моддасига мувофиқ, аҳоли пунктларини режалаш ва қуришнинг бош режаларини, лойиҳаларини, тарихий иморатлар жойлашган даҳаларни қайта қуриш режаларини, турар-жой даҳалари, кичик даҳалар ва шаҳарларнинг саноат зоналари, қишлоқ аҳоли пунктларини қуриш ва ободонлаштириш сифатини, шунингдек бинолар ва иншоотларнинг меъморчилик ечимларини бузиш энг кам иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Бу ҳолатда қонунчилик хукуқбузарликнинг аниқ таркибини ва у содир этилган тақдирда тадбиркорлик субъектига нисбатан қўлланиладиган аниқ молиявий санкцияни тўғридан тўғри назарда тутмоқда.

<sup>139</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5–6-сон, 149-модда.

Шу тариқа, хуқуққа хилофликнинг мавжудлиги хуқуқий таъсир чоралари қўллашнинг мажбурий шарти ҳисобланади. Хуқуққа хилоф қилмиш мавжуд бўлмаган, бироқ қонунга мувофиқ зарар ундирилиши шарт бўлган ҳолларда хуқуқий таъсир чораларидан юридик табиати жиҳатидан фарқ қилувчи бошқа таъсир чораларини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Хуқуқий таъсир чоралари қўллашнинг зарурый шарти айбнинг мавжудлигидир. Айб деганда, тадбиркор – жисмоний шахснинг ўзи томонидан содир этилган хуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳамда бунинг натижасида юзага келган хуқуққа хилоф оқибатга нисбатан руҳий муносабати тушунилади. Юридик шахснинг айбига келсак, у ходимнинг меҳнат функцияларини бажариши билан боғлиқ айбли ҳаракатларида ифодаланиши мумкин. Агар айбли ҳаракат алоҳида ходимнинг айби билан содир этилмаган бўлса, у юридик шахснинг турли бўлинмалари зиммасида бўлади. Бироқ, ҳар қандай ҳолатда ҳам юридик шахснинг айби алоҳида индивиднинг эмас, балки бутун жамоанинг айби ҳисобланади, чунки юридик шахс томонидан тўлиқ ёки қисман қопланган зарарни алоҳида айбдор шахслар зиммасига юклаш моҳияттан ҳеч нарсани ўзгартирмайди.

ЎзР Солик кодексининг 109-моддасига кўра, соликка оид хукуқбузарлик содир этилишида айби йўқ шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Бунда шахснинг соликка оид хукуқбузарлик содир этганликдаги айбини ва уни жавобгарликка тортишни истисно қиласидиган ҳолатлар Кодекснинг 110-моддасида келтирилган.

Айб ва хуқуққа хилофлиникнинг ўзаро алоқаси хукуқбузарликнинг асосий белгиси ҳисобланиб, хуқуққа хилофлилик хуқуқий таъсир чораси қўллашнинг объектив шарти бўлса, айб унинг субъектив шарти ҳисобланади. Хуқуққа хилофлилк айбсиз бўлиши мумкин, лекин айб хуқуққа хилофликсиз мавжуд бўлмайди. Ҳар қандай айб хуқуққа хилофdir, ҳар қандай хуқуққа хилофлилк айбни келтириб чиқармаслиги мумкин.

Хусусан, ЎзР Солик кодексининг 110-моддасига мувофиқ шахсни соликка оид хукуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортишни истисно қиласидиган ҳолатлар деб қўйидагилар эътироф этилади:

1) хукуқбузарлик содир этиш вактида ўн олти ёшга тўлмаган жисмоний шахс томонидан соликка оид хукуқбузарлик содир этилганда;

2) солик мажбуриятлари бўйича даъво муддатлари тугаганда.

Кодекснинг мазкур моддаси етарли асослар бўлганда Кодексда назарда тутилган тегишли ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилмайдиган «кечирувчи» муайян қоидаларни белгилайди. Бундан ташқари, жавобгарликдан чиқариш ва озод этишни ҳуқуқий таъсир чоралари қўллашдан қисман озод этишни англатувчи жавобгарлик микдорини камайтиришдан фарқлаб олиш зарур.

## **2-б о б . ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН ФАҚАТ СУД ТАРТИБИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИ ТУРЛАРИ**

### **1-§. Умумий қоидалар**

*«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎзР Қонунига мувофиқ, тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўйидаги ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд тартибida қўлланилади:*

фаолиятни тугатиш;

атроф табиий мухитга заарли таъсир кўрсатаётган обьектлар фаолиятини тугатиш ва (ёки) қайта ихтисослаштириш;

фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно;

банклардаги ҳисобвараклар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, конунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

молиявий жазо чораларини қўллаш, бундан соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пеня ҳисоблаб чиқариш, шунингдек ташкилот ёки фуқаронинг содир этилган ҳукуқбузарлиқдаги айбига икror бўлганлиги ва молиявий жазо чоралари суммаларини ихтиёрий равишда тўлаганлиги ҳоллари мустасно;


ҳукуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш;

*тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиши учун лицензияларнинг (руҳсатномаларнинг) амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриши ёки уларнинг амал қилишини тугатиш ва лицензияларни (руҳсатнома-*

ларни) бекор қилиши, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензиялар (рухсатномалар) мустасно»(б-схемага қаранг).

Мазкур ҳуқуқий таъсир чораларнинг факат суд тартибида қўлланилиши тартиби 2005 йил 1 июндан ЎзР Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига<sup>140</sup> асосан йўлга қўйилган. (Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари схемаларда ҳам келтирилган. 1-4-схемаларга қаранг). Юқорида қўрсатилган ҳар бир ҳуқуқий таъсир чорасини алоҳида таҳлил қилишга ҳаракат қиласиз.

## 2 - схема



<sup>140</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 21-модда.

## 2-§. Фаолиятни тугатиш

ЎзР Президентининг 2005 йил 14 июнданги ПФ–3619-сонли Фармонининг 1-бандида тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораси сифатида фаолиятни тугатиш деганда, тадбиркорлик фаолияти субъекти фаолиятининг яхлит тугатилишини тушунши лозим. Бундай ҳолатда таъкидали лозимики, тадбиркорлик субъекти – юридик шахснинг фаолиятини тугатиш ёки қайта ташкил этиши (қўшиб юбориши, қўшиб олиши, бўлиши, ажратиб чиқарииши, ўзгартириши) йўли билан амалга оширилади. Қайта ташкил этилганда ҳуқуқий ворислик вужудга келса, тугатиша ҳуқуқий ворислик бўлмайди.

ЎзР Олий суди ва Олий хўжалик судининг 2006 йил 22 декабрдаги 12/149-сонли «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқукий химоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган ЎзР қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида»ги қарорининг 13-бандига асосан, тадбиркорлик субъектининг фаолиятини тугатиш тўғрисидаги ариза (такдимнома) судга фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда берилади.

Фаолиятин тугатиш хўжалик юритувчи субъектга нисбатан у томонидан молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида қонун талабларига риоя қилинмаганлиги сабабли қўлланадиган ҳуқуқий таъсир чораси ҳисобланади, ўз навбатида эса юридик шахсни тугатиш хўжалик фаолиятини амалга оширимаганлиги ва (ёки) қонунчиликда белгиланга муддатларда устав фондини шакллантирганлигининг оқибати ҳисобланади. Тадбиркорлик субъекти фаолиятини тугатишни, фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қўлланилиб, назорат қилувчи органлар томонидан ариза билан чиқилиб ХПК 20<sup>3</sup>-бобига асосан иш кўрилиб маъмурий муносабат ҳисобланади.

Юридик шахсни тугатиш эса фуқаролик ҳуқуқий муносабат бўлиб, даъво тартибида иш юритилади. Бунда фаолият юритмаётган ёки устав фондини шакллантирган юш ларга қўлланилиб жавобгарлик ёки санкция ҳисобланмайди.

Фаолияти тугатилганда хўжалик юритувчи субъект суднинг қарори билан тугатилган фаолиятдан бошқа фаолият билан шуғулланиши мумкин, юридик шахс тугатилганда эса унинг фаолияти тўлиқ тугатилади<sup>141</sup>.

<sup>141</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2000 й., 5–6-сон, 140-модда.

Тадбиркорлик субъекти фаолиятини тугатиш – фаолият рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга оширилганда ёки қонунда тақиқланган фаолият амалга оширилганда шунингдек қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда қўлланиладиган хукуқий таъсир чорасидир. Бошқача қилиб айтганда, тадбиркорлик субъектининг фаолияти фақатгина қонун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича амалга оширилади. Қуйида қонун хужжатларида назарда тутилган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатиш асосларини кўриб чиқамиз.

«Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги ЎзР Конунининг<sup>142</sup> 27-моддасига кўра, деҳқон хўжалигининг фаолияти қуидаги ҳолларда тугатилади ёки тўхтатилади(дехқон хўжалиги юридик шахс бўлмаса фаолияти тўхтатилади):

6) деҳқон хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи қонун хужжатлари бир неча марта ёки бир марта, лекин қўпол равиша бузилганда. «Қимматли қофозлар бозори тўғрисида»ги ЎзР Конунининг 23-моддасига асосан, қимматли қофозлар бозоридаги профессионал фаолиятни амалга ошириш учун инвестиция фондига берилган лицензиянинг амал қилишини тугатиш ёки уни бекор қилиш инвестиция фондининг белгиланган тартибда тугатилишига олиб келади.

«Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги ЎзР Конунининг<sup>143</sup> 6-моддасига мувофиқ, юридик шахслар бирлашмалари (иттифоқлари, уюшмалари), хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг уюшмага кирган хўжалик юритувчи субъектлар хўжалик фаолиятига рақобатни чеклайдиган ёхуд чеклаши мумкин бўлган тарзда аралашиши тақиқланади. Ушбу талабни бузиш монополияга қарши давлат органи (ўз ваколатлари доирасида худудий орган)нинг даъвосига биноан юридик шахслар бирлашмаси (иттифоқи, уюшмаси)нинг, хўжалик ширкати ёки жамиятининг суд орқали тугатилишига асос бўлиши мумкин.

Ўз навбатида ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги 330-сонли қарори<sup>144</sup> билан тасдиқланган Ўзбекистон

<sup>142</sup> Ўзбекистон Республикаси 2011 йил 21 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексини қўллашнинг айrim масалалари ҳақида Олий хўжалик судининг 2011 йил 30 июнь 229-сонли Пленум қарорининг 13 банди.

<sup>143</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (II)-сон.

<sup>144</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 54-модда.

Республикасида бозорларда савдо фаолиятини ташкил этиш қоидаларининг 47-бандига асосан бозор фаолияти:

1) қонун хужжатларида белгиланган тартибда ер участкаси-нинг ижара шартномаси тўхтатилганда;

2) қонун хужжатларида белгиланган тартибда, томонлардан бирининг ташаббуси билан ер участкасининг ижара шартномаси муддатидан олдин бекор қилингандা;

3) қонун хужжатларида белгиланган тартибда бозорни жойлаштиришга ажратилган ер участкаси давлат эҳтиёжи учун олиб қўйилганда;

4) ЎзР қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда тўхтатилади(тугатилади чунки низомнинг русча вариантида пре-кращение сўзи ишлатилган).

Ўз фаолиятида бир нечта ва қўпол қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган якка тартибдаги тадбиркор фаолияти ҳам факат суд тартибда тўхтатилиши мумкин. Якка тартибдаги тадбиркор фаолияти тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш хукуқидан маҳрум этишни назарда тутувчи суднинг айблов ҳукми асосида ҳам тўхтатиладимумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси<sup>145</sup> (*кейинги ўринларда – ЎзР ЖК*)нинг 45-моддасига мувофиқ, шахсни муайян хукуқдан маҳрум қилиш суд тайинлаган муддат давомида айбораттир. Ана шундай фаолиятнинг тури суд томонидан айблов ҳукмида кўрсатилади. Муайян хукуқдан маҳрум қилиш айборнинг мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятни содир этганлиги учун асосий жазо тариқасида тайинланганда – бир йилдан беш йилгача муддатга, қўшимча жазо тариқасида тайинланганда – бир йилдан уч йилгача муддатга белгиланади.

## **2.1 Атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини тугатиш ва (ёки) қайта ихтисослаштириш**

Фаолиятини тугатиш ва қайта ихтисослаштириш мустақил хукуқий таъсир чоралари ҳисобланади ҳамда ҳар бири алоҳида қўлланилади. Аммо, атроф муҳитга зарар етказаётган тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган маҳаллий аҳамиятга молик объект-

<sup>145</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2003 й., 7-сон, 68-модда.

ларга нисбатан фаолиятни тугатиш ва қайта ихтисослаштириш тарзидаги ҳуқуқий таъсир чораси айни бир вақтда қўлланилади ва алоҳида қўлланилиши мумкин эмас. Фаолиятни қайта ихтисослаштириш тарзидаги ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилганда хўжалик юритувчи субъектга маҳсулот ишлаб чиқаришга(иш бажариш, хизмат қўрсатишга) ихтисослашган бошқа фаолиятни амалга оширишга ўтиш мажбурияти юклатилади.

ЎзР «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ, атроф муҳитга зарар етказаётган тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган маҳаллий аҳамиятга молик обьектларнинг фаолиятни тугатиш ва қайта ихтисослаштириш, шунингдек уларга берилган табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқига доир рухсатномани бекор қилиш суд тартибида амалга оширилади.

### **3-§. Фаолиятни тўхтатиб туриш, чеклаш ва тақиқлаш**

*Фаолиятни тўхтатиб туриш, чеклаш ва тақиқлаш тадбиркорлик субъекти томонидан норматив-ҳуқуқий ҳуэжжатлар талаблари бузилган ҳолларда қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чорасидир. Тадбиркорлик субъекти фаолиятни тўхтатиб туриш деганда, фаолиятни тўхтатиб туриш, хўжалик юритувчи субъектга у ёки бу фаолият рўй бергунга қадар (камчиликларни бартараф этиши) шуғулланиши тақиқланади. Фаолиятни чеклаш ҳуқуқий таъсир чораси суд томонидан хўжалик юритувчи субъект ўз фаолияти давомида суд томонидан белгиланган чиқмалиги керак.*

*Фаолиятни тақиқлаш ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилганда хўжалик юритувчи субъектга муйаян фаолият тури билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.*

ЎзР Олий суди ва Олий хўжалик судининг 2006 йил 22 деқабрдаги 12/149-сонли «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий химоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган ЎзР қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида»ги карорининг 14-бандига асоссан, тадбиркорлик субъекти фаолиятни тўхтатиш тўғрисидаги ариза (такдимнома) назорат қилувчи орган томонидан фаолиятни тўхтатиш имконияти қонунчиликда назарда тутилган ҳоллардагина берилиши мумкин. Фавқулодда

холатлар, эпидемия ҳамда ахолининг ҳаёти ва соғлиғи учун реал хавф вужудга келишининг олдини олиш муносабати билан фаолиятни 10 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиш ҳоллари бундан мустасно.

«Давлат санитария назорати тўғрисида»ги ЎзР Қонуенинг<sup>146</sup> 27-моддасига мувофиқ, Бош давлат санитария врачлари ва уларнинг ўринбосарлари санитария қонулари бузилган тақдирда, санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари бузилишига барҳам берилгунга қадар умумий овқатланиш ва савдо корхоналарининг, таълим, даволаш-профилактика ҳамда санаторий-курорт муассасаларининг фаолиятини тўхтатиб қўйиш, ускуналар, асбоблар ва гидротехника иншоотларини ишлатишни тақиқлаб қўйиш хуқуқига эга (ушбу модда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тўхтатиб қўйиш суд тартибида амалга оширилишини назарда тутади).

«Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги ЎзР Қонуенинг<sup>147</sup> 5-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги дори воситаларининг зарарли таъсирини тасдиқловчи фактлар мавжуд бўлган тақдирда, уларни тайёрлаш, ишлаб чиқариш, олиб келиш ва сотишни тўхтатиб қўяди. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тўхтатиб қўйишга олиб келадиган дори воситалари тайёрлаш ва ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйиш (дори воситалари тайёрлаш ва ишлаб чиқаришни фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда ахолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно) суд тартибида амалга оширилади.

«Ўрмон тўғрисида»ги ЎзР Қонуенинг<sup>148</sup> 11-моддасига мувофиқ, ўрмонлар ҳолатига зарар етказиш тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун асос бўлади. Инвестиция фаолияти жараёнида қонун хужжатларида белгиланган санитария-гигиена, радиация, экология, архитектура-شاҳарсозликка оид ва бошқа талаблар, юридик ва жисмоний шахсларнинг хуқуqlари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилишига олиб келиши мумкин

<sup>146</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1995 й., 1-сон.

<sup>147</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5–6-сон, 149-модда.

<sup>148</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 124-модда.

бўлган ҳолатлар аниқланган ҳолларда «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг<sup>149</sup> 26-моддасига асосан, тадбиркорлик субъекти фаолиятини тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун асос бўлади.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш учун асослар, шунингдек «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг<sup>150</sup> 10-моддасида, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг<sup>151</sup> 13-моддасида, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги 330-сонли қарори билан тасдиқланган ЎзР бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидаларининг 44-бандида ҳам мавжуд.

Масалан, ушбу Қоидаларнинг 44-бандига мувофиқ, тегишли хужжатларда тасдиқланган қуидаги мавжуд қонун бузилишларида бозор (бозордаги савдо обьекти) фаолияти вақтинча тўхтатиб қўйилиши мумкин:

1) ер участкасидан фойдаланиш хукукини белгиловчи, белгиланган тартибда расмийлаштирилган хужжатлар мавжуд бўлмаганда, шунингдек ер участкасидан мақсадсиз фойдаланилганда;

2) бозор (бозордаги савдо обьекти)ни ташкил этиш ва ундан фойдаланишда санитария ва ветеринария қонун хужжатларининг тўғридан тўғри ҳавфли эпидемия ва юқумли касалликларининг тарқалишига сабаб бўлувчи бузилиши ҳолатлари белгиланган муддатда бартараф этилмаганда;

3) бозорни ташкил қилиш ва ундан фойдаланишда табиатни муҳофаза қилиш қонун хужжатларининг, экология талабларининг бузилиши ҳолатлари белгиланган муддатда бартараф этилмаганда;

4) ёнғинга қарши ҳавфсизлик талабларига риоя қилинмаганда;

5) савдони амалга оширишда назорат-касса машиналарини қўлланиш тартиби ёки хусусий тадбиркорлар томонидан қонун хужжатларига мувофиқ, даромадларни ва товар операцияларини ҳамда товарлар чеклари дафтарларини ҳисобга олиш китобини юритиш тартиби доимий равишда бузилганда;

<sup>149</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 21-модда.

<sup>150</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 38-модда.

<sup>151</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 52-модда.

6) бозорнинг ихтисослашувига нисбатан мазкур Қоидаларда белгиланган талаблар бузилганда;

7) Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа қонун бузилишларида.

ЎзР Олий суди ва Олий хўжалик судининг юқоридаги қарорига асосан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги аризаларни (тақдимномаларни) кўришда ва қўйилган талабларни қаноатлантиришда судлар қарорнинг хulosса қисмida фаолиятнинг қайси муддатга тўхтатилаётганлигини кўрсатишлари ёхуд у бажарилгунча фаолият тўхтатиладиган шартни белгилашлари лозим (лицензия, гувоҳнома олиш; камчиликларни бартараф этиш ёки стандартлар, нормаларга мувофиқлаштириш; тегишли назорат қилувчи органнинг кўрсатмасини бажариш ва бошқалар).

Хўжалик низоларини кўришда хўжалик суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг (*кеинги ўринларда* – ХПК) 77-моддасига мувофиқ, кўлланиладиган, унинг бекор қилиниши мазкур кодексда ўрнатилган тартиб бўйича амалга ошириладиган, тадбиркорлик субъектига маълум бир ҳаракатларни содир этишини тақиқлаш даъвони таъминлаш чораси ҳисобланади.

ЎзР ХПК нинг 155<sup>18</sup>-моддасига асосан хуқуқий таъсир чорасини кўллаш тўғрисидаги арз қилинган талаб қаноатлантирилган тақдирда, хўжалик суди ҳал қилув қарорининг хulosса қисмida хуқуқий таъсир чораси кўлланилган шахснинг номи; хуқуқий таъсир чорасини кўллаш учун асос бўлган норматив-хуқуқий хужжатлар; кўлланилган хуқуқий таъсир чорасининг тuri, молиявий жазо чораси кўлланилган тақдирда эса унинг микдори; фаолият чекланадиган, тўхтатиб туриладиган ва тақиқланадиган муддат; фаолият қандай шартлар бажарилгуннига қадар чекла-наётганлиги, тўхтатиб турилаётганлиги ва тақиқланаётганлиги кўрсатилиши керак.

#### **4-§. Банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш**

*Банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйши тадбиркорлик субъектлари томонидан қонун хужжатларида белгиланган маъжбуриятлар бажарилмаган тақдирда мансабдор шахсларнинг талаблари бажарилишини таъминлаш мақсадида кўлланиладиган хуқуқий таъсир чораси бўлиб ҳисобланади. ЎзР СКнинг 96-моддасига мувофиқ, солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни*

*тўхтатиб туриши фақат суд қарори асосида амалга оширилади, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириши ва терроризмни молиялаштириши аниқланган ҳоллар бундан мустасно.*

Банклардаги ҳисобвараклар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш каби хукуқий таъсир чорасининг суд томонидан қўлланилиши тартибининг ўрнатилишига сабаб, амалиётда ҳисобваракнинг тўхтатиб қўйилиши қораловчи таъсир чорасига айланиб қолиши, тегишли қонун хужжатлари нормаларини бузган тадбиркорлик субъектларига қарши кураш эса, солик тўловчиларга нисбатан қарши курашга айланиб кетиши мумкин. Банкдаги ҳисобваракларни тўхтатиб қўйиш айрим ҳолларда давлат органлари томонидан қонунчиликда назарда тутилмаган, масалан, талабни бажармаганлик учун солик текшируви учун бирон-бир хужжат тақдим қилиш мақсадларида қўлланилиши мумкин (солик декларацияларидан ташқари) ва ҳ.к.

Қонун хужжатларида кўрсатилган ҳолларда давлат органлари банклардаги ҳисобвараклар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш тўғрисида судга мурожаат қилиш хукуқига эга бўладилар. ЎзР СКнинг 96-моддасига мувофиқ, солик текширувини ўтказишга солик тўловчи томонидан тўскىнлик қилинган ёхуд давлат солик хизмати органи мансабдор шахсларининг солик тўловчи томонидан даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёки солик солиш обьектини сақлаш билан боғлиқ худудлар, бинолар, шу жумладан жойларни кўздан кечириш учун кириши рад этилган ҳолларда, давлат солик хизмати органи солик тўловчининг банклардаги ҳисобвараклари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Ушбу норма «Давлат солик хизмати тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг<sup>152</sup> 5-моддаси билан давлат солик органларига берилган хукуқдан келиб чиқади.

Банклардаги ҳисобвараклар бўйича операцияларнинг фақатгина харажат қисми тўхтатиб қўйилиши мумкин. Бюджетга тўловлар ва меҳнатга ҳақ тўлаш, нафақалар, шунингдек ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса туфайли соғлиққа ёки ҳаётга етказилган зарарни қоплашга қаратилган харажатлар бундан мустасно. Шундай қилиб, фақат биринчи навбатдаги харажатлар истисно қилиниши мумкин.

---

<sup>152</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 52-модда.

ЎзР Олий суди ва Олий хўжалик судининг 2006 йил 22 деқабрдаги 12/149-сонли «Тадбиркорлик субъектларини хуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган ЎзР қонун хужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида»ги қарорининг 15-бандига мувофиқ, банклардаги ҳисобвараклар бўйича операцияларни тўхтатиш ҳақидаги ариза (тақдимнома) қаноатлантирилган тақдирда, суд хужжатининг хулоса қисмida операциянинг қайси муддатга тўхтатилишини кўрсатиш ёхуд у бажарилгунча операция тўхтатиладиган шартни белгилаши керак (молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунлангунига ва унинг натижалари бўйича қарор қабул қилингунига қадар ва бошқалар), Шунингдек банклардаги ҳисобвараклар бўйича операцияларни тўхтатишга асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан сўнг банкка ҳисобвараклар бўйича операцияларни тиклаш тўғрисида кўрсатма бериш лозим.

Банк ўз хоҳишига кўра суд қарорида кўрсатилган ҳисобвараклардан бири ёки бир нечтасини, агарда уларда қарзни ундириш учун етарли маблағлар бўлган тақдирда ҳам танлаб, ёпиб қўйишга ҳақли эмас. У ҳар бир ҳисобваракнинг харажат қисмини тўхтатиб қўйишга мажбур. Банклар ҳисобваракларни тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги суднинг қарори қанчалик тўғри эканлиги билан қизиқмайдилар ва шунинг учун улар қарорда кўрсатилган барча ҳисобваракларни тўхтатиб қўядилар. Шунинг учун ҳисобваракни тўхтатиб қўйиш натижасида солиқ тўловчига етказилган зарарни қоплаш бўйича банклар ҳеч қандай мажбуриятга эга бўлмайдилар.

Банклардаги ҳисобвараклар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги суд хужжати тадбиркорлик субъектининг ҳисобвараги бўлган барча банклар учун мажбурий ҳисобланади. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг<sup>153</sup> 29-моддасига асосан, банк ҳисобвараклари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш тўғрисида суд қарори мавжуд бўлган тақдирда, корхоналарнинг ёпилаётган ҳисобваракларидағи маблағлар қолдиқлари банк томонидан фойдаланиш хуқуқисиз маҳсус ҳисобваракларга киритиб қўйилади, корхонанинг тўланиши учун банкка тақдим этилган кредиторлик қарзи эса, кўзда тутилмаган ҳолатларнинг алоҳида ҳисобварагига ўтказилади.

<sup>153</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда.

Шуни ёдда тутиш керакки, хўжалик суди томонидан хўжалик низосини кўриш жараёнида тадбиркорлик субъектининг пул маблағларига тақиқ қўйилиши даъвони қаноатлантириш воситаси ҳисобланади ва уни бекор қилиш масалалари Ўзбекистон Республикаси ХПКда белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади.

ЎзР ХПК нинг 155<sup>18</sup>-моддасига асосан хуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги арз қилинган талаб қаноатлантирилган тақдирда, хўжалик суди ҳал қилув қарорининг хulosса қисмида хуқуқий таъсир чораси қўлланилган шахснинг номи; хуқуқий таъсир чорасини қўллаш учун асос бўлган норматив-хуқуқий хужжатлар ва банклардаги ҳисобвараклар бўйича операциялар қандай шартлар бажарилгунига қадар тўхтатиб қўйилганлиги кўрсатилиши керак.

## 5-§. Молиявий санкцияларни қўллаш

*Молиявий-хуқуқий санкцияларга бюджетга ва бюджетдан ташқари жамгармаларга солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги учун тадбиркорлик субъектларидан пул ундиришига қаратилган санкциялар киради.*

Молиявий санкция қўллаш тўғрисидаги ариза (тақдимнома) судга конун хужжатларига асосан, молиявий санкция қўллаш хуқуқига эга бўлган назорат қилувчи орган томонидан берилиши мумкин. Бундай органлар қаторига давлат солиқ хизмати органлари, давлат божхона хизмати органлари, ЎзР Монополияга қарши кураш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг худудий органлари ва бошқаларни киритиш мумкин.

Молиявий санкция қўллаш тўғрисидаги ариза (тақдимнома) га молиявий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги аризага – текшириш ўтказилишига асос бўлган хужжатлар (назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли органнинг қарори, бундай қарор олиш конун хужжатларида назарда тутилмаган ҳоллар бундан мустасно; агар текшириш жиноят иши доирасида ўтказилса, тергов органининг (суриштирув органининг) қарори; текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйрук; текшириш ўтказиш режаси ва ҳоказо); текшириш натижалари бўйича тузилган далолатнома ёки бошқа хужжат ва унга илова қилинадиган хужжатлар; текшириш материалларини кўриб чиқиш баённомаси ва қарор, агар уларни тузиш ёки қабул қилиш

қонун хужжатларида назарда тутилган бўлса; қарорнинг кўчирма нусхаси жавобгарга топширилганлиги ёки юборилганлиги далили илова қилинади.

ЎзР Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ–3619-сонли «Тадбиркорлик субъектларини хуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони тадбиркорлик субъекти содир этилган хуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлган ва молиявий санкция жарималарини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, молиявий санкциялар суддан ташкари тартибда амалга оширилишини белгилаб, мазмун жиҳатидан молиявий санкцияларни қўллаш масаласини судгача ҳал қилиш тартибини белгилайди. Шу муносабат билан назорат қилувчи орган судга мурожаат қилгунга қадар молиявий санкция қўлланилаётган шахсга уни ихтиёрий равишда тўлаш тўғрисидаги талабни ҳамда қўлланиладиган жарима суммаси кўрсатилган ҳисобни топширади ёки топширилиши маълум қилинадиган буюртма хат билан юборади.

ЎзР Олий суди ва Олий хўжалик судининг 2006 йил 22 декабрдаги 12/149-сонли «Тадбиркорлик субъектларини хуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган ЎзР қонун хужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида»ги қарорининг 16-бандига мувофиқ, агар тадбиркорлик субъекти томонидан талаб у қабул қилинганидан кейин 10 кун мобайнида қаноатлантирилмаса, назорат қилувчи орган судга мурожаат қилишга ҳақли. Ушбу тартибнинг назорат қилувчи орган томонидан бажарилмаслиги суд томонидан аризани қайтариш учун асос бўлади. Ушбу нормалар солиқ тўловчи томонидан давлат солиқ хизмати органининг қарорини бажариш масалаларига бағишланган ЎзР СКнинг 104-моддасида ўз ифодасини топган.

Ушбу қарорда белгиланишича, молиявий санкция қўллаш тўғрисидаги ариза (тақдимнома)да талаб асослантирилган холатлар, бу талабларнинг асосларини тасдиқловчи далиллар, аризачининг қонун хужжатларига ҳавола этилган талаблари, аризачи қўллашни сўраётган молиявий санкциянинг турлари кўрсатилиши керак. Аризага (тақдимнома)га, шунингдек санкция суммасининг асослантирилган ҳисоби ва тадбиркорлик субъекти билан низони судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши лозим.

ЎзР СКнинг 112-моддасига асосан, молиявий санкциялар солиқка оид хуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораси бўлиб, пул

ундириш (**жарималар ва пеня**) тарзида қўлланилади. Шу муносабат билан қўшимча ҳисобланган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар молиявий санкция ҳисобланмайди ва солиқ органи томонидан судга мурожаат қилинмасдан қабул қилинган қарор асосида белгиланган тартибда ундирилади.

Агар назорат қилувчи орган томонидан ариза (тақдимнома) да молиявий санкция қўллаш билан бирга, қўшимча ҳисобланган солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловларни ундириш ҳақида талаб қўйилган бўлса, бунда ишнинг ушбу қисми бўйича иш юритиш мазкур талаб судга тааллуқли эмаслиги муносабати билан тутатилади.

ЎзР Президентининг 2005 йил 24 июндаги ПФ–3622-сонли «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги хукуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги Фармонининг<sup>154</sup> 2-бандига мувофиқ, материаллар суд инстанцияларига топширилган ҳолларда, тадбиркорлик субъекти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлик учун содир этилган хукуқбузарлик туфайли етказилган заарнинг ўрнини бир ой мобайнида ихтиёрий равишда қоплаган ҳамда унинг оқибатларини бартараф этган, жумладан пеня тўлаган тадбиркорлик субъекти молиявий санкциялар қўлланилишидан озод этилиши белгилаб қўйилган. Шунга кўра, ЎзР Олий суди ва Олий хўжалик судининг юқоридаги қарорида таъкидланишича, судлар ишларни кўриш кунини ариза (тақдимнома) келиб тушганидан кейин камидан бир ойдан сўнг кўрилади.

Солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлик билан боғлиқ хукуқбузарлик оқибатида етказилган зарар деганда, тадбиркорлик субъекти томонидан хукуқбузарлик содир этилмаганда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тушиши керак бўлган маблағ тушунилиши лозим. Шу муносабат билан судлар содир этилиши натижасида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга зарар етказилмайдиган хукуқбузарликларга нисбатан (касса чекларини, талонлар, квитанциялар ва уларни бермаслик, агар уларни бериш мажбурий ҳисобланса; реклама ва истеъмолчиларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунларни бузиш ва бошқалар) юқорида кўрсатилган Президент Фармонининг 2-бандида назарда тутилган норма қўлланилмаслигини эътиборга олишлари лозим.

<sup>154</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996 й., 5–6-сон, 54-модда.

ЎзР ХПК нинг 155<sup>18</sup>-моддасига асосан хуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги арз қилинган талаб қаноатлантирилган тақдирда, хўжалик суди ҳал қилув қарорининг хulosса қисмида молиявий санкциялар қўллаш тўғрисидаги ариза (тақдимнома) қаноатлантирилганда, судлар қарорнинг хulosса қисмида қўлланиладиган молиявий санкциянинг тури ва миқдорини, зиммасига молиявий жазо чораси суммасини ундириш юклатилган назорат қилувчи органнинг номи кўрсатишлари лозим. Қўлланилган молиявий санкция суммаларини ундириш аризачига юклатилади. Бундай ишлар бўйича ижро варақаси берилмайди.

## **6-§. Хуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш**

*Хуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиши масаласи шу хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишини кўраётган суд томонидан ҳал этилади. Хуқуқбузарлик предметлари фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардагина давлат даромадига ўтказилиши мумкин.*

Таъкидлаш лозимки, давлат даромадига ўтказиладиган молмулкни олиб қўйиш, ҳисобга олиш, сақлаш, баҳолаш ва сотиш, шунингдек уни йўқ қилиб ташлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сонли қарори<sup>155</sup> билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган молмулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низом билан тартибга солинган. Мазкур низом бошқалар билан бир қаторда, давлат даромадига ўтказиладиган:

1) жиноят ишлар бўйича суд қарорлари асосида молмулкнинг жиноят буюмлари ва қуроллари, шунингдек ашёвий далилларга оид қисмига;

2) маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорлари асосида молмулкнинг хуқуқбузарлик буюмлари ва қуроллари, шунингдек ашёвий далилларга оид қисмига;

3) жиноят ишлари бўйича суд қарорлари асосида суриштирув, дастлабки тергов ёки суд давомида мулкий ундирувларни таъминлаш мақсадида банд қилиб қўйилган молмулкнинг давлатга етказилган зарарни қоплашга йўналтириладиган қисмига татбиқ этилади.

Ушбу низомнинг 12-бандига мувофиқ, молмулкни олиб қўйиш тўғрисидаги материаллар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда молмулкни давлат даромадига

<sup>155</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 25–26-сон, 178-модда.

ўтказиш ёки уни йўқ қилиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилган тегишли судга ёки органга (мансадбор шахсга) берилиши керак. Материалларга қуидагилар илова қилинади:

- 1) мол-мulkни олиб қўйиш тўғрисидаги протокол;
- 2) мол-мulkни сақлаш учун қабул қилиб олиш-топшириш да-лолатномаси;
- 3) автомототранспорт воситаси ёки кўчмас мулкини давлат даромадига ўтказишда – кўздан кечириб чиқиши далолатномаси;
- 4) экспертиза ўтказиш учун бўлаклар ва намуналар олиш тўғрисидаги далолатнома;
- 5) мол-мulkning истеъмол, фойдаланиш ёки қайта ишлаш учун яроқлилиги ёки яроқсизлиги юзасидан экспертнинг хуло-саси, мажбурий сертификатланиши керак бўлган маҳсулотга мувофиқлик сертификати, шунингдек ушбу низомнинг 7-бандига мувофиқ экспертизинг хulosаси;
- 6) мол-мulkни баҳолаш тўғрисидаги хulosса ёки мол-мulkни баҳолаш тўғрисидаги далолатнома.

Мол-мulkни давлат даромадига ўтказиш ёки уни йўқ қилиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилган суд ўз қарорида экспертизани ўтказишда (сертификатлашда) олинган ва қайтарилган бўлаклар ва намуналар сонини кўрсатган ҳолда давлат даромадига ўтказиладиган ёки йўқ қилинадиган мол-мulkning қиймати ва миқдорини кўрсатади. Суд ўзи чиқарган тегишли қарор кучга киргандан сўнг кейинги кундан кечикмай ижро хужжатини ижро этиш учун тегишли Суд департаментининг туман (шаҳар) бўлимига юборади (*кейинги ўринларда* – суд ижрочилари деб юритилади).

Ваколатли органнинг кучга кирган қарори, шунингдек мол-мulkни давлат даромадига ўтказиш ёки мол-мulkни йўқ қилиб ташлаш тўғрисидаги кучга кирган суд қарори асосида суд томонидан бериладиган ижро варақаси ижро хужжати ҳисобланади. Суд ижро хужжатига юқорида кўрсатилган, ижрони юритиш учун зарур бўлган хужжатлар илова қилинади<sup>156</sup> (Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сонли қарори<sup>157</sup> билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мulkни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низом).

<sup>156</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2009 й., 7-сон, 56-модда.

<sup>157</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда.

## **7-§. Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензиялари (рухсатномалари)ни ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш**

*Лицензияловчи орган тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турлари билан шуғулланиши ҳуқуқини берувчи лицензиялар (рухсатномалар)нинг амал қилишини кўпи билан ўн иш кунигача тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш ёхуд бекор қилиши тўғрисидаги ариза (тақдимнома) билан фақат қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллардагина мурожсаат қилиши мумкин.*

*Бундай аризалар (тақдимномалар)ни кўриб чиқишида судлар лицензиянинг амал қилишини тўхтатиши ёки тугатиш ва бекор қилиши асослари рўйхати келтирилган ЎзР «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Конунининг<sup>158</sup> 22–24-моддаларига асосланшилари лозим. Конунда келтирилган ушбу рўйхат қатъий ва мукаммал ҳисобланади.*

Мазкур Конуннинг 22-моддасига асосан, лицензиянинг амал қилиши қўйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

- 1) лицензиат лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларини бузганлиги аниқланганда;
- 2) лицензияловчи органнинг аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини лицензиат зиммасига юкловчи карори лицензиат томонидан бажарилмаганда.

Шу тариқа, ЎзР Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ–3619-сонли «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида назарда тутилган лицензиялар (рухсатномалар)нинг амал қилишини 10 кундан ортиқ муддатга тўхтатиш кўринишидаги ҳуқуқий таъсир чораси лицензиат томонидан лицензион келишувда назарда тутилган талаблар ва шартларни бажармаслик, лицензиат томонидан лицензияловчи органнинг аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги қарорини бажармаслик ҳолларида қўлланиладиган ташкилий характердаги маъмурий жавобгарлик чораси ҳисобланади.

Конуннинг 24-моддасига мувофиқ, лицензия қўйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- 1) лицензиат унга лицензия бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги хабарнома юборилган (топширилган)

<sup>158</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996 й., 5–6-сон, 54-модда.

пайтдан эътиборан уч ой ичиди лицензияловчи органга лицензия берганлик учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи хужжатни тақдим этмаган ёки лицензия шартномасини имзоламаган бўлса;

2) лицензиат лицензияни бекор қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

3) лицензия сохта хужжатлардан фойдаланилган ҳолда олингандиги факти аниқланганда. Мазкур модда лицензияни бекор қилиш суд қарорига мувофиқ, лицензия сохта хужжатлардан фойдаланилган ҳолда олингандиги факти аниқланганда амалга оширилишини назарда тутади. Шундан келиб чиқсан ҳолда лицензияни бекор қилиш лицензия сохта хужжатлардан фойдаланилган ҳолда олингандиги факти аниқланганда амалга ошириладиган хукуқий таъсир чораси ҳисобланади.

Турли хил рухсатномаларнинг амал қилишини 10 кундан ортиқ муддатга тўхтатиш ва бекор қилиш масалалари га тўхталадиган бўлсак, мазкур масалага бағишлиланган ЎзР қонунчилигининг бир қатор нормаларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сонли қарори<sup>159</sup> билан тасдиқланган Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 28-бандига мувофиқ, рухсат гувоҳномасини чақириб олиш суд тартибида амалга оширилади. Бундан ташқари, рухсат гувоҳномасининг амал қилиши ҳафта мобайнида савдо айланмаси мавжуд бўлмаган ёки нақд пул тушумини инкассация қилиш қоидалари бузилган тақдирда, ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб турилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли қарори<sup>160</sup> билан тасдиқланган ЎзРда умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш Қоидаларининг 26-бандига асосан, рухсат гувоҳномасини олиб қўйиш ва бекор қилиш, шунингдек унинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйиш ва тўхтатиш уларни бериш ваколатига эга бўлган органнинг мурожаати бўйича суд тартибида амалга оширилади. Мазкур Қоидаларга риоя қилинишини текшириш далолатномалари ёки ваколатли давлат органларининг тақдимномалари судга мурожаат қилиш учун асос ҳисобланади.

<sup>159</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2002 й., 11-сон, 71-модда.

<sup>160</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2003 й., 2-сон, 15-модда.

**3-б о б . ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ  
СУБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН МАЪМУРИЙ ТАРТИБДА  
ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР  
ЧОРАЛАРИ ТУРЛАРИ**

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 40<sup>l</sup>-моддаси талабларидан келиб чиқсан ҳолда тадбиркорлик субъектларига нисбатан маъмурӣ тартибда қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари қаторига қўйидағиларни киритиш мумкин:

1) фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаши, тўхтатиб туриши;

2) қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиши;

3) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаши муддатини ўтказиб юборганлик учун пеня ҳисоблаб чиқарши, шунингдек ташкилот ёки фуқаронинг содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлганлиги ва молиявий жазо чоралари суммаларини ихтиёрий равишда тўлаган ҳолларда молиявий жазо чораларини қўллаши;

4) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банки томонидан бериладиган лицензиялар (руҳсатномалар) нинг амал қилишини тўхтатиб қўйиши, тугатиши ва бекор қилиши. (2-схемага қаранг).

Юқорида кўрсатилган ҳуқуқий таъсир чораларининг ҳар бирини қўйида алоҳида кўриб чиқамиз.

### **1-§. Фаолиятни тўхтатиб қўйиши ва чеклаш**

Умумий қоидага кўра, тадбиркорлик субъекти фаолиятини тўхтатиб қўйиши фақат суд тартибда амалга оширилиши мумкин. Бу қоидани истисно этадиган бир ҳолат бўлиб, фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туришdir. Фавқулодда вазият тушунчаси «Кутқарув хизмати ва кутқарувчи мақоми тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг<sup>161</sup> 3-моддасида

<sup>161</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 й, 12-сон, 638-модда.

келтирилган бўлиб, унга мувофиқ фавқулодда вазият – одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиги ёки атроф табиий мухитга зарар етишига, жиддий моддий талафотлар келтириб чиқаришга ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса, табиий ёки бошқа оғат натижасида муайян худудда юзага келган ҳолат деб қаралади.

## **2-§. Банклардаги ҳисобвараклар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш**

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига банклардаги ҳисобвараклар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш каби хуқуқий таъсир чораси суддан ташқари тартибда қўлланилиши мумкин бўлган айрим ҳолатлар назарда тутилган. Хусусан, «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг<sup>162</sup> 9-моддасига асосан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича маҳсус ваколатли давлат органи пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни, агар бундай операциялар тўғрисидаги ўзи олган хабар текшириш натижаларига кўра асосли деб топилган бўлса, икки иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳақида кўрсатмалар йўллаш хуқуқига эга.

Мазкур Қонунининг 15-моддасига кўра, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, ушбу Қонунининг 14-моддасида назарда тутилган операцияларни, юридик ёки жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операцияларни истисно этганда, бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция ҳақида операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида маҳсус ваколатли давлат органини хабардор қилишлари шарт. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни тўхтатиб туриш тўғрисида маҳсус ваколатли давлат органининг кўрсатмаси бўлмаса, кўрсатилган муддат ўтгач, пул маблағлари ёки бошқа

<sup>162</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2004 й., 9-сон, 160-модда.

мол-мулк билан боғлиқ операцияни амалга оширувчи ташкилот тўхтатиб турилган операцияни бажарышга киришади.

Қонунчиликда банклардаги ҳисобвараклар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги хуқуқий таъсир чорасининг фақат суд томонидан қўлланилиши билан боғлиқ умумий қоидани истисно этадиган яна бир ҳолат акс этирилган. «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобвараклари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш қўйидаги ҳолларда давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари асосида ҳам амалга оширилиши мумкин:

1) солиқ ва (ёки) молиявий ҳисобот уни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн беш кун ичida солиқ тўловчи – юридик шахс томонидан тақдим этилмаганда;

2) солиқ тўловчи – юридик шахс қўрсатилган манзилда бўлмаганда.

Таъкидлаш лозимки, ЎзР СКнинг 104-моддасига асосан, давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг 15-боб қоидаларига риоя этмаганлиги давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органи ёки суд томонидан бекор қилиниши мумкин. Шу тариқа, давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахслири томонидан банклардаги ҳисобвараклар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишнинг белгиланган талабларига амал қилмаслиги солиқ текшируви натижаси бўйича чиқарилган давлат солиқ хизмати органи қарорининг юқори турувчи давлат солиқ хихмати органи ёки суд томонидан бекор қилиниши учун асос бўлиши мумкин.

### **3-§ Молиявий санкцияларни қўллаш**

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 40<sup>1</sup>-моддаси ҳамда ЎзР Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли «Тадбиркорлик субъектларни хуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қоидаларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаш муддатини ўtkазиб юборганлик учун пена ҳисоблаб чиқариш, шунингдек ташкилот ёки фуқаронинг содир этилган хуқуқбузарликдаги айбига иқорор бўлганлиги ва молиявий жазо чоралари суммаларини ихтиёрий равишда тўлаган ҳолларда молиявий жазо чоралари суддан ташқари тартибда амалга оширилиши мумкин. Шунга ўхшаш

норма ЎзР СКнинг 112-моддасида ҳам белгиланган. Ушбу моддага кўра, пеня ҳисоблаш ҳолларидан ташқари солиқ тўловчи жисмоний шахсларга нисбатан бошқа ҳамма молиявий санкциялар фақат суд тартибида қўлланилади.

Бошқача қилиб айтганда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун ваколатли давлат органи томонидан пеня ҳисоблаб чиқариш учун судга мурожаат қилиш талаб этилмайди. Пеня ҳисоблаш масалалари ЎзР СКнинг 120-моддаси билан тартибга солинган бўлиб, унга мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузиш тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун, тўлов куни ҳам шунга киради, 0,05 фоиз миқдорида пеня ҳисоблашга сабаб бўлади. Бунда бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммага тенг бўлган қарз суммасига пеня ҳисобланмайди. Пеня миқдори тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммасидан ошиб кетиши мумкин эмас.

ЎзР Солиқ кодекси, шунингдек тадбиркорлик субъектининг содир этилган ҳукуқбузарликдаги айбига икror бўлганлиги ва молиявий жазо чоралари суммаларини ихтиёрий равишда тўлаши тартибини ҳам белгилаб берган. Кодекснинг 104-моддасигда белгиланишича, агар давлат солиқ хизмати органининг қарори бюджетта ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тушмаслигига олиб келмаган солиқка оид ҳукуқбузарликларни содир этганлик учун солиқ тўловчига нисбатан жарима қўлланилишини назарда тутса, солиқ тўловчи қарор нусхасини олган кундан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмасдан давлат солиқ хизмати органига мазкур ҳукуқбузарликлардаги айбини тан олганлиги ва ихтиёрий равишда жарима тўлаши тўғрисида ёки уни рад этиши тўғрисида ёзма билдириш тақдим этиши (юбориши) шарт.

Бюджетта ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тушмаслигига олиб келмаган солиқка оид ҳукуқбузарликлар бўйича жарималар суд тартибида ундирилади: 1) солиқ тўловчи содир этилган солиқка оид ҳукуқбузарликлардаги айбини тан олганлиги ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаш тўғрисидаги ёзма билдиришни тақдим этмаган тақдирда; 2) солиқ тўловчи содир этилган солиқка оид ҳукуқбузарликлардаги айбини тан олганлиги ва жаримани ихтиёрий равишда тўлашни рад этганлиги тўғрисидаги ёзма билди-

ришни тақдим этмаган тақдирда; 3) давлат солиқ хизмати органи томонидан берилган муддатда жарима суммасининг тўланмаган тақдирда.

ЎзР Божхона кодексининг 186-моддаси ҳам тадбиркорлик субъекти содир этилган ҳуқуқбузарлиқдаги айбига икрор бўлган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, жарима суддан ташқари тартибда амалга оширилишини белгилайди. Шунга ўхшаш нормалар «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг<sup>163</sup> 18-моддасида, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг<sup>164</sup> 56-моддасида, «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг<sup>165</sup> 8-моддасида ва қатор бошқа норматив-хуқуқий хужжатларда белгиланган.

#### **4-§. Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғуланиш лицензиялари (руҳсатномалари)ни ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш**

Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғуланиш учун лицензияларнинг (руҳсатномаларнинг) амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ёки уларнинг амал қилишини тугатиш ва лицензияларни (руҳсатномаларни) бекор қилиш билан боғлиқ фақат суд тартибида қўлланиладиган хуқуқий таъсир чораларини белгиловчи умумий тартибдан фарқли ўлароқ, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банки томонидан бериладиган лицензиялар (руҳсатномалар)нинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш, тугатиш ва бекор қилиш суддан ташқари тартибда амалга оширилади.

ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ёки Марказий банки томонидан бериладиган амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги 236-сонли қарори<sup>166</sup> билан

<sup>163</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 54-модда.

<sup>164</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 й., 12-сон, 638-модда.

<sup>165</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2004 й., 9-сон, 160-модда.

<sup>166</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 21-модда.


тасдиқланган Фаолиятнинг айрим турларини лицензияловчи ор-  
ганлар рўйхатида назарда тутилган. Ушбу Рўйхатга асосан, Ва-  
зирлар Маҳкамаси:

1) қурол-яроғ ва унинг ўқ-дориларини, ҳимояланиш восита-  
ларини, ҳарбий техникани, уларнинг эҳтиёт қисмлари, бутлов-  
чи қисмлари ва приборларини (агар улардан бошқа тармоқларда  
фойдаланилмаса), шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун маҳ-  
сус материалларни ва маҳсус асбоб-ускунани яратиш, ишлаб  
чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш;

2) ионлаштирувчи нурланиш манбаларини қазиб олиш, ишлаб  
чиқариш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш, улардан фойдаланиш, улар-  
ни саклаш, уларга хизмат кўрсатиш, уларни ташиш, зарарсизлан-  
тириш, утилизация қилиш ва кўмиб ташлаш;

3) хавфи юқори бўлган обьектларни ҳамда потенциал хавфли  
ишлаб чиқаришларни лойихалаштириш, қуриш ва улардан фой-  
даланиш ва қатор бошқа фаолият турларига лицензия беради.

### 3-схема



Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қўйидаги лицензияланадиган фаолият турларига лицензиялар беради:

- 1) банк фаолияти;
- 2) банклар томонидан, бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан чет эл валютасида операциялар ўтказиш;
- 3) қимматбаҳо қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқариш;
- 4) гаровхоналар фаолияти;
- 5) кредит уюшмалари фаолияти.

#### **4-б о б . ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАНИ СУД ВА МАЪМУРИЙ ТАРТИБДА ҲАЛ ҚИЛИШ**

*Тадбиркорлик субъектларига нисбатан тегишили ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашнинг суд тартиби белгиланиши уларни тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунчилликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари томонидан қўллаш тартиботларини амалда қийинлаштиради.*

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг<sup>167</sup> 44-моддаси ҳамда «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг<sup>168</sup> 1 ва 3-моддаларига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти субъектлари давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарши органлари ёки мансабдор шахсларнинг тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузувчи ҳар қандай ҳаракатлар (ҳарактсизлик), қарорлар устидан судга шикоят қилишлари мумкин.*

**Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашнинг маъмурый тартиби қўлланиладиган чора ҳамда бузилганлиги оқибатида қўлланиладиган қонунчиллик соҳасидан келиб чиқсан ҳолда бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган.**

<sup>167</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1994 й., 1-сон, 5-модда.

<sup>168</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 183-модда.

## **1-§. Тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан хуқуқий таъсир чоралари қўллаш тўғрисидаги масалани суд тартибида ҳал қилиш**

ЎзР Олий суди ва Олий хўжалик судининг 2006 йил 22 дебрдаги 12/149-сонли «Тадбиркорлик субъектларини хуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган ЎзР қонун хужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида»ги карорининг 5-бандига мувофиқ, тадбиркорлик субъектларига нисбатан улар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши муносабати билан хуқуқий таъсир чораларини қўллашга оид ишлар хўжалик судлари томонидан ХПК нинг 20<sup>3</sup>-боби Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга қоидаларига ва даъво иш юритишнинг умумий қоидаларига, умумий юрисдикция судлари томонидан эса, маъмурий суд иш юритиш қоидаларига мувофиқ кўрилади.

ХПК нинг 155<sup>14</sup>-моддасига мувофиқ хуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги ариза хўжалик судига ёзма шаклда берилади ва аризачи ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги аризада ариза берилаётган хўжалик судининг номи; ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи ва уларнинг почта манзиллари; ҳуқуқбузарлик фактини аниқлаган назорат қилувчи органнинг номи; аризада қўйилган талабга асос бўлган ҳолатлар; аризада қўйилган талабнинг асосларини тасдиқловчи далиллар; хўжалик судига мурожаат қилишга асос бўлган ташкилот ёки фуқаронинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун жавобгарликни назарда тутивчи норматив-хуқуқий хужжатлар; аризачининг талаби; низоны жавобгар билан судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда назарда тутилган бўлса; илова қилинаётган хужжатлар рўйхати кўрсатилган бўлиши керак. Қонун хужжатларига мувофиқ хуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги аризада бошқа маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Ушбу моддада, шунингдек ушбу Кодекснинг 155<sup>15</sup>-моддасида назарда тутилган талабларни бузган ҳолда берилган хуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекснинг 118-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича аризачига қайтарилади.

Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ариза

(такдимнома) билан судга мурожаат қилинганида маблағларни асосиз равища ҳисобдан чиқаришнинг олдини олиш бўйича тезкор чора кўриш зарурияти туғилса, суд ишда қатнашаётган шахс (ушбу ҳолатда – аризачи-назорат қилувчи орган)нинг мурожаатига асосан қонун хужжатларида назарда тутилган равища даъвони таъминлаш чораларини кўриши мумкин.

ЎзР ХПКнинг 77-моддасига мувофиқ, даъвони таъминлаш чоралари бўлиб, бошқа чоралар қатори жавобгарга тегишли бўлган мол-мулк ёки пул маблағларини хатлаб кўйиш; жавобгарга муайян ҳаракатларни қилишни тақиқлаш; бошқа шахсларга низо предметига алоқадор бўлган муайян ҳаракатларни қилишни тақиқлаш ҳисобланади. Бунда судлар аризани қаноатлантириш рад этилганида қарор қабул қилиниши билан бир вақтда даъвони таъминлаш чораларини бекор қилиш тўғрисида ажрим чиқарилиши зарурлигини назарда тутишлари лозим.

Тадбиркорлик субъектларига нисбатан тегишли хукукий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ариза (такдимнома)лар билан мурожаат қилинганида, аризачилар (назорат қилувчи органлар) қонун хужжатларида кўрсатилган ҳолларда давлат божи тўлашдан озод қилинади. ЎзР СКнинг 330-моддасига асосан, давлат солиқ хизмати органлари, молия ҳамда божхона органлари, шунингдек монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш органлари – барча ишлар ва хужжатлар бўйича, шунингдек алоҳида юритиладиган ишлар бўйича судга аризалар берганлик учун хўжалик судларида давлат божини тўлашдан озод қилинади.

ЎзР Олий суди ҳамда Олий хўжалик судининг юқоридаги кўшма қарорининг 22-бандига кўра ишларни кўриб чиқиш натижалари бўйича билдирилган талаблар қаноатлантирилган тақдирда, тадбиркорлик субъектларидан энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида давлат божи ундирилади, фаолиятни тугатиш тўғрисидаги ишлар бундан мустасно.

Ушбу қарор шунингдек аризачилар – назорат қилувчи органлар давлат божи тўлашдан озод қилинганилиги ёки озод қилинмаганлигидан қатъий назар, қонун билан белгиланган тартибда бошқа суд харажатларини, шу жумладан, почта харажатларини ҳам тўлашларини белгилайди. ЎзР ХПКнинг 90-моддасига асосан, почта харажатлари суд харажатлари таркибиға киритилади. Кодекснинг 95-моддасига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг қаноатлантирилган даъво талблари миқдорига мутаносиб равища юкланади. Тадбиркорлик субъектига нисбатан хукукий таъсир чораси қўллаш тўғрисидаги

ариза қаноатлантирилган тақдирда суд қарори унинг фойдасига чиқарилмаган тараф сифатида почта харажатлари тадбиркордан тўлиқ ундирилади.

Судлар текшириш натижалари бўйича хукуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни кўришда назорат қилувчи орган томонидан амалга оширилган текширишнинг қонунийлиги, асослилиги ва ошкоралигига, текширувчи томонидан текширишнинг даврийлиги ва муддатларига, тадбиркорлик субъектининг хукуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилганлигига эътибор берган ҳолда ишнинг барча ҳолатларини пухта ўрганишлари лозим. Судлар назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари харакатларига уларнинг ўз ваколатларини амалга ошириш пайтида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этганликлари ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг<sup>169</sup> 6, 9, 12 ва 17-моддаларида назарда тутилган, текшириш учун асос бўлган ҳужжатларни тақдим этганликлари, текширишларни қайд этиш дафтарига ёзувлар киритганликлари, давлат сирлари, тижорат ва бошқа сирларни сақлашни таъминлаганликлари, текшириш ҳужжатини расмийлаштирганликлари ва уни тадбиркорлик субъектига топширганликлари, хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятига аралашилмаслик нуқтаи назаридан хукукий баҳо беришлари лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тадбиркорлик субъектларига нисбатан хукуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича назорат қилувчи орган ва тадбиркорлик субъекти ўртасида келишув битими тузилишига йўл қўйилмайди. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан хукуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни кўриш жараёнида судлар шунга эътибор беришлари керакки, соликлар, йигимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-каршиликлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъектининг фойдасига талқин қилинади. Чунки ЎзР СКнинг 11-моддаси талабига кўра, солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-каршиликлар ва ноаниқликлар солик тўловчининг фойдасига талқин қилинади.

Юкорида таъкидлаб ўтилганидек, тадбиркорлик субъект-

---

<sup>169</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 54-модда.

ларига нисбатан улар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши муносабати билан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга оид ишлар хўжалик судлари томонидан даъво иш юритишнинг умумий қоидаларига, умумий юрисдикция судлари томонидан эса, маъмурий суд иш юритиш қоидаларига мувофиқ кўрилади. ЎзР Президентининг 2005 йил 24 июнданги ПФ-3622-сонли «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги Фармонининг 1-бандига мувофиқ, тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта содир этилган, қасдан қилинмаган ва кам аҳамиятли, шунингдек Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар камроқ тушишига олиб келмайдиган ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда материалларни суд органларига тақдим этмасдан фақат маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилади. Шу тариқа, бундай ҳолларда маъмурий жавобгарлик чоралари тегишли назорат килувчи органлар томонидан қўлланилади.

## **2-§. Тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўллаш тўғрисидаги масалани маъмурий тартибда ҳал қилиш**

Тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш ЎзР МЖтКнинг<sup>170</sup> 4-бўлими қоидалари асосида амалга оширилади. Таъкидлаш лозимки, Кодекс ушбу бўлимининг қоидалари мазкур кодекс 1-моддасининг 2 қисмида кўрсатилганидек Кодексга киритилмаган қонун ҳужжатларида содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларга ҳам тааллуқлидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома (акт) уни тузишга ваколати бўлмаган шахс томонидан тузилган, унда маъмурий ҳуқуқбузарликнинг содир этилган вақти, мазмуни, ушбу ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи меъёрий ҳужжат кўрсатилмаган ёки жавобгарликка тортилувчи шахс баённома (акт) ва иш материаллари билан таништирилмаган ҳолларда, судья баённома (акт)ни иш ҳужжатлари билан биргаликда камчиликларни бартараф этиш учун тегишли органга қайтаради.

---

<sup>170</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон.

Тадбиркорлик субъектлари мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришда суд назорат қилувчи орган томонидан тадбиркорлик субъектининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ўтказиш тартиби ва қоидаларига риоя қилингандигини текшириши шарт. Назорат қилувчи орган томонидан тадбиркорлик субъектининг молия-хўжалик фаолияти текшириш қоидалари ва тартиби бузилган тарзда текширилганлиги ҳолати аниқланса, суд ЎзР МЖТК 310-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига мувофиқ, иш юритишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қиласи ва назорат қилувчи органнинг мансабдор шахсига нисбатан таъсир чораларини қўллади.

Масалан, монополияга қарши қонун хужжатлари, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун хужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишларнинг ЎзР Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг худудий органлари томонидан кўриб чиқилишининг ташкилий ва ҳуқуқий асослари Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сонли қарори<sup>171</sup> билан тасдиқланган Монополияга қарши қонун хужжатларини, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом билан тартибга солинган.

Мазкур Низом монополияга қарши қонун хужжатлари, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун хужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишларни қўзғатиш, уларни кўриб чиқиш тартиби, монополияга қарши орган томонидан қабул қилинган қарорлар асосида кўрсатмалар бериш тартиби ва уларнинг ижросини назорат қилиш ва ниҳоят, қонун хужжатлари бузилганлиги учун молиявий санкцияларни қўлланиш тартибини батафсил тартибга солади.

«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ҳамда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎзР қонунлари<sup>172</sup> ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатлар талабларини бузганлик учун ишларни кўриб чиқиш ва санкциялар қўллашнинг маъмурий тартиби Қимматли қоғозлар

<sup>171</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон.

<sup>172</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1996 й., 5–6-сон, 61-модда.

бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллаш тартиби тўғрисида низом<sup>173</sup> (рўйхат рақами 1131, 2002 йил 23 апрель) билан тартибга солинган.

Ушбу низомнинг 6-бандига кўра, ЎзР Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази (ваколатли орган) ёки унинг худудий бошқармалари томонидан қимматли қофозлар бозори тўғрисидаги қонун хужжатларининг бузилганилиги тўғрисидаги ишларни ўз юритувларига олишлари учун қўйидагилар асос бўлади:

1) жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари, шикоятлари ва бошқа маълумотлар;

2) текширишлар давомида, шунингдек ҳисботлар шаклида олинган хужжатлар ва бошқа хужжатли манбалар;

3) оммавий ахборот воситаларининг маълумотлари;

4) бундай қонун бузилишига олиб келган қимматли қофозлар бозори иштирокчиларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)дан далилат берувчи бошқа маълумотлар.

Ўз навбатида, «Курилиш соҳасидаги хукуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига<sup>174</sup> мувофиқ, юридик шахсларга солинадиган жарималарни қўллаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги 404-сонли қарори<sup>175</sup> билан тасдиқланган Курилиш соҳасидаги хукуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималарни ундириш тартиби тўғрисидаги низом билан тартибга солинган.

Юқоридагиларда келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларига нисбатан суд тартибида ҳамда маъмурий тартибда хукукий таъсир чораларини қўллаш масалаларининг процессуал тартиби тўлиқлигича Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ўз ифодасини топган, деган холосага келиш мумкин. Бу каби аниқ ифодаланган процессуал тартиб-қоидаларнинг мавжудлиги назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан турли хил суистеъмолликлар ва бошқа хукукка хилоф ҳаракатлар содир этилишининг олдини олишга хизмат қиласди.

<sup>173</sup> Ўзбекистон Республикаси вазирларни, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий хужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 8-сон.

<sup>174</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2001 й., 1–2-сон, 21-модда.

<sup>175</sup> Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари тўплами, 2005 й., 9–10-сон, 55-модда.

# **ІІІ бўлим. ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН ҲУҚУҚИЙ ТАҶСИР ЧОРАЛАРИ ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ХАТТИ- ҲАРАКАТЛАРИ (ҚАРОРЛАРИ) УСТИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ**

## **1-боб. ШИКОЯТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА ВАКОЛАТЛИ БЎЛГАН ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА МАНСАБДОР ШАХСЛАР**

*Шикоят қилиши ҳуқуқи давлат органи ёки унинг мансабдор шахси ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)дан норози бўлган шахснинг талабига кўра бундай қарор, ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг қонунийлигини текширишини англатади.*

*Тегишли назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўллаши тўғрисидаги қарорлар устидан шикоят қилиши тартибига келсақ, шикоят муқобил тартибда юқори турувчи орган ёки судга берилиши мумкинлигини таъкидлаш лозим. (4 ва 5-схемаларга қаранг).*

*ЎзР ХПКнинг<sup>176</sup> 23-моддаси иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар хўжалик судига тааллукли эканлигини таъкидлайди. Бундан ташқари, Кодекснинг 23 моддасида назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларининг талабларини бузган ҳолда сўзсиз (акцептсиз) тартибда ҳисобдан чиқарилган пул маблағларини бюджетдан қайтарши тўғрисидаги низолар.*

*ҳамда 24-моддасида давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқарши органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва юридик шахс ташкил этмаган*

<sup>176</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1996 й., 5–6-сон, 61-модда.

холда тадбиркорлик фаолиятини юритаётган фуқароларнинг хукуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар хўжалик судлари томонидан ҳал этилиши белгилаб қўйилган.

ЎзР Олий суди ва Олий хўжалик судининг 2006 йил 22 деқабрдаги 12/149-сонли «Тадбиркорлик субъектларини хукуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган ЎзР қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида»ги қарорининг<sup>177</sup> 23-бандида, Хукуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори (карор) устидан шикоят бериш қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда амалга оширилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг<sup>178</sup> 44-моддаси хамда «Фуқароларнинг хукуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг<sup>179</sup> 1- ва 3-моддаларига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти субъектлари давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг тадбиркорларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини бузувчи ҳар қандай ҳаракатлар (ҳарактсизлик), қарорлар устидан судга шикоят қилишлари мумкин.

Шу тариқа, давлат органи томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектига нисбатан хукуққа хилоф равища ҳукуқий таъсир чоралари қўлланган ҳолларда унга нисбатан ҳукуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни ноқонуний деб топиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат этиши мумкин.

<sup>177</sup> Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 8-сон.

<sup>178</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2001 й., 1–2-сон, 21-модда.

<sup>179</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2003 й., 9-сон, 86-модда.

## 1-§. Шикоят қилиш асослари

Хусусан, ЎзР СКнинг<sup>180</sup> 122-моддасига мувофиқ, ҳар бир солик тўловчи давлат солик хизмати органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят бериш учун давлат солик хизматининг юқори турувчи органига (юқори турувчи мансабдор шахсига) ёки судга мурожаат қилиш хуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг<sup>181</sup> 189-моддасига асосан, божхона ҳақидаги қонун хужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича қарор устидан шикоят қарор кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахс томонидан, унинг вакили ёки адвокат томонидан юқори турувчи божхона органига (mansabdar shahsinga) ёки божхона органи жойлашган ердаги судга қонун хужжатларида белгиланган муддатларда берилиши мумкин.

ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сонли қарори<sup>182</sup> билан тасдиқланган Монополияга қарши қонун хужжатларини, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 37-бандига асосан, қонун хужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш қатнашчилари монополияга қарши орган қарори (кўрсатмаси)га рози бўлмаган тақдирда қарор (кўрсатма) қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда судга қарор (кўрсатма)ни тўлиқ ёки қисман ҳакиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисида ёхуд қарор (кўрсатма)ни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир. Хуқуқий таъсир чораси қўллаш тўғрисидаги қарор устидан суд тартибида шикоят қилиш Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллаш тартиби тўғрисида низом<sup>183</sup> (рўйхат рақами 1131, 2002 йил 23 апрель)нинг 42-бандида ҳам келтирилган.

<sup>180</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (II)-сон.

<sup>181</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Ахборотномаси, 2007 й., 2-сон.

<sup>182</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2005 й., 9-10-сон, 55-модда.

<sup>183</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 1-сон, 5-модда.

Албатта, ҳуқуқий таъсир чораси қўллаш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш учун аниқ асослар керак бўлади, хусусан:

- 1) қонун хужжатлари нормаларига номувофиқлиги;
- 2) давлат органлари томонидан қарор чиқариш тартибининг бузилганлиги.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга нисбатан олсанк, «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-харакатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги ЎзР Конунининг 2-моддасига кўра, шикоят қилишлари учун қуйидагилар асос бўлади:

- 1) фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузилса;
- 2) фуқаронинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқаришига монелик туғдирилса;
- 3) фуқаро зиммасига қонунга хилоф равишда қандайдир мажбурият юклатилишига сабаб бўлган хатти-харакатлар (қарорлар).

Тадбиркорлик субъекти ўз даъвосида унга нисбатан ҳуқуқقا хилоф равишда қўлланилган ҳуқуқий таъсир чораси натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин. ЎзР ФКнинг<sup>184</sup> 15-моддаси талабига асосан, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қонун хужжатларига мувофиқ бўлмаган хужжат чиқарилиши натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тўланиши керак.

## 2-§. Шикоят қилиш тартиби

Ҳуқуқий таъсир чораси қўллаш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилишини тўхтатиб туришдир. ЎзР СКнинг 123-моддаси судга шикоят бериш суднинг қарори конуний кучга киргунига қадар шикоят қилинаётган қарорни ёки ҳаракатни ижро этишини, шу жумладан қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундиришни, шунингдек молиявий санкциялар қўлланилишини тўхтатиб туришини аниқ белгилаган. Мазкур

<sup>184</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 183-модда.

норма давлат солиқ хизмати органининг қарори, унинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан суд тартибида шикоят қилган солиқ тўловчининг хукуқларини кафолатловчи ўта муҳим қоида ҳисобланади.

Бундан ташқари, ЎзР ХПКнинг 76-моддасига асосан, хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг аризасига кўра даъвони таъминлаш чораларини кўришга, хусусан даъвогар низолашаётган, ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибида амалга ошириладиган ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжат бўйича ундиришни тўхтатиб туришга ҳақли. Бошқача қилиб айтганда, судга даъвони таъминлаш тартибида хукуқий таъсир чораси қўллаш тўғрисидаги шикоят қилинаётган қарорнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор чиқариш ваколати берилган.

Хукуқий таъсир чораси қўллаш тўғрисидаги қарор устидан суд тартиби шикоят қилиш тўғрисидаги масала ҳақида фикр юритар эканмиз, бундай қарор устидан хўжалик судига мурожаат қилиш ЎзР ХПКнинг 112-118-моддаларида назарда тутилган тартибида амалга оширилишини таъкидлаб ўтамиз.

Бироқ суд мухокамаси, одатда, бир ой давом этмайди ва бу муддат ичida тадбиркорлик субъекти янада кўпроқ заар кўришининг эҳтимоли бор. Бундан ташқари, шуни ёдда тутиш керакки, хўжалик судига мурожаат қилиш муайян моддий харажатлар – давлат божи тўлаш, почта харажатлари билан боғлиқ. Шунинг учун аксарият ҳолларда тадбиркорлик субъектлари хукуқий таъсир чораси қўллаш тўғрисидаги қарор устидан юкори турувчи органга шикоят қилишни маъқул кўрадилар.

Тадбиркорлик субъектига нисбатан хукуқий таъсир чоралари қўллаш тўғрисидаги қарор устидан юкори турувчи органга шикоят қилишнинг тартиби бир қатор норматив-хукуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган. ЎзР СКнинг 124-моддасига кўра, давлат солиқ хизмати органининг қарори, унинг мансабдор шахсининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят давлат солиқ хизматининг тегишли юкори турувчи органига ёзма шаклда берилади. Давлат солиқ хизматининг юкори турувчи органига шикоят солиқ тўловчи ўз хукуклари ва қонуний манфаатлари бузилганини билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан ўттиз кун ичida берилади. Шикоятга уни асослантирувчи ҳужжатлар илова қилиниши керак.

ЎзР СКнинг 125-моддаси шикоятнинг юкори турувчи давлат солиқ хизмати органи томонидан кўриб чиқилишининг алоҳида масалаларини тартиба солади:

1) шикоятни кўриб чиқиши ва у юзасидан қарор қабул қилиш муддати уни олган кундан бошлаб 30 кундан ошмаслиги керак;

2) шикоятнинг кўриб чиқилиши натижалари бўйича шикоят тўлиқ асосли (бундай ҳолатда шикоят қилинаётган қарор, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик бекор қилинади) ёки қисман асосли (бундай ҳолатда шикоят қилинаётган қарор, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ўзгартирилади) ёки асоссиз деб топилиши мумкин. Шикоят асосли деб топилган тақдирда шикоят қилинаётган қарор, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Шикоят асоссиз деб топилган тақдирда у қаноатлантирилмаслиги билан бир қаторда юқори турувчи давлат солиқ хизмати органи шикоят қилинган қарор, ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг қонунийлигини тасдиқлади;

3) қабул қилинган қарор тўғрисида шикоят берган шахсга ёзма маълум қилиниши керак.

### **3-§. Шикоят қилишнинг суд тартиби**

Шуни эътиборга олиш керакки, суднинг ўзи ҳам тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораси қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал этишда қўлланиладиган чоранинг ноқонунийлигини келтириб чиқарувчи моддий ва процессуал қонун талаблари бузилишига йўл қўйиши мумкин. Қонунчилик тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги суд қарорлари устидан шикоят қилиш учун барча зарур имкониятларни яратиб берган.

Хўжалик судининг ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори, агар апелляция шикояти (протести) берилмаган бўлса, у қабул қилинганидан кейин ўн кун ўтгач қонуний кучга киради.

Апелляция шикояти (протести) берилган тақдирда хўжалик судининг ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, апелляция инстанцияси суднинг қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

ЎзР ХПКнинг 156-моддасига мувофиқ, ишда иштирок этувчи шахслар хўжалик судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти бериш (протести келтириш) га ҳақлиdir. Судлар биринчи инстанция хўжалик судларининг ҳуқуқий таъсир чоралари қўллаш тўғрисидаги қарорлари устидан берилган апелляция шикоятларини кўриб чиқишида уларнинг қонунийлиги ва асослилигини текшириб, йўл қўйилган хато-

камчиликларни бартараф эта бориб, одил судловнинг тўғри амалга оширилишини ҳамда қонунийлик мустаҳкамланишини таъминлайдилар. Апелляция инстанция судлари томонидан биринчи инстанция суди хulosаларининг аниқланган иш ҳолатларига қайдаражада мувофиқлиги, процессуал қонун нормаларига нечоғлик амал қилингандиги текширилади.

Судлар апелляция шикоятини (протестини) қабул қилиш масаласини ҳал этишда судлар апелляция тартибида иш юритишни қўзғатишнинг қонунда белгиланган шартлари ҳамда тартибига риоя қилингандигини, хусусан, апелляция шикояти берган шахс апелляция тартибида шикоят бериш хуқуқига эгалиги ёки эга эмаслигини; устидан апелляция шикояти берилган қарор қонуний кучга кирган-кирмагандигини ва мазкур қарор устидан апелляция тартибида шикоят бериш мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини; апелляция шикояти мазмунига таалуқли қонун талабларига риоя қилинганд-қилинмагандигини; апелляция шикояти бўйича давлат божи тўланган-тўланмагандигини текшириши лозим. Хўжалик судининг хуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикояти (протести) хўжалик судига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида кўриб чиқиласди.

ЎзР Хўжалик процессуал кодекси ҳам тадбиркорлик субъектларига хўжалик судининг хуқуқий таъсир чораси қўллаш тўғрисидаги қарори устидан кассация шикояти бериш имкониятини беради. Кодекснинг 173-моддасига мувофиқ, хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ҳамда апелляция инстанциясининг қарори устидан ишда иштирок этувчи шахслар кассация шикояти беришга, прокурор эса, – кассация протести келтиришга ҳақлидир. Суд қарорларининг кассация тартибида қайта кўриб чиқилиши хўжалик юритувчи субъектларнинг хуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилингандиги воситаларидан бири ҳисобланади.


Қонуний кучга кирган хўжалик судининг хуқуқий таъсир чоралари қўллаш тўғрисидаги қарорларини кассация инстанцияси судида кўриб чиқиш қонунни тўғри, бир хилда қўллаш ва хўжалик судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатишда катта аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан ташқари, ушбу Кодекснинг 192-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва қарорлари ушбу Кодекснинг 193-моддасида кўрсатилган мансабдор шахсларнинг протестлари

бўйича назорат тартибида қайта кўрилиши мумкин, ЎзР Олий хўжалик суди Раёсатининг қарорлари бундан мустасно. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўллаш тўғрисидаги суд қарорлари қонунийлиги ва асослиларини назорат тартибида текшириш қонунийлик ва фуқаролар ҳуқуқларини таъминлашнинг қўшимча кафолати, одил судлов сифатини оширишнинг самарали воситаси ҳисобланади.


#### *4 - схема*

**Тадбиркорлик фаолиятини чекловчи чораларни қўллаш тўғрисидаги суд қарорлари устидан шикоят қилиш тартиб-коидалари**



#### *5-схема*

Тадбиркорлик фаолиятини чекловчи чораларни қўллаш тўғрисидаги мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан шикоят қилиш тартиб-коидалари



## **2 - б о б . ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИНГ НОТЎҒРИ ҚЎЛЛАНИШИДА АЙБДОР БЎЛГАН МАНСАБДОР ШАХСЛАРГА НИСБАТАН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЖАВОБГАРЛИК ЧОРАЛАРИ**

ЎзР қонунчилигида қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қылганлик учун тегишили жавобгарлик чораларининг белгиланганлиги тадбиркорлик субъектларига нисбатан турли хил суиштеъмолликларнинг олдини олишга хизмат қиласди, жумладан уларга нисбатан ноқонуний равишда ҳуқуқий таъсир чоралари қўллаш фактларининг бартараф этилишини, айбдор мансабдор шахсларни муқаррар равишда жавобгарликка тортши ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиншини таъминлайди.

Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуққа хилоф равишда ҳуқуқий таъсир чоралари қўллаганлиги учун айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортши масаласида уларни фуқаролик, интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортши чегараларини аниқ ажратиб олиш лозим.

### **1-§. Умумий қоидалар**

ЎзР Олий суди ва Олий хўжалик судининг 2006 йил 22 декабрдаги 12/149-сонли «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган ЎзР қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида»ги қарорининг 24-бандида судларнинг эътибори мазкур тоифадаги ишларни кўришда назорат қилувчи органларга нисбатан улар томонидан текширишларни ўтказиш тартиби ва қоидаларига оғишмай риоя этилиши учун талабни оширишга, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳужжатларнинг тўлиқ бўлишига, маъмурий жавобгарликка асоссиз равишда тортиш, тадбиркорлик субъектларининг мол-мулкларини ноқонуний равишда олиб қўйиш ҳолатларига муросасиз муносабат билдирилиши зарурлигига қаратилсин. Қонунийлик бузилган ҳар бир ҳолат бўйича мансабдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини қўйиш, ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарган сабаблар ва шароитларни пухта ўрганиш, хусусий ажримлар чиқариш йўли билан уларни бартараф этиш чораларини кўриш лозимлигига қаратилган.

## 2-§. Фуқаролик жавобгарлиги

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг<sup>185</sup> 38-моддасига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти субъектига етказилган заарнинг ўрни бу зарарни етказган шахс томонидан тўла ҳажмда, шу жумладан бой берилган фойдани қўшиб қопланиши керак. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 38-моддаси, шунингдек давлат органларининг, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ноқонуний қарорлари натижасида тадбиркорлик фаолияти субъектига етказилган заарнинг ўрни, уларнинг мансабдор шахслари айбидан қатъи назар, суднинг қарори асосида қопланиши кераклигини назарда тутади.

Хуқуқка хилоф равишда хуқукий таъсир чораларини қўллаш натижасида етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги ишларни судда кўришда хуқуқка хилоф равишда хуқукий таъсир чораси қўллаган мансабдор шахснинг ўзи эмас, балки у ўзининг меҳнат фаолиятини амалга ошираётган давлат органи бўлади. Шунинг учун хуқуқка хилоф равишда хуқукий таъсир чораларини қўллаш натижасида етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги ишларда айбдор мансабдор шахслар жавобгар томонидан даъво предмети юзасидан мустақил талабга эга бўлмаган учинчи шахс мақомига эга бўлишлари мумкин. Хуқуқка хилоф равишда хуқукий таъсир чораларини қўллаш натижасида етказилган зарар давлат маблағлари ҳисобидан қопланганда, айбдор мансабдор шахс моддий нуқтаи назардан даъвогар олдида эмас, балки тегишли давлат органи олдида жавоб беради.

Бошқача қилиб айтганда, мансабдор шахсларнинг ўзига жавобгарлик фақатгина регресс тартибида юклатилиши мумкин. Бунда тадбиркорлик субъектига етказилган зарарни қоплаб берган давлат органи тўланган суммани айбдор мансабдор шахсдан ундириб олиш хуқуқига эга.

ЎзР ФКнинг 15-моддасига асосан, Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг айби билан давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахслари нинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан, давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган-

<sup>185</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2000 й., 5–сон, 140-модда.

лари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган заарларни қоплаш суднинг қарори билан шу мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин. Мазкур норма 2000 йил 15 декабрдаги 175-II-сонли ЎзР Қонуни<sup>186</sup> билан киритилган.

Ушбу нормага кўра, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг айби билан етказилган заарларни қоплаш суднинг қарори билан шу мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин. Ушбу нормани суд амалиётида қўллаш учун эҳтиёткорлик талаб этилади. Чунки, етказилган заарни қоплаш мажбурияти тегишли давлат органига юклатилган тақдирда, улар етказилган заарни қоплаш учун зарур бўлган пул маблағларига эга бўлмасликлари мумкин ва бу, ўз навбатида, тадбиркорлик субъекти ўзларига етказилган заар ўрнини қоплай олмасликлари мумкинлигини билдиради.

### **3-§. Интизомий жавобгарлик**

Тегишли давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан белгиланган тартибни бузган ҳолда қонунчиликда назарда тутилган етарли асослар бўлмасдан ҳукукий таъсир чораларини қўллаганликлари, бошқача қилиб айтганда, ўз меҳнат вазифаларини лозим даражада бажармаганликлари айбор мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортишга олиб келиши мумкин.

ЎзР Меҳнат кодекси<sup>187</sup> (*кейинги ўринларда – ЎзР МК*)нинг 181-моддасига мувофиқ, ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

- 1) ҳайфсан;
- 2) ўртacha ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима. Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртacha ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш ушбу Кодекснинг 164-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади;

<sup>186</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1–2-сон, 23-модда.

<sup>187</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-Илова.

3) меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модда иккинчи кисмининг 3 ва 4-бандлари).

Умумий қоидага кўра, интизомий жазолар ходимни унга юклатилган меҳнат мажбуриятларини ножўя хатти-ҳаракати туфайли бажармаслиги ёки тегишли тарзда бажармаслиги (ички тартиб қоидалари, мансаб йўриқномалари, низомлар, иш берувчининг қонуний буйруқлари, техник қоидаларни бузиш ва х.к.) сабабли қўлланиши мумкин. Кўриб чиқилаётган ҳолатда давлат солиқ хизматининг мансабдор шахсига нисбатан интизомий жавобгарлик чоралари қўллашнинг асоси бўлиб, жумладан ЎзР СКнинг 96-моддасида назарда тутилган асослар бўлмай туриб у томонидан банклардаги ҳисобвараклар бўйича операцияларни тўхтатиб кўйиш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилинганилиги бўлиши мумкин.

Хукукка хилоф равишда хукукий таъсир чоралари қўллашда айборд бўлган тегишли давлат органларининг мансабдор шахсларини интизомий жавобгарликка тортиш тартиби ЎзР МКнинг 182-моддасида кўрсатилган бўлиб, унга мувофиқ, интизомий жазолар ишга қабул қилиш хукуки берилган шахслар (органлар) томонидан қўлланилади (82-модда). Интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унинг илгари содир қилган ножўя хатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди. Интизомий жазони қўлланишда содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг қай даражада оғир эканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулк-атвори ҳисобга олинади. Ҳар бир ножўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланиши мумкин.

Интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар ходим шу муддат ичидаги яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади. Интизомий жазони қўллаган иш берувчи ўз ташаббуси билан, ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақли.

«Касаба уюшмалари, уларнинг хукуклари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг<sup>188</sup> 18-моддасига асосан, қўйидагиларга интизомий жазо берилиши мумкин эмас:

<sup>188</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 344-модда.

1) ишлаб чиқаришдаги ишидан озод қилинмаган ҳолда касаба уюшмалари идоралари таркибиңа сайланган ходимлар шу идоранинг розилиги олинмасдан туриб;

2) корхона бўлинмаларидаги касаба уюшмалари идораларининг раҳбарлари – тегишли касаба уюшмаси идорасининг розилиги олинмасдан туриб;

3) корхонадаги касаба уюшмаси идораларининг раҳбарлари, касаба уюшмаси ташкилотчилари – тегишли касаба уюшмаси бирлашмасининг розилиги олинмасдан туриб.

Таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик субъектларига нисбатан хуқуқий таъсир чораслари қўллаш хуқуқига эга бўлган алоҳида давлат органларининг мансабдор шахсларини интизомий жавобгарликка тортиш тартиби ЎзР МК билан бир қаторда, бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши мумкин. Масалан, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг<sup>189</sup> 8-моддасига кўра, божхона органларининг мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Божхона органларининг интизомий устави билан белгиланади. ЎзР божхона органларининг интизомий устави Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 мартағи 135-сонли қарори билан тасдиқланган.

ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги 180-сонли қарори билан тасдиқланган ЎзР давлат солиқ органларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомнинг<sup>190</sup> 15-бандига мувофиқ, солиқ органларининг мансабдор шахсларига нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари қўлланиши мумкин. Рағбатлантириш ва интизомий жазолаш чоралари турлари, уларни қўллаш тартиби, шунингдек солиқ органлари бошлиқларининг хизмат интизомини сақлаш бўйича хуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги Давлат солиқ қўмитаси томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда тасдиқланадиган Давлат солиқ хизмати органларининг ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади.

<sup>189</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2000 й., 5–6-сон, 140-модда.

<sup>190</sup> Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорларининг тўплами, 2000 й., 5-сон, 23-модда.

## 4-§. Маъмурий жавобгарлик

Таъкидлаш лозимки, ЎзР МЖК<sup>191</sup> қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини белгилайди (241<sup>1</sup>-модда). Бундай хукуқбузарликни содир этганлик учун маъмурий жавобгарлик Кодексга 2001 йилнинг декабрида киритилган эди. Кодекснинг мазкур моддасида кўрсатилган хукуқбузарликнинг объектив томони тадбиркорлик фаолияти субъектининг хукуқ ва қонуний манфаатлари чекланишидир. Бу каби чеклашнинг классик кўринишларидан бири – бу хукуқка хилоф равишда хукукий таъсир чораси қўллашдир.

Статистик маълумотларга кўра, қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун маъмурий жавобгарликка (241<sup>1</sup>-модда) тортилган шахсларнинг сони 2006 йилда 6 та, 2007 йилда 31 та, 2008 йилда эса, 56 тани ташкил этган. Юқорида келтирилган маълумотлар қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳолатларини бартараф этиш борасида давлат томонидан кенг қамровли ишлар амалга оширилишига қарамасдан бу соҳадаги хукуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар сони ортиб бораётганлигини кўрсатади.

Тегишли хукуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўтказиладиган тадбиркорлик субъектларининг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун хужжатларини текшириш натижалари таҳлили тадбиркорлик субъектлари ҳар куни тўқнаш келадиган давлат хизматчилари ёки айрим нодавлат тузилмалари хизматчиларининг ноқонуний ҳаракатлари иқтисодиётнинг хусусий сектори ривожланишига жиддий равишда тўсқинлик қилаётганлигини кўрсатади. Улар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашиб кўп ҳолларда тадбиркорлик субъекти фаолиятини ноқонуний равишда тўхтатиб қўйиш; банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни ноқонунний равишда тўхтатиб қўйиш; текширишлар ўтказиш тартибини бузиш ва ҳ.к. кўринишларда амалга оширилади.

2008 йилда адлия органлари томонидан хукукий таъсир чораларини қўллаш тартибининг бузилиши бўйича 153 та ҳолат аниқланган, хусусан, 29 та ҳолатда тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ноқонуний тугатиш, тўхтатиб қўйиш, 8 та ҳолатда ноқонуний равишда банк ҳисобварақлари бўйича опера-

<sup>191</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1–2-сон, 23-модда.

цияларни тўхтатиб қўйиш, 15 та ҳолатда ноқонуний молиявий санкцияларни кўллаш, 101 та ҳолатда тадбиркорлик фаолияти-нинг айрим турлари билан шуғулланиш учун лицензия (руҳсат-нома)ларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш ҳолатлари мавжуд. Ҳукуқий таъсир кўрсатиш тартибини бузиш билан боғлиқ бу каби ҳолатлар тадбиркорлик субъектлари-нинг ҳукуқлари бузиш билан бир қаторда, уларнинг асосли норо-зиликларига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241<sup>1</sup>-моддаси бўйича тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳукуқий таъсир чораси кўллашнинг қонунчиликда белгиланган тартиби бузилишига йўл қўйган ҳар қандай шахс жавобгарликка тортилиши мумкин. Хусусан, ушбу модда бўйича маъмурий жавобгарлик субъектлари бўлиб тегишли давлат органларининг мансабдор шахслари ёки масалан, ҳеч қандай асослар бўлмай туриб банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйган тижорат банкининг ходимлари ҳам бўлиши мумкин. Мазкур маъмурий ҳукуқбузарликнинг субъ-ектив томони қасдан содир этилган айб кўринишида ифодалана-ди. Бунда қасд тўғри ёки эгри бўлиши мумкин.

## 5-§. Жиноий жавобгарлик

Алоҳида ҳолларда, тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳукуққа хилоф равишда ҳукуқий таъсир чоралари қўлланилишида айбор бўлган мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси Жи-ноят кодексининг<sup>192</sup> 205 ёки 206-моддаларига асосан жиноий жа-вобгарликка тортилишлари мумкин.

ЎЗР ЖКнинг 205-моддасида ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилганлик, яъни ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, яъни мансабдор шахснинг ўз мансаб вакола-тидан фойдаланиши фуқароларнинг ҳукуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфа-атларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига са-баб бўлганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш деганда, мансабдор шахснинг хизмат ваколатларидан келиб чиқадиган, эгаллаб тур-ган лавозими бўйича ҳукуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш

<sup>192</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-Илова.

билан боғлиқ бўлган харакатлари тушунилади ва бунда айбдор шахс ўзининг хизмат (мансаб) ваколатларини хизмат манфаатларига қарши ишлатади.

Кўриб чиқилаётган ҳолатда мансаб ваколатини сунистеъмол қилишнинг яққол мисоли бўлиб ҳуқуқий таъсир чоралари қўллаш ваколатига эга бўлган давлат органи мансабдор шахсининг қонун ҳужжатларида белгиланган асослари бўлмай туриб ҳуқуқий таъсир чораларининг қўллаганлиги бўлиши мумкин. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан бу каби ноқонуний чораларни қўллаш жиноят қонуни билан белгиланган фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлиши каби жиноий оқибатларни келтириб чиқариш лозим.

Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, яъни мансабдор шахснинг ўзига қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқадиган харакатларни содир этиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, ЎзР ЖКнинг 206-моддасига мувофиқ, жиноий жавобгарлик белгиланган. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ноқонуний равишда ҳуқуқий таъсир чораларининг қўлланилиши учун жавобгарлик чораларни қўллаш нуқтаи назаридан, Кодекснинг 206-моддасида назарда тутилган жиноят таркибини ташкил этиш учун, масалан ҳуқуқий таъсир чоралари қўллаш ҳуқуқига эга бўлмаган тегишли мансабдор шахснинг бу каби ҳуқуқий таъсир чораси қўллаши натижасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлиши лозим.

### **3 - б о б . ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТҮҒРИСИДАГИ ҚАРОРЛАРНИ ИЖРО ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиши тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг<sup>193</sup> 5-моддасига мувофиқ, фуқаролик ишлари ва хўжалик низолари бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари, маъмурӣ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорларининг мулкий ундиришига оид қисми, маъмурӣ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши ваколатига эга органлар (ман-сабдор шахслар) чиқарган қарорлар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органларнинг ҳужжатлари ушбу Қонунда белгиланган қоидаларга биноан ижро этилиши лозим.

Қонуннинг 23-моддасига кўра, суд ижрохиси ижро ҳужжатини суд ёки бошқа органдан ёхуд ундирувчидан (агар ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддати ўтмаган ва мазкур ҳужжат ушбу Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлса) ижро учун қабул қилиб олиши ва ижро иши юритишни қўзғатиши шарт. Агар қонун ҳужжатларида ижро ҳужжатларининг айrim турларига мажбурий иловалар назарда тутилган бўлса, улар суд ижрохисига ижро ҳужжати билан бирга тақдим этилиши керак.

Шуни таъкидлаш керакки, агар ундирувчи банкда ёки бошқа кредит ташкилотида қарздорнинг ҳисобвараклари мавжудлиги ҳакидаги маълумотларга эга бўлса, пул маблағларини ундириш тўғрисидаги суд ҳужжатларининг (кўриб чиқилаётган ҳолатда тадбиркорлик субъектларига нисбатан жарима кўринишидаги ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши тўғрисидаги ҳужжатларнинг талаблари) ва бошқа органлар ҳужжатларининг талаблари баён этилган ижро ҳужжатини ундирувчи бевосита ана шу банкка ёки бошқа кредит ташкилотига юбориши мумкин.

Қарздорнинг ҳисобвараклари бўйича хизмат кўрсатувчи банк ёки бошқа кредит ташкилоти ижро ҳужжати олинган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичida ижро ҳужжатида баён этилган пул маблағларини ундириш тўғрисидаги талабларни ижро этади ёхуд қарздорнинг ҳисобваракларида ундирувчининг талабларини қаноатлантириш учун етарли пул маблағи йўқлиги

<sup>193</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 169-модда.

сабабли кўрсатилган талаблар тўла ёки қисман ижро этилмаган-лигини қайд этиб қўяди. Ушбу модданинг 4-моддасига мувофиқ, юқорида кўрсатилган талабларни бажармаслик суднинг қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда ва микдорда банкка ёки бошқа кредит ташкилотига жарима солиши учун асос бўлади (ундириладиган жарима миқдори Қонуннинг 81-моддасида бел-гиланганди).

ЎзР МЖтКнинг бешинчи бўлими тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўллаш масалаларига бағишланган. Кодекснинг 326-моддасига кўра, маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор уни чиқарган орган (mansabdor шахс) томонидан ижро этишга қаратилади.

Кодекс билан тартибга солинган тадбиркорларга тегишли бўлган айрим нарсаларни мусодара қилиш тартиби алоҳида қизиқиш уйғотади. Кодекснинг 337-моддасига асосан, маъмурий хукуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай ашё бўлган нарсани мусодара қилиш тўғрисидаги қарор ЎзР Адлия вазирлиги хузуридан Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти органлари суд ижрочилари томонидан томонидан ижро этилади. Маъмурий хукуқбузарликни содир этиш қуроли хисобланган нарсани ёки бевосита маъмурий хукуқбузарлик нарсасини мусодара қилиш тўғрисидаги қарор ижро этилганидан сўнг суд ижрочиси ижро иши юритишни тамомлаш тўғрисида қарор чиқаради ва унинг бир нусхаси қўйидагиларга юборилади:

- 1) уни чиқарган маъмурий ишлар бўйича судьяга;
- 2) Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилаётган, экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулотларни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кирилаётган, транспортировка (халқаро транзит бундан мустасно) қилинаётган ва сақланаётган, акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларни мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилган божхона органининг мансабдор шахсига;

- 3) сақланаётган, реализация қилинаётган, яширин равиша ишлаб чиқарилаётган, акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларни мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилган солиқ органининг мансабдор шахсига.

Тадбиркорлик субъектларига нисбатан давлат даромадига ўтказиш тарзидаги хукуқий таъсир чораларининг қўлланилиши

тўғрисидаги қарорларнинг ижро этилиши масалалари ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сонли қарори<sup>194</sup> билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низом билан тартибга солинган. Мазкур Низомнинг 15-бандига асосан, суд ижрочиси суднинг ёки уни берган бошқа ваколатли органнинг ижро ҳужжатини бажариш учун қабул қилиб олиши ва қонун ҳужжатларига мувофиқ, унга ижро ҳужжати келиб тушган кундан бошлаб уч кундан кечикмай ижро иши қўзгатиш тўғрисидаги масалани ҳал этиши керак. Ижро иши қўзгатилгандан кейин суд ижрочиси ўзида сақланаётган мол-мулк рўйхатини тузади, ушбу мол-мулк шу пайтдан бошлаб унинг ихтиёрига ўтади.

Давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотиш, автомотранспорт воситалари ва кўчмас мулқдан ташқари, шартнома-воситачилик асосида ёхуд кимошди савдоси шартларида амалга оширилади. Автомотранспорт воситалари ва кўчмас мулк қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ихтисослаштирилган биржалар томонидан очиқ кимошди савдоларида сотилади.

Шу тариқа, турли хил ҳукукий таъсир чораларининг қўлланилиши тўғрисидаги қарорларнинг ижро этилиши масалалари турли хил норматив-ҳукукий ҳужжатлар билан белгиланади.

---

<sup>194</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда.

**Тадбиркорлик субъектларига нисбатан уларнинг фаолиятини чекловчи чораларнинг қўлланилиши**

Хукуқий таъсир чораларининг турлари	Тадбиркорлик субъектларига суд тартибида қўлланилади	Тадбиркорлик субъектларига суддан ташқари тартибда қўлланиллади
фаолиятни тугатиш	фақат суд тартибида	суддан ташқари тартибда қўлланилмайди
атроф табиий мұхитга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини тугатиш ва (ёки) қайта ихтинослаштириш;	фақат суд тартибида	суддан ташқари тартибда қўлланилмайди
Фаолиятни тақиқлаш	фақат суд тартибида	суддан ташқари тартибда қўлланилмайди
фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш	суд тартибида қўлланилади	фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда ахолининг ҳәёти ва соғлиғига бошқа ҳақиқий хавф-хатар юзага келишининг олдини олиш муносабати билан фаолиятни кўпичиланади
банклардаги хисобвараклар бўйича операцияларни тўхтатиб кўйиш	суд тартибида қўлланилади	жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш аниқланган ҳолларда, солиқ ва (ёки) молиявий ҳисобот уни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн беш кун ичida солиқ тўловчи – юридик шахс томонидан тақдим этилмаганда; солиқ тўловчи – юридик шахс кўрсатилган манзилда бўлмаганда суддан ташқари тартибда қўлланилиши мумкин

Молиявий санкция-ларни кўллаш	суд тартибида кўлланилади	солик ва йигимларни тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пеня қўшиш, шунингдек тадбиркорлик субъекти содир этилган хукуқбузарликдаги айбига икрор бўлиш ва молиявий санкция жарималарини ихтиёрий равишда тўлаган ҳолларда молиявий санкцияларни кўллаш	
Хукуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш	факат суд тартибида кўлланилади	суддан ташқари тартибида кўлланилмайди	
Фаолиятнинг айrim турлари билан шуғулланиш хукукини берувчи лицензиялар (рухсатномалар) нинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ мuddатга тўхтатиб кўйиш ёки тугатиш ва бекор қилиш фақат суд тартибида кўлланилади	Фаолиятнинг айrim турлари билан шуғулланиш хукукини берувчи лицензиялар (рухсатномалар) нинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ мuddатга тўхтатиб кўйиш ёки тугатиш ва бекор қилиш суддан ташқари тартибида кўлланилиши мумкин	Фаолиятнинг айrim турлари билан шуғулланиш хукукини берувчи лицензиялар (рухсатномалар) нинг амал қилишини кўпи билан ўн иш кунигача тўхтатиб кўйиш ёки тугатиш ва бекор қилиш суддан ташқари тартибида кўлланилиши мумкин	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган фаолиятнинг айrim турлари билан шуғулланиш хукукини берувчи лицензиялар (рухсатномалар) нинг амал қилишини тўхтатиб кўйиш ёки тугатиш ва бекор қилиш фақат суд тартибида кўлланилади

## **ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ХЎЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ**

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрдаги Конституцияси.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрдаги 2012–XII сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрдаги 2015–XII сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги 161–I сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 сентябрдаги 163–I ва 1996 йил 29 августдаги 256–I сонли Қонунлари билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги 478–I сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги 548–I сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлдаги 657–XII сонли «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги 754–XII сонли «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги 108–I сонли «Фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-харакатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги 154–I сонли «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги 221-I сонли «Истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги 223-I сонли «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги 353-I сонли «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги 355-I сонли «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва ракобат тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги 472-I сонли «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги 474-I сонли «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги 604-I сонли «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги 717-I сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги 719-I сонли «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрдаги 723-I сонли «Реклама тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелдаги 770-I сонли «Ўрмон тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги 815-I сонли Қонуни билан тасдиқланган «Табиий монополиялар тўғрисидаги»ги Қонуни (янги таҳрирда).

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги 69-II сонли «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги 71-II сонли «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги 173-II сонли «Курилиш соҳасидаги хуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдағи 175-II сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 258-II сонли «Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги 660-II сонли «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легалластиришишга ва терроризмни молиялаштиришишга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 23 мартағи ЎРҚ-26-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишлар сони қисқартирилганлиги ҳамда текширишлар тизими такомилластирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрдаги ЎРҚ-59-сонли «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомилластирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлдаги ЎРҚ-163-сонли «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-195-сонли «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 июндаги ПФ-3622-сонли «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартағи 126-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат мул-

ки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 мартағи 135-сонли «Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг интизомий уставини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндан 236-сонли «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сонли «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдан 330-сонли «Ноозик-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги 404-сонли «Қурилиш соҳасидаги хукуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималарни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сонли «Монополияга қарши қонун хужжатларини, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдан 200-сонли «Давлат даромадига ўтказиладиган молмулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва нназорат қилиш маркази бош директорининг 2002 йил 13 марта

даги 2002–04-сонли «Қимматли қоғозлар бозори түғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиши ва жазо қўллаш тартиби түғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 апрелда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 1131).

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 2006 йил 22 декабрдаги 12/149-сонли «Тадбиркорлик субъектларини ҳукуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган ЎзР қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар түғрисида»ги қарори.

## **VI қисм. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТИНИ ТУГАТИШ**

### **I бўлим. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТИНИ ТУГАТИШНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ**

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 48-моддаси.

Тадбиркорлик фаолияти субъектини тугатиш унинг мол-мулки мулкдорининг ёки бундай корхоналарни тузишга ваколатли органнинг қарорига мувофиқ ёхуд суднинг қарорига биноан амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолияти субъекти тугатилаётганида бўшаб қолаётган ходимларга қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг ҳуқуqlари ва манфаатларига риоя этилиши кафолатланади.

Тадбиркорлик фаолияти субъекти у давлат реестридан чиқарилган пайтдан эътиборан тугатилган деб ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъекти фаолиятининг тўхтатилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

*Юридик шахсни тугатиш унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилинишига олиб келади.*

**Юридик шахс қуйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:**

- унинг муассислари (иштирокчилари)нинг ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ, шу жумладан юридик шахснинг амал қилиш мuddati тугаши, уни ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилганлиги муносабати билан ёки юридик шахсни ташкил қилиш чоғида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйилганлиги

сабабли, агар бу бузилишларни бартараф этиб бўлмаса, суд юридик шахсни рўйхатдан ўтказиши ҳақиқий эмас деб топганида;

▪ фаолият рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга оширилган ёки қонун томонидан тақиқланган фаолият амалга оширилган ёхуд олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик корхонаси эса – уч ой мобайнида) банк ҳисобвараклари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаган, деҳқон ва фермер хўжаликлари бундан мустасно, ва (ёки) давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ичидаги устав фонди таъсис хужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантирилмаган такдирда, қонун хужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг қарорига мувофиқ.

Суднинг юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарорида унинг муассислари (иштирокчилари) ёхуд юридик шахснинг таъсис хужжатлари билан уни тугатишга вакил қилинган орган зиммасига юридик шахсни тугатишни амалга ошириш вазифаси юклатилиши мумкин Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-моддаси (кейинги ўринларда ЎзР ФК)).

**Тадбиркорлик фаолияти субъектини тугатиш тартиби ЎзР ФК (53-модда), ЎзР Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сонли «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида»ги қарори ва ЎзРнинг бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинади.**

## **1-б 0 б . ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ ТУГАТИШ**

### **1-§. Тугатувчининг ваколатлари ва уларни тўхтатиш**

*Корхонани ихтиёрий тугатиши тўғрисидаги қарор норматив-хуқуқий ҳужжатда белгиланган тартибда унинг муассислари томонидан қабул қилинади. Қарорда тугатувчи ёки тугатиши комиссияси кўрсатилади.*

*Тугатувчи тайинланган вақтдан бошлаб корхона ишларини бошқарши бўйича барча ваколатлар унга ўтади.*

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎзР Конунига мувофиқ ҳамда тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиши ва уларнинг фаолиятини тўхтатиши тартибини такомиллаштириш мақсадида 2007 йил 1 июлдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиши (фаолиятини тўхтатиши)нинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди.

#### **1.1. Ихтиёрий тугатиши асослари**

Тадбиркорлик субъектини ихтиёрий тугатиши асослари (уларнинг фаолият кўрсатиш муддатининг тугаганлиги, уларни ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилганлиги) юридик шахсни тугатишнинг асослари ҳисобланади. Бу ёки бошқа ҳолатларнинг мавжудлиги ихтиёрий тугатиши тўғрисида қарор қабул қилиш учун асос бўлади. Ўзининг хуқуқий табиатига кўра ундан қарор бир томонлама битим (юридик шахснинг ягона муассиси ёки органининг қарори) ёки муаасислар ўртасида тузиладиган юридик шахсни тугатиши тўғрисидаги шартнома кўринишида амалга оширилиши мумкин. Бундай қарорнинг хуқуқий табиати тўғридан тўғри иштирокчиларнинг шахси ёки аксинча уларнинг юридик шахсдаги мулкий манфатларига боғлиқ бўлади.

Конуннинг талабига кўра рўйхатдан ўтказган орган тадбиркорлик субъектини – юридик шахсни ихтиёрий тугатиши тўғрисида қабул қилинган қарор хақида хабардор қилинган кундан бошлаб корхонанинг молия-хўжалик фаолияти тўхтатилади, шу муносабат билан ер солиғи, ягона ер солиғи, мулк солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғи, шунингдек барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеняларни ҳисоблаб ёзиш тўхтатилади. Муассислар (қатнашчилар)нинг ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъекти – юридик шахснинг

мажбуриятларини бажаришга йўналтирилаётган маблағларидан солиқ олинмайди.

Ихтиёрий тугатиш, шунингдек тадбиркорлик субъекти – юридик шахс фаолиятини ихтиёрий тўхтатиш ва фаолиятини тиклаш тартиботи қонун хужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган тақдирда ушбу қарорда белгиланган солиқ имтиёзлари кўлланмайди<sup>195</sup>.

Шуни ёдда тутиш лозимки, «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида»ги Низом тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларни ихтиёрий тугатиш ва тадбиркорлик субъектлари – жисмоний шахслар фаолиятини тўхтатиш тартибини белгилайди.

**ИСТИСНО: Ушбу Низомнинг қоидалари банклар ва бошқа кредит ташкилотларини, сұғурталовчиларни, шаҳарни ташкил этувчи корхоналар ва уларга тенглаштирилган корхоналарни, қонун хужжатларида назарда тутилган банкрутиларига эга бўлган корхоналарни тугатишда кўлланмайди.**

Қоидага кўра, тадбиркорлик субъекти ким томонидан ташкил қилинса, корхонани ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор норматив-хуқуқий хужжатда белгиланган тартибда унинг муассислари (иштирокчилари) томонидан қабул қилинади. Қарорда тугатувчи – тугатиш комиссияси (унинг аъзолари таркиби) ёки жисмоний шахс (паспорт маълумотлари) ва тугатишнинг тахминий муддати кўрсатилади (1-схемага қаранг, 1-босқич).

Тугатувчи тайинланган вақтдан бошлаб корхона ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади. Тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахс фаолиятини ихтиёрий тўхтатиш унинг қарорига (аризасига) кўра амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтказган органнинг тегишли давлат реестрига бу тўғрида ёзувлар қайд этилгандан кейин корхона тугатилган, тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахс эса ўз фаолиятини тўхтатган ҳисобланади. Корхона муассислари (қатнашчилари), тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахс тугатишнинг исталган босқичида фаолиятини тиклаш ва тугатиш жараёнини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш хуқуқига эга.

<sup>195</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сонли қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги Низом.

Тугатувчининг ваколатлари ва уларнинг тўхтатилишига алоҳида аҳамият бериш лозим. Тугатувчи тайинлангандан кейин уч кун мобайнида корхонанинг бошқарув органлари унга корхона фаолияти билан боғлиқ барча хужжатларни, шунингдек корхонанинг муҳри, штамплари ва бошқа мол-мулкини рўйхат бўйича топшириши шарт.

Тугатувчининг ваколатлари:

- ихтиёрий тугатишни амалга оширади ва корхонанинг кредиторлари, муассислари (қатнашчилари) ҳамда бошқа тегишли шахслар манфаатларига риоя этилишини тъминлайди;
- ишончномасиз корхона номидан вакиллик қиласди, корхонанинг молиявий, тўлов-ҳисоб-китоб ва бошқа хужжатларини имзолайди;
- корхонанинг барча мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар ва бошқа хужжатлар чиқаради;
- ушбу Низомда ўз ваколатига киритилган масалаларни ҳал қиласди, шунингдек муассислар (қатнашчилар) қарорига кўра берилган тақдирда – бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

Тугатиш комиссияси тайинланган тақдирда корхонани бошқаришга оид барча масалалар овоз бериш йўли билан ҳал этилади ва комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар сони тенг бўлган тақдирда тугатиш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Тугатиш комиссияси мажлисларини ўтказишни унинг раиси ташкил қиласди, раис ушбу Низомда белгиланган функцияларнинг тугатиш комиссияси қарорларига мувофиқ бажарилишини тъминлайди.

Тугатувчининг ваколатлари:

- ◀ ихтиёрий тугатиш ниҳоясига етганда – корхонани тугатиш тўғрисидаги ёзувлар рўйхатдан ўтказган орган томонидан тегишли давлат реестрига киритилган кунда;
- ◀ корхона фаолияти тикланганда – тугатиш ишлари тўхтатилганлиги ва корхона фаолияти тикланганлиги тўғрисида қарор қабул қилинган кунда;
- ◀ корхона банкрот деб эътироф этилганда – корхона банкрот деб эътироф этилганлиги ва тугатиш ишлари бошланганлиги тўғрисида суд қарори қабул қилинган кунда;
- ◀ янги тугатувчи тайинланганда – муассислар (қатнашчилар) томонидан тегишли қарор қабул қилинган кунда тўхтатилади.

Ушбу ҳолатда корхонанинг барча ҳужжатлари, мухрлари, штамплари ва бошқа мол-мулки янгидан тайинланган тутатувчига икки кун муддат ичида рўйхат бўйича топширилади.

(«Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида»ги Низом 2 бўлим)

## **2-§. Фаолиятни амалга оширувчи корхоналарни ихтиёрий тугатиш тартиби**

*Конунчиликда фаолиятни амалга оширувчи корхоналарни ихтиёрий тугатиш тартиби муассис(лар)нинг қарорига кўра амалга оширилиши назарда тутилган.*

Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширувчи корхоналарни ихтиёрий тугатиш, юқорида таъкидланганидек муассис(лар)нинг қарорига кўра амалга оширилади ва бунинг учун қарорда тутатувчи ёки тугатиш комиссияси белгиланиши керак. Тутатувчи ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг кейинги иш кунидан кечикмай:

- рўйхатдан ўтказган органга – ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор нусхасини (1-схемага қаранг, 2-босқич);
- корхонанинг талаб қилиб олинадиган асосий депозит ҳисоб рақамига хизмат кўрсатувчи банкка ва корхонанинг хорижий валютадаги маблағлари жамланадиган ваколатли банкка (1-схемага қаранг, 3-босқич):
  - ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор нусхасини;
  - имзолар намуналари ва тутатувчи муҳрининг босма изи қўйилган, нотариал тасдиқланган карточкаларнинг икки нусхасини;
  - корхонанинг миллий валютадаги иккиламчи депозит ҳисоб рақамларига, жамғарма депозит ҳисоб рақамларига ва муддатли депозит ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатувчи банкларга – уларни ёпиш ҳамда маблағларнинг мавжуд қолдиқларини унинг миллий валютадаги асосий ҳисоб рақамига ўтказиш тўғрисидаги ариза-топшириқномани;
  - корхонанинг хорижий валютадаги талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамлари, жамғарма депозит ва муддатли депозит ҳисоб рақамлари очилган банкларга – уларни ёпиш ҳамда маблағларнинг мавжуд қолдиқларини унинг депозит ҳисоб рақамларига, унинг миллий валютадаги асосий ҳисоб рақами

очилган жойда очилган хорижий валютадаги талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамига ёки, агар унинг асосий ҳисоб рақамига хизмат кўрсатувчи банк ваколатли банк ҳисобланмаса, бошқа ваколатли банкдаги хорижий валютадаги талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамига ўтказиш тўғрисидаги аризатопшириқномани жўнатади.

Рўйхатдан ўтказган орган ва банклар ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилган ҳужжатларнинг олинганини ёзма равиша тасдиқлаши шарт. Рўйхатдан ўтказган орган ва банкнинг ҳужжатларни қабул қилиб олган сана тўғрисидаги белги, уларнинг тугатувчига ёзма ёки электрон хабари, ҳужжатлар рўйхатдан ўтказган орган ва банкка юборилгани ҳақидаги почта квитанцияси ва шу кабилар мазкур ҳужжатлар олингандигининг тасдиғи ҳисобланади.

**а) рўйхатдан ўтказган орган хабардор қилинган санадан бошлаб:**

- корхонанинг молия-хўжалик фаолияти тўхтатиб кўйилади;
- ер солиғи, ягона ер солиғи, мулк солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғи, шунингдек барча турдаги соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеняларни ҳисоблаб ёзиш тўхтатилади. Мол-мулкни, тайёр маҳсулот қолдиқларини ва бошқа активларни сотишда соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар амалдаги сотиш нархларидан келиб чиқкан ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқилади ва тўланади, ушбу хатбошида кўрсатилганлар бундан мустасно;
- кредиторлар талабларини таъминлаш бўйича илгари кўрилган чора-тадбирлар бекор қилинади;

- корхонанинг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақиқланади;
- мол-мулкни бегоналаштириш билан боғлиқ бўлган ёхуд мол-мулкни учинчи шахслар томонидан фойдаланиш учун беришга сабаб бўладиган битишувларни фақат ушбу Низомда белгиланган тартибда амалга оширишга йўл кўйилади;

- барча мажбуриятларни, шунингдек муддати кечиктирилган мажбурий тўловларни бажариш муддати бошланган ҳисобланади;

**б) миллий ва хорижий валютадаги талаб қилиб олинадиган асосий ҳисоб рақамига ва иккиламчи депозит ҳисоб рақамига хизмат кўрсатувчи банклар хабардор қилинган санадан бошлаб:**

- корхонанинг миллий ва хорижий валютадаги ҳисоб

рақамларидан маблағларни ҳисобдан чиқаришга фақат тугатув-чининг топшириғига биноан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади;

– 2-картотеканинг амал қилиши тўхтатиб қўйилади.

Шунингдек корхонага хизмат кўрсатувчи барча иккиламчи депозит ҳисоб рақамлари, жамғарма депозит ҳисоб рақамлари ҳамда муддатли депозит ҳисоб рақамлари:

– миллий валютадагилари – улардаги мавжуд маблағларни корхонанинг асосий ҳисоб рақамига ўтказган ҳолда;

– хорижий валютадагилари – маблағларнинг мавжуд қолдиқларини корхонанинг миллий валютадаги асосий ҳисоб рақамлари очилган жойда очилган хорижий валютадаги талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамларига ёки, агар унинг асосий ҳисоб рақамига хизмат кўрсатувчи банк ваколатли банк ҳисобланмаса, бошқа ваколатли банкдаги хорижий валютадаги талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамига ўтказган ҳолда ёпилади.

Тугатувчи ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин:

– қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда корхона ходимлари билан меҳнатга оид хукукий муносабатларни тўхтатиш чора-тадбирларини кўради;

– корхонанинг активлари ва мажбуриятларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хатловдан ўтказади;

– йил бошидан бошлаб рўйхатдан ўтказган орган корхонани ихтиёрий тугатиш тўғрисида хабардор қилинган санагача бўлган даврда корхона томонидан тўланадиган барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни тузади;

– корхонанинг дебиторлик қарзларини олиш, шунингдек тасдиқнома олган ҳолда (қабул қилиб олинган санаси тўғрисидаги белги, почта квитанцияси, ёзма ёки электрон хабар ва шу кабилар) кредиторларни аниқлаш ва корхонанинг тугатилиши тўғрисида уларни ёзма равишда хабардор қилиш чора-тадбирларини кўради;

– бир ёки бир неча даврий босма нашрларда корхонанинг тугатилиши тўғрисида эълонлар берилишини ташкил қиласди, эълонларда қўйидагилар кўрсатилади:

– корхонанинг тўлиқ ва қисқартирилган номи (шунингдек корхонанинг тугатишдан олдинги йил мобайнида ўзгартирилган барча тўлиқ ва қисқартирилган номлари кўрсатилади);

– корхонанинг жойлашган жойи (почта манзили), солиқ тўловчи идентификация тартиб рақами;

- рўйхатдан ўтказилган санаси ва рўйхатдан ўтказган орган тўғрисидаги маълумотлар (номи ва манзили);
- ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор тўғрисидаги маълумотлар (санаси, тартиб рақами);
- кредиторларнинг талаблари кўрсатилган ҳолдаги аризаларни қабул қилиш муддати; ушбу муддат кўрсатиб ўтилган эълон чиққан вақтдан бошлаб икки ойдан кам бўлмаслиги керак.

Рўйхатдан ўтказган орган корхонанинг ихтиёрий тугатилганилиги тўғрисидаги қарор нусхаси олингандан сўнг кейинги кундан кечиктирмай юридик шахсларнинг давлат реестрига корхонанинг ихтиёрий тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумотларни киритади ҳамда бу тўғрида корхона давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги ички ишлар, давлат солиқ хизмати ва статистика органларини хабардор қиласди.

Корхона давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги ички ишлар органи рўйхатдан ўтказган органдан корхонанинг ихтиёрий тугатилганилиги тўғрисидаги ахборотни олган кунидан бошлаб ўн кундан кечиктирмай рўйхатдан ўтказган органга номи ёзилган амалдаги муҳрлар ва штампларни тайёрлаш учун корхонага берилган барча рухсатномалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

Корхона давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органи рўйхатдан ўтказган органнинг билдиришномаси белгиланган тартибда олинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини текширишга (тафтиш қилишга) киришади, унинг муддати ўттиз календарь кундан ошмаслиги керак (1-схемага қаранг, 4-босқич).

Текширишда корхонанинг охирги текшириш ўтказилган санадан бошлаб (агар корхонани текшириш давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб амалга оширилмаган бўлса – давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб) корхонани тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида рўйхатдан ўтказган орган хабардор қилинган санагача бўлган давр мобайнидаги молия-хўжалик фаолияти қамраб олинади, бироқ бунда даъво қўзғатишнинг қуидаги муддатларига риоя қилиниши шарт:

- молия ҳисботи тақдим этган солиқ тўловчилар бўйича – уч йил;
- солиқ суммасининг 20 фоиздан ортиқ микдорда пасайтириб кўрсатилгани (яширилгани) аниқланган тақдирда – беш йил.

Текшириш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда ту-

галланмаган тақдирда корхонанинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи тугатувчи тақдим этган ҳисоб-китобларга биноан аниқланади.

Текшириш якунларига кўра солиқ қонунчилиги бузилишлари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати органи қонун хужжатларига мувофиқ чоралар кўради.

Кредиторлар томонидан талаблар тақдим этилиши учун белгиланган муддат тугагач ва давлат солиқ хизмати органи томонидан ўтказилган текшириш натижаларини ҳисобга олган ҳолда тугатувчи оралиқ тугатиш баланси лойиҳасини тузади.

Оралиқ тугатиш баланси корхона муассислари (қатнашчилари) томонидан тасдиқланади.

Тугатувчи оралиқ тугатиш баланси тасдиқлангандан кейин беш иш куни мобайнида, тасдиқномани олган ҳолда (қабул қилиб олинган санаси тўғрисидаги белги, почта квитанцияси, ёзма ёки электрон хабар ва шу кабилар) ҳар қайси кредиторни унинг талаблари эътироф этилгани ёки рад қилингани, эътироф этилган талаблар суммаси ҳақида ёзма равишда хабардор қиласи.

Оралиқ тугатиш балансига мувофиқ, у тасдиқланган кундан бошлаб тугатувчи томонидан кредиторларга қўйидаги навбат бўйича пул суммаларини тўлаш амалга оширилади:

- биринчи навбатда – фуқароларнинг меҳнатга оид хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган, алиментларни ундиришга ва муаллифлик шартномалари бўйича пул тўловларига доир талабларини, шунингдек фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигига етказилган зарар учун корхона тегишли вақтбай тўловларни соқит қилиш йўли билан жавоб берадиган талабларини қондириш;

- иккинчи навбатда – бюджетга, давлат мақсадли фондларига ва бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига тўловлар;

- учинчи навбатда – бошқа кредиторларнинг талаблари.

Кредиторларнинг гаров (ипотека) билан таъминланган талабларини қондириш корхонанинг гаровга қўйилган мол-мулкини (гаров предметини) белгиланган тартибда сотишдан кейин тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу маблағлар қолдиғи кредиторлар талабларини белгиланган навбат бўйича қондириш учун йўналтирилади.

Агар гаров (ипотека) предметини сотишдан тушган сумма кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини тўлиқ

қондириш учун етарли бўлмаса, у ҳолда талабларнинг қолган қисми ушбу Низомнинг 23-бандида белгиланган навбат бўйича қондирилади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун пул маблағлари етарли бўлмаган тақдирда тугатувчи томонидан:

- мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун баҳоловчи ташкилот жалб этилади;

- корхона мол-мулкини очик савдоларда сотиш ташкил этилади.

Муомаладаги чекланган мол-мулкни сотиш ёпиқ савдоларда, қонунчиликка мувофиқ кўрсатиб ўтилган мулкка нисбатан мулк эгаси ҳуқуқига ёки бошқача буюм эгаси ҳуқуқига эга бўлган шахслар иштирокида амалга оширилади.

Савдога қўйилган санадан бошлаб икки ой мобайнида сотилмаган мол-мулк кредиторларга баҳолаш суммасида, белгиланган навбатга риоя этган ҳолда мулк этиб қабул қилиш таклиф этилиши керак.

Гаровга қўйилган мулкни гаров сақловчига мулк қилиб бериш «Гаров тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 29-моддасига ҳамда «Ипотека тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 43-моддасига мувофиқ амалга оширилади. Мол-мулкни бошқа кредиторларга беришда унинг баҳолаш суммаси эътироф этилган талабларни тўлаш ҳисобига қўшилади, баҳолаш суммаси билан талаб микдори ўртасида корхона фойдасига ҳосил бўлган тафовут бир ҳафта муддатда кредитор томонидан корхонага тўланади. Кредиторлар талабларини қондириш муассислар (қатнашчилар) томонидан тугатилаётган корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамларига йўналтириладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Кредиторларнинг талабларини тўлиқ ҳажмда қондиришнинг мумкин эмаслиги аниқланган тақдирда тугатувчи корхонани тўловга қодир эмас (банкрот) деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиши шарт. Корхона тўловга қодир эмас (банкрот) деб эътироф этилган вақтдан бошлаб ихтиёрий тугатиш тўхтатилади ва бундан кейинги тартибот банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Тугатувчи:

- ◀ кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугаллангандан кейин;
- ◀ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, молиявий санк-

циялар суммаси, шу жумладан текширишлар якунлари бўйича тўлангандан кейин;

◀ корхонанинг мол-мулки мол-мулкка эгалик қилиш юзасидан буюмлар бўйича хукукларга ёки ушбу корхонага нисбатан мажбуриятлар бўйича хукукларга эга бўлган муассислар (қатнашчилар) ўртасида тақсимлангандан кейин тугатиш баланси лойиҳасини тузади.

Тугатиш баланси корхонанинг муассислари (қатнашчилари) томонидан тасдиқланади ва давлат солиқ хизмати органига топширилади. Тугатиш баланси қабул қилингандан кейин давлат солиқ хизмати органи, корхонанинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи бўлмаган тақдирда, бир иш куни мобайнида тугатувчига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз йўқлиги тўғрисида маълумотнома бериши шарт.

Давлат солиқ хизмати органининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз йўқлиги тўғрисидаги маълумотномаси олингандан кейин тугатувчи корхонанинг асосий ҳисоб рақами очилган банкка ҳисоб рақамини ёпиш тўғрисидаги аризатопшириқнома билан мурожаат қиласиди. Банк бир иш куни мобайнида корхонага тегишли бўлган ҳисоб рақамини ёпали ва тугатувчига асосий ҳисоб рақами ёпилгани тўғрисида маълумотнома беради.

Тугатувчи асосий ҳисоб рақами ёпилгандан кейин уч иш куни мобайнида давлат архивига корхонанинг қонун хужжатларида назарда тутилган барча бухгалтерия ва бошқа хужжатларини топширади.

Тугатувчи корхонани давлат реестридан чиқариш учун рўйхатдан ўтказган органга қўйидаги хужжатларни (1-схемага қаранг, 5-босқич):

- бир ёки бир неча даврий босма нашрларда чиқсан корхонанинг ихтиёрий тугатилганлиги тўғрисидаги эълонни;
- давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномани;
- корхонанинг барча ҳисоб рақамлари ёпилганлиги тўғрисида хизмат кўрсатувчи банкларнинг маълумотномаларини;
- корхонанинг муҳр ва штампларини;
- ваколатли органнинг, агар мавжуд бўлса, чиқарилган қимматли қоғозларини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотномасини;
- агар мавжуд бўлса, барча лицензиялар (руҳсатномалар)нинг асл нусхаларини;
- давлат солиқ хизмати органининг солиқлар ва бошқа маж-

бурий тўловлар бўйича қарз йўқлиги тўғрисидаги маълумотномасини;

– корхона хужжатларининг давлат архивига топширилганлигини тасдиқловчи маълумотномани тақдим этади.

Рўйхатдан ўтказган орган барча хужжатлар олингандан кейин икки иш куни мобайнида давлат реестрига корхона тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувларни киритади ёхуд улар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаган тақдирда давлат реестрига ёзувлар киритилишини рад этади.

Рўйхатдан ўтказган органнинг қарори у қабул қилинган кундан кейин бир иш куни мобайнида тугатувчига берилади ёки унга почта орқали жўнатилади. Реестрга киритиш рад этилган тақдирда тугатувчига айни бир вақтда олингандан барча хужжатлар, муҳр ва штамплар қайтарилади.

Рўйхатдан ўтказган орган давлат реестрига корхона тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувлар киритилгандан кейин бир ҳафта муддатда:

– корхона тугатилганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати ва статистика органларини хабардор қиласиди;

– тугатилган корхонанинг муҳр ва штамларини ички ишлар органига йўқ қилиш учун топширади;

– корхонага берилган лицензия ва руҳсатномаларни (улар мавжуд бўлган тақдирда) уларни берган органларга топширади;

– Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг корхона жойлашган жойдаги филиалини корхона тугатилганлиги тўғрисида хабардор қиласиди.

### **Ихтиёрий тугатиш муддатлари:**

Тадбиркорлик субъекти – юридик шахсни ихтиёрий тугатишнинг умумий муддати рўйхатдан ўтказган орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган қундан бошлаб тўккиз ойдан ошмаслиги керак. Агар кўрсатилган муддат ўтгунгача хужжатларнинг тўлиқ комплекти рўйхатдан ўтказган органга тақдим этилмаса, ихтиёрий тугатиш тўхтатилади. Рўйхатдан ўтказган орган бир иш куни мобайнида давлат солиқ хизмати ва статистика органларига ихтиёрий тугатиш тўхтатилгани тўғрисида хабар қиласиди.

Ихтиёрий тугатиш муддатда тугалланмагандан, шунингдек ихтиёрий тугатиш ва корхона фаолиятини тиклаш тартиботи тўхтатилганда белгиланган имтиёзлар қўлланмайди ҳамда барча

тегишли тўловлар уларни ҳисоблаб ёзиш тўхтатиб қўйилган давр учун тўлиқ ҳажмда ундирилади.

(«Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида»ги Низом З бўлим)

### **3-§. Давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини юритмаётган корхоналарни ихтиёрий тугатиш тартиби**

**Молия-хўжалик фаолиятини юритмаётган корхоналарни ихтиёрий тугатишнинг фарқли томони шундаки, молия-хўжалик фаолиятини юритмаётган корхоналарда солик текширувлари ўтказилмайди.**

Давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини юритмаётган корхоналарни ихтиёрий тугатиш тартиби «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан амалга оширилади.

#### **3.1. Ихтиёрий тугатиш тўғрисида хабардор қилиш**

Тугатувчи ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг кейинги иш кунидан кечикмай:

а) рўйхатдан ўтказган органга – ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор нусхасини;

б) корхонанинг талаб қилиб олинадиган асосий депозит ҳисоб рақамига (кейинги ўринларда асосий ҳисоб рақами деб аталади) хизмат кўрсатувчи банкка ва корхонанинг хорижий валютадаги маблағлари жамланадиган ваколатли банкка:

– ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор нусхасини;

– имзолар намуналари ва тугатувчи муҳрининг босма изи қўйилган, нотариал тасдиқланган карточкаларнинг икки нусхасини;

в) корхонанинг миллий валютадаги иккиламчи депозит ҳисоб рақамларига, жамғарма депозит ҳисоб рақамларига ва муддатли депозит ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатувчи банкларга – уларни ёпиш ҳамда маблағларнинг мавжуд қолдиқларини унинг миллий валютадаги асосий ҳисоб рақамига ўтказиш тўғрисидаги ариза-топшириқномани;

г) корхонанинг хорижий валютадаги талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамлари, жамғарма депозит ва муддатли депозит ҳисоб рақамлари очилган банкларга – уларни ёпиш ҳамда маблағларнинг мавжуд қолдиқларини унинг депозит ҳисоб рақамларига, унинг миллий валютадаги асосий ҳисоб рақами очилган жойда очилган хорижий валютадаги талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамига ёки, агар унинг асосий ҳисоб рақамига хизмат қўрсатувчи банк ваколатли банк ҳисобланмаса, бошқа ваколатли банкдаги хорижий валютадаги талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамига ўтказиш тўғрисидаги аризатопшириқномани жўнатади.

### **3.2. Рўйхатдан ўтказувчи орган ва банкларни хабардор қилишининг ҳукуқий оқибатлари**

Рўйхатдан ўтказган орган ва банклар хужжатларнинг олинганини ёзма равища тасдиқлаши шарт. Рўйхатдан ўтказган орган ва банкнинг хужжатларни қабул қилиб олган сана тўғрисидаги белги, уларнинг тугатувчига ёзма ёки электрон хабари, хужжатлар рўйхатдан ўтказган орган ва банкка юборилгани ҳақидаги почта квитанцияси ва шу кабилар мазкур хужжатлар олинганлигининг тасдиги ҳисобланади.

а) рўйхатдан ўтказган орган хабардор қилинган санадан бошлаб:

– корхонанинг таъсис хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақиқланади;

– мол-мулкни бегоналаштириш билан боғлиқ бўлган ёхуд мол-мулкни учинчи шахслар томонидан фойдаланиш учун беришга сабаб бўладиган битишувларни амалга оширишга йўл қўйилади;

б) миллий ва хорижий валютадаги талаб қилиб олинадиган асосий ҳисоб рақамига ва иккиласмчи депозит ҳисоб рақамига хизмат қўрсатувчи банклар хабардор қилинган санадан бошлаб:

Шунингдек корхонага хизмат қўрсатувчи барча иккиласмчи депозит ҳисоб рақамлари, жамғарма депозит ҳисоб рақамлари ҳамда муддатли депозит ҳисоб рақамлари:

миллий валютадагилари – улардаги мавжуд маблағларни корхонанинг асосий ҳисоб рақамига ўтказган ҳолда;

хорижий валютадагилари – маблағларнинг мавжуд қолдиқларини корхонанинг миллий валютадаги асосий ҳисоб рақамлари очилган жойда очилган хорижий валютадаги талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамларига ёки, агар унинг асосий ҳисоб

рақамига хизмат қўрсатувчи банк ваколатли банк ҳисобланмаса, бошқа ваколатли банқдаги хорижий валютадаги талаб қилиб оли-надиган депозит ҳисоб рақамига ўтказган ҳолда ёпилади.

### **3.3. Ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин тугатувчининг ҳаракатлари**

а) қонун хужжатларида белгиланган тартибда корхона ходимлари билан меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни тўхтатиш чора-тадбирларини кўради;

б) корхонанинг активлари ва мажбуриятларини қонун хужжатларида белгиланган тартибда хатловдан ўтказади;

в) бир ёки бир неча даврий босма нашрларда корхонанинг тугатилиши тўғрисида эълонлар берилишини ташкил қиласди, эълонларда қўйидагилар кўрсатилади:

– корхонанинг тўлиқ ва қисқартирилган номи (шунингдек корхонанинг тугатишдан олдинги йил мобайнида ўзгартирилган барча тўлиқ ва қисқартирилган номлари кўрсатилади);

– корхонанинг жойлашган жойи (почта манзили), солиқ тўловчи идентификация тартиб рақами;

– рўйхатдан ўтказилган санаси ва рўйхатдан ўтказган орган тўғрисидаги маълумотлар (номи ва манзили);

– ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор тўғрисидаги маълумотлар (санаси, тартиб рақами);

– кредиторларнинг талаблари кўрсатилган ҳолдаги аризаларни қабул қилиш муддати; ушбу муддат кўрсатиб ўтилган эълон чиққан вақтдан бошлаб икки ойдан кам бўлмаслиги керак.

### **3.4. Ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарорни олгандан кейин тугатувчининг ҳаракатлари**

Рўйхатдан ўтказган орган корхонанинг ихтиёрий тугатилганини тўғрисидаги қарор нусхаси олингандан сўнг кейинги кундан кечиктирмай юридик шахсларнинг давлат реестрига корхонанинг ихтиёрий тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумотларни киритади ҳамда бу тўғрида корхона давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги ички ишлар, давлат солиқ хизмати ва статистика органларини хабардор қиласди.

Корхона давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги ички ишлар органи рўйхатдан ўтказган органдан корхонанинг ихтиёрий тугатилганини тўғрисидаги ахборотни олган кунидан бошлаб ўн кун-

дан кечиктирмай рўйхатдан ўтказган органга номи ёзилган амалдаги муҳрлар ва штампларни тайёрлаш учун корхонага берилган барча рухсатномалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

Тугатувчи корхонани давлат реестридан чиқариш учун рўйхатдан ўтказган органга қўйидаги ҳужжатларни:

- бир ёки бир неча даврий босма нашрларда чиқсан корхонанинг ихтиёрий тугатилганлиги тўғрисидаги эълонни;
- давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномани;
- корхонанинг барча ҳисоб рақамлари ёпилганлиги тўғрисида хизмат кўрсатувчи банкларнинг маълумотномаларини;
- корхонанинг муҳр ва штампларини;
- ваколатли органнинг, агар мавжуд бўлса, чиқарилган қимматли қоғозларини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотномасини;
- агар мавжуд бўлса, барча лицензиялар (рухсатномалар)нинг асл нусхаларини;
- давлат солиқ хизмати органининг соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз йўқлиги тўғрисидаги маълумотномасини;
- корхона ҳужжатларининг давлат архивига топширилганлигини тасдиқловчи маълумотномани тақдим этади.

Рўйхатдан ўтказган орган кредиторлар талаблари мавжуд бўлмаган тақдирда қўйидаги саналардан биттаси бошланганда корхона тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувни икки иш куни мобайнида давлат реестрига киритади:

- барча ҳужжатлар олинган сана бошланганда – тақдим этилган ҳужжатларда асосий ҳисоб рақамининг ёпилгани тўғрисида банк маълумотномаси мавжуд бўлган тақдирда;
- давлат солиқ хизмати органининг корхона томонидан банкда асосий ҳисоб рақами очилмаганлигини тасдиқловчи маълумотномаси олинган сана бошланганда –тақдим этилган ҳужжатларда тугатувчининг ҳисоб рақами очилмаганлиги тўғрисидаги хати мавжуд бўлган тақдирда.

Рўйхатдан ўтказган орган корхона тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувларни давлат реестрига киритишни қўйидаги ҳолларда:

- ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмагандан;
- кредиторлар талаблари мавжуд бўлгандан;
- рўйхатдан ўтказган органнинг корхона томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаганлигини тасдиқлаш тўғрисидаги

сўровномасига давлат солиқ хизмати органининг жавоби салбий бўлганда;

– корхона томонидан банкда асосий ҳисоб рақами очилмаганлиги давлат солиқ хизмати органи томонидан тасдиқланмагандарад этиши мумкин.

Рўйхатдан ўтказган органнинг қарори қабул қилинган кунидан кейин бир иш куни мобайнида тугатувчига берилади ёки унга почта орқали жўнатилади. Бунда реестрига киритиш рад этилган тақдирда тугатувчига айни бир вақтда олинган барча хужжатлар, муҳр ва штамплар қайтарилади.

Рўйхатдан ўтказган орган давлат реестрига корхона тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувлар киритилгандан кейин бир ҳафта муддатда:

– корхона тугатилганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати ва статистика органларини хабардор қиласиди;

– тугатилган корхонанинг муҳр ва штампларини ички ишлар органига йўқ қилиш учун топширади;

– Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг корхона жойлашган жойдаги филиалини корхона тугатилганлиги тўғрисида хабардор қиласиди.

Тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахс фаолиятини ихтиёрий тўхтатиш унинг рўйхатдан ўтказган органга тақдим этган аризаси асосида амалга оширилади.

Агар тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахс банкларда ҳисоб рақамлари очилмагани тўғрисида хат тақдим этса рўйхатдан ўтказган орган хат олингандан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахс давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига унинг ҳисоб рақами очмаганлигини тасдиқлаш учун сўровнома юборади. Бунда давлат солиқ хизмати органи сўровнома олинган кундан бошлиб икки кун мобайнида ёзма жавоб юборади.

Рўйхатдан ўтказган органнинг тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахс фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги ёзувни давлат реестрига киритиш ҳақидаги қарори қабул қилингандан сўнг бир иш куни мобайнида тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахснинг бевосита ўзига берилади ёки унга почта орқали жўнатилади.

Тадбиркорлик субъекти сифатида фаолиятининг тўхтатилиши жисмоний шахсни кредиторлар олдидағи унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ мажбуриятларидан озод қилмайди.

Корхона муассислари (қатнашчилари) тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахс, тугатувчи ўзлари тайёрлаган, рўйхатдан ўтказган органга ва давлат солиқ хизмати органига тақдим этган хужжатларнинг тўғрилиги ва қонунчиликка мувофиқлиги учун жавоб берадилар.

(«Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида»ги Низом 49–60-бандлар.)

## **2- б о б . МАЖБУРИЙ ТУГАТИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУГАТИШ**

### **1-§. Тугатилиши лозим бўлган тадбиркорлик субъектларини аниқлаш ва хисобини юритиш тартиби**

*Савдо ва савдо-воситачи корхоналар томонидан банк ҳисоб рақамлари бўйича пул операцияларини ўтказган ҳолда молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаган ҳолларда банклар у ҳисобга қўйилган жойдаги солиқ хизмати органига ахборот тақдим этади.*

*Солиқ органи, корхоналарни тугатиши бўйича тегишли ҳудудий комиссияга корхона фаолиятини бундан кейин давом эттиришининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида сўров юборади ва корхона фаолиятини бундан кейин давом эттиришининг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида маҳсус комиссия холосасини олган тақдирда уч кун муддатда уни корхонани тугатиши тўғрисидаги тақдимнома билан бирга рўйхатдан ўтказувчи органга юборади.*

ЎЗР Президентининг 1999 йил 28 июндаги «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартибини соддалаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида»ги Низом<sup>196</sup> тасдиқланди.

Савдо ва савдо-воситачи корхоналар томонидан уч ой мобайнида, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар – юридик шахслар

<sup>196</sup> Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2006 й., 20–21-сон, 181-модда; 46-47-сон, 458-модда; 2007 й., 23-сон, 237-модда; 2008 й., 52-сон, 523-модда

томонидан эса – олти ой мобайнида банк ҳисоб рақамлари бўйича пул операцияларини ўтказган ҳолда молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаган ҳолларда тижорат банклари уч кун муддатда у ҳисобга қўйилган жойдаги солиқ хизмати органига ахборот тақдим этади, ахборотда қуидагилар кўрсатилиди (2-схемага қаранг, 1-босқич):

– банкда ҳисоб рақами очилган ва охирги операция ўтказилган сана;

– банк ҳисоб рақамларида пул маблағларининг мавжудлиги;

– мавжуд дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг, кредиторлар рўйхати кўрсатилган ҳолдаги 2-картоеканинг мавжудлиги;

– корхонанинг мансабдор шахслари.

Банк ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида суднинг тегишли қарори тақдим этилган тақдирда банклар кейинги иш қунидан кечикмай хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб рақамларини ёпадилар.

Бунда хўжалик юритувчи субъектларнинг ёпилаётган ҳисоб рақамларидаги маблағлар қолдиқлари фойдаланиш хуқуқисиз тижорат банклари томонидан маҳсус ҳисоб рақамларига ўтказилади, хўжалик юритувчи субъектнинг тўлов учун банкка тақдим этилган кредиторлик қарзи эса кўзда тутилмаган ҳолатлар алоҳида ҳисоб рақамига ўтказилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар номига тушган маблағлар уларнинг банқдаги ҳисоб рақамлари ёпилгандан кейин фойдаланиш хуқуқисиз маҳсус ҳисоб рақамларига ўтказилади.

Фойдаланиш хуқуқисиз маҳсус ҳисоб рақамларида жамланган маблағлар тижорат банклари томонидан биринчи навбатда хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетдан ва бюджетдан ташқари фондлардан қарзини тўлашга, қолган сумма эса – тўловларнинг календарь навбати бўйича уларнинг кредиторлик қарзини тўлашга йўналтирилади.

Солиқ органи банк муассасасидан маълумотлар олинган кундан бошлаб икки ҳафта муддатда молия-хўжалик фаолиятини сўнгги олти ой мобайнида амалга ошиրмаган корхоналарни (банк операцияларини уч ой мобайнида амалга оширмаган савдо, савдо-воситачи корхоналарни), шу жумладан:

– давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини бошламаган;

– мол-мулкка эга бўлмаган ва (ёки) мол-мулкини аниқлаш мумкин бўлмаган;

– муассислари (қатнашчилари)нинг турар жойини аниқлаш, тугатиш жараёнига мазкур шахсларни жалб қилишни таъминлаш имкони бўлмаган корхоналарни аниқлади.

Қонунчиликда белгиланган муддатда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирган корхоналарни аниқлаш рўйхатдан ўтказган орган томонидан амалга оширилади.

Солик органлари, қонунчиликда белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарнинг аниқланишига кўра, рўйхатдан ўтказувчи органга мол-мулки бўлмаган ва (ёки) муассислари бедарак бўлган корхоналарни тугатиш тўғрисида тақдимнома юборади.

Колган корхоналар бўйича корхоналарни тугатиш бўйича тегишли худудий маҳсус комиссияга корхоналар фаолиятини бундан кейин давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида сўровномалар юборилади (2-схемага қаранг, 2-босқич).

Рўйхатдан ўтказувчи орган маҳсус комиссияга қонунчиликда белгиланган муддатда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирган корхоналар фаолиятини бундан кейин давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида сўровнома юборади.

Маҳсус комиссия корхона фаолиятини бундан кейин давом эттиришнинг мақсадга мувофиқ эканлиги ёхуд мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида:

солиқ органига – қонунчиликда белгиланган муддатда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган корхоналар бўйича;

рўйхатдан ўтказувчи органга – қонунчиликда белгиланган муддатда ўз устав жамғармасини шакллантирган корхоналар бўйича бир ҳафта муддатда хулоса (карор) юборишга мажбурдир.

ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг маҳсус қарорларига мувофиқ ташкил этилган корхоналар бўйича хулоса маҳсус комиссия томонидан ЎзР Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда қабул қилинади.

Маҳсус комиссия томонидан корхона фаолиятини бундан кейин давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда:

– молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналар бўйича – протокол билан молия-хўжалик фаолиятини тиклаш учун муддат белгиланади ва назорат қилиб борилади;

– қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирган корхоналар бўйича – устав жамғармасини шакллантириш учун муддат белгиланади ва назорат қилиб борилади.

Солиқ органи, корхона фаолиятини бундан кейин давом эттиришнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида маҳсус комиссия хулосасини олган тақдирда уч кун муддатда уни корхонани тугатиш тўғрисидаги тақдимнома билан бирга рўйхатдан ўтказувчи органга юборади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган (фаолият кўрсатмаётган корхоналар) ва қонунчиликда белгиланган муддатда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантиргани сифатида тугатиладиган корхоналар реестрини юритади.

Рўйхатдан ўтказувчи органлар фаолият кўрсатмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддат мобайнида устав жамғармаларини шакллантиргани корхоналар реестрига киритилган корхоналар тўғрисида улар бўйича алоҳида ҳисоб олиб борувчи тегишли статистика органларига ҳар ойда маълумотлар тақдим этади.

Кўрсатиб ўтилган реестрга устав жамғармасини қонун хужжатларида белгиланган муддат мобайнида шакллантиргани акциядорлик жамияти шаклидаги корхона тўғрисида ёзувлар киритишда рўйхатдан ўтказувчи орган бундай ёзувлар киритилган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда бу тўғрида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи давлат ваколатли органини хабардор қиласи (Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантиргани корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисидаги Низом II -бўлими).

## **2-§. Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиби**

Рўйхатдан ўтказувчи орган солиқ органининг тақдимномасини ёки маҳсус комиссиянинг хулосасини олган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда муассисларга (қатнашчиларга) асосларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда, корхонани ихтиёрий тугатишни тақлиф этади. Агар корхона икки ҳафта муддатда ихтиёрий тугатишга киришмаган тақдирда, рўйхатга оловчи орган хўжалик судига корхонани тугатиш тўғрисидаги даъво аризасини юборади. Хўжалик суди томонидан корхонани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда тугатиш жараёни унинг топшириғига кўра маҳсус комиссия томонидан амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатда ўз устав жамғармасини шакллантирганинг корхоналар фаолиятини бундан кейин давом эттиришнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида солиқ органининг тақдимномасини ёки маҳсус комиссиянинг хуносасини олган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда муассисларга (қатнашчиларга) асосларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда, корхонани ихтиёрий тугатишни таклиф этади (2-схемага қаранг, 5 ва 6-босқич).

Агар корхона икки ҳафта муддатда (акциядорлик жамияти – бир ой муддатда) ихтиёрий тугатишга киришмаган ёхуд корхона муассислари (қатнашчилар) ихтиёрий тугатишни амалга оширишни рад этган, шунингдек кўрсатиб ўтилган шахсларни аниқлаш мумкин бўлмаган тақдирда, рўйхатга олувчи орган бир ҳафта муддатда хўжалик судига корхонани тугатиш тўғрисидаги даъво аризасини белгиланган тартибда юборади (2-схемага қаранг, 7-босқич). Хўжалик суди томонидан корхонани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда тугатиш жараёни унинг топшириғига кўра маҳсус комиссия томонидан амалга оширилади (2-схемага қаранг, 8-босқич).

Корхонани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган хўжалик суди бу ҳақда корхонани давлат рўйхатидан ўтказган органга, маҳсус комиссияга, шунингдек қимматли қофозлар бозорини тартибга солувчи давлат ваколатли органига (агар корхона акциядорлик жамияти бўлса) ёзма равишда хабар бериши шарт. Бунинг асосида:

- рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг давлат реестрига корхона тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумотларни киритади;
- маҳсус комиссия корхонани тугатишни амалга оширишга киришади;
- қимматли қофозлар бозорини тартибга солувчи давлат ваколатли органи Эмиссиявий қимматли қофозлар чиқариш Ягона давлат реестрига тегишли ёзувларни киритади.

Хўжалик судининг қарори кучга кирган вақтдан бошлаб корхона ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар маҳсус комиссияга ўтади. Тугатиш комиссияси корхонанинг пул маблағларини битта банқда сўмлардаги ягона ва валютадаги ягона ҳисобваракларида (маҳсус ҳисобвараги) жамлайди.

Маҳсус комиссияси уч кун муддатда бир ёки бир неча дав-

рий босма нашрларда корхонанинг тугатилиши тўғрисида эълон берилишини ташкил этади. Тугатиш тўғрисидаги эълонда юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги, кредиторларнинг талаблари кўрсатилган аризаларни қабул қилиш муддати кўрсатилади, бу муддат мазкур эълон чиқарилган вақтдан бошлаб икки ойдан кам бўлмаслиги керак.

#### Махсус комиссияси:

- кредиторларни аниқлаш чора-тадбирларини кўришга ва уларни юридик шахснинг тугатилиши тўғрисида хабардор қилишга;
- дебиторлик қарзларни ундириб олишга;
- корхонанинг мавжуд мол-мулкини хатловдан ўтказишга мажбур.

Кредиторлар томонидан талаблар тақдим этиш муддати тугагандан сўнг махсус комиссияси тугатилаётган корхона мол-мулки таркиби тўғрисидаги маълумотлар, кредиторлар томонидан қўйилган талаблар рўйхати, шунингдек уларни кўриб чиқиш натижалари кўрсатилган оралиқ тугатиш баланси лойиҳасини тузади ва келишиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга юборади, унга кўйидаги хужжатлар илова қилинади:

- корхонани тугатиш жараёни бошланганлиги тўғрисида матбуот органларида берилган эълоннинг нусхаси;
- хизмат кўрсатувчи банкнинг тугатиш ҳисобварағида маблағларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотномаси ва мавжуд кредиторлик қарзлари бўйича маълумотлар;
- кредиторлар ёзма равишда хабардор қилинганлигини тасдиқловчи хужжатлар нусхаси.

Кўрсатиб ўтилган хужжатлар олинган вақтдан бошлаб уч кун мобайнида рўйхатдан ўтказувчи орган оралиқ тугатиш баланси лойиҳасига розилик берганлиги ёки рад этишнинг аниқ сабабларни кўрсатган ҳолда розилик беришни рад этганлиги тўғрисида ёзма хабар бериши шарт. Оралиқ тугатиш баланси рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишилгандан кейин махсус комиссия томонидан тасдиқланади.

Тугатилаётган корхона кредиторларига пул маблағлари оралиқ тугатиш балансига мувофик, у тасдиқланган кундан бошлаб ЎзР ФКнинг 56-моддасида белгиланган навбатга кўра махсус комиссияси томонидан тўланади.

Агар тугатилаётган корхонанинг мавжуд пул маблағлари кредиторлар талабларини қондириш учун етарли бўлмаса махсус ко-

миссияси корхонанинг мол-мулкини қонунчиликда белгиланган тартибда сотади.

Молия хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирган тугатилаётган корхоналарнинг маблағлари ва мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, уларнинг бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича тўланмаган қарзлари ЎзР Давлат солиқ қўмитаси тақдимномасига кўра Хисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Хукумат комиссияси қарори билан ҳисобдан чиқарилади. ЎзР Давлат солиқ қўмитаси ва бюджетдан ташқари жамғармалар улар томонидан ҳисобдан чиқарилган қарздорлик суммаларининг алоҳида ҳисобини юритадилар.

Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича тўланмаган қарзларнинг пайдо бўлишига йўл қўйган тугатилаётган корхоналар мансабдор шахсларига нисбатан материаллар давлат солиқ хизмати органлари ва бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан айбдор шахсларни қонун билан белгиланган жавобгарликка тортиш ва давлатга етказилган моддий зарарни қоплаш учун хукуқни муҳофаза қилиш органларига берилади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугаллангандан кейин маҳсус комиссия кредиторлар билан ҳисоб-китобларни тасдиқловчи банк тўлов хужжатлари нусхаларини илова қилган ҳолда тугатиш баланси лойиҳасини тузади ва келишиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга юборади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган хужжатлар олинган вақтдан бошлиб уч кун мобайнида тугатиш баланси лойиҳаси келишилганлиги ёхуд, рад этишнинг аниқ сабабларини кўрсатган ҳолда, келишиш рад этилганлиги тўғрисида ёзма билдиришнома бериши шарт.

Тугатиш баланси худудий маҳсус комиссия томонидан тасдиқланади.

Юридик шахснинг кредиторлар талаблари қондирилгандан ва тугатиш баланси тасдиқлангандан сўнг қолган мол-мулки, қонунчиликда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, унинг ушбу мол-мулкка мулкий хукуқларга ёки шу юридик шахсга нисбатан мажбурий хукуққа эга бўлган муассислари (қатнашчилари) га берилади.

Маҳсус комиссияси банқдаги тугатиш ҳисобварагини ёпа-

ди, ички ишлар органларига йўқ қилиш учун мухр, бурчакли ва бошқа штампларни топширади, тегишли маълумотномалар олади.

Корхонанинг товар белгиси мавжуд бўлса маҳсус комиссияси тегишли органларга корхонанинг тугатилиши муносабати билан товар белгисининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш ҳақида хат жўнатади. Маҳсус комиссия тугатиш ишлари тугалланганлигини (қолган мол-мулк тақсимотини ҳисобга олган ҳолда) протокол билан расмийлаштиради.

Корхонанинг тугатиш ҳужжатлари тўлиқ пакети тўплангандан сўнг маҳсус комиссия тугатилаётган корхонани юридик шахсларнинг Давлат реестридан чиқариш тўғрисида қуидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан рўйхатдан ўтказувчи органга мурожаат қиласди.

- давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
- банк муассасасининг тугатиш ҳисобварағи ёпилганлигини тасдиқловчи маълумотномаси;
- ички ишлар органининг корхонанинг мухрлари ва штамплали йўқ қилиш учун топширилганлигини тасдиқловчи маълумотномаси;
- маҳсус комиссиянинг тугатиш балансини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори, солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган тугатиш балансини илова қилган ҳолда;
- солиқ органининг бюджетдан ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарзларнинг мавжуд эмаслиги ёки уларнинг ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотномаси;
- корхонанинг ҳужжатлари Давлат архивига топширилганлигини тасдиқловчи маълумотнома (2-схемага қаранг, 9-босқич).

Рўйхатдан ўтказувчи орган юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар асосида уч кун муддатда корхонани унинг тугатилиши муносабати билан юридик шахслар давлат реестридан чиқариш тўғрисида қарор қабул қиласди ва юридик шахслар давлат реестрига бу ҳақда ёзиб қўяди ҳамда Пенсия жамғармаси, Иш билан таъминлаш жамғармаси, статистика органлари, солиқ органига хабар юборади, улар уч кун муддатда корхонани ҳисобдан чиқаришлари шарт.

Юридик шахслар давлат реестрига тугатиш ҳақида ёзиб қўйилгандан сўнг корхонани тугатиш якунланган, корхона эса мавжуд эмас деб ҳисобланади.

(Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирганинг тугатиш тартиби тўғрисидаги Низом ІІІ-бўлими) (2-схемага қаранг, 10-босқич)

### **3-§. Давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини юритмаётган корхоналарни тугатишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилишда ҳудудий маҳсус комиссия қўйидаги харакатларни амалга оширадилар:

- корхонанинг тугатилиши тўғрисида матбуотда эълон берадилар;
- банк муассасаларидаги фойдаланиш ҳуқуқини бермайдиган маҳсус ҳисобварафи ҳамда кутилмаган ҳолатлар ҳисобварафини ёпадилар;
- муҳрлар ва штампларни йўқотиш учун ички ишлар органларига топширадилар;
- рўйхатдан ўтказувчи органга корхонани давлат реестридан чиқариш тўғрисида ариза билан мурожаат қиласадилар.

Матбуотда корхонанинг тугатилиши тўғрисида эълон чиққандан сўнг камида бир ойдан кейин қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилганда корхона рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан давлат реестридан чиқарилиши мумкин:

- корхонани унинг тугатилиши муносабати билан юридик шахслар давлат реестридан чиқариш тўғрисидаги ариза;
- хўжалик судининг корхонани тугатиш тўғрисидаги қарори;
- давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг;
- банк муассасасининг фойдаланиш ҳуқуқини бермайдиган маҳсус ҳисобварафи ҳамда кутилмаган ҳолатлар ҳисобварафи ёпилганинги тасдиқловчи ҳужжати;
- тегишли ички ишлар органининг корхона муҳрлари ва штамплари йўқ қилиш учун топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжати;
- солиқ органининг корхона давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини амалга оширганинг тўғрисидаги маълумотномаси;

- оммавий ахборот воситаларида корхонанинг тугатилиши тўғрисида эълон чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- солиқ органи томонидан тасдиқланган тугатиш баланси;
- ҳужжатлар Давлат архивига топширилганлигини тасдиқловчи маълумотнома.

(Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирумаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисидаги Низом IV-бўлими)

#### **4-§. Таъсисчилари бўлмаган корхоналарни тугатишининг ўзига хос хусусиятлари**

Муассислари бедарак бўлган корхоналар бўйича рўйхатдан ўтказувчи органлар матбуотда улар томонидан корхоналарни тугатиш жараёнининг бошланиши тўғрисида эълон берадилар ҳамда айни пайтда:


- ички ишлар органларига – муассислар ва мансабдор шахсларни қидириш чора-тадбирларини кўриш;
- мазкур корхоналарга хизмат кўрсатувчи банк муассасаларига – уларнинг банк ҳисобварақларини белгиланган тартибда ёпиш учун тегишли ахборот юборадилар.

Агар уч ойдан сўнг муассислар (қатнашчилар) келмаса ёки топилмаса, рўйхатдан ўтказувчи орган бир ҳафта муддатда корхонани тугатиш тўғрисида хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қиласи. Хўжалик суди томонидан корхонани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда тугатиш жараёни унинг топшириғига кўра худудий маҳсус комиссия томонидан амалга оширилади. Корхонани тугатиш амалга оширилади.

Корхонани тугатиш жараёни тугаллангандан сўнг қолган мол-мулк тегишли орган томонидан эгасиз мол-мулк сифатида ҳисобга олинади. Тугатиш жараёни тугаллангандан сўнг қолган пул маблағлари мавжуд бўлган тақдирда маҳсус комиссия улар ҳисобига мол-мулк сақланишини ташкил қиласи. Сақлаш муддати тугатиш жараёни тугаллангандан кейин уч йилдан ошмаслиги керак. Пул маблағлари мавжуд бўлмаганда ёки уч йиллик муддат мобайнида сақлаш учун сарфланиб бўлган тақдирда, мол-мулк сақланмайди ва сотиб юборилади. Тушган маблағлар, операция харажатларидан ташқари, банкда ушбу мақсад учун маҳсус очиладиган ҳисобварақقا ўтказилади. Кўрсатиб ўтилган маблағлар

бедарак бўлган муассислар (қатнашчилар) мулки ҳисобланади ва корхона тугатилган вақтдан камида уч йилдан сўнг маҳаллий бюджетга ўтказилиши керак.

(Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисидаги Низом V бўлими.)





---

## **ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ХҮЖЖАТЛАР РҮЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги Қонуни.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Ипотека тўғрисида»ги Қонуни.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сонли «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 28 июнданги ПФ-2331-сонли «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирган корхоналарни тугатиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сонли қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги Низом.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЯПОНИЯ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК АГЕНТЛИГИ (ЛСА)

---

**Тадбиркорлик соҳасида маъмурий  
тартиб-қоидалар бўйича**

**ҚЎЛЛАНМА**

«Sharq» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2011

Муҳаррир *A. Аҳмедов*  
Бадиий муҳаррир *Ф. Башарова*  
Техник муҳаррир *Л. Хижсова*  
Саҳифаловчи *Л. Цой*

**Нашр лицензияси АI 1 201, 28.08.2011 й.**

Теришга берилди: 14.09.2011. Босишига рухсат этилди 13.10.2011.

Бичими 60 x 90  $\frac{1}{32}$ , «Times New Roman» гарнитураси.

Шартли босма табоги 25,0. Нашриёт-хисоб табоги 25,62.

Адади 1000 дона. Буюртма № 1773.

**«Sharq» нашриёт-матбaa акциядорлик  
компаниясининг босмахонаси,  
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турун кўчаси, 41.**